

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ




Тошкент



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Адабий таълим ва ёшлар тарбияси

(Республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий
анжуман материаллари асосидаги мақолалар
тўплами)
3-китоб



Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Низомий номидаги ТДПУ ҳамкорликда 2010 йил 8 февралда ўтказиладиган Республика илмий-назарий анжумани материалларидан ташкил топган.

Таҳрир ҳайъати:

- Хайдаров Ф.И.** – Университет ректори, бош муҳаррир
- Муслимов Н.** – илмий ишлар бўйича проректор в.б.
- Тўхлиев Б.** – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор, масъул муҳаррир
- Махмудов Н.** – «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор
- Мирқосимова М** – «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор
- Расулов Р.** – «Умумий тилшунослик» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор
- Йўлдошев М.** – Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори
- Ниёзметова Р.** – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори
- Ашуррова Г** – «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси катта ўқитувчisi, филология фанлари номзоди
- Ниёзметова Т.** – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
- Жумашов Д.** – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчisi
- Доссанов К.** – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчisi

Такризчилар:

- Хомидов Х.** – филология фанлари доктори, профессор
- Лапасов Ў.** – ЎзДШИ доценти, филология фанлари номзоди

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг
2010 йил 28 январдаги 6-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

ЎҚУВЧИ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ ОМИЛЛАРИ

**Мирқосимова М.,
п. ф. д. проф. (ТДПУ)**

Адабиёт - инсоншунослик. Бадий асарлар марказида ҳамиша инсон образи турди. Ўқитувчининг диққат марказида эса - ўқувчи. Адабий таълим ҳам ўқувчи маънавий оламини юксалтиришни, қалбини гўзаллаштиришни кўзлайди. Адабиётшунос маълум маънода, бадий асар ва унинг ижодкори билан китобхон ўртасида талқинчи вазифасини бажаради. Адабиёт ўқитувчиси ҳам ўз ўқувчиларини бадиият оламига олиб киришда талқинчилик маҳоратидан фойдаланади. Методист олим ҳам адабиётшунос, ҳам ўқитувчи бўлиши; ўз илмий фаолиятини таълим жараёни билан чамбарчас боғликликда олиб бориши шарт.

Ҳозирги ўзбек адабиётига хос етакчи тенденциялар таъсирини адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ижодкорлар инсоннинг ўзлигини англаш, ўз кўнгилоламига яқинлашиш жараёнини бор мураккаблиги, руҳий қалқишилари или тасвирлашга интилмоқдалар. Руҳий драмалар ичидаги "мен" нинг кечинмалари кўламдорлиги, сермавжлиги, кўпоҳанглилиги билан ажralиб турди. Инсон руҳияти кенгликлари рамзларда, бадий бўёқларда манзараланмоқда. Ўзлигини кашф этган инсон ўзгани англайди, эл-юрт дардларини ҳис қила олади. Аммо ўзликни англаш учун инсондан маънавий етуклик талаб қилинадики, адабий таълимнинг бош мақсад-муддаосини ҳам яратувчи, фидойи, эл-юрт дардларига дардкаш, юксак маънавиятли ёшларни шакллантириш ташкил этади. Давримиз, жамиятимиз, тараққиётимиз шарти, эҳтиёжи туфайли юксак маънавият сари интилмоқдамиз. Ахборот технологиялари аспи ўқувчисини гўзалликка, табиийликка, эзгуликка чорлаш; бадиият оламига хос жозибаданбаҳраманд этишнинг замонавий метод ва усулларини излаш; адабий таълим мазмунини такомиллаштириш илфор илмий қарашлар ва амалий тажрибаларни талаб этади; оддий китобхон ўқувчини эстетик диidi, мустақил фикри, нуқтаи назари шаклланган, коммуникатив саводхонлиги юксалган, яратувчи шахс даражасини зabit этишга таъсир кўрсатиш, ана шунга мос шароит яратиш ўқитувчилар, методист олимлар зиммасидаги вазифа. Таълим мазмунида рўй берган янгиланишга яқинлашиш унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади; адабий таълим замирида гедонизм, яъни бадий асарларни тушуниш, образлар моҳиятини чукур англаш орқали ўқувчининг за вқланиш, эҳтирос туйғуларини туйиши ҳақидаги қарашлар адабий

таълим амалиётидан ўз ўрнини топди. Ёш авлодни мустақил фикр-лайдиган, ностандарт, мураккаб вазиятларда тўғри ечим топиш йўлида изланадиган қилиб тарбиялаш масаласи - талим-тарбияни трансакция фалсафаси асосида ташкил этиш foяси ўзбек методикасида илмий талқинини топди. Тўғри, бу муаммо XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон, хусусан, рус педагогикасида янгича назарий концепция сифатида тадқиқ қилинган. Мустақиллик даври ўзбек методикаси билан жаҳон амалиётида самарали деб тан олинган илгор назарий қарашларнинг мазмунан уйғунлашуви, шубҳасиз, ижобий ҳодиса. Бугунги адабий таълим миллый ўзанларида, айни чоғда жаҳон тарбияшунослиги эришган ютуқлар даражасида равнақ топиши лозим.

Адабий таълимнинг ўзак масалаларидан бирини бадиий асар таҳлили муаммоси ташкил қилас экан, биз таълим мазмунини такомиллаштиришга ҳизмат қилувчи тавсияларга эҳтиёж сезамиз.Хусусан, шоир Усмон Носир ижодини ўрганишда бадиий таҳлилнинг ўрни масаласида ўз тавсияларимизни баён қиласиз.

Шоир Усмон Носир услугига хос жозибадорлик, жўшқинлик, бадиий рангларнинг куюқлиги, нафис чизгилар бадиий тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиши натижасида юзага келган. "Тифлис оқшоми", "ХайрСеван", "Кораб" сингари шеърларидан шоир гўзал табиат манзараларини, денгиз соҳилларини, бепоён уфқ рангларини, "сувларга бош қўйган" кенг осмонни, "мармар сув"ларни марварид донасида оппоқ томчиларни, шўх, эркин тўлқинларни ҳаяжон билан тасвирлади. Шоир чизгилари поэтик бўёқлар воситасида гоҳ нафис, гоҳ куюқ рангларга чўлғаниб, унинг ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари билан уйғунлик ҳосил қиласи. "Кораб" шеърига эътиборни қаратсак, оқшом чоғидаги туманли тоглар кўз ўнгимизда жонланади:

Оқшом тушди, тоғни туман босди,

Юлдуз билан тўлди денгиз ости.

Ўйнайди шамол

Ухлайди шамол...

Денгиз остининг юлдуз билан тўлишини тасаввур қила оласизми? Шоир кўкда порлаган юлдузлар аксини, юлдузлар ёғдусининг денгиз сиртидаги чайқалиб товланишини "юлдуз билан тўлди денгиз ости" дея тасвирляяпти; агар шамол уйғонса, сокин денгиз ҳаракатга келиб, даҳшатли тус олиши мумкин, ўқириб, қирғоқларни ўпирашиб, бўронга айланиши ҳеч гап эмас.

Шоир ана шу бўрону довулларни енгигб, ҳамиша олға интилиб келаётган тоғдай буюк Корабгатикилиб, унинг тимсолида чақмоқ, бўронлардан тап тортмайдиган, мақсад сари интилувчи, ўлим, кўркув, йўқлик кўрқитолмайдиган, тилаклари қўлда байроқ мисол қадди тик, иродали, мард инсонни тасаввур қиласи. Ана шундай

инсонлар бор экан эзгу тилаклар "кўэгудаги чироқ"дай, яъни қалб-ни ёритиб турувчи маёқ каби курашларга, улкан зафарларга олиб бориши аниқ!

Шеърнинг охирги банди қуйидагича якунланади:

"Оқшом тушган, тогни туман босган,

тиник сувда чўкиб ётар осмон...

Мен қараб қолдим,

Кенг нафас олдим."

Агар диққат қиласангиз шеърнинг илкбандида шоир айнан шу манзарани ўзгача тасвирлаган эди:

Оқшом тушди, тогни туман босди...

Нима учун охирги бандда ўтган замон феъл шакли: тушган босган тарзида қўлланган, нима учун шоир бу манзарага қараб қолди ва кенг нафас олди? Бу холат қандай поэтик маъноларни ифода этмоқда?

Гап шундаки, сувларни қалқитиб, олға қараб келаётган буюк Кораб бўрону чақмоқлар, қоронгулик, кўз илғамас туманли тунларни ёриб, тап тортмай келаётган экан, унга оқшом чоғидаги гира-шира тоғ туманлари њеч гап эмас, ахир унинг эзгу тилаклари, мақсадлари сувдай тиник, осмондай улкан, аниқ ва ёрқин! Шу боис "сувда чўкиб ётар осмон...". яъни унинг денгиздаги йўллари билан осмонмисол мақсадлари бирлашиб кетган. Буни ҳис этган шоир Корабнинг буюклигига ичдан тан бериб, ҳавас билан тикилиб қолди, шундай инсонлар борлигидан қаноат ҳосил қилиб, кенг нафас олди.

Энди шеърнинг бадиий хусусиятларига яна бир карра назар ташлайлик: ўхшатиш, (тоғдай буюк кораб), жонлантириш, (ўйнайди шамол, ухлайди шамол), кўчимлардан моҳирона фойдаланиш (юлдузлар билан тўлди денгиз ости... ёки тилак байроқ, тилак кўзда чироқ...). Поэтик тил воситасида образли ифодалар аниқ, лўнда, ихчам тарзда берилганлиги:

Париллаб ёнур,

Недан тап тортур.

Нафис чизгилар китобхон қалбини ҳаяжонлантиради:

Сувлар чайқалди,

Ой қалқиб қолди.

Шеър оҳангининг гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тарзда ўзгариб туриши денгизнинг ҳолатини ёрқин ифода этишга мослаштирилган. Манзара тасвиридан образга кўчиш, образдан унинг ички ҳаракат-ҳолатига ўтишда ранг рамзлардан, образ-рамздан санъаткорона фойдаланилган.

У.Носирнинг "Кораб" шеъри бадиий баркамоллиги жиҳатидан бугунги кун китобхонлари қалбига ҳам илиқ туйғуларни жойлади. Миллий истиқбол даврида ҳалқимиз бир тан, бир жон бўлиб, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида курашишдай ул-

кан мақсад билан ҳаракат қилса, сиз каби ёшлар тогдай буюк Кораб сингари ҳаёт синовларига чидамли, мард, иродали Инсон бўлиб вояга етсангиз, ислоҳотлар даврининг барча муаммолари ўз ечи мини топади. Энг муҳими эзгу тилаклар шоир айтганидай парилаб ёнсин, кўлда компас мисол маёққа айлансин, шунда ҳеч шубҳасиз "Бўйсунар зафар!"

Шоирнинг 5-синф ўқув дастурида берилган "Юр, тоғларга чиқайлик", "Йўлчи", "Болалигимга", "Ёшлик" каби шеърларини ҳам бевосита матн таҳлили давомида шеърий санъатларни қўллашдаги ижодкор маҳоратини ёритиш орқали ўрганиш мумкин. "Тор келган кўнгил", "Кўзга беркитилган ой", "Чарчаган тил" сингари образли ифодалар, поэтик кўчимларга ўқувчилар эътиборини қаратиб, уларнинг бадиий вазифаларини шеър матнига таянган ҳолда ёритиш ва мустаҳкамловчи саволлар орқали ўқувчиларни мустақил таҳлилга йўллаш мумкин.

Шоирнинг "Йўлчи" шеърини таҳлил қилиш воситасида поэтик тафаккур ҳақида назарий тушунча бериш усувларига дикқатни тортамиз.

Йўлчиман манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг тубига яқин.
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин
Чайқалар кўзларим тикилган сари
О, йўллар!...

Шеърнинг илк мисраларини ифодали ўқиши чоғидаёқ ўқувчи кўз олдида "Йўлчи" образи гавдаланади. Бинобарин, Усмон Носир яратган ранг-бараңг образлар ичида "Йўлчи" шоир қиёфасини тўла ҳолда ёритувчи, унинг ўзигагина хос қалб кечинмаларини ифода қилувчи жонли ва таъсиранчан образ ҳисобланади. Хўш, "Йўлчи" ким ва унинг мashaқатли ҳаёт йўлини босиб ўтишдан муроду мақсади нима? Биз ҳозиргина ўқиб, таъсиранган шеър мисраларида Йўлчи ўз манзилининг ниҳоятда олис, "ложувард уфқнинг тубига яқин" эканлигини сўзламоқда. Кўнглидаги дардлари "дарёдек оқин" Йўлчи ўз манзилининг ниҳоясини кўрмоқ истагида кўзда ёш билан йўлларга тикилаётганинги, йўлларнинг эса охири йўқлигини ҳис қиласиз.

Чу қора тойчогим! Чу қора йўргам!
Муродга қасд қилиб юргурган етур.
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?
Тириклик не керак, бемақсад, бегам?
Чу, қора йўргам?

Ушбу мисралар орқали биз эзгу мақсад ила ҳаёт синовларига дош беришга қодир, юксак эътиқод учун курашга бел боғлаган, бегам, бемақсад яшаётдан кўра ўлимни афзал билувчи иродали, мақсадли, курашchan инсонни - Йўлчини тасаввур қиласиз. У барчамизни ёниб яшаётганлигини

англаймиз. Демак, Йўлчи образи орқали шоирнинг имон-эътиқоди моҳиятини билиб оламиз. Шеърий тафаккур шоир ифода қилаётган фой мазмуни билан имон-эътиқоди моҳиятининг шеърий шаклдаги ифодасидир. Зеро, шеърда тилга олинган "қора тойчоқ" қандай маъноларни ифода қиласди? Нима учун шоир Йўлчи билан машаққатли ҳаёт йўлида ҳамкор, ҳамдард, вафодор тойчоқса нисбатан "қора" рангини кўллаган?

Гап шундаки, Йўлчининг ҳамроҳи тойчоқ ҳам у билан бирга барча ҳаёт синовларига дош бермоқда, олис йўлларни босиб ўтмоқда. Ҳалқ ичида оғир мاشаққатлардан руҳан эзилган одамларга нисбатан у чўнг темирдай қорайиб кетибди, деган ўхшатиш кўлланади. Бу ўринда шоир Йўлчининг бошидан кечган мусибатлар, ғам-аламлар, руҳий изтиробларни билан ҳамкор тойчоқнинг "қора" рангига ишора қилиш орқали ифода этмоқда-ки, ўринли ишлатилган ўхшатиш, жонлантириш, бадиий ранг-рамз образ қиёфасини, руҳиятини англаш имконини берган. "Чу, қора йўргам!" мисрасининг такрор кўлланиши воситасида бу маънолар миқёси янада кенгайган: ҳаётнинг оғир синовларига фақат буюк мақсад учун яшаб, эзгу тилаклар учун кураша оладиган, алоҳида қатъий, иродали, мард инсонларгина дош бера оладилар! Йўлчининг анна шундай матонатли инсон образи эканлигини ҳар сафар ўзи танлаган йўлга олға интилишидан, "Чу, қора йўргам!" -дека хитоб қилишидан билиш мумкин.

Хўш, шеърда қандай бадиий тасвир воситалари кўлланган? "Ложувард уфқни" Сиз қандай тасаввур қилдингиз? Йўлчи манзилининг "Ложувард уфқ" тубига яқинлиги қандай маънони англатади? Йўлчи кўнглидаги дардларининг "чайқалиши"ни Сиз қандай изоҳлайсиз? Шеърдан қофиядош сўзларни топинг.

Шоир қандай ҳалқ мақолидан Йўлчи образини бадиий гавдалантиришда фойдаланган? "Бўронни севмаса, дил нечун тепур?" - риторик сўроқ усулидан шоир қандай мақсадда фойдаланган, деб ўйлайсиз? каби савол ва топшириқларни ўқувчиларга тарқатиш воситасида шеърни янада кенг таҳлил қилиш мумкин.

ТЎГАРАКЛАР – ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ **Тўхлиев Б., Ашурова Г., Тўхлиева Д. (ТДПУ)**

Тўгараклар фаолиятини ташкил этиш талабалар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг муҳим омили эканлигини эътироф этиш керак. Биз мулҳазаларимизни "Навоийни ўрганамиз" тўгараги мисолида баён этишга ҳаракат қиласмиз. Ушбу тўгарак ЎЗР ОЎМТВ-нинг "Шахснинг маънавий камолотини белгиловчи фазилатлар" умумий дастуридаги таркибий қисмлардан биридир. У Навоийнинг лирик ва эпик асарларни ўрганиш асосида юксак маънавиятли шахс

моделига кирувчи асосий фазилатларнинг буюк Алишер Навоий асарларида намоён бўлиш шакллари ва ўзига хосликларини илмий-ижодий таҳлил қилиш асосида талабаларнинг Навоий асарларига бўлган қизиқишларини ошириш, уларда Навоий асарларини ўқиш, тушуниш ва таҳлил қилишга оид кўнишка ва малакаларини янада такомиллашатиришни кўзда тутади

Тўғаракнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгиланган:

- Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид тарихий, илмий, бадиий асарларни мустақил (аудиториядан ташқари) ишлар имкониятлари доирасида таҳлил қилиш;

- Навоий асарларида акс этган юксак маънавий фазилатлар тараннумини, шунингдек, инсон шаънига номуносиб бўлган ҳаракат ва хусусиятлар танқидининг моҳиятини ўрганиш;

- Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросининг жамиятимиз, алоҳида олинган инсон, шунингдек, бутун инсоният ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини унинг лирик ва эпик асарлари мисолида ёритиб бериш, бунда ишонтириш, лирик ва эпик асаралар таҳлили мавзудаги сұхбат ва ҳикояларни таҳлил этиш, тушунтириш, баҳс-мунозара, намуна кўрсатиш сингари шакл ва усуллардан фойдаланиш;

- Навоий бадиий меросининг мазмун-моҳиятини маънавиятшуносликнинг умумназарий мезонлари асосида қиёсий таҳлил қилиш;

- жамиятни модернизация қилиш жараёнида Навоий асарларини ўрганиш билан алоқадор бўлган тушунчалар ва тамоилларга янгича ёндошувни қарор топтириш;

- Навоий олға сурган ғоя ва образларнинг умумбашарий аҳамияти ва уларнинг мақсадли йўналтирилганлигини бугунги кунда маънавий соҳада олиб борилаётган ишлар мисолида ёритиб бериш.

Тўғарак ишини ташкил этишда анъанавий усуллар билан замонавий педагогик ҳамда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Биз кўпроқ фандаги янгиликларни етказишда аудио ҳамда видео техника имкониятларига таянишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ҳозиргача Навоий ғазалларининг шу тарздаги ўнта машғулот режаси ва унинг материаллари тайёрланди. Бу соҳадаги ишлар давом этмоқда.

АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДАН НОАНЬНАВИЙ ДАРС

Каримова Д., ф.ф.н., доц. (ТДПУ)

Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари биринчи жараёнда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини 12 соат давомида ўрганишади. Навоий лирикаси ҳақида маълумот беришда шоирнинг "Қаро кўзум" газалини ўқиб - ўрганиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти фойдалари оқидир. Бунда "ноанъянавий" дарс бериш усулидан фойдаланиб, аввало муаммоли вазият ҳосил қилинади.

Ўқитувчи ғазал матни ёзилган кўргазмани доскага илади (ёки олдиндан ёзиб қўяди);

Саволлар:

- Ўқувчилар, сиз бу ғазал билан танишмисизлар?
- У ҳақда нималарни биласиз?
- Ғазал қофиялари, радифини аниқланг;
- Бу ғазал қандай ғазаллар сирасига киради? (якпора, воқебанд, мустақил байтлардан тузилган ғазал...)

Ўқувчилар бу саволларга жавоб берадилар. Бир-бирларининг жавобларини тўлдирадилар.

Ўқитувчининг нутқи эса ўқувчиларнинг фикрларини муайян изчилликда, тўлиқ маълумотлар ҳолатида сингдиради. Ғазал жанри ҳақида ги маълумот мавзуни адабиёт назарияси билан боғлайди.

- Ғазал якпора ғазал бўлиб, арузнинг "Мұжтасси мусаммани маҳбуни мақтуу мусабба" вазнида ёзилганлигини, унда мадҳ этиш, изҳор қилиш услубида, ишқий-фалсафий мавзуда эканлиги тушунтирилади.

- Техника воситаси магнитофон ёки ДВД диски ёрдамида "Қаро кўзум" қўшиғи ижросини қўйиб эшиттиради;

- Қўшиқ ижрочилиари, мусиқа басталаган ҳофизларнинг суратлари кўрсатилиб улар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериш мумкин; (Муножот Йўлчиева, Ўқтам Ахмедов, Мухаммаджон Каримов...)

Навоий асарларига ишланган суратлардан шу ғазал мазмунига (ошиқ ва маъшуқа тасвири) мосларидан фойдаланади; Ўқувчилар суратни тасвирлаб, ўз фикрларини баён этадилар.

Ғазалдаги қийин сўзлар луфати ёрдамида унинг мазмунини содда ва мароқли тарзда тушунтиради; Луфат билан ишлашда ҳар бир сўзга дикқат қилинаб, унинг бир неча маънолари шарҳланади. Масалан: форсий "мардум" сўзи:

- 1 - маъно: одам, одамлар, халойиқ;
- 2 - маъно: қўз қорачиги - гавҳари (мардумак)
- 3 - маъно: мардумлиф - одамгарчилик, мурувват, илтифот, раҳм-шафқат...

Ғазалнинг ҳар бир мисрасидаги ўқувчиларга тушунилиши қийин

бўлган сўзларнинг маънолари шарҳланиши умумий мазмунни очишида катта хизмат қилади.

Маълумки Навоий асарларини тасаввуфдан айри ҳолатда тушиниш ва тушунтириш мумкин эмас. шу ўринда ғазалдаги бирнчи - зоҳирий мазмунга суюнган ҳолада шоир "Қаро кўзум" деб чорлаётган маъшуқа суръатида илоҳий ишқ - илоҳий ботиний "ёр"образи гавдалантирилганлигини очиб бериш мумкин. Ишқи мажозий ва ишқи илоҳий ҳақидаги билимлари яна бу дарсда эсга олинади ва ўтилаётган мавзуз янада чуқурроқ очилади.

Дарснинг мустаҳкамлаш қисмида эса топшириқлар ёзилган тарқатмалардан фойдаланади. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига имкон яратади.

Мана шу жараёнларда у **педагогик амалиётчилик** фаолиятини ишга солади, бадиий адабиётни ўқув адабиётига айлантиради, "Қаро кўзум" ғазалининг мазмунини ўқувчининг руҳий ҳолати, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик билан тушунтиради;

Ижтимоий ташкилотчи сифатида у ўқувчилари бу фазал ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишлари учун пухта назарий билимини ишга солди. Синфни берилаётган билимни яхши қабул қилиш ҳолатига олиб келди.

Бадиий асар - мазкур фазал билан ўқувчилар орасида боғловчи сифатидаги фаолияти адабиёт ўқитувчисининг **бадиий воситачи эканлигини** кўрсатди.

Ўқитувчи бадиий воситачи сифатида - ижодкор фикрини ўқувчига тўла етказиб бериши учун унда чиройли нутқ бўлиши талаб этилади. Пала-партиш сўзлардан таркиб топган, шунчаки мавзуни "айтиб бериш" учун айтилган саёз ва таъсирсиз нутқ ўқувчини ром эта олмайди. Ўқувчи бундай нутққа қулоқ солмайди ёки эшитса-да тушунмайди.

Адабиёт ўқитувчиси "сўз"дан фойдаланиши билмоғи лозим. Ҳар бир сўз қадрини ва ўрнини чукур билган ҳолда уларнинг таъсир кучини ошириш учун маҳсус чиройли овоз ва мимикадан фойдаланиши зарур. Ўқитувчи қайси сўзни қаҷон ва қандай маънода кўллашни-да билиши зарур. Жалолиддин Румий ёзганидек, "Сўз агар бир эрса, маъно мингтадир". (Жалолиддин Румий "Ҳикматлар". "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент-2008 й, 20-бет)

Ёки "Сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ..." дир.

Яна шу муаллиф ўқитувчининг сўзлаши ва ўқувчининг шу сўзни қабул қилиши борасида ҳам жуда таъсирли фикр берган:

"Сўз тингловчининг тушуна олиш даражасида келади. Ҳикмат талаб қилиниб, тортқиламагунча юз кўрсатмайди. Ким қанча иста-

са, у ҳам шунча аён бўла боради. Агар киши "Менга сўз (хикмат) ошкор бўлмаяпти", деса, жавоб шу: "Сен нега уни талаб айламаяпсан, истамаяпсан?". (Жалолиддин Румий "Хикматлар". "Шарқ" нашиёт матбaa акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент-2008 й, 20-217 бетлар.)

Алишер Навоий сўз қудратига юксак баҳо бериб Жамолиддин Румий фикрларини шундай тасдиқлади:

Сўзким нишон берур ўлукка жондин

Сўзким хабар берур жонга жонондин.

Сўзким айлади одамни жудо ҳайвондин

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Ҳа, сўз истаганга қадрлидир. Ўқувчи билим олмоқни истаса, талаб қилсагина ўқитувчи мақсади ҳам яқинлашади. Илм олмоқ истаган ўқувчига ўқитувчи яқинлашади, унга ўзида бор нарсани бера олади. Ўқувчисининг талаби, чанқоқлиги эса ўқитувчини меҳнат қилишга ундейди ва уни ўстиради.

Яхши муаллим учун яхши ўқувчи зарур.

Ўқитувчida ижрочилик маҳорати бўлиши, айниқса, адабиёт ўқитувчиси учун асосий фаолият саналади. У мумтоз фазални маромига етказиб аruz вазни қоидаларига мос, овоз ва ҳиссиятни муаллиф туйгуларини етказиб берадиган ҳолатда бера олиши шарт. Шундагина ўқувчida яхши таассурот уйғониши ва у ўз ўқитувчисига эргашиши мумкин. Тафаккурнинг ҳиссиятта хизмат қилиши ўқитувчининг бадиий ижрочи бўлишини тақозо қиласди.

Р. Келдиёровнинг "Бадиий ижрочилик ўқувчига ҳаёт лавҳаларида, адабий асарнинг сирли манзараларида гўзалликни кўрсатишдан иборат" деган сўzlари ўқитувчи фаолиятининг бу қирраси нақадар катта аҳамият касб этишини яққол кўрсатиб турибди. (Р. Келдиёров "Адабиёт ўқтиувчиси фаолиятининг мухим қирраси" Тил ва адабиёт таълими, 1998, 1 -сон 41 - бет.)

Ўқитувчи ҳар бир дарс учун ўқувчини қизиқтирадиган "янги гап" айта олиши ҳам дарснинг мазмундорлигини таъминлайди. Илмий тадқиқотчи сифатида "Қаро кўзум" фазалига бағишиланган адабий-бадиий мақолалардан фойдаланади, уларнинг баъзиларини ўқиб эшилтиради ёки ўқишга тавсия қиласди. Яна у шу фазал таъсирида ёзилган шеърий асарлардан ҳам ўқиб ёки ижро этиб берса бу ўқитувчининг бадиий ижодкорлигини яққол кўрсатади.

Адабиёт ўқитувчисининг ижодкорлиги туфайли ўқувчи ўша асарни ўзи идрок этади, асарни севиб тушуниб ўрганади, бир умр эсидан чиқмайдиган ҳолатда ўзлаштириб олади. Юқорида қайд қилиб ўтилган адабиёт ўқитувчиси фаолият қирраларининг у ёки буниси ўша инсонда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Аммо, кўп ўқиш тинимсиз изланиш орқали ўқитувчи ўзининг ҳар томонлама мукаммал бўлмоғи учун интилиб, бу сифатларни ўзида таркиб топтирмоғи мумкиндир.

ADABIY TA'LIM VA YOSHLARNI KASBGA YO'NALTIRISH

Abdiyev M., Rahmonov S. (SamDU)

Ma'lumki, yosh davlatchiligidan rivojlanishida, ravnaq topishida yopshlarning o'mni beqiyos. Respublikamizning aholisining qarib 60 foizini yoshlardan tashkil etadi. Kelajagiumiz bo'lgan yoshlarning har tomonlama etuk inson bo'lib etishishlari uchun hukumatimiz tomonidan har tomonlama g'amxo'rlik ko'rsatilmoqda. Jumladan 2008-yil "Yoshlardagi yili" deb e'lon qilindi. "Yoshlarga oid davlat siyosatining asoslarini to'g'risida"gi qonun qabul qilindi. Davlatimiz rahbari Konstitutsiyamizning 17 yilligi munosabati bilan so'zlagan nutqida 2010- yilni "Barkamol avlod" yili deb e'lon qildilar. Bu mustaqil yurtimizda yoshlarga berilgan jiddiy e'tibordan darak beradi, albatta. Bundan ruhlangan jamoatchilik yoshlardan tarbiyasi bo'yicha ish mazmuni, maqsad vazifalarini belgilab olmoqdalar. O'qituvchi va murabbiylar esa o'quvchi yoshlarga nafaqat tarbiya, balki ta'lif ham berishda boshqa soha vakillariga namuna bo'lishlari bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Biz ushbu ishimizda o'quvchi yoshlarga adabiy ta'lif berish hamda kasb-hunar o'rgatish jarayoni bilan bog'liq holda olib borish xususida o'z fikr - mulohazalarimizni bildirishga harakat qilamiz.

Ma'lumki ta'lif bosqichining ikkinchisi hisoblangan o'rta umumiyligi ta'lif berish jarayonida o'quvchilarga o'quv predmetlarini chuqrur o'rgatilishi borasida ularga kasb tanlash bo'yicha preferentasiya ishlari ham olib borildi. Albatta ular mazkur muddatda bir necha marotaba ishlab chiqarish korxonalarini va akademik litsey hamda kasb-hunar kollejlariiga ekskursiyaga bordilar. Ularning ish va o'quv jarayoni bilan tanishdilar hamda ma'lum darajada taassurotga ega bo'ldilar.

Ona tili darslari o'quvchilarning mana shu qiziqishlarini yanada ottirishga ko'maklashuvli borligi to'g'risidagi mulohazalarni 5-sinf Ona tili (Mahmudov N, Nurmonov A, Sobirov A, Qodirov B, Jo'rabyeva Z. 2-nashri "Ma'naviyat", 2007- yil) darsligi misolida bayon qilishga harakat qilamiz.

Ma'lumki, termin deganda bir soha yoki fanga oid so'zlar tushiniladi. Tadqiq obyektimiz bo'lgan 5-sinf Ona tili dasligida "Atamalar" mavzusi berilgan. Odadtagidek, uning lo'ndagina qoidasi keltirilgan, darslikning ayrim mashqlarida metodik ko'rsatmalar ham berilgan. Ular qo'lanihiliga ko'ra ilmiy va kasbiy atamalarga ajratilgan. Undan tashqari darslikda uyga vazifa qisimlari ajratilgan va qo'shimcha tarzda Atamalar mavzusi bo'yicha quyidagicha uyga vazifalar belgilanishi mumkin. Tartib va imkoniyatlarni hisobga olgan holda A,B,C...harflari bilan boshlanuvchi atamalarning izohi keltirilgan mashiqni bajarib kelish yoki o'quvchilarni kasb-hunarlarni egallashlariga yanada qiziqтирish uchun boshqotirmalar tuzish ham mavzuning yanada mazmunli bo'lishini taminlashda samarali vositalaridan biri hisooblanadi.

Hozirgi fanlararo itegertsion jarayonning faollashayotganligini inobatga olgan holda mazkur mavzuning darslikka kiritilgani tahsinga loyiqdir. Shu bois ta'lim jarayonida axborot texnaliyalarining qo'lanishi o'quvchilar ma'lumsoha atamalarining izohini kompyuterlar yordamida yozishga qaratilgan mashqlar berilsa o'quvchi kompyuterda ishlash malaka va ko'nikmasini ma'lum darajada oshirishga erishadi.

Respublikamiz miqiyosida kasb-hunar kollejlarning barpo etilishi fikrimizning yaqqol dalili bo'la oladi. Bundan tashqari, milliy qadriyatlarni aks ettiruvchi atamalardan tashkil topgan mashqlar berilishi hamda ular asosida o'yinli darslar tashkil etilsa yoki test topshiriqlari tuzilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan, darsni yanada qiziqarli bo'lishini ta'minlash maqsadida atamalar jadvalini quyidagicha berish mumkin:

So'z atama	Ilmiy	Kasbiy	Yangi qatlam	Eskirgan qatlam
Angishvona		+		
Igna		+		
Mundi		+		+
Manitor		+	+	
Fe'l	+			
Arxeologiya	+		+	
Tenglama	+			
Internet		+	+	

Qisqasi 5-sinf darsligida ananaviy dars berish bilan bir qatorda induktiv metodlardan keng foydalangan holda o'quvchi yoshlarga ona tilidan ta'lim berish bilan birga kasb-hunariga oid terminlarni o'rganishga a'lovida e'tibor berilgan. Bu adabiy ta'lim berish jarayonida yoshlarning kasb-hunar terminlarini imlo va talaffuzini o'rganish bilan bir qatorda ota bobolarimizdan qolgan milliy hunarmandchilik hamda zamonaviy fanlarni o'rganishga bo'lgan qiziqishini yanada ortirishi shubhasizdir.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА

Абдураҳмонова Б., п.ф.н.
(Қўқон ДПИ), Абдуллаев Х., ф.ф.н. (ҚҚДУ)

Олий ўкув юртларида ташкил этиладиган турли мазмундаги маъnaviy-maъrifий тадбирлар ниоятда катта маъrifий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга. Шунга кўра, уларни ташкил этиш ва ўтказиш алоҳида, жиддий эътиборни талаб этади. Табиийки, бундай тадбирларга қўйиладиган бир қатор педагогик-методик талаблар мавжуд.

Тарбиявий ишларни йўлга қуйиш ва амалга ошириш кўпчилик ўйлаганидек осон иш эмас. Тарбияда осон ва тез эришиладиган мэрранинг ўзи йўқ. Тарбиявий мэрраларга этиш ҳамма вақт қийин ва узоқ муддатларни талаб қилган, ҳозир ҳам шундай ва бундан

уейин ҳам шундай бўлади.

Шунга кўра, бу соҳада мақсадларга эришишнинг узоқ муддатли, аниқ, изчил режалари тузиб олиниши шарт.

Бу ерда тарбияланувчининг шахси, умумий тайёргарлиги, дунё-қарashi, индивидуал хусусиятлари нечогли аҳамиятли бўлса, тарбиячи-мураббий шахсиятига алоқадор бўлган хислат ва фазилатлар ҳам шунчалик муҳимdir. Бугунги устоzlардан олимлик, методистлик ва ўқитувчиликка оид фазилатларнинг бир шахснинг ўзида мужассамланиши тақазо этилмоқда.

Инсоният бутун умри давомида ўз билимини ошириб, кўнишка маалакаларини такомиллаштириб боради. Аммо бизнинг асри-мизда бу жараёнларнинг ниҳоятда Ѣидатди тус олиб кетаётганини эътироф эътиш керак. Демак, кўйилаётган қадамлар ҳам шу шиддатларга мос ва муносиб бўлиши жоиз.

Назаримизда, янги ахборот технологиялари ҳамда педагогик технологиялар моҳиятини пухта ўзлаштириш, уларни амалиётга татбиқ этишининг замонавий шаклларни аниқ ва тўғри белгилаш бу соҳадаги энг жиддий омиллардан бири бўла олади. Гап қадимий қадриятларни ардоқлаш, уларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ҳамда уларнинг ёшлар томонидан пухта ўзлаштириш, ёшларимиз онгига қаратилган турли мағкуравий хуружларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиб устида борадими, ёшларимизда юксак маънавиятли шахсга оид фазилатлар силсисласини шакллантириш ва ривожлантириш устида борадими, барибир, охир-оқибатда ёшларимизнинг баркамол авлод сифатида Ўзбекистнимизнинг келажаги учун муносиб давомчиларни шакллантириш ва ривожлантириш бош мақсад бўлиб қолаверади.

Инсоннинг инсонлиги унинг шу кишилик ҳамжамиятида яшави билан белгиланади. Ҳар бир инсон ўзининг атрофлича камолоти ҳақида қанчалик қайғурса, блишқалар манфаатини ҳам шунчалик эътиборда тутиши зарур. Буюк бобоколонимиз Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек:

Кишика тосулмас киши-ул ўлуг,

Тосулғыл, ўлуг болма, эрсиг, кулуг. (3363)

Кишига наф келтирмайдиган киши ўлиқдир,

Наф келтир, ўлик бўлма, (эй) мард, шухратли.

Бу йўлда турли маънавий-маърифий тадбирлар, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар, тўғарак ишлари, ижодий учрашувлар, сұхбатлар, ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлари кўргазмалари, танловларини ташкил этиш ва амалга ошириш тегишли самараларга гаров бўлиши мумкин.

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР –

САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Усмонова К. (РТМ)

Педагогик технология - бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир. Айнан **тизимли ёндошув** педагогик технологияни ўқитишдаги бошқа ёндошувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш услублари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш - анъанавий ўқитиш жараёнида етишмайди. Мисол учун кўп ҳолларда таълим ўқитувчининг ахборот бериши, ўқувчиларнинг билимни қабул қилиши, тўплаши ва хотирасида сақлаши билан белгиланади. Бундай билимлар, уларни қўллай олиш кўнижмалари орқали текшириб кўрилади, яъни имтиҳонларда ҳеч қандай қўлланмасиз хотирадаги билимларни тўғридан-тўғри саволларга жавобан ифода этиш. Бу тизимдаги билимларга - асосан эсда сақлаб қолиш натижасида эришилади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди. Керакли пайтда қийинчиллик билан эсга олинади, айрим ҳолларда эса умуман эсга олиб бўлмайди. Шунга кўра, ўқитувчининг асосий вазифаси - зарурий билимни бериш ва уни хотирада мусаҳкамлаш устида ишлашдир. Бундай ўкув жараёнида ўқитувчи масъулиятига тегишли бўлган **таълим натижаси** деярли ҳисобга олинмайди.

Педагогик технологияда эса ўкув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўкув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усувлар таълим технологияси foясида мужассамлашган.

У асосан ўз ичига қуйидаги омилларни олади: таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши; тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш; ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш; бажариладиган ўкув тадбирлари мажмуаси ва натижани баҳолаш.

Ўкув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, услубчи-педагоглар гуруҳи (фан метод бирлашмалари)дан педагогик технологиянинг қонун-қоида ва таомиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиши пайтларида

юқори малака талаб этилади. Лойиха тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилотчи ва маслаҳатчи, йўналтирувчи (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Дастлаб ўкув ва тарбия мақсадлари ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган ўкув мақсадлари асосида назорат ишлари тузилади ва ундан сўнг услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари яратилади.

Ўкув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати - ўкув жараёнининг сўнгги натижалари бўлган ўкув мақсадига эришишга йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Технологик ёндошувга асосланган ўкув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кетма-кетлиги қўйидагича бўлади:

1. Ўкув предмети бўйича дарснинг мақсад ва вазифаларини ёзиб чиқиш.
2. Ўкув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш.
3. Ўкув мақсадларига эришиш усуслари.
4. Эришилган ўкув мақсадини баҳолаш.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак жараённи лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгаdir, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўкувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Технологик харитани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва аҳборот техгнологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услугуб ва усусларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлик.

Дарснинг технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва иhtiёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишининг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан холос этади, чунки бундай харита дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва ўкувчи фаолиятининг барча қирраларини ўзида акс эттирган бўлади.

Мисол тариқасида куйида 6-синф Адабиёт фанидан "Урушнинг сўнгги курбони" мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитасини ҳавола қиласиз.

Мавзу	Урушнинг сўнгги курбони
Мақсад, вазифалар	<p>Мақсад: Ўқувчилар дарс жараёнида ёзувчи Ў.Хошимовнинг “Урушнинг сўнгги курбони” ҳикоясини ўқиб, матн устида ишлайдилар;</p> <p>Ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисалар орқали улар юрт тинчлиги буюк неъмат эканлигини англаб етадилар.</p> <p>Вазифалар: Ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотилади, улар мавзу асосида керакли билим ва кўникмаларга эга бўладилар.</p> <p>Ўқувчилар ҳикоянинг мазмун-моҳиятини ўзлаштирадилар. Мавзуга оид тарқатилган топшириқларни якка ва гуруҳ ҳолатида ўрганиб, ўзлаштиришга эришадилар. Ўқувчиларнинг сұхбат-муҳокама орқали янги мавзуни қай даражада ўзлаштирганлиги назорат қилинади, уларнинг билими баҳоланади.</p>
Ўқув жараёнининг мазмуни	Ҳикоянинг мазмун-моҳияти, тарбиявий аҳамияти, асар қаҳрамонларининг ўзаро (она-бала, ака-ука, қайнона-келин) муносабатлари ва уларнинг руҳий ҳолати, ҳикояда яққол кўзга ташланадиган фоялар: муайян маълумотлар (номлар, саналар, воқеалар)ни белгилаш ва кўзга яққол ташланмайдиган фоялар: матнда яққол кўзга ташланмайдиган, лекин назарда тутилган бошқа фояларни кўрсатилиши, матнда ифодаланмаган, лекин фараз қилинадиган ҳаракат ёки воқеаларни кўрсатиш, матнда ифодаланган фоялар, воқеалар, нарсалар ёки ҳаракатларни нима умумлаштиришини тушунтириш, асарда тасвирланган давр, совуқ урушнинг оқибатлари, юрт тинчлиги, унинг фаравонлиги буюк неъмат эканлиги.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Услуб: Оғзаки баён қилиш, “Бумеранг” технологияси.</p> <p>Шакл: Сұхбат-муҳокама, жамоа ва кичик гуруҳларда ишлаш.</p>

	<p>Восита: Матн, тарқатма материаллар, савол ва топшириқлар.</p> <p>Усул: Тайёр ёзма материаллар асосида.</p> <p>Назорат: Оғзаки назорат, саволжавоблар, мұхокама, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p>Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>
Күтиладиган натижалар	<p>Үқитувчи:</p> <p>Мавзу қисқа вақт ичидә барча ўқувчилар томонидан ўзлаштириләди. Ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқыш уйғонади. Бир машгулöt жараёнида барча ўқувчилар баҳоланади. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчилар оғзаки ва ёзма ахборотларни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатилади.</p> <p>Ўкувчи:</p> <p>Янги билимларни эгаллайди. Якка ва гуруҳ бўлиб ишлаш малакасига эга бўлади. Оғзаки ва ёзма нутки ривожланади. Эслаб қолиш қобилияти (хотираси) мустаҳкамланади. Ўз-ўзини назорат қилиш, ижодий ва танқидий фикрлаш кўникмаси шаклланади. Кисқа вақт ичидә кўп маълумотга эга бўлади. Жараёни баҳолай олади ва муносабат билдиради.</p>
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	<p>Ўқитувчи:</p> <p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштиради ва дарсда татбиқ этиб, такомиллаштиришга эришади. Ўз устида ишлайди. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлайди ва солиштиради. Педагогик маҳоратини оширади.</p> <p>Ўкувчи:</p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини равон баён қила олади. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қиласди.</p>

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машгулоти бўйича тузган технологик харитаси, унга фанни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (ўкув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик хаританинг ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга ва бу билан ўқитишнинг самарадолигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши, ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис этиш, кичик тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, кўшимча адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишига, фанга, ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради.

Технологиялар хилма-хил бўлиб улар ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Тавсия этилаётган технологик харитадан ҳар бир ўқитувчи унга ижодий ёндошган ҳолда ўзларининг технологик харитасини яратишлари мумкин.

ТИЛ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Жалолова Л., ф.ф.н. (АДУ)

Бугун ҳукуматимиз таълим олдига уйғун камол топган авлодни тарбиялаш, интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган, маънан соғлом ёшларни тарбиялаш, таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш вазифасини қўймоқда. Шу боис ҳам ўқувчи-талабаларда мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстириш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш, уларда меҳнат фаолияти кўнникмаларини шакллантиришда она тили фани мутахассислари ўзига хос роль ўйнайди.

Она тили таълимида қўлланиши мумкин бўлган ноаъанавий усуслардан бири "Ўхашашликни топинг" усулидир. Бу усулини ўқувчилар дастлабки билимларга жуда оз даражада эга бўлган мавзуни ўрганаётгандаридан қўллаш фойдали бўлади. Янги мавзуларни ўқувчиларга анча таниш бўлган мавзулар билан таққослаш ушбу усульнинг моҳиятини белгилайди. Бу усулда дарс ўтказишдан мақсад ўқувчилар билимини ривожлантириш ва дарс жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш ҳисобланади. Уни умумтаълим мактабларида, айниқса, 5-6-синфларда қўллаш тавсия

этіләди. Бу усул ўкувчилар дастлабки билимларга зәгә бўлган ҳолларда самарали натижаларни беради. Чунки билимлар таққослаш, муқояса орқали яхши ўзлаштирилади. Дарсда ўтилган аввалги мавзуларга таяниб, янги мавзу билан қиёсланади, унинг ўзига хос хусусиятлари келтириб чиқарилади. Мазкур усулни қўллаш учун ўқитувчи олдиндан катта қофоз варагида чизма тайёрлаб кўяди. Учта бандноми чизманинг чап томонига юқоридан пастга қараб, ана шу жиҳатлар таққосланадиган хусусиятлар тўплами эса чизманинг юқоридаги қаторига ёзилади.

Фаолиятнинг дастлабки тури сифатида ўкувчилар иккита таниш жиҳатни мухокама қиласидилар ва ҳар бир банд бўйича семантик хусусиятларнинг ҳар бири тагига белгилар тизимини (+ "ҳа" учун, - "йўқ" учун) таклиф этадилар.

Сўнгра ўқиш, маъруза тинглаш ёки ўрганишнинг бошқа бирор бир турини бошлашдан олдин ҳам ўкувчилар мавзунинг семантик хусусиятлари учун белгилар тизимини таклиф этадилар (+ "ҳа" учун, - "йўқ" учун, ? - бу хусусиятга ишончлари комил эмаслигини кўрсатиш учун).

Мазкур ҳолда ўқитувчи ўкувчиларни, ҳатто ишончлари комил бўлмаган тақдирда ҳам, мавзуга доир тахминини айтишга мажбур қиласиди. Энди ўкувчилар ўқийдилар ёки бошқа бирор бир тарзда янги мавзуни тадқиқ қиласидилар. Шундан сўнг улар билиб олганларини мухокама қиласидилар.

Аввалги мавзулар, масалан, от ва сифат сўз туркumlари бўлса, буларга хос грамматик белгилар жадвалнинг юқори қисми (горизонтал)га ёзиб қўйилади. От ва сифат сўз туркуми, деб юқоридан пастки (вертикал) қаторларга ёзилади. Ўқитувчи ўкувчилар билан биргаликда от ва сифат сўз туркумларининг грамматик хусусиятларини жадвалга белгилайди, уларнинг ўхшаш жиҳатларини аниқлайди. Сўнг жадвалга қўйилган белгилар ўкувчилар томонидан шарҳланади. Янги мавзу "Феъл сўз туркуми" ўқитувчи томонидан баён қилингач, шу сўз туркумининг грамматик хусусиятларини ўкувчиларнинг ўзлари тадқиқ қиласидилар ва дафтаридағи жадвалга зарур белгиларни қўядилар. Сўнгра бажарилган ишлар таққосланади ҳамда хаттахтадаги жадвал биргаликда тўлдирилади. Жадвал намунаси:

№	Сўз туркуми	Турланади	Тусланади	Эга	Кесим	Аниқловчи	Тулдирувчи
1	От	+	-	+	+	+	+
2	Сифат	+	-	+	+	+	+
3	Феъл	-	+	-	+	-	-

Сўнгра кейинги фаолият сифатида ўқувчилар чизмага қайтадилар ва улар дастлабки фаолият тури вақтида амалга оширган белгиларни тасдиқлайдилар ёки уларга доир тузатишларни таклиф этадилар. Юқори синфларда эса сўз туркumlари тўлиқ ўтиб бўлингач, шу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўқувчиларга қўйидаги чизма (диаграмма) берилиб, уни тўлдириш ва изоҳлаб бериш вазифаси юклатилади. Буни ҳар бир ўқувчи мустақил ҳолда бажарив, мисоллар асосида исботлаб бериши талаб этилади.

Феъл	Равиш	Олош	Сонн	Сифит	От	Сўз туркumlари		Тури			Маъноси			Морфологик хусусиятлари			Синтактик хусусиятлари										
						Сўз туркumлари	Мустиқал сўз	Ёрдамчи сўз	Алоҳида	Нарса н.	Нарсан. болг.	Микдори	Гаптиб б.	Бошк.с.т	Ўрн.кулп	Иш-хар.	беш. ант.	Иш-харак.анг.	Ясалади	турданади	тусланади	Дараҳа курсатади	Бошк.с.т	га ўғади	Эта	кесим	Аникловчи
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Ўқувчилар жадвалга ана шу тарзда тегишли белгиларни қўйишгач, "Феъл сўз туркуми" мавзусини муҳокама қиласадилар. Сўнг жадвалдаги ўзлари қўйган белгиларнинг тўғри ёки нотўғри эканини текширадилар. Шу тариқа ўқувчининг сўз туркumlари бўйича олган билимлари даражасини синаш ва баҳолаш имкони юзага чиқади. Ҳар бир ўқувчига ушбу чизма (диаграмма) тайёр ҳолда берилиб, уни тўлдириш сўралса, вақтдан унумли фойдаланишга эришиш мумкин. Мазкур усул ўқувчилар хотирасининг кучайишига, эслаш қобилиятини ривожлантиришига, илмий мушоҳаданинг ошишига хизмат қиласади.

ДАРС ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Сатторова Х., Аннаева Л.
(Қашқадарё ВПКҚТМОИ)**

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, таълим мазмунини такомилаштиришга оид қабул қилингандан ҳукумат қарорлари, таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш санаадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қиласди.

Бу ўринда адабий таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг кириб келиши ва қўлланиши давр талаби билан бевосита боғлиқдир.

Янги педагогик технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакли, усули ва воситаларининг маҳсулидир. Кузатувлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда адабиёт ўқитувчиси дарс жараёнида фақат ўзи ишлайди, ўқувчилар эса кузатувчи бўлиб қолаверадилар. Таълимнинг бундай кўриниши ўқувчиларнинг ақлий тафаккурини ўстирмайди, фаоллигини оширмайди, таълим жараёнидаги ижодий фаолиятини сўндиради.

Адабий таълимда педагогик технологияларнинг асосий мақсади эса ўқитиш тизимида ўқувчини дарс жараёнининг марказига олиб чиқиш, ўқувчиларни ўқув материалларини шунчаки ёд олишларидан, автоматик тарзда такрорлашларидан узоқлаштириб, мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Шундагина ўқувчилар муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммолар, ўтиладиган мавзуларнинг амалиётга татбики бўйича ўз фикрига эга бўлади, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олади.

Чунки адабий таълим ва баркамол шахс тарбияси бир-бири билан узвий боғлиқ жараёндир. Мазкур жараёнда мантикий фикрлаш, тасаввур қилиш, билиш фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Адабий таълим орқали ўқувчиларда шахсий дунёқарааш ва эътиқод шаклланади. Бадиият ва фан қонуниятларини англаш, адабий таълимда белгиланган билим, кўнишка ва малакаларни эгаллаш, фаолият йўналишидаги қийинчиликларни енгис, якка тартибда, жуфтликда ва гурухларда ишлаш каби методлар жараёнида ўқувчи шахс сифатида шаклланиб боради.

Адабий таълимда ўқитувчи интерфаол методлардан мавзуга мувофиқини танлай билиши муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи интерфаол методлардан аввало оддийдан мураккабга ўтиш назариясига амал қилган ҳолда фойдаланмоғи лозим. Ушбу назарияга асосан дарс жараёнида қўлланаётган оддий методларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин: кичик гурухларда ишлаш, жуфтликларда ишлаш,

жамоа билан ишлаш, "Ақлий хужум", "Кластер" усуллари. Мураккаб методлар қаторига БББ, матнни таҳлил қилиш, зигзаг, Вен диаграммаси, Резюме кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кун ўқитувчиси XXI аср қиёфасини ўзида тұла шакллантирган, ўз соҳаси эмас, балки фанлараро боғланишни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдөн әгаси, нутқи равон, изчил, гүзәл адабий тилда сүзловчи, сүзи билан амали бир, жамиятда баркамол, әтиқоди бут, маънавий мағкураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукаммал инсон бўлмоғи лозим.

Шунингдек, илфор педагогик технология асосида ташкил этилган дарслар ўқувчиларни билимларининг яхлит ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ўқувчи тафаккурини ўстиради, мустақил, ижодий фикрлашга ўргатади. Зеро, баркамол авлод тарбияси жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

**Дўстмуродова О., Юнусов А.
(Қашқадарё ВПКҚТМОИ)**

Педагогик технология шахсга таъсир кўрсатиш санъати маъносини англатса, адабиёт ҳам худди шу вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи-дарснинг ижодкори. У тайёр технологияларнинг оддий ижрочисига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзига хос йўлни излаши ва фаолиятга кириши лозим.

Ўқитувчининг рамзлар, ишоралар, шаъма, қочиrimлар, истиоралардан фойдалана олиши, нутқ оҳангига, сўз жозибасига әтибор бериши ва ифодали ўқиши санъатини эгаллаганлиги, машғулотларни таъсирчан, қизиқарли тарзда ташкил этиши катта маҳоратни талаб этади. Бу таълимни технологиялашдир. Таълим технологияси эса педагогик фаолиятни, дарс жараёнини ташкил этиш ва олиб боришини тўлиқ амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам адабиёт дарсларининг мақсад ва вазифалари доимо ўқитувчининг дикқат марказида турмоги керак.

Ўқитувчи ҳар бир асар матни юзасидан дарсликда берилган савол-топшириқлар ёрдамида ҳар бир боланинг кашф этилишига имконият яратиши керак.

Ўқувчилар ўрганилилган асар қаҳрамонларининг ҳар бирида алоҳида инсонни кўришлари, улар табиатини ўрганиб, одамга хос яхши-ёмон хусусиятларни ўзлари мустақил кашф этишлари лозим.

Шу жиҳатдан ҳам адабиёт дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга ўз хуносаларини ягона ҳукм тарзида сингдириши мумкин эмас, балки

ҳақиқатни излашга, топишга, ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари, эътироzlари бўлишига ундаши лозим. Бунинг учун ўқитувчи болаларни амалий фаолиятга йўналтириши, образга кириш, театрлаштирилган кичик саҳналар қўиши, баҳс-мунозаралар уюштириш, саволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалаш, баҳс-мунозара юритиши, мусобақалашиш маданиятини эгаллашларига имконият яратиши керак. Ўқитувчи ўкувчини ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, бола фикрларини хурмат қилиши, эшитиши, улар билан ҳисоблашиши, ўз фикрини ҳукм тарзида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташланиши муҳимдир.

Шунинг учун адабиёт ўқитувчиси қайси бир инновацион усулни кўлламасин, унда мавзуга доир дарслик ва дарсликдан ташқари материаллардан усталик билан фойдаланмоғи, белгиланган мақсад билан натижа ўртасидаги фарқни имкон қадар қисқартириш йўлларини изламоги лозим. Педагогик технологияли дарсларда ўқувчини мустақил фикрлашга доир топшириқлардан кенг фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, фаолияти ўрганилган ижодкорлар ижоди юзасидан "Бир зумга бўлса-да, бир зум бўлса-да шоирнинг ўрнида бўлгим келади", "Асар муаллифи ўрнида бўлсан...", "Асар қаҳрамонлари тақдирини ўзгартиришга қодир бўлсан", "Агар... асари қаҳрамони бўлиб қолсан" мавзуларида оғзаки ва ёзма матнлар тузиш, баҳс-мунозаралар уюштириш кабилар шу топшириқлар сирасидандир.

Албатта, бу ўринда педагогик, психологик, методик, гигиеник жиҳатдан моҳирона тузилган, илғор педагогик технологияларга асосланган дарс ишланимлари муҳим ўрин тутади. Мақсадли лойиҳаланган, қайси синфа, қайси мавзуда ташкил этилишидан қатъий назар ҳар гал тақрорланганда ҳам бир хил-муваффақиятли натиҷани кафолатлайдиган дарс андозалари ва қолиплари айни кунда адабий таълим ютуқлари омили саналади.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИННИНГ ЎҚУВЧИЛАР НУТКИНИ ЎСТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Бекназарова Х., Раҳмонов А.
(Қашқадарё ВПКҶМОИ)**

Истиқлол боис бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ислоҳотлар моҳияти кўпроқ таълим мақсади ва мазмунининг янгиланиши билан ўлчанади.

Дарҳақиқат, бу янгиланишлар давлатнинг таълим олдига қўйган буюртмаси-ижодий тафаккур соҳибини етиштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақил ва ижодий фикрлайдиган, ўз фикрини тўғри, равон ифодалай олиш малака-ю кўникмасини шакллантириш таълимнинг барча турлари ва соҳалари учун бирдек тааллуқлидир.

Жумладан, "Умумий ўрта таълим түғрисида"ги Низомда бошланғич таълим ... ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўнгилмалари, ижодий фикрлаш, ўз-ўзини назорат қилиш укуви ... асосларининг эгаллаб олинишига даъват этилганлиги таъкидланади. Бошланғич таълимнинг асосий принципларидан бири эса ўқувчилар нутқини ўстириш бўлиб, бу адабий таълим билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқ ўстириш бошланғич синф она тили таълимига аниқ амалий йўналиш беради ва болаларни онгли ўқиши, ўқиганини равон қайта сўзлаб бериш ва ёзишга ўргатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчилар нутқини ўстиришда синфдан ташқари ўқиши дарсларининг талаб даражасида ташкил этилиши мухим омил саналади.

Синфдан ташқари ўқиши дарсларини ташкил этишнинг самарали усулларидан бири ҳалқ оғзаки ижоди материалларига таянган ҳолда иш олиб боришидир. Ҳақиқатан ҳам, ҳалқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиш болаларни бадиий-эстетик тарбиялашда мухим аҳамият касб этади. Масалан, ҳалқ оғзаки ижодидаги биргина эртакнинг ўзи болалар дунёқарашини бойитиш, савиясини кенгайтириш, нутқини ўстиришда бекиёс кучга эгадир. Дейлик, эртак қаҳрамонлари-бўрининг ёвузлиги, тулкининг айёрлиги, кўённинг кўрқоқлиги, шернинг ботирлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг чаққонлиги, чумолининг меҳнатсеварлиги каби тушунчалар болаларнинг маънавий оламига таъсир этади, улар бу қаҳрамонлар тимсолида эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, нафосат ва қабоҷат ўртасидаги азалий кураш натижасини кўрадилар, улардан дастлабки хуносаларни олишга одатланадилар.

Тажрибалар эртаклар ўрганиладиган дарсларни саҳналаштирилган ҳолда ташкил этиш кутилган натижа беришини кўрсатмоқда. Фаол, эртак қаҳрамонларини саҳнада акс эттиришга лаёқатли ўқувчилар билан ўтказилган алоҳида машгулотлар орқали эртак саҳналаштирилади. Мазкур дарсга тайёргарлик ишлари синфнинг бошқа ўқувчиларидан сир тутилмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки репетиция машқларининг ўқувчилар ичida олиб борилиши эртак ўрганиши режалаштирилган дарснинг улар учун зерикарли ва қизиқарсиз кечишига сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчилар кўзидан сир ва пана тутилган саҳналаштирилган эртак дарси талаб даражасида тайёрланса, бу дарс улар учун ҳақиқий мўъжиза ва фавқулодда кашфиёт саналишини тажрибалар исботлайди. Чунки эртак воқеалари болаларнинг кўз олдида жонли ҳолда рўй беради. Тасаввур кузатув билан уйғунлашади. Саҳна қисмидан кейин бир неча ўқувчиларнинг эртак ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эшитилади. Албатта, бунда уй иши сифатида эртак мазмунини оила аъзоларига сўзлаб бериш топшириғининг берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари ўқувчилар ўртасида эртаклар бўйича "Мен ... эртаги қаҳрамони бўлиб қолсам", "Мен эртакчи бўлсам", "Меним севимли эртагим" мавзусида сұхбат ва савол-жавобларнинг ташкил этилиши ҳам кутилган натижани беради. Шу билан бирга халқ оғзаки ижоди намуналаридан мақол, топишмоқ ва тез айтишлар ҳам болаларда топқирлик, тезкорлик, мулоҳазалилик сифатларини қарор топтиришга ва шу орқали улар нутқини ўстиришга ёрдам беради. Бунда эса ўқитувчига синфда ташкил этилган "Синф кутубхонаси" энг яқин кўмакчи саналади.

ЎҚИТУВЧИ НУТҚИ АДАБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Жиловов Ж., Абдиев Ж.
(Кашқадарё ВПКҚТМОИ)**

Бугунги кунда хоҳ анъанавий методлар қўлланиладими, хоҳ ноанъанавий усууллар татбиқ этиладими, ўқувчини таълим субъектига айлантириш масаласини дикқат марказидан қочирмаслик зарур. Зоро, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги маълум маънода тенг мавқеи, ҳамкорлиғи икки ўртадаги самимий муносабат, ўзаро ҳурмат, ишончли мулоқот натижаси, ўқитувчининг бошқарув маҳорати билан белгиланади. Бу маҳорат тушунтириш қобилияти, ўқувчиларни камолот сари йўналтира билиш лаёқати, маслаҳат бериш ва назорат қилишнинг бақамти жорий этилишида яққол намоён бўлади.

Ўқитувчи самарадорликка эришиш учун таълим методларининг моҳияти, уларнинг таснифини билибгина қолмай, уларни жорий этишнинг хусусиятларини ҳам эгаллаб олиши лозим. Бунда гап ўқитувчининг сўзига бориб тақалади. Ўқитувчининг сўзи метод сифатида ҳам, дарсни олиб бориш усули сифатида ҳам турли хил ўқув ва тарбиявий вазифаларни бажаради: ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш; билимларни амалда қўллашга ўргатиш; қизиқарли ва муҳим фактлар ҳақида ҳикоя қилиш ва бошқа шу кабилар учун қўлланади.

Ўқитувчи ўз сўзи билан ўқувчиларга билим берибгина қолмай, ўқувчиларга сўзлаш намунасини кўрсатиш йўли билан мулоқотга ўргатади. Шунинг учун ўқитувчининг сўзи ўқувчилар жавоб бериши лозим бўлган оғзаки баён яратиш талабларига жавоб бериши, бирор ахборотни етказиш намунасини бериши, бирор қоидани қандай далиллаш кераклигини кўрсатishi, қандай қилиб хуласа чиқариш ва умумлашмаларга келишга ўргатиши даркор. Ўқитувчи билимларни маълум қилишга эмас, балки билимдан қандай фойдаланиш, уни нима учун билиш кераклигини эслатиб бориши лозим: ҳаётда хато қилмаслик учун қаҳрамони эслаб қолиш керак ва ҳоказо.

Ўқитувчининг сўзи ўқувчиларнинг ақлий соҳасига таъсир кўрса-тибгина қолмай, ҳиссий жиҳатларига ҳам асосланиши лозим. Ёрқин ифодалар жонли кўрсатмалилик билан қўшиб олиб борилса тегиши-ли туйгуларни уйғотиши мумкин.

Ўқитувчининг сўзи дарснинг турли босқичларида жорий этилади: лекция, ўқитувчининг ўзи ҳақидаги ҳикояси, тушунтириш монологи, изоҳлар; инструктаж, якуний ва баҳо берувчи фикр баён қилиш ва ҳоказо.

Ўқитувчининг баён методи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мулоқот шаклигина бўлиб қолмай, ўқитувчидан маҳсус билим ва малакаларни ҳам талаб этади.

БАДИЙ ИЖОД ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

(Асқад Мухтор асарлари мисолида)

Йўлдошев Б., (Қашқадарё ВПКҚТМОИ)

Таниқли ёзувчи Асқад Мухтор ёш авлодга аatab ёзилган "Ёш дўстларимга" деган таълим-тарбия ва бадиий ижод ҳақида баҳс этувчи адабий-ахлоқий сұхбатлар, хотира-тажрибалар, публицистика ва адабий-эстетик мақолалардан ташкил топган китобнинг ҳам муаллифиdir.

Асқад Мухтор ўзининг ёш ўқувчи - дўстлари билан сұхбат қуар-кан, энг аввало уларнинг диққат эътиборини бадиий ижод психологияси, ижодкорнинг дахлсиз дунёси ҳақидаги масалаларга ва ис-теъдодли шахс ижодининг ҳеч бир ўлчамларга сиғмайдиган томон-ларига қаратади, улар олдига саволлар кўяди ва баҳсни кўпроқ ба-диий адабиётнинг ўқувчини ўйлатадиган, туйгулар ва кечинмалар-ни чукур ҳис қилишга одатлантирадиган томонларига қаратади.

Асқад Мухторнинг фикрича, чинакам бадиий сўз таъмини ҳис қилиш ўқувчини мустақил фикрлашга ундаиди, олам гўзаллигини янада теранроқ идрок этишга йўллайди.

Асқад Мухтор адабиётшуносликдаги "прототип" деган сўз жуда шартли тушунча эканлигини қайд этиб, буни жуда ҳам луғавий маънода тушунмаслик керак, биттагина соғ прототип ҳеч қачон бўлмайди. Яъни ёзувчи ўз қаҳрамонининг ички дунёси, ташки қиёфаси, ҳаёти ва барча саргузаштларини ҳеч қачон ҳаётдаги битта шахсдан кўчириб ололмайди, акс ҳолда менинг Очил бувам дунёга келмасди, образ ҳамма вақт фокус нуқтасидир, дея ёшларни адабиёт сирларидан воқиф этишга қаратилган фикрлари диққатга сазовордир.

Китобдаги аксарият мақолалари бадиий адабиётнинг энг эзгу, жаҳоншумул вазифаларидан бири инсоннинг ўз-ўзини англашга ундаши, баркамол авлод тарбиясида адабиётнинг бекиёс ўрни ма-салалари устида баҳс этуви билан ажralиб туради.

Асқад Мухторнинг Зулфия ҳақидаги "Гавҳар қатра" деб номланувчи мақолалари ўкувчилар маънавиятини шакллантириш, ёшларга адабий таълим бериш борасида айни кунларда ҳам долзарб.

Мақолада, энг аввало, "Қатра" шеърининг нозиктаъб таҳдили берилади. Шу асосда шоирининг гул рангли бўёкларда ёрқин бир дардни-инсонийликни бера олиш маҳорати ҳақида баҳс юритилади. Шоирининг руҳий ҳолатидаги чексиз самимият, шодлик, қолаверса, фожиавий ҳолатларга ҳам ўта сезигирлик билан ташбеҳлар топа олиши чукур идрок этилади.

Хуллас, Асқад Мухторнинг адабий-эстетик қарашлари, илмий-назарий фикрлари ниҳоятда теранлиги ва умумлаштирувчи фазилатларга бойлиги билан ажralиб туради. Биз бу ҳақида илмий анжуманда янада батағсилроқ фикр-мулоҳазалар юритишга ҳарарат қиласиз.

ONA TILI DARSALARIDA ILGOR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA ASOSIDA EKOLOGIK TARBIYA BERISH TAJRIBASIDAN

Qurbanova X., p.f.n. (NavDPI)

Fan-texnika taraqqiyoti yuqori darajada rivojlanib borayotgan bir davrda ekologiya masalasi yer yuzining hamma burchaklarida asosiy muammo bo'lib kelmoqda. Demak, ekologiya muammosi milliy xavfsizlikka qarshi yashirin tahdidlardan birdir.

Darhaqiqat, insoniyat doimo tabiat qo'yinda faoliyat ko'rsatadi, u bilan uzlusiz munosabatda bo'ladi. Bu faoliyat oqilona tashkil etilmasa, tabiat uchun muammolar keltirib chiqaradi. Xuddi shu muammo-ekologik muammodir. XX asrning ikkinchi yarmidan tabiatni muhofaza qiliish-ekologik muammo global (sayyoraviy, dunyoviy) muammoga aylandi.

Ona tili ta'limi jarayonida ekologik tarbiya berish sun'iy ravishda emas, balki o'ziga xos xususiyatni va har bir fikrni tatbiq etish uslublarini puxta, aniq bilib olgan taqdirdagina samarali bo'ladi. Shuningdek, ona tili darsliklarida ekologik tarbiyani o'ziga mujassam etgan mashqlar, matnlar juda ko'plab berilgan. Masalan 5-sinf (N.Mahmudov va boshqalar 2004-yil) darsligida (52-114-116-118-155-156-264... kabi) 8-sinflarda (M.Qodirov, H.Ne'matov va boshqalar) (64,89,96-108-159-230-255-mashqlar kabilar) 9-sinflarda N.Mahmudov A.Nurmonov (72-223-mashqlar kabi)

Quyida 8-sinf ona tili darsida o'quvchilarga ekologik tarbiyani ilg'or pedagogik texnologiya asosida o'tish usullari ko'rsatilgan dars o'tish namunasini havola etamiz.

Darsning mavzusi: Sifatlovchi aniqlovchi.

Darsning maqsadi:

-gap bo'laklari bo'yicha olgan bilimlarini mustahkamlash;

-sifatlovchi aniqlovchi haqida ma'lumot berish;

-ijodiy va mustaqil fikrlashga o'rgatish;

-o'quvchilarga ekologik tarbiya berish, serunum yer, beg`ubor havoni asrash ruhida tarbiyalash.

Darsning material va jihozlari;

ona tili darsligi, jadvallar, rasmlar, video tasmalar, doska kartochkalar

Darsning asosiy tushuncha va atamalari:

nabodot olami, musaffo osmon, ekalogik muammo.

Darsning blok-chizmasi

I. Tashkiliy ishlar

Muz yorar o'tkazish (o'quvchilar diqqatini darsga jalb etish)

II. Yangi mavzu

Guruhlarda ishslash

1.Matn yaratish. 2.Matn asosida savollar tuzish. 3.Tezkor savollar tuzish. 4. Mashq bajarish 5.Ekologiyaga oid hadislar ustida ishslash.

6.Klaster usulini o'tkazish

IV. Darsni yakunlash

Matn yaratish. Har bir guruh a'zolari "Ekoliya" mavzusi bo'yicha matn yaratadi

1-guruh matni.

Ekologik muammolar-insoniyatning tabiatga ko'rsatgan salbiy ta'siri natijasida kelib chiqqan muammolardir. Bularga suvning ifloslanishi, atmosfera havosining ifloslanishi, tuproqning ifloslanishi, Orol muammo si kiradi. XIX-XX asrga kelib, Fan, texnika, sanoat, ishlab chiqarish keskin rivojlandi. Insoniyat tropik o'rmonlar o'rniiga zavod, fabrikalar, temir yo'llar yaratish natijasida atmosfera havosi suv, tuproq ifloslandi, ana shular oqibatida ekologik muaamolar kelib chiqdi.

Orol dengiziga daryolardan qo'yiladigan suvning kamayishi bu dengiz suvining qurib borishiga sabab bo'ldi. Bu esa Markaziy Osiyoda ekologik muammolar kelib chiqishining yaqqol misolidir.

Tuproq tabiatning eng muhim boyligi bo'lib, Yer po'stining eng ustki g'ovak, unumdor qismidir. Tuproq xalqning beباho boyligi, unda oziq-ovqatlarimiz, kiyim-kechagimiz uchun xom ashyolar yetkaziladi. Tuproqni muhofaza qilish uchun uni erroziyadan saqlash, sho'rini yuvish, atmosferadan tuproq ustiga har xil zarrachalar tushushini oldini olishimiz lozim.

2-guruh matni.

Atmosfera havosi zavod va fabrikalardan chiqadigan chiqindi gaz, transport vositalarining harakati natijasida, qurilish maydonlaridan chiqadigan chang va tutunlar bilan ifloslandi.

Bularni oldini olish uchun zavod va fabrikalardan chiqadigan chiqindi gazlar qayta ishlanishi, zararsizlanishi lozim.

O'simliklar dunyosi atmosfera havosini tozalashda katta rol o'ynaydi. Ular havodagi karbonat angidridni yutib, o'zlaridan havoga kislород chiqaradilar. Barglari ham yil davomida havodagi chang va turli gazlarni

o'ziga tutib qoladi.

3-guruh matni.

Suv - yer sharidagi barcha organizmlarning hayoti uchun zarur bo'lgan muhim mineraldir. Suv va suv resurslarining ifloslanishi deyilganda birinchi navbatda insonning salbiy faoliyatini ko'z oldimizga keltirishimiz lozim.

Sanoat korxonalaridan, maishiy xo'jalik korxonalaridan chiqadigan iflos oqava suvlari va hokazolar ta'sirida suv ifloslantirilmoqda. Uni muhofaza qilish uchun birinchi navbatda tarbiya katta rol o'ynaydi. Tuproqning ifloslanishi, suvning ifloslanishi, atmosfera havosining ifloslanishi bizning eng asosiy ekologik muammomizdir.

Barcha korxonalar va tashkilotlar oqava suvlarni daryolarga oqizmasligi, havoga har xil gazlarni chiqarmasligi chiqindi gazlarni qayta ishlashni amalga oshirishi, yerlarga normasidan ko'p mineral o'g'itlar solinmasligi bu muammolarni oldini olishimizga yordam beradi. Eng asosiysi, aholida ekologik madaniyatni kuchaytirishdir. O'quvchilar avvalo kelajakda tabiatga ozor yetmasligi uchun ular ekologiyaga doir bilimlar bilan qurollanishlari kerak. Hozirdanoq bo'sh vaqtlarida "Yashil soqchilar" to'garagi tashkil etilib, o'z mahalla, maktablari hovlisini toza tutishi, tabiyatga ozor yetkazuvchilarga qarshi kurashish, mahallalar obodonchiligiga o'z hissalarini qo'shish kerak. Shu orqali o'quvchilarda ekologik madaniyat ham shakllanib boradi.

Yaratilgan matnlar mazmuni tahlil qilinadi va baholanadi.

Tuzilgan matnlar almashtiriladi. Masalan, 1-guruh a'zolari tuzgan matnni, 2-guruh a'zolari, 2-guruh a'zolari tuzgan matnni 3-guruh, 3-guruh a'zolari tuzgan matnni 1-guruh a'zolari o'qib tahlil qilib savollar tuzishadi.

Bu savollar quyidagichadir:

2-guruh tuzgan savollar.

1. Ekologik muammolar deganda nimalarni tushunasiz?

2. Ekologik muammolarni keltirib chiqaruvchi sabablar, misollar keltiring?

3. Tuproq resurslari va uni muhofaza qilish to'g'risida tushuncha bering?

Bu savollarga 1-guruh a'zolari quyidagicha javob yozishlari kerak.

3-guruh tuzgan savollar.

1. Atmosfera havosining ifloslanishi to'g'risida nimalar bilasiz?

2. Atmosfera havosi ifloslanishni oldini olish mumkinmi?

3. O'simliklarni havoni tozalashdagi rolini tushuntiring?

1-guruh tuzgan savollari.

1. Suvning ifloslanishi va uni muhofaza qilish.

2. Ekologik muammolarni oldini olish mumkinmi?

Ekologik muammolarni bartaraf etishda o'quvchilar roli nimalardan iborat?

Guruh o'quvchilari olgan bilimlarini yanada mustahkamlash uchun tezkor savollarga jalb etiladi. O'qituvchi har xil guruh uchun alohida

savollar berib, javobini tahlil qilib boardi, g'olib guruhni aniqlaydi. Bu quyidagi savollardir:

1-guruh uchun.

- 1) Qay bir gulni bahor darakchisi deymiz? (boychechak)
- 2) Qaysi jonivor "Sahro kemasi" nomini olgan? (tuya)
- 3) Qaysi gul suvda o'sadi? (nilufar)
- 4) Qaysi hasharotlar eng kam umr ko'radi? (kapalak)
- 5) Qaysi qush bir oyoqda turadi? (laylak)
- 6) Yoz kunlari qaysi daraxt tagida uxlab bo'lmaydi? (yong'oq)

2-guruh uchun savoliar

- 1) Hayotini yer ostida kechiradigan foydali jonivor? (chuvalchang)
- 2) Suvda suzadigan eng katta baliq? (kit)
- 3) Birinchi qor dastlab qayerda tushadi? (toqqa)
- 4) Quruqlikdagi eng katta hayvon? (fil)
- 5) Inson tanasining necha foizini suv tashkil etadi? (70%)
- 6) Eng toza ko'l qaysi ko'l hsoblanadi? (baykal)

3-guruh uchun savollar

- 1) Sayyoramizdagi qaysi qatlam suvli qatlam hisoblanadi? (gidrosfera)
- 2) Qaysi o'simlik suvda yaxshi o'sadi? (qamish)
- 3) O'simlik nima bilan nafas oladi? (kislorod bilan)
- 4) Daraxt va boshqa o'simliklar bargi nima sababdan yashil? (xlorofill pigmenti borligi uchun)

5) Eng yirik gul? (Rafleziya Arnoldi)

- 6) eng baland daraxt? (Avstraliya evcolipti 150 m)
- Savol-javob tugagach, o'qituvchi g'olib guruhni aniqlaydi. 8-sinfda darsligida berilgan 159-230-255-mashqlarni bajarish.

O'qituvchi: Ekologik muammo bugungi muammo emas, balki qadimgi ajdodlarimiz ham atrof muhitni muhofaza qilishga katta e'tibor bergenlar. Ekologiya to'g'risida qimmatli fikrlar Zardushtiyalar dinining kitobi Avestoda ham keltirilgan. Shunindek, hadislarda ham ekologiya masalalari keng yoritilgan. Hozir ekologiyaga oid hodisalardan namunalar keltirib tahlil qilamiz.

1. Dehqonchilik bilan shug`ullaninglar. Dehqonchilik muborak kasbdir. Unga qo'rirqhilarni ko'paytiring.

2. Ekmoq niyatida qo'linggizda ko'chat turgan paytda, behosdan qiyomat-qoin bo'lishi aniq bo'lganida ham ulgursangiz ularni ekib qo'yavering.

3.Beshta yomon hayvon bor. Ular hajda ham, tashqarida ham o'ldirilaveradi.

1.Ilon. 2.Olaqarg`a. 3.Sichqon. 4.Qutirgan it. 5.Kalxat.

4.Kishilarga soya beruvchi daraxtni kesgan kishi boshi bilan do'zaxga tashlanadi.

O'rganilgan ma'lumotlar bo'yicha ekologik muammolarni keltirib chiqaradigan sabablar o'quvchilar bilan klaster metodi yordamida

guruhlarga bo'linib, aniqlanadi.

1-guruuh. Havoning ifloslanishi.

2-guruuh. Ozon qatlamining yemirilishi.

3-guruuh. Chuchuk suv muammosi hamda taqchilligi.

Yuqorida muammolarni quyida sabablardan ajratib topadilar.

1. Komik kemalarning urilishi. 2. Reaktiv samolyotlarni ko'plab uchirilishi. 3. Orol suvning kamayib ketishi. 4. Transport vositalaridan chiqadigan gazlar. 5. Zavod va fabrikalardan chiqadigan chiqindi gazlar. 6. Xolodilnik (sovutgich) va muzlatgich (konditsioner) zavodlarida freon ishlatalishi. 7. Sanoat korxonalarini chiqindilarining suvgaga oqizilishi. 8. Chuchuk suvning isrof etilishi. 9. Xazonlarning yoqilishi. 10. Aholining mafalliy chiqindilari. 11. Shaxta va konlarda rudani tozalash. 12. O'rmonlar maydonini kamayishi. 13. Aholi sonining oshib borishi. 14. Cho'llarning o'zlashtirilishi. 15. Shaharning kengayishi. 16. Sovuq quroilar ishlab chiqarilishi va sinalishi.

Demak, xulosa qilib aytganda ekologik muammo butun dunyo xalqini uylantiradigan muammodir. Har bir inson o'zi yashayotgan joyini va yashayotgan qishlog'ini hududini tabiatini asrab avaylashi kerak.

Darsda o'qituvchi o'quvchilar qiyngalgan masalalarni yoritib beradi. Faol o'quvchilarni baholaydi, taqdirlaydi, uya vazifa berib bugungi darsga yakun yasaydi. Bunday darslar o'quvchini mustaqil fikrlaydigan ma'naviyatli komil insonlar sifatida shakllantirish bilan bir qatorda ularda ekologik madaniyatni ham tarkib topdiradi.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ МУНОЗАРА ТАРЗИДА

ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Баратова Н., катта ўқитувчи (НавДПИ)

Она тилидан янги педагогик технологиянинг моҳияти ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашга қаратилган экан, нафақат таълим мазмуни, балки ўқиш усулини ҳам шунга қараб буришга тўғри келади. Бунинг учун она тили машгулотларининг мунозара, семинар, сиртқи саёҳат тарзида ташкил этиш, такрорлаш машгулотларини "Топқирлар беллашуви" тарзида ўтказиш, ўйин топшириқларидан кенгроқ фойдаланиш яхши самара кўрсатади. Чунки дарснинг бу шакллари ўкувчини таълим жараёнининг субъектига айлантиради; уни кузатиш, изланиш, танлаш, тавсифлаш, саралаш, қиёслаш, ўхшашлик ва фарқлар асосида гурухлаш хукм ва хулосалар чиқаришга ундейди.

I. Она тили дарсларини мунозара тарзида ташкил этиш.

Она тили машгулотларида ўкувчини таълим жараёнининг субъектига айлантиришнинг муҳим чораларидан бири уларни мунозарага жалб қилишдир. Бу дарсларнинг моҳияти шундаки, баҳс-мунозара мавзуси олдиндан ўкувчиларга маълум қилиниб, дарсга тайёрла-

ниш йўллари юзасидан маслаҳатлар берилди.

Дарс машғулотлари мунозаранинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартибини тушунтириш билан бошланади. Ўқитувчи савол-жавоб тартибини тушунтиради. Мунозара саволлари ўқитувчи томонидан ҳам, ўқувчилар томонидан ҳам тузилиши мумкин Масалан, "Олинма сўзлар" мавзуси юзасидан қуидаги саволлар танланиши мумкин:

1. Бошқа тиллардан сўз олиш зарурми?

2. Айрим ҳолларда рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзларни ўзбекчалаштириш борасида уринишлар бор. Ҳамма сўзларни ҳам ўзбекчалаштириб бўладими?

3. Ҳозирги ижтимоий - иқтисодий шароитда бошқа тиллардан сўз олмасликнинг иложи борми?

Мунозара дарсининг муҳим талаби ўқувчиларга ўз фикрини баён қилиш эркинлигини беришdir.

Юқоридаги саволларнинг ҳар бири ўқувчилардан фикрлашни, ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қиласди.

Дарс бир гуруҳ ўқувчиларнинг ўз нуқтаи назарларини баён қилишга айланиб қолмаслиги учун барча ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятини ҳисобга олиш лозим. Синфда ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш даражасига қараб мунозара учун саволларни соддалаштириш ёки мураккаблаштириш лозим.

II. Она тилидан сиртқи саёҳат дарслари.

Сиртқи саёҳат машғулотлари ўқувчилар муайян бир мавзу юзасидан билим, малака ва кўнилмалар ҳосил қилганларидан кейин ўтказилади. Улар ўқитувчи раҳбарлигига "Билимлар мамлакатига" саёҳат қилиб йўлларида дуч келган турли ўқув қийинчиликларини бартараф этадилар. Бу қийинчиликларни енгган, яъни ўқув топшириқларини мустақил бажарган ўқувчиларга баллар қўйиб борилади. Топшириқларни тез ва тўғри бажарган ўқувчилар саёҳатни давом эттирадилар.

Топшириқлар "Она тили" дарсликларидан танланиши ҳам, ўқитувчи томонидан тузилиши ҳам мумкин. Масалан, "Сифатларнинг маъно гуруҳлари оламига саёҳат" дарсида қуидаги топшириқлар ўқувчилар хукмига ҳавола этилиши мумкин:

1-топшириқ. Берилган сифатларни маъносига қараб 1) ранг-тус сифатлари; 2) белги-хусусият сифатлари; 3) маза-таъм сифатлари; 4) шакл-ҳажм сифатлари каби гуруҳларга ажратинг. Ҳосил бўлган гуруҳларни мустақил давом эттиринг.

Оқ, қизил, ол, сарғиш, кўкимтири, ноформон, жигарранг; чучук шўр, нордон, тахир, кўланса; гавдали, новча, семиз, бақалоқ, пакана; тор, ширинсухан, камгап, ясси, кенг, дум-думалоқ,

2-топшириқ. Партадошингиз билан сифатларни ўз ва кўчма маънода кўллаш бўйича беллашинг.

Биринчи ўқувчи: аччиқ шўрва, bemaza қовун, нордон мастава,

қызил күйлак ва ҳоказо.

Иккинчи ўқувчи: ачық гап, бемаза иш, нордон пичинг, қызил юз каби.

3-топшириқ. "Предмет номи -ранч" қолипли бешта құшма сифат ҳосил қилинг.

Намуна: ҳаворанг, фирузаранг, осмонранг

4-топшириқ. "Камалак" мавзусида матн яратинг. Дарснинг охирида ҳар бир ўқувчининг саёхатда тұплаган баллари эълон қилинади.

III. "Топшириқтар беллашуви" дарси.

Катта мавзулар юзасидан тақрорлаш ёки маълум бир бўлим ўрганилгандан кейин тақрорлаш дарсини "Топшириқтар беллашуви" тарзида ташкил этиш машғулотнинг қизиқарли ўтишини таъминловчи воситадир. Дарсни ташкил этиш тартиби:

Мих атрофида айланувчи фонера доира (диаметри 30 см) тайёрланади ва 16 қисмга ажратилади. У 1,2,3....16 деб рақамланади. Бу доира икинчи диаметри каттароқ (40 см) доира ичига жойлаштирилади. Катта доиранинг юқориси ва пастидан кичик доира томон йўналтирилган икки йўналиш чизиги тортилади.

Синф ўқувчилари 5-6 гурӯхга бўлинниб дарсга тайёргарлик кўришади. Улар ўрганилган мавзу ёки бўлим юзасидан 16 тадан савол-тотшириқ тузиб, 16 та хат жилдга кўяди ҳамда уларни 1,2,3,...,16 деб рақамлайди.

Гурӯхларнинг ўйинга кириш навбати қуръа ташлаш билан белгиланади. Дастрраб биринчи навбатни олган гурӯх жавоб беради, ғолиб гурӯх кейинги гурӯхлар билан ўйинни давом эттиради.

АДАБИЙ ТАЪЛИМГА ИЛМИЙ МЕТОДИК ҲАМДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Атамуродова Р., ўқитувчи (ЖДПИ)

Адабий таълимнинг замонавийлик тамойили ҳам технологик, ҳам муаммоли изланишга оид ёндашувни тақозо этади. Лекин уларни ўз ўрнида, аниқ мақсад асосида қўллаш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, маълум шароитларда бир мавзуни муаммоли таълим усулида, иккинчисини тадқиқот усулида ўзлаштириш қулайдир.

Педагогикада таълимнинг изланувчан тизимли ёндашув тамойили ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари лозим бўлган мавзуни изланувчанлик ва ижодкорлик қобилиятларига таяниб ўзлаштиришларини ташкил қилишдан, репродуктив методнинг янги усулларини яратиш қобилиятларини, шахсий идрокини ривожлантиришдан иборат эканлиги олимлар томонидан алоҳида таъкидланган. Муаммоли изланишга оид ёндашувда ўкув фаолияти учун ўзгача ижодий мухит ҳосил қилиниши; бу ёндашувнинг самара бе-

риши учун ўқувчилар мавзу билан олдиндан пухта танишган бўлишлари зарурлиги; шундагина улар ўша мавзуга эркин ёндаша олишлари ҳам бот-бот эслатилади.

Шоир Абдулла Орипов ҳәёти ва ижодини ўргатишда айни жараённи ташкил этишнинг технологик усувлари сифатида қўйидагиларни тавсия қиласми:

— ижодкор таржимаи ҳолига оид ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган қизиқ муаммони ўртага ташлаш;

— ижодкор асарлари асосида баҳс-мунозарага турткি берувчи фикрларни уйғотиб, қарама-қаршиликни бўрттириб, танқидий мулоҳазаларга кенг ўрин бериш;

— таълимни қўйилган муаммодан келиб чиқиб, ижодий ташкил этиш.

Педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигига нафақат янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда ўқувчининг кашфиётлар қилиши учун шароит яратилади. Бундай фаолият ўқувчи учун алоҳида шахсий қадриятга эга.

Педагогик технологиянинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришини кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Лойиҳа асосида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг келажакда биргаликда амалга ошириладиган фаолияти ётади. Таълим технологияси ғоясида мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш босқичларига ажратиш каби усувлар ўз аксини топган.

Кенг кўламда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари илфор технологияларни ўрганиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этишни замон талаби даражасига кўтарди. Бу ўз навбатида, педагоглардан таълим соҳасига технологик ёндашувни татбиқ этиш ва педагогик технология усулини Ўзбекистоннинг миллий, маънавий, маданий ҳусусиятларини, тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қўллашни талаб қиласми. Агар бу ёндашув ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ тарзда қўлланса, ўқув тарбиявий ишлар самарадорлиги анча юқори бўлади. Педагогик технология таркибига асосан қўйидагилар киради:

— таълимнинг умумий мақсади ва мазмунида муҳим масалаларнинг қўйилиши;

— умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;

— таълим мақсадларини назорат топширикларига айлаштириш орқали ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;

— ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқот асосида таълимга жорий тузатишлар киритиш мумкин);

— натижани баҳолаш. Буларнинг ҳар бири педагогик технологиянинг қулайлаштирилган тизимиdir. Бу тизимдан фойдаланиб,

шоир ҳаёти ва ижодини умумтаълим босқичида узвийлиқда, тизимили курс сифатида ўргатиш кўзда тутилади.

Дарҳақиқат, адабий таълим самарадорлигини таъминловчи технологиялар Давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўнишка ва малакаларнинг минимум даражалари ўқувчилар томонидан кам жисмоний куч ва вақт сарфлаш ҳисобига пухта ўзлаштирилишини таъминловчи фаолият мазмуни бўлиб, унда энг мақбул, самарали шакл, метод ва воситалар ўз аксини топган бўлиши зарур.

А.Ориповнинг "Соҳибқирон" драматик достонини ана шу йўналишда таҳлил қилишни қўйидаги шаклда тавсия қиласиз:

Достонга қамраб олинган реал ҳодисалар таянч манба сифатида танланиб, Амир Ҳусайн, Боязид Елдириим, Бибихоним, Улуғбек, Хонзодабегим, Улжой Туркон, ибн Арабшоҳ, Ҳофиз Шерозий, Аҳмад Яссавий, Испания элчиси Клавихо сингари тарихий шахслар образларини ҳам киритганки, улар муайян воқеалар ичida Соҳибқирон қиёфасини очишга хизмат қиласи. Драмада тарих ҳақиқатига мувофиқ баҳс-мунозаралар, мулоқотлар орқали Соҳибқироннинг адолатга садоқати, бекиёс инсонпарвар, юртпарвар зот бўлгани жонлантирилган. Ўтмиш ҳодисаларини мавжуд ҳақиқати билан бу тарзда бадиий манзаралантириш эса таъсирчанликка эришишнинг энг самарали йўли саналади. Шу сасосда Амир Темур ўз хатти-ҳараратини ҳамиша таҳлилу тафтиш этадиган, "Куч адолатда!" шиорига содик қолиб, ҳар ишда адолатга сяниб атрофдагилар билан маслаҳатлашадиган, донишманд сифтида гавдаланади.

"Бирор мушкул муаммони ҳал этар бўлсан,

Кенгаш қилдик ахли дину вазирлар билан,

Кенгаш қилдик баҳодирлар, амирлар билан". -

деган Амир Темурни Аҳмад Яссавий руҳи билан мулоқотга киргизиш орқали илму тафаккур құдрати ҳар қандай жисмоний кучдан устун эканлигини таъкидлашга хизмат қилган. Асар таҳлилида ўқувчилар эътиборини бош қаҳрамон образининг бу каби кучли жиҳатларига қаратиш мақсадга мувофиқ.

Инсон қалbidаги зиддиятли кечинмаларни таъсирчан манзараларда гавдалантириш азалдан ҳам Абдулла Орипов ижодига хос етакчи хусусият саналади. Шунинг учун "Соҳибқирон" драмасидан ҳам шу хусусият бошдан охир "қизил ип" бўлиб ўтган. Натижада, Амир Темур дунё ишлари, чигалликлари, инсон қисмати мураккабликлари, одамларнинг турфа табиати ҳақида муттасил ўйлайдиган мутафаккир сифатида намоён этилган. Муаллиф драматик достонда қаҳрамон ички, коллизияларини кўрсатишига ҳарарат қилган. "Соҳибқирон" драматик достон бўлганлиги сабали унда қаҳрамонлар қалbidаги ҳолатлар, ўз-ўзини инкор этиб азобланишлар жараёни айниқса таъсирчан чиққан.

Достон воқеалари Амир Темур билан Амир Ҳусайн тўқнашуви саҳнасидан бошлаб авжланади. Амир Ҳусайннинг қалбида Амир Темурга нисбатан чексиз адоват мавжуд. Амир Ҳусайннинг фаросатсиз, калтабин, манфур қиёфаси китобхон қалбида нафрят уйғотса, соҳибқироннингadolatпарварлиги, зийраклиги, мулоҳазакорлиги, вазиятга қараб иш тута олиши, ҳурмат эътиқод ҳисларини уйғотади. Воқеалар ривожида Амир Ҳусай пасткаш, очкӯз, тубан шахс сифатида гавдаланиб боради. Ўлжой Туркон ва Соҳибқироннинг пок муҳаббат ришталари ёрқин бўёқда акс эттирилган.

Айниқса, Боязид Елдирим, Аҳмад Яссавий билан учрашувлар саҳналарида у янада кескинлашади. Мулоқотлар жараёнида Темур сиймосида мужассамлашган улуғворлик тадрижий тарзда, воқеадан воқеага қадар кучайтириб тасвиirlab берилади.

Дунёning ишлари ҳеч қачон одамларнинг изну иродасига мувоғиқ келмаган. У асов ва аёвсиз курашлардан иборат жараён. Табиики, барча буюк кишилар сингари Амир Темур ҳам ҳаёт ҳақида, унинг бешафқат, асов, файритабий жиҳатлари хусусида ўйлаган:

Бу фалати жараёндаadolat борми?

Яйраб юрар нега шайтон корандалари?

Нега кўпdir найранг бозу кazzоб кимсалар?

Нега босган ер юзини бунча кўп иллат?

Инсон зоти борки, ҳамиша ўзини ҳақ деб ҳисоблади. Тарихдаги катта фожиаларга сабаб бўлган Боязид Елдирим ҳам ўзини фаришта санаган. Драмада бу ҳодисаларни тарихий ҳақиқатга мувоғиқ бадиий акс эттириш орқали муаллиф фалсафий руҳни юзага келтирган. Бу қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдири тасвиридан ўкувчилар фалсафий ҳукм-хулоса чиқаришлари аниқ; Кимки куч-кудрати ва истеъдодини эзгуликка,adolatни мустаҳкамлашга, эл-юрт равнақи йўлига сарфласа, унинг амалга оширган ишлари, кураш-интилишлари кўпчиликка наф келтиради, эл-юрт эъзозига сазовор бўлади. Акс ҳолда, Амир Ҳусайн ёки Боязид Елдирим каби ҳаётнинг шафқатсиз қассосига йўлиқади; ўз ёвузликлари эвазига тақдир уларни фожеали қисмат эгасига айлантиради. Ўкувчиларга доно халқимизнинг "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган ҳикматини эслатиб ўтиш ҳам фойдали.

Амир Темурнинг умри жангу жадаллар ичida кечган. Аммо нима учун муаллиф уни ёвқур, шиддатли лашкарбоши, жанговар, мард шахс сифатида гавдалантиришдан кўра, улуғ донишманд сифатида талқин этишга алоҳида эътибор берган? Дарҳақиқат, Амир Темур тимсолини дунё ишларининг чигалликлари, инсон қисматининг кутилмаган зиддиятларга тўлалига хусусида муттасил мушоҳада қиадиган шахс сифатида гавдалантиришни муаллиф ўз олдига асосий мақсад қилиб кўйган. Амир Темур фаолиятида ҳаётий зарурат ва тарихий қонуниятларининг уйғунлиги бор. Бу қонуниятларни ҳам-

мадан бурун унинг ўзи англаган. Шу боисдан, от мингандан, қўлга қилич олган, курашга бел боғлаган. Асарнинг бошқа бир жойида Амир Темур ўзининг бу икрорини яна ҳам чукурроқ далиллайди: "Мен чигал бир даврда яшадим". Ҳа, у яшаган давр ҳақиқатан чигал эди. Асрлар давомидаги чингизийлар унинг ватанини таладилар, емирдилар, буздилар. Юрт ва элнинг моддий, маънавий илдизига чексиз зарар етказдилар. Асрлар оша чингизийлар хукмрон бўлса ҳам ҳалқ эрк учун курашдан толмаган. Темур сўзлари билан айтганда, у бу курашда урилиб-сурилиб юрган ватанпарварларни тўплади, бирлаштириди ва уларга бошчилик қилди. Темур тарихий чигалликка ишора қилиб дейди: "Ўлдурмасанг ўлдурурлар!".

Демак, юрт мустақиллиги учун курашнинг оқими ё ҳаёт, ё мамот эди. Жаҳон тарихида курашлар ҳар хил шаклда рўй бергани маълум. Бироқ, Амир Темур фаолияти эзгу маслак йўлида ўз замонаси учун чинакам миллий гоя шаклида рўй бергани аниқ. Асада тасвирланганидек, у на бойлик орттиришга қизиқади, на майшатга. "Менга етгай бир бурда нон ҳам", дейди у. От миниб, қилич кўтариб Ватан учун, дину адолат учун, миллат эрки учун курашдим, дейди. Орттирган мол-мулкини фақат шаҳарлар, йўллар, кўприклар куришга, юртни обод этишга, боғ-роғ яратишга сарф қилди.

Абдулла Орипов талқинича, Амир Темурга қувват бериб турган куч бор. У ҳам бўлса Турон келажаги. У ҳар бир ватанпарвар инсон сингари ўз втанидан, она тупроғидан мадад олади. Шу маънода ҳаёти охирлаган чоғларда дейди:

"Биз ким мулки турон
Амири Туркистонмиз
Биз ким - миллатларнинг
Энг қадми ва энг улуғи
Туркистоннинг бош бўғинимиз!".

Қанчадан-қанча ғурур, қанчадан-қанча қаноат, ифтихор бор бу сўзларда. Соҳибқироннинг ушбу сўзлари ўқувчилар кўнглига, қалбига миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юқтириши аниқ.

КОМИЛ ИНСОН ШАКЛЛАНИШИДА ЛУФАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ **Дуйсабаева Д., ўқитувчи (ТДПУ)**

Бугунги жамиятга ҳар томонлама етук, баркамол шахслар керак экан, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар бундай шахсларни тарбиялашда катта имкониятлар очиб бермоқда. Ана шундай мақсадда қабул қилинган ҳужжатларда ҳам таълим тизимининг барча бўғинида бериладиган билимларнинг методик асосини янгилаш, ўқитишнинг шакл ва мазмунини жаҳон андозаларига мослаб, илфор педагогик технологиялар билан бойитиш талаб этилади. "Таълим-

дан асосий мақсад болаларга илгаридек билим бериш эмас, билим олишга ўргатищдир. Бунда ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмай, балки билим олиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши керак" - деб президент А.И.Каримов таъкидлаганидек, ҳар бир масала ҳусусида "фаол ва мустақил фикрловчи авлод" феномени шаклланмоқда. (Каримов И. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ. 1997 - 16-бет)

XXI аср таълим жараёнидаги муаммо - ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг онгига янги материалларни чуқур сингдириш, уларда мустақил фикрлашга, изланишларига қизиқиш ўйфотищдир. Техника ривожланган бугунги кунда мактаб ёшидаги болаларнинг компьютер саводхонлиги, интернет орқали тайёр маълумотларни олиб, ўзи билганича таҳлил қилиши бир томондан яхши. Аммо бу мактаб ўқитувчиларининг фаолиятига бироз бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатиши, яъни ўқитувчи п ўқувчи муносабатининг дарз кетишига олиб келиши мумкин. Бундай холнинг олдини олиш, мактаб ва мактаб ўқитувчининг шахс шаклланишидаги аҳамияти ва моҳиятини сақлаб қолиш мақсадида дунё олимлари дарсларни янги педагогик технологиилар асосида олиб бориш самарали натижа беришини исботладилар.

Педагогик технологияларнинг турлари кўп бўлиб, улар моҳияти, ўзига хос ҳусусиятлари ва ўқув материаллари, ўқув жараёнини ташкиллаштириш усуллари билан бир-биридан фарқ қиласди. Умуман олганда, ҳар бир педагогик технология ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини, дарсдан кутиладиган натижанинг қандай бўлиши ҳақида олдиндан тасаввур эта олиш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир дарсни таҳлил қилиб, ўқитувчи ва ўқувчи томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг кейинги дарсларда олдини олишга ёрдам беради.

Ўқитувчи учун енг самарали, енг фойдалиси бу ўқувчининг жамиятда мустақил фикрлай олиши, одамларнинг орасидаги нутқ, муомила маданиятига риоя қилиши, тил ўрганиши ва маълум бир асарни мазмун-моҳиятини тўлиқ англай олишини таъминлай оладиган усулни тўғри танлаши мухимдир. Бундай самарали натижа берадиган усулларнинг бири - луғат билан ишлашдир. (Исабаев ?. Қазак тқлқн оқыту методикасы(жалпы методика). - Т: 2003 ж.)

Луғат билан ишлаш ўқувчининг чуқур билимга эга бўлишига, саводли ёзишига, тўғри сўзлаша олиш малака ва кўникмасининг шаклланишига жўда катта амалий ёрдам беради.

Луғат билан ишлаш жараёни ўқув жараёни каби узлуксиз тарзда йил бўйи маълум бир тартиб билан ҳар бир дарснинг, мавзунинг мазмунига боғланган ҳолда олиб борилади. Луғат билан ишлашни тўғри ташкил этиш бола ривожланишининг асосий омилларидан

бири, чунки ҳатто ёш болаларнинг "У ким? Бу нима?" деган саволлариға жавоб берадиган китобчалар, рисола ва тұпламлар ҳам иллюстратив луғатнинг бир шаклиға мисол бўла олади. Демак луғатдан фойдаланишга кўникма ҳосил қилиш жараёни кичик ёшидан бошланади.

Луғатнинг қай тури бўлсин - ўқувчига аниқловчи вазифасини бажарадиган кўмакчи восита бўлиб, уларнинг ҳар бирининг мазмұни, шакли жиҳатидан ўзига хослиги ва фойдаланиш услуги бор. Масалан, орфографик луғат - ўқувчиларнинг имлосига ёрдам берувчи восита. Ундан бошлангич синфдан бошлаб (айнан мактаб ўқувчилари учун яратилган шакли) фойдаланиш зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларга луғатдан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш жараёнида синфда ҳамма сўзларнинг ёзилишини ўргатиш мумкин эмаслиги, мустақил тарзда машқлар бажарганда, иншо, диктант ёзганда ёзилишида иккиланаётган ёки умуман қийин сўзларни ўзлари луғатдан қараши мумкинлигини тушинтиради. Аммо ҳар бир сўзни луғатга қараб ёзишдан ҳимоялаш керак, чунки ундай ўқувчилар тўғри ёза олмайдиган бўлиб қолиши мумкин.

Изоҳли луғат - сўз маъноси ва сўзнинг кўлланиш ўрнини ўргатадиган кўлланма бўлиб, ўқувчиларнинг лексиконини бойиши, артофмухитни танишида билим ва кўникмаларини шакллантириди. Ўқувчилар изоҳли луғатда берилган сўзнинг қайси сўз туркумига кириши, қайси стильга тегишли сўз эканлиги билдирадиган белгилари билан танишади. Ўқитувчи луғатда берилган сўзнинг берилиш тартибини тушинтириб бориши зарур, яъни сўзнинг маъноси кўп бўлса ҳар бири цифр билан белгиланиб, уларга алоҳида изоҳ берилиши, сўзнинг омоними бўлса, алоҳида сўз сифатида ёзилишини тушинтириши керак.

Ўқитувчилар шогирдларида мана шундай тартибда омоним, синоним, антоним, фразеологизмлар, диалект ва термин сўзларнинг маъноларини маҳсус луғатлардан фойдаланган ҳолда ўрганиб боришга кўникма шакллантириши лозим. Дарс жараёнида луғатлардан фойдаланиш ва уларнинг тузилиши слайдлар орқали туширтириб борилса натижага самарали бўлиши аниқ, чунки психолог олимларнинг таъкидлашича инсон информацийнинг 83%-ни кўриш орқали қабул қиласи экан.

Хулоса қилиб айтганда, луғат билан ишлаш ўқувчиларнинг билимини кенгайтириб, сўз бойлигини ошишига, саводли ёзишга, тўғри ва маъноли сўзлаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам берадиган усул. Шунинг учун ўқитувчи баркамол шахсни шакллантириш жараёнида луғат билан ишлашга алоҳида аҳамият бериши лозим.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШДА КЛАСТЕРЛАРГА БўЛИШ УСЛУБИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ибрагимова Р. ўқитувчи,
(ТошДАУ Нукус филиали)**

"Амир Темур бобомизнинг "Куч - адолатда" деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга кўшимча қилиб "Куч - билим ва тафаккурда" деган бўлар эдим", - деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов "Адолатли жамият сари" рисоласида. Ҳақиқатан ҳам, ёшларимизнинг билим ва тафаккури бутун бир халқнинг, миллат ва мамлакатнинг, қолаверса, бутун бир коинотнинг келажагини белгилайди.

Ўзбек тилини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш дарс жараёнида замонавий илфор педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишга боғлиқ. Мазкур мақоламиизда бу борадаги айrim тажрибаларимиз, мавжуд назарий ва амалий манбалар асосида чиқарган хulosаларимиз билан ўртоқлашишни мақсад қилдик. Бундай услублардан бири Кластерларга бўлиш услубидир. Кластерларга бўлиш- бу талабаларга бирор бир мавзу юзасидан эркин ва очиқ фикр юритишга ёрдам берувчи педагогик стратегиядир. Кластерларда ишлагандан талаба ўрганиши лозим бўлган масала осон эсда қолади.

Кластер усулини қўллашнинг асосий қоидалари: 1) хаёлга келган фикрлар ёзиб борилади; 2) ёзишни қийинлаштирадиган жиҳатларга эътибор берилмайди; 3) ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатмаслик шарт; 4) илк бор кластерлар усули қўлланилаётган бўлса, талабаларга таниш бўлган мавзу танланади.

Намуна сифатида "Университетим билан фаҳрланаман" мавзусини олайлик. Бу матний мавзу асосида сўзларнинг шакл ва маъно турларидан шаклдошлар ва паронимлар ўрганилади. Мавзу тахтада қайд қилинади ва гуруҳ кичик гуруҳларга бўлинади. Талабаларнинг бу мавзу юзасидан учта йўналишда - бакалавриат ва магистратура; стипендия турлари; мутахассисликлар каби масалалар бўйича ўз фикрларини ватман қофозларида ёки дафтарларида ифодалаш учун 4 дақиқа, оғзаки баён қилишлари учун ҳар бир гуруҳга 2 дақиқадан - жами 8 дақиқа, имловий хатолар устида ишлаш учун ҳам 8 дақиқа вақт берилади. Умуман, ҳар бир савол ва топшириқлар, машқ ва луғат ишлари, грамматик мавзуни ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва шакллантириш учун вақт чегаралари белгилаб қўйилади ва қатъий амал қилинади, шу асосда талабаларнинг жорий ўзлаштиришлари баҳоланади.

Баҳолашда ҳар хил рағбат карточкаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, "Офарин", "Баракалла", "Сизга омад".

Топшириқларни слайдлар орқали, жадваллар ва тарқатма материаллар воситасида, ҳар хил расмлар, шеърий ёки насрий матнлар асосида ва бошқа ранг-бараг шаклларда беришимиз мүмкін. Топшириқлар ҳар бир гурухга алоҳида-алоҳида берилади.

Топшириқ. Қуйида берилган шаклдошларнинг ҳар бир маъноси иштирокида гаплар тузиб ёзинг. Масалан: Қуймоқ, бурун, том, суз, ошиқ, сон, туй, тут, тортмоқ, куй, гап бермаслик, бош кўтармоқ, ишла, қувла, қовоқ омонимларидан фойдаланамиз.

Куймоқ - сут, тухум ва ун маҳсулотларидан тайёрланадиган таом тури.

Атиргулга кўп сув қуймоқ кони зарар.

1-гуруҳ учун: бурун, том, суз, ошиқ.

2-гуруҳ учун: сон, туй, тут, тортмоқ

3-гуруҳ учун: куй, гап бермаслик, бош кўтармоқ,

4-гуруҳ учун: ишла, қувла, қовоқ.

Чақмоқ сўзининг омонимик жиҳатларини слайд орқали намойиш қиласиз.

Ч - Тухум чақиб қуймоқ тайёрлади.

А - Тепакал гугурт чақиб папирос тутатди.

Қ - Илон чаққан ола арқондан қўрқар.

М - Яланг оёқ юрсам, шағал оёқларимни чақиб ташлайди.

О - Элчи Мұхаммадалини йўл чақиб қўйган еди.

Қ - Олинган ҳосилни пулга чақиб қўринг.

Топшириқ. Чакмоқ сўзининг кўпмаянолилигига гаплар тузинг.

1. Қаттиқ пўчоқли меваларни тишлиб ёки уриб ёрмоқ (феъл);

2. Қанднинг ҳар бир бўлاغи;

3. Яшин (табиат ҳодисаси) каби.

ЛУФАТ

Сел (а) - 1. Шиддатли ёмғир, жала. Уч кун тинмай сел ёғса ҳамма ёқни сув босиб кетади. 2. Тоғли жойларда кучли ёмғирдан, жала ёқи қор эришидан ҳосил бўладиган кучли сув оқими. Сел ювиб кетган жойда тошлар қўриниб ётарди. 3. Гўштнинг суви, қони. Сели билан қовурилган жигар.

Кейинги топшириқларни паронимлар асосида бажарамиз. XXI аср вабоси деб ном олган гиёхвандлик балосига асир бўлманг!

Топшириқ. Берилган паронимларнинг маънода ва шаклдаги фарқларини изоҳланг ҳамда гаплар тузинг.

Куйинди - қуюнди, қайд - қайт, хаёл - хиёл, қисм - қисим, бот - бод, расо - роса, қуюлди - қуйилди, еллик - енлик, жуда - жудо, хийла - хийла, тузсиз - туссиз, ис - из, ижобий - ижодий.

Топшириқларни ҳар бир ўқитувчи аудитория шароити, талабаларнинг қизиқишилари асосида бошқача шаклларда ҳам ишлаши мүмкін. Хулоса тариқасида шуни айтишимиз мумкинки, дарс осон ва очиқ саволлардан бошланиши, машқ ва топшириқлар асосида

назарий мавзулар берилиши, луғат ишларидан фойдаланилиши лозим.

ФЕҮЛ НИСБАТЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мавлонова И., магистрант (ТДПУ)

Ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат түйғусини шакллантириш, уларда миллий истиқолол тоғасини ривожлантиришда таълим тизимининг ўрни бекиёс. Юртбошимизнинг "Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради..." деб айтган сўзлари шу маънода катта аҳамиятга эга.

Бу вазифани амалга оширишда она тили фани ўқитувчиларининг ўрни бекиёс. Фан ўқитувчилари илгор тажриба, фан ютуқлари билан куролланган бўлиши керак. Ҳозирги кунда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни рӯёбга чиқаришнинг навбатдаги босқичи ҳам тил таълими ходимлари олдига таълим мазмунига янги педагогик технологияларни кенг қамровда татбиқ этиш вазифасини қўймоқда.

Шу мақсадда 6-синфда "Феъл нисбатлари"ни ўқитишда қўлланадиган "Гурухларга бўлиш" усули ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Илмий-педагогик тамойиллардан бири таълим жараёни қатнашчилари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашдан иборатdir. Маълумки, инсондаги эзгу сифатлар жамоага қўшилиб фаолиятга киришганда ёрқинроқ намоён бўлади. Ҳаётда бўлгани каби ўқиш жараёнида ҳам биргаликда қилинган фаолият кўпроқ самара бериши жуда қадим замонлардаёқ маълум бўлган. Ўқувчиларни гуруҳ қилиб ўқитиш тажрибаси ҳам бежиз пайдо бўлган эмас.

Педагогикадаги ҳамкорлик биргалиқдаги таълимни кўзда тутади. Бунда фақат ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги ҳамкорликдан кўра ўқувчи билан ўқувчи орасидаги ўзаро шериклик таъминланиши кераклиги кўзда тутилади. (Ражабова И. Адабиёт дарсларида ўкучиларни гурухлаш тириш ҳақида. // Тил ва адабиёт таълими. 2009, №9, 3-11-бетлар)

Тил таълимида ўқувчиларни гурухларга бўлиб иш боришнинг самарали эканлиги ўз исботини топган. Гурухларга бўлишни турли шаклларда амалга ошириш мумкин. Жумладан, бир хилдаги қофозларга феъл нисбатларининг номлари ёзилади, қофозлар ўқувчилар сонига қараб 4 ёки 5 тадан бўлади. Бу қофозлар албатта, столга тескари ҳолда аралаштириб қўйилади ва ўқувчилар бирин-кетин қофозлардан биттадан оладилар. Гуруҳдаги барча ўқувчилар қофозларни олиб бўлгандан сўнг, ундаги феъл нисбатлари номига қараб гурухларга бирлашадилар.

Масалан: "Аниқ нисбат" гуруҳи. "Ўзлик нисбат" гуруҳи.

Лола	Нилуфар
Мадина	Элёр
Акмал	Умида
Нодира	Сарвиноз

Ўқувчилар гуруҳларга бўлингач, ҳар бир ўқувчи ўз гуруҳи номидан келиб чиқиб маълумот тўплайдилар ва биттадан маълумотларни айтиб чиқадилар. Намуна: "Ўзлик нисбат" гуруҳи.

Нилуфар: Бажарувчининг ўзи устида амалга оширадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли ўзлик нисбат дейилади.

Элёр: Ўзлик нисбат шакли феъл асосига -н (-ин), -л(-ил) қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Умида: Унли билан тугаган феъл асосига -н ёки -л, ундош билан тугаган феъл асосига эса -ин ёки -ил қўшимчалари қўшилади.

Сарвиноз: Ўзлик ва мажхул нисбат шакллари бир хил, лекин улар ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Бу усулдан фойдаланиш ўқувчиларни биргаликда, шерикликда ўқишга одатлантиради, уларда жамоани хис этиш түёғусини шакллантиради. Шунингдек, ўзгалар учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади. "Гуруҳларга бўлиш" усулини янги мавзуни ўзлаштиришда ҳам, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўқувчилар ўрганилаётган мавзу ёки унинг бир қисмини, назарий тушунчадан фойдаланган ҳолда биргаликда мустақил ўзлаштирадилар ва оғзаки тарзда жавоб беришга одатланадилар.

Дарсларда бу каби усулларнинг қўлланиши ўқувчиларни оғзаки фикрлашга ва ҳозиржавобликка ундейди.

ФОЛЬКЛОР ВА УНИ ЎКИТИШ МЕТОДИКАСИ

"АВАЗХОН" ДОСТОНИНИНГ ЛЕКСИК ҚАТЛАМИНИ ҮРГАНИШ Ўраева Д. Ф.Ф.д., проф. (БухДУ)

Асрлар мобайнида халқимизга жуда катта руҳий ва маънавий кувват бериб келаётган миллий қадриятларимизни, фольклор анъ-аналаримизни ёшлар онгига чукур сингдириш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишида халқ достонлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, касб-хунар коллежларининг ўкув дастурига киритилган "Авазхон" достони орқали талабаларга ўзбек халқ анъаналарининг ўзига хослиги, халқ достонларининг жанрий табиати ва бадиий-композицион ҳамда лингво-поэтик хусусиятлари, тарбиявий аҳамияти хусусида маълумотлар бериш мумкин. Бинобарин, "Авазхон" достонида достон куйловчи мансуб бўлган шевага хос сўзлар, халқ ҳикматлари ва иборалари, ўз лугавий маъносидан ташқари ишлатилган жумлалар, эскирган ва янги сўзлар мавжудлиги алоҳида кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб, "Авазхон" достонининг лексик қатламини: а) умумистеъмолдаги услубий бетараф сўзлар; б) шевага хос сўзлар; в) эскирган, ҳозирда кўлланмайдиган сўзлар; г) байналмилал ўзлашма сўзлар кўринишида гурухлантириш мумкин.

Достонда учрайдиган шевага хос сўзлар фонетик, морфологик, лексик-семантик хусусиятларига кўра бир-биридан ажralиб туради. Шуни инобатга олиб, достондаги диалектизмларни учга бўлиб ўрганса бўлади: 1. Лексик диалектизмлар. Бунда шевадаги сўзлар маъносига қараб ўзаро фарқланади: ияртиб-эрғаштириб; чуймоқ ("Бўз тарлонни толпинтириб чуймоқдан") - чуркамоқ; кўрраймоқ - гердаймоқ; чача ("Уруш қилиб, чачадан қон кечмоқдан") - тиззадан демоқчи ва ҳоказо. 2. Фонетик диалектизмлар. Улар товушларнинг талаффузда алмаштирилиши жиҳатидан фарқланади: қозивозлик - қозибозлик; сўғин - сўнг, кун чашка бўлди - кун чошгоҳ бўлди каби. 3. Морфологик диалектизмлар. Қўшимчаларнинг шевадаги фарқланишидан иборат: изима - изимга, савдо чиқмағич эди - савдо чиқмайдиган эди каби.

Достонда ўтмиш даврларда кенг кўлланган уй-рўзгор, турмуш предметлари номи ҳам учрайди. "Кировка совут" - металл нимча (уруш кийими); "шикори кавш" - овда кийиладиган маҳсус маҳси; "лачак" - аёллар бўйин ёпинчиғи; "жиға" - амалдорлик белгисини ифодаловчи бошга тақиладиган пат-безак, живахона, сардоба (сув ҳавзаси), добил (қилич), шикор (ов), қашов (отларнинг ёлини тарайдиган тароқ), таблица, мироҳур, зулча, форат сингари ҳозирда кўлланмайдиган эскирган сўзлар шулар жумласидандир. Булар

орасида "форат" сўзи қаҳрамонлик ва жангнома типидаги достонларда кўп учрайди. Чунки бу сўз уруш, жанг қилиш, кўққисдан хужум этиш, аёвсиз босиб олиш ("Форат қилинг бориб Чамбил шаҳрини") маъноларини англатади.

Достон тилида айрим байналмилал ўзлашма сўзлар кўлланганлигини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, саллот (аскар демоқчи - Д.Ў.) ("Кирқ минг отли саллот бирдан жўнади"), саллот боши (Аскарларнинг бошлиғи ёки лашкарбоши демоқчи - Д.Ў.) , дурбин ("Мисқол пари, Гулнор пари, Юнус пари дурбин тутиб турарди, душман келмасин деб") кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, достонда форс-тохикча сўзлар, мурожаатлар ҳам кўлланган. Масалан, "Тўлак ботир Ҳасанхонга ишқибоз эди, Ҳасанхоннинг томоғи остидан ўтиб, "хезитон рав" деяпти". Бу тохикча мурожаат бўлиб, "туринглар, кетинглар (боринглар)" деган маънени англатади. Ёки достонда кўлланган "хумса жўра" бирикмаси ўзбекчада "ошнанинг ёмон тури" маъносини билдиради. Достон тилида ҳароми, ўғри, қаллоб, каззоб сингари ҳақоратомуз сўкинч сўзлар ҳам учрайди.

Достонда кўлланган айрим жумлаларни, синтактик бирликларни (сўз бирикмаси ва гапларни) ҳозирги замон тингловчиси бирданига англаши қийин. Айтайлик, "Ана энди маъқул сўзнинг қоруви йўқ", "Хунхоршоҳ келган ўҳшади, Суяккиналар шовшади", "Камарлар турроққа тўлиб, Тошлоқ ер гурпак бўп қолди", "Дарвозани қўширса, Ҳар тарафдан сарбоз қамсаб келса" кабилар бунга мисол бўла олади.

Хуллас, "Авазхон" достони миллий тилимизнинг луғат бойлигини, тараққиёт қирраларини билиб олишда муҳим манба вазифасини ўттай олади.

ХАЛҚ АФСОНАЛАРИДА УЛКАН ОДАМЛАР ТИМСОЛИ Рахмонова М., докторант (АДУ)

Қадимги миф ва афсоналарда одамнинг илк авлодлари улкан кўринишга эга бўлганлиги талқин қилинади. Шунинг учун афсоналарда улкан одам образи талқини алоҳида кўзга ташланади. Амударё ҳомийси Ҳубби, Ҳўжимадўлик, Ҳожи мулк кабилар шулар жумласидандир.

Ҳубби ўзбек халқ афсоналарида кўп учрайдиган мифологик образлардан биридир. У аждодларимизнинг сув культи билан боғлиқ энг қадимий мифологик қарашларини ўзида сақлаб келаётир. Шунинг учун кемачилар, солчилар, мироблар Ҳуббидан мадад сўраб, унинг культини эъзозлайдилар.

Бу хаёлий образ ҳақида ўзбек фольклоршунослигида М.Жўраевнинг алоҳида илмий мақоласи эълон қилинган. М.Жўраев таъкидлашича, Ҳубби образи хаёлий образ бўлиб, культ мифлари

асосида яратилган.

Хубби мифик образи қатнашган афсоналар Ҳоразм, Бухоро ва Фаргона вилоятларида кенг тарқалган. Афсоналарда Хубби образи күйидаги фазилатлар асосида бадиий талқин қилинади:

- а) дарё сувининг сатхини назорат қилиб турувчи ҳомий;
- б) чўкканларни қутқарувчи ҳомий;
- в) ўлган жонзотларни тирилтира олувчи мўъжизакор куч;
- г) зарур бўлганда бошқа қиёфаларга (масалан, қушга) айланана оладиган ғаройиб тимсол;
- д) биринчи бўлиб кема ясаган ва одамларга дарёда сузишни ўргатган ҳомий.

"Даранғи мачит" номли ўзбек афсонасида дарё ичидан Хубби чиқиб келади. У қўлидаги ҳассасини қирғоққа қадаб қўйиб, ўзи соҳил бўйлаб юриб кетади. Ҳуббининг ҳассасидан туранди ӯсиб чиқиб, аста-секин кўпайиб кетиб, катта турандизорга айланади.

Афсоналарда айтилишича, Ҳўжимадўлик қўли осмонга етадиган, ўз овини кўёшга тутиб пишириб ейдиган улкан инсон бўлган. Ҳудди шундай хусусиятга Амударё ҳомийиси Хубби билан Ҳожи мулк ҳам эга бўлган. М.Жўраев бу ҳақда: "Ўзбек фольклоридаги "куёшга қўли етадиган" афсонавий дароз одамлар образи замирида оламнинг яратилиши ҳақидаги самовий мифларда тасвириланган яратувчи қаҳрамон тўғрисидаги халқ қарашлари мужассамлашган", - деб кўрсатади.

Афсоналар орасида улкан одамлар ҳақидаги афсоналар анчагина. Улар алоҳида туркумни ташкил этади. Шундай афсоналардан бири Арслонбобо номи билан боғлаб талқин қилинади: "...Дунёда Арслонбобо номли хислатли киши ўтган эканлар. Арслонбонинг бўйи икки-икки ярим одамнинг бўйидай экан. Кучда тенгсиз бўлиб, томдай-томдай тошларни бир қўлида кўтара олар, дов-дараҳтни илдиз-пилдизи билан юлиб ола олар экан. Шу хислатли одам бир дам солиш билан оқаётган дарё сувини олдинга эмас, орқага оқиза олар, ёғаётган ёмғирни тўхтатиб, истаса ҳавога булату чақириб, ёмғир ёғдира билар экан. Арслонбобо одамларга яхшиликлар қилиб, тўққиз юз йил яшабдилар. Арслонбобо келиб яшаб қолган, мўъжизалар кўрсатиб одамларни қойил қолдирган жой Арслонбобо дейиладиган бўлибди. Тўққиз юз ёшларини яшаб вафот этгач, шу жойга дағн этилибди. Бу жой ҳамманинг зиёрат қиласидаги жойига айланибди. Кимда ким астойдил зиёрат қилиб, намоз ўқиб, куръон тиловат қилиб, савобини бағишлиласа, у киши ниятига етмай, мақсади амалга ошмай қолмас экан".

Сехрли эртаклар орасида митти полвонлар ҳақидаги эртаклар машхурдир, аммо афсоналарда митти полвонлар образи учрамайди.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Абдувалитов Е., доц. (ТДПУ)

Қардош халқларнинг кўп асрлар давомидаги ўзаро алоқаси бу халқлар маданияти ва энг аввало, фольклорида ўз аксини топа бошлади.

Қардош халқлар адабиётининг ривожида умумий маданий ань-аналар, хусусан эпик мероснинг ўзаро алоқаси муҳим ўрин тутади. Улар бир-бирларининг энг яхши адабий анъаналарини ўзлаштирилар, шу билан ўз миллий маданияти ва унинг умуминсоний хусусиятларини бойитдилар.

Қардош халқлар фольклорининг ўзаро таъсири халқ эртакларида, айниқса, яққолроқ намоён бўллади. Халқ эртакларида қўшни Шарқ ва Farb халқлари фольклорининг таъсири аниқ сезилиб туради. Масалан, қора кучлар бўлган ялмоғиз кампир ҳамда инсоннинг яқин дўстлари бўлган от, ит образлари қардош халқларнинг эртакларида кўп учрайди.

Қардош халқлар эртаклари қиёсий таҳлил қилинганда уларнинг сюжетлари хилма-хил эканлиги эътиборни тортади. Айрим эртакларнинг бошқа халқлардан қабул қилинганлиги сезилиб туради. Эртак ва афсоналари поэтик жиҳатдан қайта ишланган классик адабиёт намуналари шу жараёнда роль ўйнайди. Туркий халқлардан бъязи эртаклар, достонлар сюжетларининг шаклланишида форсий халқлар адабиётининг таъсири катта бўлди. Негаки кўпгина туркӣзабон адиллар Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда таҳсил олиб форсий адабиёт билан яқиндан танишган эдилар. "Минг бир кечা", "Калила ва Димна", "Тўтинома", "Чор дарвеш" каби туркумлардаги сайёр сюжетлар ва образлар туркий халқлар фольклорига форс-тоҷик фольклоридан кириб келди. Хусусан, бу ҳол ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда аниқ кўзга ташланади. Айниқса, образлардаги ўхшашликнинг ўзаро яқин маданий алоқалар натижасида вужудга келганини кузатиш мумкин.

Қардош халқларнинг ҳайвонлар ҳақидаги кўпгина эртаклари ўхшаш сюжетларга эга. Уларда ўзига хос характерга эга бўлган турли ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу эртаклардаги қизиқарли ўхшашликлардан бири уларда бир пайтнинг ўзида бир қанча ҳайвонларнинг иштирок этишидир.

Барча халқларнинг эчки ва қўй ҳақидаги эртакларида эчки ақллироқ бўлиб чиқади. Қадимги аждодларимизнинг дуалистик мифологиясида эчки, така - ақлли, қўй эса жоҳил ва ақлсиз кишиларни англатган.

Сехрли эртакларда ҳам қатор ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Инсоният тараққиётининг дастлабки даврларида майший ёки психологик

шароитларнинг ўхшашлиги туфайли кўпгина мотив ва сюжетлар мустақил яратилган бўлиши, айни пайтда, баъзи объектив ва субъектив сабабларга кўра ўхшаш бўлган бўлиши ҳам мумкин. Адабий таълим жараёнида қардош халқларнинг сеҳрли эртакларини қиёсий тадқиқ этиш шуни кўрсатди, уларнинг барча сюжетларида ўхшашлик мавжуд бўлиб, уларда этакчи қаҳрамонларнинг илон, семурғ, дев, пари каби турли ёрдамчилари кўп учрайди.

Барча халқлар эртакларидаги афсонавий қуш-семурғ образи алоҳида эътиборни тортади. Эртак қаҳрамони албатта аждаҳодан кутқаради. Туркий халқлар эртакларига семурғ образи форсий эпослардан кириб келган. Тожик, ўзбек ва қозоқ эпик асарларида мавжуд бу қаҳрамонлар дастлаб Эрон муҳитидаги пайдо бўлган. Қардош халқлар адабиётлари ўзлаштирилган эртаклар ҳар бир халқнинг хусусияти ва эртакчилик анъналаридан келиб чиқиб янгича талқин этилмоқда.

Қардош халқлар ижодига мансуб афсонавий эртакларнинг қиёсий таҳлили ва материаллар типологияси бу халқларнинг эпик ижодкорлигида яқдиллик ва фарқлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Бизнингча, эртаклар композицияси бирлиги ўтмишнинг тарихий воқелигига акс этган.

Қардош халқларнинг барча соҳаларида, айниқса, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро алоқаси натижасида эпик ижодиётда ўхшаш жараёнларнинг турли шакллари вужудга келиб, мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Қардош халқларнинг сатирик эртакларида одам ва паҳловонлар, ажойиб номлар ҳақида қизиқарли ўхшашиклар учрайди. Алдаркўса, Аёзбобо сингари эртак персонажлари ва эртаклар туркуми, улар билан латифалар олдин бир халқда пайдо бўлган бўлса, кейинчалик бошқа халқларга ҳам кўчиб ўтганини кузатиш мумкин.

Типологик материаллар кўрсатканидек, Аёзбобо, Алдаркўса ҳақидаги эртаклар қадимдан кўпчилик қардош халқлар репертуарида бўлган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, баъзи эртакларнинг генезиси ва сюжетларининг ўзаро алмашинув хусусияти турли шароитларга боғлиқ бўлган. Алдаркўса ҳақидаги афсоналар қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, қорақалпоқлар сингари кўшни халқларда азалдан мавжуд. У барча халқларда қувноқ, гапдон ва алдашга уста шахс сифатида намоён бўлади.

Маълум даражада ўзига хос географик ва тарихий "вазифа" ни бажаришга қаратилган эртаклар сюжети айниқса, жуда қизиқарлидир. Фольклор асарларида осойишта, ҳосилдор ўлкани қидириш билан боғлиқ афсоналар ҳам кенг тарқалган. Маълум қаҳрамонлар бошчилигига бошга қайфу тушган халқлар ўзга ўлкалардан кенг яйловли, душманлардан холи, серунум ерларни излаб сафарга отланадилар.

Қардош халқлар фольклоридан Насриддин афанди образи мустаҳкам ўрин олган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасида кенг тарқалган Насриддин ҳақидағи күлгүли ҳикояларда қозилар, шогирдлар ва бошқа персонажлар ҳақида сұз юритилади. Воқеалар бозорларда, майдонларда кечади. Шундан күринадики, Насриддин Афанди номи билан бөглиқ латифалар анчайин илгари ўтрок халқларда вужудга келген бўлиб, кейинчалик бошқа халқларга ҳам тарқалган.

Қардош халқларининг фольклор материалларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдиги, улардаги хаёттый афсоналар муштарап хусусиятларга эга. Шунга қарамай, уларда ҳар бир халқнинг ривожланиш тарихини белгиловчи миллий хусусиятлар ва тафаккур шакллари мавжуд. Ижтимоий-иктисодий тузумларнинг бир хиллиги ва ҳудудий яқинлик қардош халқларнинг бадиий тафаккурида ўхшашликка олиб келган омиллардандир.

Аммо шуни назарда тутиш керакки, қардош халқлар фольклоридаги умумийлик бир халқнинг бошқа халқ ижодига таъсири натижаси сифатида мазкур халқ ҳаёт тарзи шароитида қайта ишланади ҳамда миллий хусусиятга эга бўлиб қолади. Юқорида сұз юритилган барча ҳолатларда бошқа халқлардан ўзлаштирилган сюжетлар ўзгариб янги заминда ўрнашиб қолади. Афанди, Алдаркўса ҳақидағи эртаклар, ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳаёт тарзини акс эттирувчи лирик ва маиший қўшиқлар бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

"АЛПОМИШ" ДОСТОНИНИ ЎРГАНИШДА КОМПЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Суюнов Ҳ. п.ф.н. (НавДПИ)

Таълим жараёнида илгор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим босқичга кирди. Айниқса адабиёт дарсларида компьютер технологиясидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари ва ижодий тафаккурини кенгайтиради.

Халқ оғзаки ижоди намуналари халқ вакиллари томонидан яратилган бўлиб, нафақат халқ тарихи, балки унинг илмий, маънавий, маърифий қарашларини ҳам ифодалаши ўқувчиларга фактик материаллар асосида ҳавола қилинади. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфларида "Халқ оғзаки ижодидан" бобидаги материаллар, хусусан, "Алпомиш" достони асосида компьютерда қўйидаги машқ ва топшириқлар бажарилди.

Биринчи топшириқ. Навоий вилояти Навбаҳор туманиндағи "Қоражон" қишлоғининг номи "Алпомиш" достонига алоқадорми? Агар манбалар топсангиз, компьютер хотирасига киритинг.

Мустақил топшириқлар юзасидан олинган жавобларнинг холосаси шуки, ўқувчилар компьютер ёрдамида халқ оғзаки ижоди

намуналари бүйича дарсликдаги материалларга құшимча тарзда қимматли маълумотларга әга бўлишди.

Навоий вилояти Зарофшон вохаси Навбаҳор туманидаги "Қоражон" номли қишлоқ Навоий вилоят топонимик комиссияси томонидан достон ва эртак қаҳрамонлари номлари билан юритиладиган Республика рўйхатига киритилган.

Ўқувчилар "Қоражон" қишлоғи билан "Алпомиш" достонидаги Қоражон образини боғлаб турувчи қандай асос борлиги ҳақидаги маълумот билан қизиқдилар. Натижада фольклор архиви материаллари асосида, шунингдек, мазкур соҳа олимларининг фикрлари умумлаштирилиб, "Алпомиш" достони билан "Қоражон" қишлоғи аҳолиси этник таркибидағи фарқлар ва умумий ўхашликларга оид маълумотлар компьютер хотирасига киритилди. Кўнғирот уругининг қорақалпок, буркут, дўрман уруғлари билан алоқадорлиги ҳақида маҳаллий аҳолидан олинган маълумотлар ўқувчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Кўнғирот ва унга ёндош уруғлардан ташкил топган аҳолининг республикамиздаги барча вилоятларда истиқомат қилиши этнографик илмий манбалар асосида тушунтирилди.

"Алпомиш" достонини ўқиб чиқинг ва мазмунини сўзлаб беринг" топшириғи ўзгартирилиб, бошқача вариантда компьютер хотирасига киритилиб, "Алпомиш" достонининг ҳажми, нашри ва асар қаҳрамонлари ҳақида маълумот бериш тавсия этилди. Ҳар бир ўқувчи компьютерга ўзининг коди ва шифри билан бирга жавобларни ҳам ёзиб киритади. Агар ўқувчи олдиндан яхши тайёргарлик кўрган бўлса, жавоб матнини тезгина тайёрлайди. Ўқувчиларга фақат топшириқ эмас, маълумотнома материалларидан (компьютерга достон ҳақида маълумот ҳам киритилган бўлади) фойдаланиш имкони ҳам берилади.

Таҳлилий назорат ўтказилганда мазкур топшириқ бўйича ўқувчиларнинг қониқарли жавоб қайтарганилиги аниқланди.

"Нега Барчиннинг отаси Бойсари бошқа мамлакатга кўчиб кетди?" "Барчиннинг шартлари тасвиrlenган парчани ёдланг" топшириғи "Барчиннинг шартлари тасвиrlenган парчани компьютер хотирасида сақланган матндан топинг" тарзида алмаштирилди.

"Алпомиш" достони қаҷон яратилган" деган топшириқ "Алпомиш" достони яратилган даврга тавсиф беринг" тарзида ўзгартирилди.

Ўқувчиларнинг аксарият қисми Алпомиш достони яратилган даврни тавсифлашда фондда мавжуд бўлган "Алпомиш" достонининг 2000 йиллиги бўйича Термизда ўтказилган Халқаро анжуман материалларидан унумли фойдаланишган.

"Достон қайси баҳшилардан ёзиб олинган?" саволига ҳам ўқувчилар Халқаро анжуман материалларидан фойдаланиб тўғри жавоб қайтаришди.

"Пойгада қатнашган отлар таърифини келтиринг" топшириғига

ўқувчилар компьютер хотирасидаги базадан фойдаланиб отларнинг зотлари хақида бой маълумотларни келтиришган. Таҳлил жараёнида ўқувчиларнинг кўпчилиги достондаги отларнинг зотларини билишлари намоён бўлди.

Алпомишнинг оти Бойчиборга хос хусусиятларни тавсифлашга доир топшириқقا ҳам ўқувчиларнинг кўпчилиги ўзлари ўзлаштирган материаллар асосида тўғри жавоб қайтаришган.

Булардан ташқари, ўқувчиларга қуидагича топшириқлар ҳам берилди.

1. "Алпомиш" достонидаги этнография, нумизматика фанлари га оид маълумотларни қандай изоҳлайсиз?

2. "Алпомиш" достони билан Гомернинг "Илиада" достонидаги асосий мотивларнинг ўхшашлигини қандай изоҳлайсиз?

Ўқувчиларнинг жавобларидан маълум бўлди, дарслиқдаги материалларга қўшимча топшириқларнинг берилиши таълим са-марадорлигига ижодий таъсир кўрсатади. Шуни назарда тутиб компьютер хотирасига маҳсус файл ажратилди ва унга "Алпомиш" достони ҳақида манбалар" деб белгилаб қўйилди.

Ўқувчиларнинг этнография, нумизматика фанлари ҳақида маълумот сўраб мурожаат қилишлари натижасида маҳсус файлга терминологик луғат, шунингдек, "Алпомиш" достони ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги мавзусидаги материаллар киритилди.

Натижада "Алпомиш" достонида берилган "Қўнғирот" уруғи ҳақида маълумот излаш жараёнида ўзбекларнинг 92 уруғи ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Ўқувчилар ўзлари учун зарур деб ҳисоблаган маълумотларни маҳсус дафтарларига ёзиб олдилар. Аммо нумизматика фани (танга пуллар, орден-медаллар ҳақидаги фан) билан "Алпомиш" достонининг алоқадорлигини топиша анча қийинчилик сезилди.

Шунда ўқувчиларга Барчиннинг "Минг қадамдан танга пулни урганга" каби шарти эслатилди.

Ўқувчиларда шундай хулоса пайдо бўлди, ўтган даврда ҳам бизда танга пуллар, дирҳамлар зарб этилган экан. Демак, улардан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муносабатларда фойдаланилганлиги табиийдир.

Компьютер базасидаги мавжуд маълумотлардан изчил фойдаланиш ўқувчилар ижодий тафаккурининг шаклланиши ва дунёкарашининг кенгайишига яқиндан ёрдам беради. Компьютер хотирасига ривожлантирувчи, мустақил билим олишга қаратилган савол-топшириқлар ҳамда уларга жавоб тариқасида илмий-дидактик манбаларнинг қўшимча материал сифатида киритилиши ўқувчилар олдида катта имкониятлар яратади.

МАҚОЛНИНГ ПОЭМА БАДИЙЯТИНИ БЕЛГИЛАШДАГИ МАВҚЕИ

Кувватова Д., докторант (БухДУ)

Мақолнинг поэма таркибиға олиб кирилиши оддий фольклоризм хисобланади. (Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. - ЎТА, 1980, 4-сон, 37- 45-бетлар) XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достончилиги саҳифаларига назар ташласак, деярли барча поэмаларда ҳалқ мақоллари ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Э.Воҳидов, А.Орипов, Т.Сулаймон, Т.Низом, О.Хожиева, И.Тўлаков, О.Матжон, М.Али, А.Суюн, М.Юсуф, И.Отамурод, Ш.Курбон, Э.Шукур, Қ.Рахимбоева, Р.Файз каби шоирлар асарларида мақоллар турли бадиий вазифаларни бажаради. Улар: 1. қаҳрамон нутқини безайди. 2. Асарга фалсафийлик, рамзийлик бағишишади. 3. Реалистик руҳни кучайтиришга, асар ҳаётийлигини оширишга хизмат қиласади. 4. Қаҳрамон характеристерини очиб берувчи восита сифатида қатнашади. 5. Қиссадан ҳисса чиқариш вазифасини бажаради.

Т.Сулаймоннинг уруш йиллари воқелиги тасвирланган "Қорасоч" достонида қаҳрамонлар ўз фикрларини ҳалқ мақоллари орқали асослайдилар. Асардаги йигин эпизоди бу жиҳатдан эътиборли. Мажлисда сўзга чиққанлар нутқида "Ит этагидан тортади, ёв ёқадан", "Йифлай-йифлай ариқ қазган ўйнаб-кулиб сув ичар", "Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ", "Сабр туви - сариқ олтин", "Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп", "Оқ товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар", "Сулаймон ўлди, девлар кутулди" сингари мақоллар ишлатилган. Улар қаҳрамонларининг дунёқарашини, ички дунёсини акс эттиришга хизмат қилган.

"Интизор" достонида ҳалқ мақоллари қаҳрамонлар нутқидан ташқари воқелик ифодасида ҳам қўлланилган: "Ташландиққа тош тегмас. Ойбека ўқсиб, ўқиниб қизини катта қила берди. Мулло зоти қизнинг қулогига аzon айтиб ном ҳам қўймади". Парчадаги "Ташландиққа тош тегмас" мақоли Гулноз ҳолатини акс эттиради. Демак, бунда мақол эпик тасвир воситасига айланган.

Т.Сулаймоннинг "Қораялоқ" достони саҳифаларини ҳам ҳалқ мақоллари безаб туради. Асар қаҳрамони Шер, унинг онаси, мактаб директори нутқида турли ҳолат ва вазиятлар билан боғлиқ равишда кўплаб ҳалқ мақоллари келтирилган. Жумладан, Шернинг онаси келини Шаҳнознинг хулқи, оёқ олишларидан норози бўлиб, шундай дейди: -Денгиз садафсиз бўлмас, гулзор алафсиз бўлмас. Сен ҳам таглик-жойлик одамларнинг боласисан... Бу - душман туриб дўст куладиган иш. Хиноли хотин бўлгунча маъноли хотин бўл, деган кўхнадардан қолган нақл бор. Ҳадемай, бошпаноҳинг саллотликдан келиб қолар".

Ёхуд асардаги яна бир эпизод эътиборли. Шер ҳарбий хизмат-

дан қайтиб келганды уйда Шахноз йўқ эди. Вазиятни тушунган Шер ўз ҳаётин хулосасини мақол орқали ифода этади: "Сулув бўлган била ёр бўла билмас. Туя бўлган билан нор бўла билмас". Мазкур мақол Шахнознинг табиатини очишга хизмат қилган.

Умуман олганда, Тўра Сулаймон халқ мақолларининг зукко билимдени сифатида уларни достонлари саҳифаларида шударажада ўринли қўллаганки, натижада поэмаларнинг миллий руҳи ёрқин ифодаланиб, ўзига хос образлиликни вужудга келтирган. Бу эса замонавий достончиликда ирсоли масал санъатини янги кўришишда қўллаш, мақолнинг кўп вазифавийлигини белгилашда ижодкорга ниҳоятда қўл келган.

Тўлан Низомнинг Бобурга бағишлиланган "Уч сўз" достонида мақолнинг бир неча намуналари учрайди. Бинобарин, Бобурнинг Косоний билан сұхбатида "Булбул чамансиз, Инсон Ватансиз ўлмас" деган халқ мақоли қўлланган. Шоир "Булбул чаманин севар, Одам - Ватанни" тарзидаги халқ мақолини бироз ўзгартириб қўллади. Натижада қайта ишланган фольклоризм вужудга келган. Бу мақол Бобурнинг ватандан айрилган вақтдаги руҳий ҳолатини ифодаловчи поэтик восита вазифасини бажарган. Бубна ҳақидаги ривоятда она нутқида "Ота рози - худо рози" халқ мақоли қўлланган. У поэманинг ахлоқий моҳиятини очишга, фалсафийлигини кучайтиришга кўмак берган.

"Ўзоклашаётган оғриқ" достонида рамзий образларнинг икки йўловчи тасвири жараёнида шоир И.Отамурод мақолларга мурожаат этади. Биринчи йўловчи эътиқодни муқаддас тушунча: "тирик вужуд", "Оллоҳи каримга имон", "юксак аъмол ҳам онг" сифатида тушунади. Иккинчи йўловчи эса буни тушунишни истамайди. Шу ўринда биринчи йўловчи нутқида мақол қўлланган:

Ўз қаричи билан ўлчамиш доим

Ҳар одам борликнинг фазлу қусурин.

Ҳалқимизда "Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди" деган мақол бор. Мақол қаҳрамон нутқини безашдан ташқари шоирга ҳаёт ҳақида фалсафий хулосалар чиқариш имконини берган.

Қаҳрамонлари нутқида қўлланган мақоллар ҳам эътиқод тушунчасининг моҳиятини теран англашга ёрдам беради. Айни пайтда лирик қаҳрамон характеристини очувчи воситага айланба боради. Биринчи йўловчи томонидан айтилган мақоллар фикрларимизни асослайди: "Битта кўзнинг бевақт юмилиши гоҳ боис бўлмиш, ровийлар келтирганидек, юзлаб кўзнинг бирдан очилишига. Ризқ бўлган, насиба бўлган бир майиз қирқ киши тил топиб, шукр этган чоғи". Ҳалқимизда "Битта кўзнинг юмилиши юзлаб кўзнинг очилишига сабаб бўлади", "Бир майизни қирқ бўлиб е" тарзидаги мақоллар бор. Икром Отамурод мақоллар орқали ўзининг фалсафий қарашларини таъсирчан ифодалаш, руҳий-маънавий ҳаётимизнинг маз-

мунини ёрқинроқ очиб беришга эришган.

Хуллас, достонлар таркибиға киритилгандар мақоллар поэтик фикрни (мақол жанри характеридан келиб чиқкан ҳолда) юксак бадий шаклда, қисқа ва лўнда ифодалаш имкониятини юзага келтиради. Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, мақоллар достонларда қаҳрамонлар нутқида, воқеликни ифодалаш жараёнида кўпроқ ишлатилади. Мақоллар достон структурасида бош қаҳрамонлар характеристини очишга ҳамда унинг фалсафий мазмунини кучайтиришга хизмат қиласди.

ЎРМАК КЎШИҚЛАРИДА МОТИВ УЙҒУНЛИГИ

Ражабов Д. (БухДУ)

Ўрмак кўшиқларида кўпроқ ўрмакни тезроқ тўқиб бўлиш истаги куйланади. Ўрмак тўқиши бўз тўқишдан ҳам оғир ва машаққатли бўлгани сабаб, ўрмакчи ишдан тез безиб, тез толиқади. Шундай кезларда ўрмак кўшиқлари ўрмакчининг яхшигина эрмаги бўлган. Ўрмакчи тўқувчилик касбининг пирларини ёдга олиб, улардан ўзига қунт, сабот, бардош, ишига самара, барака, унум тилаган:

Ўрмагимни ўрай-ё,

Мен бошимга қарай-ё,

Ўрмаккинам ўнгин деб,

Энди сендан сўрай-ё. (Мирзаев.Т,Сафаров .О, Ўраева Д.)

Хунармандлар орасида худодан, азиз авлийлардан, касб пирларидан мадад сўраш одати бор. Бунда мадад сўраш тилаш, илтижо қилиш маъноларини ҳам билдиради. Худди шунингдек, ўрмакчи ўрмагининг ўнгишини, тезроқ битишини, ишнинг муваффақиятли тугашини тилаб ўз касбининг пир-ҳомийларига мурожаат қиласди. Одатда, ҳомий руҳлар осмонда яшайди, деб фараз қилингандилиги боис, ўрмакчи ҳам осмонга қараб, ҳомий руҳларидан мадад сўрайди. Юқоридаги тўртликдаги у "мен бошимга қарай" мисрасида ҳам шу маъно англашилади.

Ўрмакчи ҳомий руҳлардан қиличдан ўткир ғайрат беришини тилайди:

Одарғим ошиб қелгин,

Қиличим шошиб қелгин,

Шу ўрмагим бўлгунча,

Ғайратим тошиб қелгин. (Мирзаев.Т,Сафаров .О, Ўраева Д.)

Қадимги одамлар инсондаги хурсандчилик, хафачилик, ғайрат, ботирлик, соғлик, касаллик сингари турли ҳис-туйгуларнинг барчасини жонли мифик мавжудот қиёфасида тасаввур қилган. Бу нарсалар инсоннинг ичига кириб олади ёки унинг танасини маълум вазиятларда тарк этади деб қараганлар. Жумладан, "ғайратни ҳам доимо шошиб юрадиган кудратли мавжудот сифатида тасаввур

қилишган. У одамларнинг танасига кириб олса, одам жуда кўп ишларни бажариб қўйганлигини сезмай қоларкан. Акс ҳолда у танада бўлмаса, одам бўшашиб, хеч бир ишни кўнгилдагидай бажара олмас, иши унмас экан. Шунинг учун одамлар иш бошлашдан олдин ҳомий руҳ-ғайратини чорлаганлар. Ёки иш қилаётган одамни кўрганларида унга файрат тилаганлар. Шунинг учун ҳозир ҳам шу қилаётганлар билан сўрашилганда, уларга қарата "Хорманг", "Куч файрат берсин" дейиш ўзига хос анъянага айланган. Ўрмакчи тилидан кўйланаётган юқоридаги қўшиқда "файратим тошиб келгин" дея куч-ғайратга II шахс бирлиқдаги буйруқ майли феъли орқали мурожаат қилишнинг ҳам ана шу эътиқодий қарашлар маҳсулидир.

Ўрмак қўшиқлари тўрт мисрадан иборат композицион шаклга эга бўлиб, кўпинча "а-а-в-а" тарзида қофияланиб келади.

Ўтмишда қишлоқ аҳолиси кийим-кечаклари учун ишлатилиб кelingan матолар орасида энг кўп ва кенг тарқалганидан бири бўз бўлган. Бўз карбос - бўш пишистилган пахта ичидан содда ва қўпол қилиб тўқилган, табиий оқ ёки малла рангга эга бўлган мато туридир. У қалин, пишиқ ва тана ҳароратини бир хилда сақладиган маҳаллий ип газлама бўлиб, қадимда бўз тўқувчи усталар бўлган ва улар ўз маҳсулотларини қўл дастгоҳларида тўқишган. (Камол О.)

Алишер Навоий ҳам ўз асарларида бўз образидан фойдаланган бўлиб, бўзни оддий, камбағал меҳнат кишиларнинг тимсоли сифатида бадиий талқин қилинган:

Тикилди урдуйиким, кўрмалиш кўз,
Хозу иқсину атлам анчаким бўз.

Бўз тўқиши жуда қийин иш бўлса-да, маҳсулотининг харидоргарлиги туфайли бўзчилик билан кенг шуғулланилган. Бўзчилик - бу бўз тўқиши касби бўлиб, бу матони тўқувчини бўзчи дейишган. Бу касб энг оддий ёғоч тўқув дастгоҳи - қўл дўқонининг яратилиши билан, тахминан милоддан аввалги VI-V минг йилликларда пайдо бўлган.

Жамиятда ижтимоий меҳнат тақсимоти юзага келиши билан оиласида шуғулланилган бўзчилик алоҳида касб тармоғига айланган ҳамда шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган. Бўзчилик касбини устоз-шогирд усулида эгаллашган. Шогирдликка 12-13 ёшли ўсмирлар кўпроқ олинган. Улар хунарни пухта ўзлаштиргунларига қадар устозининг оиласида яшаб дўконда маошсиз ишлганлар. Бўзчилик касбини пухта эгаллаб олган шогирд бир-икки ой устозига бепул ишлаб бергач, ундан фотиҳа олган ва мустақил иш бошлаган.

ПАРЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАХЛИЛИ Жуманазарова Г., ф.ф.н. (ЖДПИ)

Мақол, афоризм ва ҳикматли сўзлар (паремалар) мазмун-моҳијатига кўра инсон тафаккурининг энг сара асл дурданалари саналади. Шунинг учун ҳам у инсон маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадики, бу ўринда давлатимиз раҳбарининг кўйидаги фикрларини келтириш лозим деб биламиз: "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган курдатли ботиний кучни тасаввур қиласман".

Мұхтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу сўзларини халқнинг халқлигини, унинг тафаккур қурдатини намойиш этадиган ва энг муҳими, инсонни инсонийликка даъват этадиган, унинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган афоризмларга ҳам тааллукли дейиш мүмкін. Чunksи, "афоризмда ифодаланган ҳукм ва хулоса моҳияти жиҳатидан умуминсонийликка дахлдор саналади. Афористик фикрда умумийлик, умумийликда эса алоҳидалик мужассамланган" (Тошпұлатов З.Д.). Мақол, афоризм, ҳикматли сўзларга хос белгилардан бири ва асосийси асарда ҳақиқатта ундочи инкор қилиб бўлmas фикр ифодаланишидадир. Уларда ифодаланган доно, ибратли фикр бир кишига эмас, балки барчага тенг бўлиши керак. Демак, афоризмга хос иккинчи хусусият шуки, ундаги ҳар қандай фикр-хулоса ҳеч қандай истисносиз умумбашариятга тааллукли бўлади. Афоризмга хос учинчи хусусият доно, ибратли фикрнинг қисқа, аммо, тугал бўлишида кўзга ташланади. Афоризмларга хос хусусиятлардан яна бири шуки, ўзаро зид нарса, ҳолат ва фикрни мантиқий изчилиқда боғлаш орқали ибратли фикр айтиш учун бир-бирига қарама-қарши бўлган вазиятлардан мақбулини образли ўхшатиш, ёрқин метафоралар ёрдамида ифодалашда кўзга ташланади.

Мақол, афоризм ва ҳикматли сўзларнинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, уларнинг халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам ажойиб ва энг сара намуналари мавжуд. Улар ўзбек фольклоршunosлиги ва адабиётшunosлигида муайян даражада тадқиқ этилган. Буни адабиётшunoнос М.Ҳакимов ва луғатшunoнос М.Абдураҳимовнинг эълон қилган ишларида ҳам кўрамиз. Биз бу ишлар билан танишганимизда шундай ҳолатни кузатамиз: М.Ҳакимов "афоризм" терминини кенг маънода талқин қилган, у ёки бу ижодкорларнинг халқ оғзаки ижоди материаллардан фойдаланишдаги маҳорати масалаларини маҳсус текширган. М.Абдураҳимов эса халқ оғзаки ижодидаги афоризмлар (асосан, мақол ва маталлар), уларни луғатларда бериш масалаларини ўрганганди.

Сүнгги йиллардаги адабий афоризмлар мустақил жанр сифати-да маҳсус тадқиқ этилди. Тадқиқотчи З.Тошпұлатов оғзаки ва ёзма афоризмлар ўртасыда муайян муштаракликлар борлигини, аммо, уларнинг ўзларига хослигини ўрганишда асосан иккита етакчи ху-сусиятини аниқлаб беради: "Биринчиси - оғзаки афоризмлар хал-қнинг, кўпчиликнинг у ёки бу нарса, шахс ёки ҳодиса ҳақидаги ху-сасини қатъий ҳукм тарзида ифодалайди. Иккинчиси - адабий афо-ризмлар эса муайян шахслар, нарса, ёки ҳодиса ҳақидаги якка ижод-корнинг фикрларини ифодалайди", деб ёзади. Шундан сўнг, афо-ризмларда ифодаланган фикр-хулосага нисбатан илмда айтил-ган жамоатчиликнинг мулоҳазаларини бирма-бир шарҳлади: Афо-ризмлар табиати ҳақида билдирилган турлича қараш ва мулоҳаза-ларнинг маълум сабаблари бор, деб таъкидлайди у. "Биринчидан, ушбу жанр дунё халқларининг барчасида мавжуд ва улар ҳақида жаҳон паремиологиясида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Иккинчидан, афоризмларнинг бадиий шакли масаласида ягона ҳук-мрон фикр, ягона концепция йўқ. Учинчидан, кўпчилик олимлар аниқ муаллифга эга бўлган ҳикматли гапларни афоризм деб ҳисобласа-лар, айримлар аниқ муаллифга эга бўлмаган қанотли ибораларни ҳам ушбу жанр таркибиға киритадилар". Яна бир ўринда З.Тошпұ-латов ўз фикрини давом эттириб куйидаги хулосани беради: "Биз-нингча, афоризм кенг маънода ўз таркибиға авторли афоризмлар-ни ҳам, авторсиз, яъни халқ афоризмларини ҳам, ҳатто бадиий асарлардан олинган ҳикматли гапларни ҳам қамраб олади".

Гоявий мазмуни, маънавий-ахлоқий хулосасига кўра хилма-хил, ранг-баранг бўлган халқ мақоллари, афоризм ва ҳикматли сўзлар-нинг стилистик вазифаси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Афоризмлардаги кенг ва теран гояни қисқа, ихчам шаклларда ифо-далаш ҳар бир инсонни нутқقا алоҳида эътибор бериш ва талабчан бўлишга ўргатади, тўғри ва мантиқий фикрлашига ёрдам беради. Энг муҳими, ҳар бир ижодкорнинг сўз бойлигини орттиришга, унинг нутқини ўткир ва таъсирили қилишга, унга бадиий жиҳатдан сайқал беришга хизмат қиласди.

Шу мулоҳазалар асосида биз Фозил Йўлдош ўғли достонларида қўлланган мақол, афоризм ва ҳикматли сўзлар эътибор берсак, улар жуда кам миқдорни ташкил этса-да, умумлаштирувчи фикрни ифо-даловчи ва дидактик характерга эга бўлган халқона намуналар экан-лигини кўрамиз. Айни чогда, "маълум бир эпик қаҳрамонга (шахс-га) оид ёки қаратилган нутқий афоризмлар ва ҳамма учун тушунар-ли, оммавий тарздаги тил афоризмларидан" (Бердиёров X., Расу-лов Р.) иборатлигини кузатамиз: Ҳар нечук номардга кўнгил берма-гин, / Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин, / Узоқ яша кўп йилгача ўлмагин (М.а.:12); Ушбу дамнинг дамларини дам дема, / Шукур қил-гин давлатингни кам дема (М.а.: 36); Ажал етмай чиқмас чибиннинг

жони, / кучук босмас йўлбарс, шернинг изини(М.а.:112); Индан чиқиб пишшак билан хазиллар, / Магар ажал қамсаб келса сичқонга (Б.:34); Отлининг ризқи олтов, тuya мингандга тўрттов, эшакликка икков, пиёдага ҳеч (Б.:45); Ёмон одам қону зардоб ичирап, / Бир гуноҳни яратган ҳақ кечирарап (Р.:359); Майдон бўлса бедов бедов отлар чопилар, / Чопиб келса банот жўлар ёпилар (Р.: 440); Яхшиларнинг асло бўлмас озори (Б.Г.:25); Мард бўлсанг номарднинг ишин қилмагин (Б.Г.: 40) .

Халқ педагогикаси ва достонларида учрайдиган, айни пайтда, Фозил Йўлдош ўғли достонларида қўлланган бундай халқона мақол, афоризм ва ҳикматли сўзлар мақол, афоризмлар ва ҳикматли сўзларнинг яратилишига, ижодкор халқ орасида кенгроқ тарқалишига ва кўпроқ яшашига муайян омиллар сабаб бўлган. Фикримизча, улар иккита: Биринчиси - таълим-тарбия мавзуси, умуман, дидактик йўналиши ҳар доим инсон ҳаётининг туб моҳиятини ташкил этганилиги учун ҳам мақол, афоризм ва ҳикматли сўзлар арихида ва яратилган намуналари орасида бу мавзу энг етакчи ўринни эгаллайди. Иккинчиси - инсон бутун ҳаёти давомида доимо ўзига керакли нарсани мукаммал эгаллаб олиши, ўз шахсий фаолиятида ундан унумли ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилганилиги учун ҳам жуда кўплаб халқ оғзаки афоризмларида таълим-тарбиянинг инсон ҳаётида, жамиятнинг тарихий тараққиётида туттган ўрни алоҳида талқин қилинади. Биз тадқиқ этаёған Фозил Йўлдош достонларида жуда кам миқдорда учрайдиган халқ мақол, афоризм ва ҳикматли сўзларга ҳам ушбу фикр-мулоҳазалар бевосита тегишли, деб хисоблаймиз.

МАЊНАВИЯТ ДАРСЛАРИДА МАҚОЛЛАРДАН

ФОЙДАЛАНИШ

Абдуқодирова М. (Тошкент ш., 275-мактаб)

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ҳамда оммавий жанрларидан бири сифатида яшаб келади. Уларда ўзбек халқининг ўзига хос дунёқарashi, табиат ва жамиятга бўлган муносабатлари, ахлоқий - мањнавий қарашлари, ахлоқий мезонлари мужассамлашган.

Шунинг учун ҳам мањнавият дарсларида мақоллардан фойдаланишнинг ҳаёти зарурати ва катта амалий аҳамияти мавжуд. Айниқса, баркамол авлод тарбиясини халқ мақолларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мақолларда халқ ўз эътиқоди нуқтаи назаридан инсондаги турли сифат ва фазилатларга баҳо беради. Масалан, халқ ҳар доим ҳалолликни, меҳнатсеварликни олқишлиайди, аксинча фирромлик, дангасалик, ялқовликни қоралайди:

Ҳалол иш - лаззатли ёмиш.

Хақ ишни халқ қўллар.
Одил киши - ойдай, оқиб турган сойдай.
Бир деҳқон омоч билан, еттовлон чўмич билан.
Бели оғримаганинг нон ейишини кўр.
Текин гўштнинг суюги бурун йиртар.

Мақоллар ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитади. Бу азалий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам маънавият дарсларида ўқувчилар билан муҳокама этилаётган мавзуга оид мақолларни эслашни, ўша мақолларнинг мазмунини муҳокама қилишни йўлга қўйиш яхши самара беради.

Бизнинг тажрибамиизда мақолларни кўп билиш билан боғлиқ лаҳзалик мусобақаларни ташкил этиш ҳам йўлга қўйилган. Бунда тегишли мавзу, инсондаги тегишли хусусият, фазилатга оид мақолларни эслаш топширилади. Энг кўп мақол айтган ўқувчи мусобақағо либи бўлади. Бунда фақат мақолларнинг сони эмас, балки уларнинг мазмуни, ифода тарзи, ўқувчилар нутқида кўп ёки оз қўлланиши ҳам эътиборга олинади.

Ушбу мусобақа алоҳида-алоҳида тарзда ҳам, кичик гурухларга бўлинган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар бита мавзунинг ("Миллатларро ҳамжиҳатлик") бутун синф билан муҳокамаси кўзда тутиладиган бўлса, мусобақани индивидуал тарзда амалга ошириш самарали бўлади. Бир неча мавзуларни ("Ота-она ва фарзандлик бурчи", "Муомала маданияти", "Меҳмон кутиш") муҳокама қилишда эса гуруҳ ёки гурухларга бўлинниб ишлаш қизиқарли ва самарали бўлади.

ТОПИШМОҚЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

А.Бектаев, ўқитувчи (ТДПУ)

Инсоният жуда қадим замонлардан бўён турли санъат асарлари воситасида ўзояяларини акс эттириб келган. Жумладан, халқ орасида кенг тарқалган эртак, қўшиқ, мақол ва топишмоқлар халқ донолигининг ўлмас ҳазинасиdir. Халқ достонлари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва топишмоқлари кўп асрлар давомида ёш авлоднинг ақлий, аҳлоқий ва эстетик тарбиясида муҳим манба бўлиб келган. Айниқса, халқ донишмандлигининг қомуси топишмоқлар халқ педагогикасида катта ўрин эгаллади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ IX сессиясидаги маърузасида: "Демократик жамиятда болалар умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муҳаррар. Албатта билим керак. Аммо... мустақил фикрлаш катта бойлиқдир" деб миллат равнақи ва жамият тараққиётида мустақил фикрлаш-

нинг аҳамияти нечоғли зарурлигини кўрсатиб берди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда ёшлар тарбиясида боланинг мустақил фикрлашига, онгини ривожлантиришда халқ маънавий бойлигининг муҳим тармоғи бўлган халқ оғзаки ижодининг, яъни топишмоқларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни муҳим аҳамиятни касб этади. Халқ оғзаки ижодида халқнинг озод баҳтиёр ҳаёт учун кураши, орзу-умидлари ва эзгу ниятлари ўз ифодасини топади.

Буюк рус олим А.М.Горький: "Ёзувчиларни халқ оғзаки ижоди ни ўрганишга, адабиётнинг тарбиявий кучини оширишга даъват этиши бежиз эмас. Халқ ижодиётида чексиз бойликлар яшириниб ётибди", - деган эди.

Халқ оғзаки ижоди қадимдан тарбия воситаларидан бири бўлиб келган. Ёш авлод ўз боболари қолдирган маданий меросни севган, ўрганган, уни ардоқлаб келгуси авлодга тақдим этган. Ана шулардан бири - топишмоқлардир.

Эртаклар билан мақоллар каби топишмоқлар ҳам таълим-тарбия жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Топишмоққа жавоб топишнинг энг қимматли таълим-тарбиявий томони унинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришдаги хизматидар.

Мантиқий тафаккурни ўстиришда топишмоқларга жавоб топиш математик масала, мисол ечиш билан тенг кучга эга. Барча фанларни юқори даражада ўзлаштириш изчиллик билан берилаётган факт ва билимларнинг мағзини тезроқ чақа олган ўқувчиларгагина насиб этади.

Шунинг учун ҳам топишмоқларга жавоб топиш эрмак эмас, балки ўргатилаётган билимлар тизимининг тараққиёти учун зарурдир. Топишмоқларнинг фазилати шундаки, у ўқувчини мавжуд имкониятларни аниқроқ, чамалаш йўли билан тўғри хulosса чиқаришга ўргатди. Топишмоққа жавоб топиш ўқувчи руҳини тетиклаштиради, унга маданий хордиқ беради, ақлини чиниқтиради ва хотирасини кучайтиради. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларнинг "Адабиёт", "Ўқишикитоби" дарслекларида топишмоқлардан кўплаб на муналар киритилган.

Бугунги кунга қадар ўзбек ва қозоқ халқ топишмоқларига доир бир қатор илмий ишлар яратилган. Масалан, халқ оғзаки ижоди билан шуғулланиб келган ўзбек фольклоршунос олимлари Х.Зарифов, Ф.Жаҳонгиров, И.Мирзаев, Ҳ.Жумаева, З.Хусайнова, О.Мадаев, Т.Сабитова, Б.Тухлиев, С.Матчановлар ва қозоқ фольклоршунос олимлари М.Авезов, С.Сейфуллин, С.Аманжолов, Е.Исмайлов, Ў.Турманжанов, М.Алимбаев, Ш.Ахметов, М.Ғабдулин, Қ.Саттаров ва бошқаларнинг илмий изланишларида халқ оғзаки ижодининг комил инсонни тарбиялашдаги рўлига алоҳида эътибор берилган. Улар биринчи бўлиб болалар адабиёти давлатимиз истиқболи учун ку-

рашадиган инсоннің тарбиялашни лозим деб топадилар.

Ўзбек олими З.Хусайнова "Ўзбек топишмоқлари" китобида ҳалқ оғзаки ижодида топшимоқларнинг тутган ўрни, топишмоқ ва улардан фойдаланиш услублари, болалар тафаккурининг кенгайишида уларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилса, қозоқ фольклоршунос олими М.Авезов "Қозоқ адабиёти тарихи"нинг I томида: "Топишмоқни мактаб болалари тил билимдони бўлиш мақсадида ўқиди, ёдлади. Ёшлар ўйин кечаларида ҳозирда ҳам эрмак этишади. Ота-онанинг ёш болага берадиган тарбиясида ҳам боланинг ўйини топқирилкка ўргатишда топишмоқнинг кўп фойдаси бор", - деган эди.

З.Хусайнованинг юқорида аталган китобида: "Топишмоқ ҳозирги вақтда ҳам ўзининг катта тарбиявий аҳамиятни йўқотгани йўқ. У болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қиласи ва зийракликка, маълум бир фикрни поэтик формада ифодалашга ўргатади", - деган фикрни илгари суради. Ўзбек ва қозоқ ҳалқ топишмоқларидан мисоллар келтириб кўрайлик.

"Бир парча патир оламга татир" (Ой) ва "Жабық астында жарты кулше" (Ай)

Бу иккала топишмоқда ҳам тўлин ой патир билан таққосланган. Шу билан бирга ой кечаси оламни ёритиб инсонлар учун баҳра берса, патир (нон) ҳам инсоннинг яшамоги ва тириклиги учун энг муҳим озуқалардан бири бўлганидан ҳар иккаласи ўртасида қиёс учун яқинлик курилган бўлиши мумкин. Мана шу икки томон шакл ҳам маънавий яқинлиги бу топишмоқларнинг образлилигини таъминлайди.

Шунингдек:

- | | |
|--------------------------|------------------------------|
| 1. Қат-қатгина қатлама, | 1. Қабат-қабат қаттама, |
| Қатламадан ҳатлама. | Ақылы? болса аттама. (Китоб) |
| 2."Кичкинақўзим, куванда | "Кук лағым к?генде т?рып |
| туриб семиради" | семкредқ" (Тарвуз) |

каби топишмоқлар кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам айтилиб юради. Биринчи топишмоқда яширилган предметнинг (китобнинг) қават-қават қатламадан иборат эканлиги айтилиши билан унинг азиз тутилмоғи, оёқ ости қилмай азиз тутиш лозимлиги уқтирилади. Иккинчи топишмоқда эса, тарвузнинг ранги кўклиги ифодаланиши билан бирга, унинг ўсиши куванга боғланиб қўйилган қўзига ўхшатилган. Ҳақиқатдан ҳам чорвачиликда қўзи-улоқлар ўтлаб қайтиб келганларидан кейин улар куванчаларга икки қозиқ орасида тортилган арқонга, ҳар ердан боғлаб қўйилган чизимчага боғланади. Тарвузнинг банди боғланган чизимчага ўхшаш бўлганлигидан чизимчага боғланган қўзидаид яширилган.

Рус олимлари Е.А.Сироечковская ва М.С.Шейниннанлар "Методические указания к преподаванию русского языка на II классе" номли

китобида топишмоқлар воситасида ёддан ёздириладиган диктантларни ўтказиш зарурлигини қайд қиласи ва уни ўтказиш усулларини кўрсатади, яъни "ўқитувчи ўқувчиларга топишмоқни ёдлатади, ичда бўғинлаб ўқитиши, кейин дафтарга ёддан ёзишни топтириши мумкин", - дейди.

Умуман топишмоқлар болалар орасида дам олиш ёки фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун фойдаланиладиган халқ оғзаки ижодининг ажойиб турларидан биридир. Шунинг учун ҳам топишмоқча жавоб топтириш ёшлиар тарбиясида барқарор диққатнинг таркиб топишида фаоллик кўрсатади ва уларнинг ўйлаш қобилиятини, мустақил фикрлашини ривожлантирадиган жанр деб айтиш мумкин.

ҚИЗИҚМАЧОҚЛАР - ЁШ АВЛОД ТАФАККУРИНИ БОЙИТУВЧИ БАДИҲАЛАР

Адизова Н., аспирант (БухДУ)

Рус болалар фольклоридаги "прибаутки"ларга тенг келадиган қизиқмачоқлар ўзбек болалар фольклорининг мустақил, анъанавий жанрларидан биридир. Улар бола учун бешик даври тугаб, ўйин фаолияти кучая борганда ижро қилина бошлайди. Қизиқмачоқлар боланинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади. Уни ташқи олам, теварак-атроф билан муносабатга киришишга таёrlайди. Бола фантазиясини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Қизиқмачоқларнинг образлар олами ранг-барангдир. Жумладан, уларда осмон ёриттичлари (қуёш, ой, юлдуз), табиат ҳодисалари (ёмғир, шамол, момақалдироқ), жой номлари (тоғ, боф, уй), ҳайвонлар (хўкиз, сигир, бузоқ, туя, от, той, қўй, қўзи, эчки, улоқ, сигир, куён, ит, мушук, маймун), кушлар (қарға, булбул), уй анжомлари (чинни коса), ҳашаротлар (бурга, бит), егуликлар (ёғли патир, гўшт, қизил олма), болага тегишли нарсалар (бешик, зочак) образи кўп учрайди. Чунки қизиқмачоқлар боланинг бешик даври тугаши арафасида куйлана бошлайдиган фольклор намуналаридир. Улар эркалама ва овутмачоқлардан ўзига хос белгилари билан фарқ қиласи.

Қизиқмачоқларда ҳайвонлар образининг иштироки алоҳида ажралиб туради. Чунки 2-5 ёшлардаги болалар ҳайвонлар билан ўйнашни, улар билан тиллашишни ёқтирадилар. Ҳайвон гўё уни тушунадигандек тасаввур қиласилар. Ҳайвонларнинг қайсиси заарсиз, қайсиси заарар етказиши мумкинлигини фарқлайвермайдилар. Шунинг учун уларга аста-секин ҳайвонлар ҳақида ўргатиб боришига тўғри келади. Бинобарин, болалар уй шароитида ит, мушук кабилар билан ўйнашни яхши кўришади. Шунданмикин, қизиқмачоқларда кўпинча итнинг турлари ҳақида маълумот берилганлигига дучкелиш мумкин:

Гирдон-гирдон този,
Булбуларнинг ёзи.

Този - оёклари ингичка, тумшуғи узун, хипча, югурик ов ити.

- Дарё сувин ким ичди?
- Оққина кучукча ичди.
- Оққина кучукча ўлсин,
- Боласи бизга қолсин.
- Боласини сотайлик,
- Сабзи-пиёз олайлик,
- Шўрва қилиб ичайлик.

Кучукча - итнинг боласи, етилмаган ёш ит.

- Нон ёпди ўчоқ-ўчоқ...
- Уни нима қилади?
- Оққина гуржи олди.
- Бутага бориб тўнди...

Гуржи - кичкина, ихчам, пастак уй ити. Уни лайча ит ҳам деб юритадилар..

Хуллас, келтирилган ушбу қизиқмачоқ парчаларида ит турлари тасвири мавжуд.

Маълумки, баъзан итлар катта-кичикни қопиши мумкин. Айниқса, қутурган ит хавфли бўлади. Шу сабабли итларга хос қопағонликдан болаларни огоҳлантирувчи қизиқмачоқлар ҳам учрайди:

Бора кўрдим уйингга,
Тунонги айтган сўзингга.

Иting чиқди ҳабалаб,
Қоптирмадинг сабалаб.

Бундай қициқмачоқлар болаларнинг мантиқий фикрлашини куҷайтиради. Ҳаётда яхши-ёмонни фарқлашни ўргатади. Айрим қизиқмачоқларда ҳайвонлар образига инсонларга хос хатти-ҳаракатлар кўчирилиб, ташхис санъати ҳосил қилинганлиги кузатилади.

Қизиқмачоқларда, асосан, болаларга яқин ва тушунарли анъанавий образлар қўлланиши кузатилади. Уларда фантастик образлилик ва воқеабандлик муҳим ўрин тутади. Қизиқмачоқлар болаларни кичик сирли болалик оламидан рангба-ранг кенг борлиқ ичига олиб киради. Шунинг учун уларда ҳар хил образлар учрайди.

ДЕҲҚОН ОЛҚИШЛАРИДА ЭЗГУ НИЯТНИНГ БАДИЙ ИФОДАСИ Тўраева Л., аспирант (БухДУ)

Ўзбек фольклорида дехқонлар томонидан яратилиб, асрлар давомида ижро қилиниб келинган халқ оғзаки ижоди намуналари борки, улар алоҳида эътиборни тортади. Аммо бу борада ҳозиргacha кўпроқ дехқончилик қўшиқлари ўрганилиб келинган, холос. Ҳолбуки,

дәхқонлар фольклорида дәхқон олқышлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Дәхқон олқышлари, одатда, дәхқончиллик юмушларининг бошлиниши ёки тугатилиши муносабати билан айтилади. Улар күпроқ қишлоқ оқсоқоллари, кекса дәхқонлар ёки онахонлар томонидан айттілган.

Дәхқон олқышларининг мавжудлігі қадимги аграр күльтларга сиғиниш билан бөглиқ аграр маросимлар тизими амал қылғанлигидан далолат беради. Дархақиқат, дәхқончилликда муайян аграр күльтларга сиғиниб, турли ритуал тәдбирлар ташкил қилинган. Жумладан, далага күш чиқаришда "Шох мойлар", ўрим даврида "Обло барака", ҳосилни йиғишириб бўлгач "Хирмон тўйи" кабилар ўtkазилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ритуал тәдбирларнинг ҳар бири ўз вербал қисмига, ўтказилиш тартибиغا, ритуал таомига эга. Айтайлик, "Шох мойлар" маросимида "күш оши" деб, гўжа пиширилса, "Хирмон тўйи" да гўшт ва буғдой ёрмасидан ҳалиса пиширилган. Улар ейилгач, кекса дәхқонлар дуога қўл очиб, дәхқонни, дәхқончилликни, мўл ҳосил олишни олқышловчи айтимлар айтганлар. Бундай олқышлар ўз мавзу йўналиши, образлар таркиби билан ўзбек халқ олқышлари орасида ажралиб туради. Қадимги дәхқончиллик аграр ритуаллари билан бөглиқ тарзда келиб чиққан дәхқон олқышлари дәхқончиллик пирларига мурожаат кўринишида яратилган. Унда кўпинча Одам Ато, Бобо Дәхқон ёки Хизр номига мурожаат қилинади. Чунки ўзбек халқ афсоналарида Одам Ато жаннатдан чиқарилгандан кейин қорни оч қолиб қийналиб турганида олдида ҳаэрлат Жаброил пайдо бўлибди. У жаннатдан бир ҳовуч буғдой, битта қизил ва битта қора ҳўқизларни омочу бўйинтуруғи билан олиб келиб, Одам Атога ҳўқизни қўшга қўшганча ер ҳайдашни ва буғдой экишни ўргатибди. Шунинг учун Одам Ато дәхқонларнинг пири, биринчи дәхқон - Бобо Дәхқон сифатида эъзозланади.

Ўзбек афсоналарида буғдой экиб, дәхқончиллик қилиш анъансининг юзага келиши серҳосиллик, доимий яшиллик ва ҳаёт суви тимсолига айланган мифологик персонаж - Хизр номи билан ҳам боғлаб талқин қилинади. (Жўраев М. Дәхқон дала айланди. // Наврўз байрами. - Т.: Фан, 2009, 194-212-бетлар.)

Шу боисдан дәхқончиллик олқышларида Хизр номига мурожжат кенг учрайди.

Хоразмлик дәхқонларнинг ўзиға хос удумларини ўрганган этнограф Г.П.Снесаревнинг маълумот беришича, буғдойни чош қылғандан кейин маълум вақт хирмон қаровсиз қолдирилган. Ана шу пайтда Хизр келиб, хирмонга барака ҳадя қилиб кетади, деган тасаввур бўлган. Шу каби эътиқодий қараашлар туфайли дәхқонлар хирмон чошлаётганда "Хизр дорисин", "Хизр назар қилсин", "Хизр баракасини берсин" каби яхши ниятлар қиладилар.

Ҳосилнинг баракасини Хизр билан боғлаш тасаввури фақат Хоразмда эсмас, Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам учрайди. Умуман айтганда, серҳосилликни тилаш дехқон олқишиларининг етакчи мавзу йўналишини ташкил қиласди.

Дехқон олқишилари насрый ёки шеърий кўринишларда учрайди. Насрий кўринишдаги бундай олқишиларда сажъ муҳим ўрин эгалладиди: "Ё пирим, Дехқон бува! Ўзинг қўллагайсан, ёмғирларни ёғдиргайсан, майсаларни ундиргайсан, бола-чақанинг ризқини етказгайсан! Илойим, Дехқон бува дорийберсин, баракасини бераверсин. Курт-кумурсқа, жонли-жонзотдан қолгани менини! Бахш этдим, кўпнинг насибасига, Дехқон буванинг йўлига, омин". Кўш ҳайдашни бошлаб бергандан айтиладиган бу каби насрый олқишиларнинг таъсирчанлигини оширишда сажънинг ўрни сезиларлидир.

Шеърий кўринишдаги олқишилар ўзига хос бадиий-композициян хусусиятлари билан ажралиб туради:

Бош-бошингга, бошингга,
Барака берсин ошинингга,
Айни саҳар бўлганда,
Хизр келсин чошингга.

Бу шеърий шаклдаги олқишилар мисралар миқдори 7- 8- 7 -6 кўринишадир. Ундаги биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар бошингга, ошинингга, чошингга сўзлари орқали ўзаро қофияланиб, учинчи мисра очиқ қолган.

Хуллас, дехқон олқишилари халқ ижодкорлигининг ўзига хос бадиий шаклларидан бири бўлиб, сўз сеҳрига, аграр культларга ишонч, дехқончилик пирларига эътиқод замираша шаклланган. Бундай олқишиларни ўрганиш орқали маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихини ўрганиш мумкин. Қолаверса, эзгу ниятга йўғрилган халқ олқишилари маънавий жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялашда мухим восита вазифасини ўтай олади.

"СУМАЛАК" ҲАҚИДАГИ ХАЛҚ ҚЎШИФИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

Ахмедов В., магистрант, (БухДУ)

АҚШда 2000 йилда чоп этилган "Treasury of Uzbek Legends and Lore" номли ўзбек халқ эртаклари, ривоятлари, қўшиқлари, урфодат ва латифалари таржимасидан иборат тўпламнинг "The Holiday of Navruz" ("Наврӯз байрами") боби мавжуд. Унда халқимизнинг яшариш ва янгиланиш байрами бўлган Наврӯз ҳақида кенг тарқалган афсона ва қўшиқлар таржимаси келтирилган. Улар чет эллик муҳлисларимизга Наврӯз байрамининг келиб чиқишини, унда таёrlанадиган рамзий таом - сумалакнинг пайдо бўлишини билиб олишда ёрдам беради. Жумладан, келтирилган афсоналар

информатив-бадиий вазифаси билан ўзига хос таъсирчанликка эга бўлса, қўшиқларда Наврӯз билан боғлиқ миллий анъаналаримиз, эътиқодий қарашларимиз таъриф-тавсиф қилинганд.

Бобдаги "Songs of Navruz" ("Наврӯз қўшиқлари"), "Foods of Navruz" ("Наврӯз таомлари"), "How to Make Sumalak" ("Сумалак қандай тайёрланади?"), "Song of Sumalak" ("Сумалак қўшиқлари") каби матнлар мантикий узвийликда берилган бўлиб, уларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилиши халқимиз оғзаки ижодига, маънавий турмуш тарзига чет элларда катта қизиқиш билан қаралишини, фольклоримизнинг оламшумул қудратини англашга ёрдам беради. Зоро, бу миллий қадриятларимизнинг жаҳоншумул қимматини дунёга маълум қилишда инглиз олими, жонкуяр мураббий Мерилин Петерсенning хизматлари катта. У бу фольклор намуналарини Ўзбекистонда кўнгилли тил ўргатувчи сифатида ўқитувчилик қилиб юрган кезларида бевосита қизиқиб ўрганиб, инглиз тилига таржима қилган.

Китобда Наврӯз қўшиқлари икки тилда: ўзбекча аслиятда ва инглизча таржимада келтирилган. Бу эса ушбу матнларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш имкониятини яратган. Шу асосда ўқувчи фольклор намунасини ҳам аслиятда, ҳам таржимада ўқиб ўрганиш имконига эга бўлган. Қолаверса, бу яна таржимачилик моҳиятини, сирсиноатини, таржимада қайси инглизча сўз қайси ўзбекча сўзнинг ўрнида кела олишини, луғатчиликни ўрганишга, энг муҳими, тилларнинг имкониятларини қиёслашга замин ҳозирлайди:

Юлдузли осмоним бор,
Бир кўркам бўstonим бор,
Тилимда достоним бор,
Наврӯзи олам келди,
Наврӯзи олам келди.

I have a sky with star that never pale,
I have a beautiful garden vale
And on my tongue there's an epic tale
Navruz has come
Navruz has come.

Ўзбек тили фразеологимларга, кўп маъноли сўзларга, синонимларга бойлиги боис кўпинча таржимонларни мураккаб вазиятларга солиб қўяди. Айниқса, фольклор асарларининг таржимаси ўзига хос қийинчиликларга эга. Негаки, соф халқ тилида яратиладиган фольклор асарлари шева унсурларига, миллий реалияларга бой бўлади. Худди шу ҳолатнинг исботи қуйидаги таржимада ҳам кузатилади. Бинобарин, ўзбек тилида "тилимда" сўзини инглизчада "on my tongue" тарзида бериш услубий фализликни туғдиради. Чунки инглиз тилида "on" предлоги -да, устида маъносини, tongue эса

нутқ органи - тилни ифодалаши маълум. Шундай экан, "on my tongue" дейиш билан "достон тилимнинг устида" дегани бўлади. Тил воситасида куйланадиган асарни тил устида деб айтиш эса, услугубий фализликдан бошқа нарса эмас. Шеърий тарзда яратилган фольклор асарларини таржима қилиш янада мураккаб. Жумладан, тўпламда келтирилган сумалак ҳақидаги "Онагинам, сумалакни соғиндим" халқ қўшиғининг сарлавҳаси "I iss My Mother, Sumałak" тарзида ўгирилган, бу ўзбекчада "Сумалак, мен онамни соғиндим" тарзида тамоман тескари маънони бераётганлиги қўриниб турибди. Хуллас, фольклор асарларининг таржимаси ўзига хос мураккабликларга эгадир. Шунинг учун у таржимондан етарли билим ва малака талаб қиласди.

ADABIY ERTAKLARNI O'QITISH MUAMMOLARI

Omonov J., magistrant (TDPU)

Yozma badiiy adabiyotning folklor bilan munosabati adabiyot nazaryasining muhum masalasıdir. XX asrga kelib o'zbek adabiyotida folklorga qiziqish, undan ijodiy foydalanish yanada kuchaydi. Bu xol adabiyotshunoslikda yangi janrlarning yuzaga kelishiga sabab bo'ldi. Masalan, xalq ertaklari, afsona va rivoyatlari asosida, ularning ta'sirida yaratilgan adabiy ertaklar: ertak she'rlar, ertak dostonlar shular jumlasidandir.

Hozirgi paytda adabiy ta'lim oldiga o'quvchi yoshlarning milliy-ma'naviy qadiryatlarni puxta o'zlashtirishlari, ularning badiiy-estetik didlarini shakllantirish va rivojlantirish, o'quvchilarning ijodiy qobilyatini o'stirish kabi muhim vazifalar qo'yilgan. Mazkur vazifalarni bajarishda o'zbek adabiyoti namunalari qatorida adabiy ertaklarning ham katta imkoniyatlari mavjud. Farzandlarimiz oilada, maktabgacha ta'lim muassasalarida, umumiyo'rta ta'limming 5-6 sinflarida ertaklar va adabiy ertaklarning rang - barang namunalari bilan tanishadilar. Ana shu tanishuvlar jarayonida ularning umumiyo dunyoqarashlari shakllana boradi, shu bilan birga mazkur asarlar orqali dunyoni tushunish, olam va odamni idrok etish kabi xislatlar tarkib topadi, badiiy-estetik didlari, poetik tafakkurlari o'sib boradi. Adabiyot fanidan umumiyo'rta ta'lim maktablarining Davlat ta'lim standartlarida adabiy ertaklarning o'qitish-o'rgatish tavsiya etilgan. Bunda o'quvchilarning yoshi, qiziqishlari, dunyoqarashlari inobatga olinib, adabiy ertaklar 5-6 sinflarda o'qitilishi mo'ljallangan.

Adabiy ertaklarning o'qitilishini o'rganish maqsadida olib borgan tajriba-sinov ishlari jarayonida bir qator salbiy holatlarga duch keldik:

- aksariyat o'quvchilar bu janr haqida ma'lumotga ega emaslar;
- xalq ertaklari va adabiy ertaklar orasidagi farqni ajrata olishmaydi;
- adabiyot darsligidan amalda mavjud adabiy ertaklardan ko'proq ertaklar joy olishini hammalari hohlashgan kabi xolatlarga guvoh bo'ldik.

Bugungi kunning asosiy talabi ta'limda samaradorlikni ta'minlash ekan, bu kabi muammoli holatlarning yechimini izlash lozim. Bunda eng, avvalo, fan o'qituvchilaridan yanada fidoyilik, jonkuyarlik talab etiladi. Shu bilan birga quyidagi tavsiyalar ham bu muamolar yechimida ijobiy rol o'yinaydi deyish mumkin:

- darslikdagi nazariy ma'lumotlarni o'rganish chog'da uni shunchaki o'qib, yodlatish samarali usul emas. O'qituvchi turli metodlardan foydalanib, o'quvchining o'zi xulosa chiqarishiga erishishi lozim;

- agar darslikdagi nazariy ma'lumot yetarli emas deb hisoblansa, uni turli manbalar asosida to'ldirish mumkin;

- tajriba-sinov ishlari jarayonida o'quvchilar mazkur mavzularni sahnalash-tirilgan dars tarzida o'tish tarafdoi ekanliklarini bildirishgan. Xalq ertaklari bo'ladimi, adabiy ertaklar bo'ladimi, bunday darslarda sahnalashtirilgan darslar yaxshi samara berishi amaliyotda kuzatildi;

- sahnalashtirilgan darslarni adabiyot to'garaklarida tayyorlash maqsadga muvofiq bo'ladi;

- mazkur muammoni hal etishda yana bir omil borki, u ham bo'lsa adabiyot o'qituvchisi va uning ijodkorlik fazilatidir. Ya'nini o'qituvchi ijodkor bo'lar ekan, u yangicha metodlarni o'ylab topishi va shu orqali ta'limda samaradorlikka erishishi mumkin.

Ko'rib o'tganimizdek, bu borada yechimini kutayotgan muammolar yetarlicha. Pedagog va adabiyotshunoslarimiz bu mavzuda bir qator ishlarni amalga oshirgan bo'lishsada, ularning yutuqlari va xulosalari adbiy ta'lim amaliyotiga to'laligicha kirib kelgan emas. Bularning barchasi metodist olimlarning galadagi muhim vazifalari qatorida turibdi.

"ХОЛДОРХОН" ДОСТОНИДА ЎХШАТИШ **Эшмуродов А., (ЖДПИ)**

Ўхшатиш тилдаги энг қадимги тасвирий воситлардан саналади ва унинг юзага келиши диалектик қонуниятларга асосланган. Дастрабки ўхшатишлар жонли тилда юзага келган ва тил тараққиёти натижасида бадиий услуб ва бошқа услубларга кўчган. Шунинг учун уларнинг достонлар матнида учраши ҳам табиий ҳол сифатида қаралади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган "Холдорхон" достони ҳам образлинику юзага келтирувчи ўхшатишларга ниҳоятда бой ва бу ўринда уларнинг барчасини таҳлил этишнинг амалда имкони йўқ. Шунинг учун фақатгина дсotonлар услубига хос бўлган, анъанавий характердаги ўхшатишларга тўхталамиз.

"Холдорхон" "Гўрўғли" туркумидаги достонлар таркибиغا кириб, жангнома-достон хисобланади. Табиийки, воқеалар баёни ҳам асосан жанг жадаллар, алоҳида олинган кишилар кўрсатган қаҳрамонликлар тасвири билан боғлиқ. Шундай экан, ўхшатишларнинг қўлла-

нишидаги ўзига хосликни ҳам ана шу жиҳатдан қараш мақсадга мувофик бўлади.

Достонда ўхшаган нарса асосан инсон ва ўхшатилган нарса курратли жониворлар сифатида намоён бўлади: аждардай/аждарҳодай/аждарҳолдай, айиқдай, арслондай, булбулдай, бургутдай, бўридай, қарчигайдай, кийикдай, қопландай, кучигидай, кўлбардай, кўпракдай, молдай, наҳангдай, новвосдай, олқордай, отдай, подадай, суксурдай, тойлоқдай, такадай, товуқдай, тойдай, тулкидай, тулпордай, тұядай, филдай, чумчукдай, шунқордай, эшақдай, қушдай, қўйдай, ғиркўқдай, ғуондай, ҳайвондай, ҳўқиздай каби. Бир пилла Ҳасан Кўлбар қараса, Аваҳон йўлбарсдай бўлиб, шердай ҳайбат солиб, аждарҳодай қўзғалиб, майдонга кетиб боради, қариб қўшиндан чиқиб бораётир (109). Гўрўғлибек боради, Оч арслондай ариллаб (82). Бирори қоплондай, бирори бўри, Икковини кўрсанг шерларнинг шери (151). Кўлбар юрур нордай бўп, Ҳар яғрини қирдай бўп (177). Улар орасида -дай ёрдамида ясалган ўхшатишларнинг фаоллари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: нордай-6, илондай-11, йўлбарсдай-14, итдай-17, шердай- 23.

Ўхшатиш кўрсаткичларидан бири -дай/-дек/-доқ вариантилигига -дай нинг қўлланиш частотаси устунлик қиласи. 320 марта ишлатилган: боладай, калакадай, кападай, найзадай, ойнадай, олмадай, подадай, такадай каби. З марта -дек: гўрўғлидек, гўрўғлибекдек, қиёматдек қўлланган, -доқ қўлланилмаган.

Достонда ўсимликларга ўхшатилиш маҳсулдор эмас. Улар орасида 4 та сўзни - гул, лола, қизғалдоқ, чинор ни қайд этиш мумкин. Инсонга нисбатан сўлмоқ ва очилмоқ сўзлари қўлланганда у гулга ўхшатилади:

- сўлмоқ: Кўрқанидан Аҳмад Сардор Чопсондан Гулдай бўлиб юзи сўлиб боради (248). Қайтгин, бола, ўласан, Тоза гулдай сўласан (310);

-очилмоқ: Аваҳон ўғлон, бир турфа жонон, юзлари очилган гулдай, тиллари булбулдай, зулфлари сунбулдай, отасининг олдида майдонга - Думалоқ половонга талаб қилди (109). Очилмоқ ўрнида матнда кўпинча унинг диалектал варианти жайнамоқ дан фойдаланилган ва 18 марта қўлланган ушбу сўз асосан юқоридаги сўзлар билан боғланган гулдай жайнаб (38), қизғалдоқдай жайнаб (193), тоғ лоласидай жайнаётир (372), чўғдай жайнаб (342) каби. Очилмоқ қа маъноси яқин бўлган яшнамоқ ҳолати ҳам қизғалдоқ қа ўхшатилган: Қрим мамлакати неча юз катта ҳовлиларни ... қизғалдоқдай яшнатиб-ясад ўтириб эди (14).

Тебраниш маъносидаги диалектал сўз иргалиш га нисбатан 4 ўринда найза қамиш биримаси қўлланган: Шоҳ Қайсар ... найза қамишдай иргалиб, туғ түкқа суюниб кела берди (262).

Афсар зангининг қўли чинорнинг шохига ўхшатилган: Қараса,

Афсар зангининг бўйи минордай, қўли минг панжали шохчинордай... баччағар экан (135).

Достонда -дай ёрдамида инсон ва унинг сифатлари ҳам ўхшатиладиган обьект сифатида олинган: Эркубоддай, одамзоддай, марддай, Аваздай/Авазхондай, зангида, полвонидай, подшоларида, Сардорбекдай, шоҳдай, шаҳаншоҳдай, Мисқолдай, одамдай, тогамдай, боламдай, Самандардай, баҳодирдай, азаматдай, бувишдай каби. Бўлмаса, Гўрўғлибекдай файратли шўл вақтдаги валламатларнинг ичидаги йўқ эди (422).

Бу каби ўхшатишларнинг айримлари Эргаш шоир жонли тилга хос бўлган ўзини-ўзига ўхшатиш усулидан ҳам яхши фойдаланганлигини кўрсатади: Тўйга айтдим Гўрўғлидай жўмардни, Келса олиб келсин, икки парини (7); Овозасин ошириб, Душманини шошириб, Холдорхондай подшолар Оёғига бош уриб (347); Кўр қип Тўхтамишдай зўрнинг кўзини, Девларни ҳасратли қилган тўрамсан (363) каби.

Достон матнида ўхшатишларни юзага келтирувчи сингари, қадар, янглиф, бамисоли, бамисли, мисоли, мисли, монанд, худди, нақ, айнан каби сўзлар учрамайди. Фақат каби 2 марта, гўё 4 марта қўлланилган, холос. Грамматик воситалардан -симон, -она, -омуз ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Асосан -дай/-дайн қўлланилган. У уч юздан зиёд сўзшаклга қўшилган. Фойибона (5 марта), мардона (6 марта), шоҳона (3 марта), подшоҳона (2 марта) сўзлари таркибида -она воситаси ишлатилган. Полвона сўзи таркибидаги -а нинг ўхшатиш воситаси сифатида қўлланишида Эргаш шоирнинг маҳорати маълум бўлди, уни -часига ўрнида ишлатади: Буни Кўлбар кўриб, майдонни полвона айланиб юриб (160). Энди Кўлбар икки кўлни кўтариб, Полвона қўшинга талаб айлади (168).

- дайнин нинг қўлланиш частотаси юқори эмас, у қўйдайин, тоғамдайин, ўзимдайин, мендайин, қайсадрдайин, бирдайин, юнусдайин, ўтдайин сингари сўзлар таркибида қўлланилган.

Ўхшатишли бирикмаларнинг ўюшиқ ҳолда келиши ифода жараёнига алоҳида бир оҳанг бағишилайди, ўзига хос ритмни ва баён услубини вужудга келтиради: Холдорхон подшо Гўрўғлибекнинг келганини билиб, ичи фамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ҳар кўзи шокосадай, шоҳ мурти шопдай урти кўхна қопдай, ҳар чеккаси деҳқони икки чорак топдай, қорни кападай, калласи тепадай, икки кулоғи кўхна ярти сурпадай бўлиб, подадай бақириб, ҳўқиздай бўкириб, айикдай ақириб...(86). Ана энди Гўрўғлибек Авазхоннинг бу сўзларини эшитиб, билиб, илондай заҳри келиб, аждарходай қаҳри келиб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирпиниб, қоплондай чобиниб, кўзлари ўтдай ёниб... (33). Аҳмад Сардор бу сўзларни эшитиб, ҳар кўзи шокосадай бўлиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, ҳар урти қопдай, шоҳ мурти шопдай бўлиб (55). Ана энди Аҳмад Сардорнинг қаҳри келиб, илондан заҳри келиб, аждарходай тўлғониб, қоплон-

дай чопиниб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирпиниб, айиқдай ақириб, подадай бақириб, эшакдай ҳанграб, новосдай манграб, итдай улиб, тентакдай кулиб, Мирза Аскарнинг кўрқанини билиб, Мирза Аскарни мазақ қилиб... (65). Бу сўзларни Борса келмас подшоҳи шоҳ Қайсар эшитиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, поддадай бўкириб, итдай хуриб, эшакдай ҳанграб, ҳўқиздай мўнграб, ҳайқириб, довши варқираб, арқираб қўяберди (261). Улар орасида қаҳри келиб, илондай заҳри келиб сингари анъанавий турғун бирималар ҳам учрайди.

Айрим ўхшатишли элементлар муболага ҳосил қилишда шоирга кўл келади: ҳар кўзи шокосадай, шоҳ мурти шопдай, урти кўхна қопдай, ҳар чеккаси дехқони икки чорак топдай, қорни кападай, калласи тепадай, икки қулоги кўхна ярти сурпадай бўлиб (86); Афсан зангининг ... эгинглари беш-олти одам чой ичиб ўтирадиган супадай, бурни тегирмоннинг новидай, чаккалари дехқоннинг катта тобидай, лаби ариқнинг рошидай, тишлари омочнинг тишидай, кўзлари но-ввойнинг тандиридай, билаги синган харидай баччағар экан каби.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИННИНГ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Бекназарова Х., Раҳмонов А.
(Кашқадарё ВПКҚТМОИ)**

Истиқтол боис бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ислоҳотлар моҳияти кўпроқ таълим мақсади ва мазмунининг янгиланиши билан ўлчаниди.

Дарҳақиқат, бу янгиланишлар давлатнинг таълим олдига қўйган буюртмаси-ижодий тафаккур соҳибини етиштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақил ва ижодий фикрлайдиган, ўз фикрини тўғри, равон ифодалай олиш малака-ю кўнікмасини шакллантириш таълимнинг барча турлари ва соҳалари учун бирдек тааллуклидир.

Жумладан, "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомда бошланғич таълим ... ўкув фаолиятининг асосий малака ва кўнікмалари, ижодий фикрлаш, ўз-ўзини назорат қилиш укуви ... асосларининг эгаллаб олинишига даъват этилганлиги таъкидланади. Бошланғич таълимнинг асосий принципларидан бири эса ўкувчилар нутқини ўстириш бўлиб, бу адабий таълим билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқ ўстириш бошланғич синф она тили таълимига аниқ амалий йўналиш беради ва болаларни онгли ўқиши, ўқиганини равон қайта сўзлаб бериш ва ёзишга ўргатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўкувчилар нутқини ўстиришда синфдан ташқари ўқиши дарсларининг талаб даражасида ташкил этилиши муҳим омил саналади.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларини ташкил этишнинг самарали усулларидан бири халқ оғзаки ижоди материалларига таянган ҳолда иш олиб боришидир. Ҳақиқатан ҳам, халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиш болаларни бадиий-эстетик тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, халқ оғзаки ижодидаги биргина эртакнинг ўзи болалар дунёқарашини бойитиш, савиасини кенгайтириш, нутқини ўстиришда бекиёс кучга эгадир. Дейлик, эртак қаҳрамонлари-бўрининг ёвузлиги, тулкининг айёрлиги, қуённинг кўркоклиги, шернинг ботирлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг чаққонлиги, чумолининг меҳнатсеварлиги каби тушунчалар болаларнинг маънавий оламига таъсир этади, улар бу қаҳрамонлар тимсолида эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, нафосат ва қабоҳат ўртасидаги азалий кураш натижасини кўрадилар, улардан дастлабки хulosаларни олишга одатланадилар.

Тажрибалар эртаклар ўрганиладиган дарсларни саҳналаштирилган ҳолда ташкил этиш кутилган натижа беришини кўрсатмоқда. Фаол, эртак қаҳрамонларини саҳнада акс эттиришга лаёкатли ўкувчилик билан ўтказилган алоҳида машғулотлар орқали эртак саҳналаштирилади. Мазкур дарсга тайёргарлик ишлари синфнинг бошқа ўкувчиларидан сир тутилмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки репетиция машқларининг ўқувчилар ичидаги олиб борилиши эртак ўрганиши режалаштирилган дарснинг улар учун зерикарли ва қизиқарсиз кечишига сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчилар кўзидан сир ва пана тутилган саҳналаштирилган эртак дарси талаб даражасида тайёрланса, бу дарс улар учун ҳақиқий мўъжиза ва фавқулодда кашфиёт саналишини тажрибалар исботлайди. Чунки эртак воқеаларий болаларнинг кўз олдида жонли ҳолда рўй беради. Тасаввур кузатув билан уйғуналашади. Саҳна қисмидан кейин бир неча ўкувчиларнинг эртак ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эшитилади. Албатта, бунда уйиши сифатида эртак мазмунини оила аъзоларига сўзлаб бериш топшириғининг борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари ўкувчилар ўртасида эртаклар бўйича "Мен ... эртаги қаҳрамони бўлиб қолсам", "Мен эртакчи бўлсам", "Меним севимли эртагим" мавзусида сухбат ва савол-жавобларнинг ташкил этилиши ҳам кутилган натижани беради. Шу билан бирга халқ оғзаки ижоди намуналаридан мақол, топишмоқ ва тез айтишлар ҳам болаларда топқирлик, тезкорлик, мулоҳазалик сифатларини қарор топтиришга ва шу орқали улар нутқини ўстиришга ёрдам беради. Бунда эса ўқитувчига синфда ташкил этилган "Синф кутубхонаси" энг яқин кўмакчи саналади.

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Куронов Д., Ф.Ф. д., (АДУ)

Адабиёт инсоннинг маънавий камолотида, руҳоний юксалишида ғоят катта ўрин тутиши - аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатdir. Ҳусусан, жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифа - баркамол авлод тарбиясида унинг бекиёс хизматни ўтай олишига ҳам ҳеч бир шубҳа йўқ. Бироқ бу имконнинг тӯла рӯёбга чиқиши учун айрим шартлар кўндаланг келадики, улар бажарилмаса, ҳануз бу бекиёс кучни "ўтин ёришга сарфлаб" юрган бўлиб чиқамиз. Шу шартлардан биринчиси ва барининг асосида ётгани адабий таълимдир.

Истиқолол ийлларида адабий таълим соҳасида ҳам кўплаб ўзгаришлар содир бўлди: янги давлат таълим стандартлари қабул қилинди, шу асосда ўқув дастур ва режалари ишлаб чиқилди, уларга мос дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Албатта, буларнинг бари адабий таълимни яхшилаш мақсадига қаратилган. Лекин ҳануз улардан кутилган натижага эришилмоқда, деб барадла айта олмаймиз. Зеро, китобхонлик маданияти кундан-кун тушиб бораётгани, бир пайтлар жуда кўп ўқийдиган ҳалқлардан бири саналиш даъвосида бўлган ҳалқ адабиётининг кўзгуси - "Шарқ юлдузи"дек журнал тиражининг 1000 дан ошмаётгани; матбаа жиҳати юксак савияда чоп этилган китобларнинг дўконларда чанг босиб ётгани; янги яратилётган асарлар қизғин муҳокамаю мунозаралар уйғотмай, акс садо туратурсин, ҳеч бир сассиз беадад информация уммонига фарқ бўлиб кетаётгани... бунга имкон бермайди. Ўз-ўзидан савол туғилади: нега? Ахир, қарийб йигирма йилдан бери шўро даври адабий таълими анъаналаридан воз кечишга, адабиётни, аввало, бадиият, санъат ҳодисаси сифатида ўқитишга интилмаяпмизми? Соҳадаги юқорида зикр қилинган ўзгаришлар асосида асли шу концепция ётган эмасмиди?! Шундайку-я, лекин... Шу биргина лекинни мушоҳада қиласкан, негадир, фикр-мулоҳазалар айланиб-ўргилиб бир нуқтага келаверади, қайта-қайта муҳокама қилинса-да, лоп этиб яна биттагина хулоса келиб чиқаверади: мақсадни тўғри белгилаганимиз ҳолда унга етишининг маъкул йўлини танлай билмадик. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Мақсад чинданам тўғри белгиланганми?.. Эҳтимол, тўғридир. Лекин бир нарсани, адабиётни бадиият, санъат ҳодисаси сифатида ўқитиш дегани нима эканлигини ўзимиз учун ҳали аниқлаштириб олганимизча йўқ кўринади. Яъни, айни шу нуқтада қарашларимизда умумийлик йўқ, буни ҳар ким ўзича тушунаётганга ўхшайди. Назаримда, ҳозирча биз бир кутбдан иккинчисига сакрашга тараддуудланяпмиз, холос: шўро даври таълим тизимидағи адабиётни восита сифатида ўқитишдан - санъат сифатида ўқитишга, пировардида эса, очиғи, на унисини ва на бунисини рисоладагидек амалга ошиrolмай турибмиз.

Албатта, мутахассисларга мактаб таълимидан, адабиёт ўқитиш муаммолари билан шуғулланишдан йироқ бир кишининг бу даъвоси эриш кўриниши мумкин. Сираси, бу гапларни натижадан - қисман юқорида айтганларим ва, асосан, филология факультетига ўқишга кирган биринчи курс талабаларининг тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб айтаман. Бир қарасанг, биринчи курс талабаларида адабиёт ҳақидаги информация доираси анча кенг кўринади. Ахир, у "трагедия - эчки қўшиғи" эканлигини, Навоийнинг "фалон байтида фалон санъат ишлатилган"и, "унинг "Хазойинул маоний"-си фалонча байтдан ташкил топган"и... га ўхшаш беҳисоб маълумотларни жуда яхши билади-да! Лекин шўрлик "эчки қўшиғи"нинг трагедияга қандай алоқаси бор ёки трагедия ўзи нималигини билмайди, Навоий ишлатган худди ўша санъатни бошқа бир байтдан топишга ожиз, "Хазойинул маонийни" лоақал қўлига ушлаб кўрмаган... Яъни, олий даргоҳга энди қадам босган талаба мияси "адабиёт ҳақидаги информация"га тўла, лекин унинг ўзи АДАБИЁТдан йироқ. Тўғри, буни кириш тестларининг "шарофати"га йўйиб осонгина кутулиш ҳам мумкинdir. Лекин, тан олиш керак, аслида сабаб шундагина эмас, асл сабаб таълим тизимида адабиёт қандай ўқитилиётганида.

Мазкур даъвони асослаш учун Халқ таълими вазирлиги қошидаги РТМ томонидан тайёрланган "Адабиёт фанидан мажбурий стандарт назорат ишларини ўtkазиш юзасидан тавсиялар"(Т.,2006)га эътиборни қаратмоқчиман. "Тавсиялар"да ҳар чорак якуннида тест ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унинг мақсади сифатида "ўкувчининг билим, кўникма ва малакаларини синовдан ўтказиш" кўрсатилган ва БКМ элементлари саналган. Масалан, биринчи чорак учун 20 пунктдан иборат қилиб тузилган БКМ элементларини таҳлил қилсак, куйидаги ҳолатни (рақамлаш "Тавсиялар"даги тартибга мувофиқ) кўрамиз:

1. Асар ва унинг муаллифини билиш;
2. Асар ва унинг муаллифини билиш; (?)
3. Асар ва унинг қаҳрамонларини билиш;
4. Асар ҳақидаги маълумотни билиш;
5. Ижодкор ҳақидаги матнни билиш;
6. Ижодкор ҳақидаги маълумотни билиш;
7. Ижодкор ҳақидаги маълумотни билиш;
8. Ижодкор ҳақидаги матнни билиш;
9. Шеърий санъатларни ажратса олиш;
10. Шеърий санъатларни ажратса олиш;
11. Адабиёт назарияси бўйича билим;
12. Адабиёт назарияси бўйича билим;
13. Ижодкор фаолияти ҳақидаги билим;
14. Ижодкор ҳақидаги маълумотни билиш; (?)
15. Шеърий санъатларни ажратса олиш;
16. Адабиёт назарияси бўйича билим;
17. Адабиёт назарияси бўйича билим;
18. Қаҳрамонни билиш;
19. Қаҳрамонни билиш;

Кўриб турганимиздек, жами 20 та БКМ элементларидан 11 таси адабиёт ҳақидаги информацияни билишга қаратилган. Табиийки, намуна сифатида тавсия этилган тест саволларини тузишда ҳам

худди шу тамойилга амал қилинган: 16 та намунавий тестнинг 8 таси ўқувчиларнинг асар(ёки таржима) кимга тегишили эканини, 6 таси адабий-назарий тушунчаларни қай даражада билишини аниқлашга қаратилган. Эътиroz қилиш мумкин: "Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир, асар (ёки парча) кимники эканини аниқлаш учун ўқувчи матнни билиши керак эмасми?" Бир қарашда эътиroz асослидек, шу тестлар ёрдамида ўқувчилар билимини холис баҳолаш мумкин-дек кўринади. Аслида бундай эмас, бундай ўйлаш ўз-ўзини алдаш бўлади. Агар 7-синф боласининг сажиаси эътиборга олинса, тан олиш керакки, бу каби фактларни синфдаги 30 нафар ўқувчидан биттасининг билиши кифоя, демак, БМКларни аниқлаш, ўқувчини баҳолаш холис бўлолмайди. Бундан ташқари, мабодо шуни билган тақдирда ҳам ўқувчи адабиётга яқинлашиб қолмайди, ахир. Худди шу гапни "Ҳамзатов қайси халқ шоири?", "Туркий Гулистон" қандай асар?", "Чор атрофга ёйганда гилам" деганда шоир қайси фаслни назарда тутган?", "Мардлик афсонаси" қайси жанрга мансуб?" тарзидаги намунавий тестлар ҳақида ҳам бемалол айтиш мумкин. Хуллас, уларнинг аксариятини умумлаштирадиган жиҳат - адабиёт ҳақидаги информацияни шакллантиришга қаратилганидир. Албатта, танқид қилиш осон, жўяли бир таклиф бер-чи, дейишингиз мумкин. Бу ўринда Сиз ҳақсиз, аниқ бир таклиф беришга ожизман, лекин бир нарсага имоним комил: ўқувчининг адабиётдан билими-ни баҳолашнинг энг номақбул йўли - тест. Энди бир савол туғиляди: бунақа тестлар БМК элементлари, яъни, ўқувчилар адабиётдан олиши лозим билим, малака ва кўникмаларнинг амалий кўринишидан келиб чиқяптими ё ўша БМКларнинг ўзини тестлар белгилаяп-тими? Менимча, кейинги ҳол ҳақиқатга яқинроқ, яъни БМКлар тес-тга мослашган. Энг ёмони, аслида ўқув дастур ва режалар ҳам шундай. Йўқса, масалан, 7-синф учун адабиётдан 1-чоракка ажратилган 18 соатнинг МСНИлардан ортган 14 соати давомида 7 та ижодкор ҳаёти ва ижодини, яна 5 та адабий назарий тушунчани ўрганиш кўзда тутилармиди? Яъни, қолган 14 соат ҳам ўқувчилар миасини кўпроқ адабиёт ҳақидаги информация билан тўлдиришга қаратилганки, бу информациядан келиб чиқиб исталганча (!) тест тузиш мумкин. Ахир, бу ахволда матннинг ўзига - асарни ўқиш, уқиш, унинг бадиий воқелигига яшаб кўриш, хис қилиш ва ҳис қилганларини бошқалар билан ўртоқлашиш, ... кабиларга нима қолади? Назаримда, адабий таълимдаги ҳолат шундайки, у сездириб-сездирмай ТЕСТга - битирувчилар ҳаётидаги гўё энг муҳим ҳодисага мослашмоқда. Ҳолбуки, бир кунлик тест ўтади-кетади, адабиёт эса ҳаётнинг ўзилик мангу...

Юқоридаги масалага, адабиёт ўқитиш мақсадига қайтсан. Агар-ки адабиётни санъат, бадиият ҳодисаси сифатида ўқитмоқчи эканмиз, аввало, мақсаднинг ўзини аниқлаштириб олиш лозим. Маъ-

лумки, "бадиият икки онг тўқнашган нуқтада" (М.Бахтин), яъни асарни ўқиш жараёнидагина мавжуддир. Шундай экан, адабий таълимнинг мазмун-мундарижаси ўқувчиларни бадиий асарни ўқишига ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим. Агар шундай йўл тутилса, адабиётни восита ёки санъат сифатида ўқитиш масаласи кун тартибидан тушиб қолади. Негаки, булар асосий мақсаднинг ҳосиласи ўлароқ табиий равишда, ўз-ўзидан ўсиб чикаверади. Мақсад билан боғлиқ яна бир масала кўндаланг бўлади, бу - адабий таълимнинг пировард натижаси, яъни ўқувчига қўйиладиган БМК масаласи. Бизнингча, пировард натижани ҳам лўнда қилиб қўйидагича ифодалаш мумкин: ўқувчи таълим муассасасини адабий асарни ўқиш, уқиш, хис қилиш, ундан завқлана билиш малакаларини эгаллаган, адабиёт ўқишини ўзи учун зарурат мақомидаги табиий эҳтиёжга айлантирган ҳолда тарк этмоғи керак. Бу эса адабий таълимни шулардан келиб чиқсан ҳолда ислоҳ қилиш, шуларни назарда тутиб ўқув дастур ва режалари тузиш, дарсликлар, методик ишланмалар яратиш ва, муҳими, ҳар бир машгулотни шу мақсадларга мос ҳолда ташкил этишни талаб қиласди.

ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ТАРБИЯСИ

**Тўхлиев Б. (ТДПУ), Юсупова Ш.,
Райимбердиева З. (АДУ)**

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири комил инсонни, юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам шахс ривожида таълимнинг энг мақбул йўналишини белгилаб олиш, шу билан бирга, таълимга мос равишда тарбия йўналишларини ҳам уйғун ҳолда олиб бориш баркамол шахс тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Чунки маънавий тарбияга хизмат қилмаган таълим "сувсиз тегирмон" дир.

Ўқитувчининг чуқур билим ва тафаккурга эгалиги, методологик таянчининг бақувватлиги ундаги касбий маданиятнинг, шунингдек, бой ва барқарор маънавиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўқитувчининг бу борадаги савияси ўқувчига бериладиган таълим ва тарбиянинг яхлит ҳолда берилиши ва ёшларни шахс сифатида шакллантириш мақсадларига эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Демократик жамиятда таълимнинг ижтимоийлашувини тўғри йўлга қўйиш натижасида шахс ўз-ўзини англайди ва ўз қобилиятини ижодий мулоҳаза қилиб кўради. Чунки юксак маънавиятли шахс

бўлиши учун у оламдаги нарса-ҳодисаларни билишигина эмас, балки жамиятда юз берадиган ўзгаришларнинг моҳиятини, мазмунини ҳам теран англай олиши зарур. Зеро, ҳар бир шахс шахс олинган билим ва эгалланган тажрибалардан жамият тараққиёти йўлида оқилона фойдалана олиш даражасига кўтарила олгандағина комилликка эришади. Комил инсон, том маъноси билан, юксак маънавиятли шахсадир. Бундай кишилар иқтисодий, маънавий, сиёсий ислоҳотларнинг моҳиятини тушуна олади, хукукий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо қилишга, унга ҳисса қўшишга ўзида куч топа олади, бир сўз билан айтганда, у ўзида амалга оширилаётган ишларга оид дахлдорлик туйгуларини онгли тарзда хис этади. Президентимизнинг баркамол авлодни камол топтиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз эканлигини мунтазам тарзда таъкидлаб келаётганлари бежиз эмас.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, юксак маънавиятли шахслар тарбиялашнинг янги тизимини барпо этиш, юрт келажаги учун баркамол, етук, салоҳияти юксак авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу боис, юксак маънавиятли шахс моделини яратиш, уни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки ҳар қайси жамият ўзи истиқболини ҳар томонлама уйғун ҳолда камолга етган шахс, баркамол авлодсиз таъминлай олмайди.

Амалиётда таълим ва тарбия уйғунлиги тамойилини кенг йўлга қўйиш, "Хозирги ўзбек адабий тили" дарсларида ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАҲСНИ тарбиялаш йўл-йўриклиарини ишлаб чиқиш ва уни амалиётта жорий этиш нихоятда долзарб масаладир.

Юртбошимиз маънавиятни шакллантирувчи омиллар хусусида фикр юритар экан, таълим-тарбия тизими ҳақида алоҳида тўхталади. Кўзланган мақсадга эришиш учун таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришини талаб этади. Зеро, "таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Шу маънода, тил таълими маънавият тарбиясининг бош омили саналади. Маҳмуд Қошварийнинг "Девону лугат ит-турк" асарида "Ардам бashi - тил" (Ҳар қандай фазилатнинг бошланиши тилдандир) деган мақолнинг қайд этилгани бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"га мувофиқ янгилangan педагогик тафаккур она тили таълими олдига янгича талабларни қўймоқда. Хусусан, академик лицейларда "Хозирги ўзбек адабий тили" фанини ўқитишнинг

бош мақсади ёшларимизни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, ўзбек тили қонун-қоидаларини онгли ўзлаштиришга ва назарий билимлардан ўринли ва тўғри фойдалана олиш кўникмасини ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, Ватанимизга, миллий анъаналаримизга, бой маънавиятимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ўргатишга қаратилган.

Дастурда кўрсатилган назарий билимлар муайян кетма-кетлиқда тизимли асосда ўқитилади, яъни таълимий мақсад амалга оширилади. Бироқ, дарсдан кўзланган тарбиявий мақсад иккинчи даражалигича қолмоқда. Модомики, таълим ва тарбия бирлигига эришиш ҳамда юксак маънавиятли шахсни камол топтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўяр эканмиз, бизнингча, дарснинг тарбиявий мақсади мундарижасини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биз шу кунгача она тили дарсларида тарбиявий мақсадга эришилмаган ёхуд бундай мақсад назарда тутилмаган деган даъводан йироқмиз. Фақатгина дарснинг тарбиявий йўналиши тизимли асосда мақсадли ташкил этилмаганингига урғу бермоқчимиз, холос. Бизнингча, тил таълимидағи ушбу камчиликларни бартараф этиш учун дастлаб, юксак маънавиятли шахс тарбиясини амалга оширишнинг мундарижаси ва йўналишларни белгилаб олиш даркор.

Маълумки, маънавият фақат инсонгагина хос руҳий ҳолат бўлиб, жамият, давлат, миллат, шахс ривожланиши ва камолотининг асосий омилидир. Шу маънода, маънавият инсон дунёга келганидан бошлаб, то умрининг охиригача мунтазам ўсиб, бойиб, такомиллашиб борадиган жараёндир. Инсон умрининг, шахс такомилининг ҳар бир босқичида унинг маънавиятини юксалтириб боришнинг ўзига хос йўналишларини белгилаш foятда муҳим. Маънавий тарбия мундарижасини белгилашда шахс ривожининг физиологик, психологияк, педагогик хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу билан бирга маънавият тарбияси йўналишлари ва мазмунидаги узвийлик ва узлуксизликни ҳам назардан қочирмаслик керак: таълимнинг куйи бўғинида олинган тарбия кейинги босқичларда айнан тақрорланмасдан, мазмунан бойитилиши ва ўқувчининг ёши, дунёқараши, умумий савияси, қизиқишлигига мос тарэза ривожлантириб, такомиллаштириб борилиши лозим. Бунинг учун биз "матнли ўқитиш технологияси" дан фойдаланишни маъкул деб топдик.

Маълумки, она тили дарсларида, асосан машқлар тизимидан фойдаланилади. Машқларда кичик-кичик матнлар, айрим грамматик ҳодисаларни ўзида акс эттирган боғланишсиз (сочма, терма) гаплар берилади. Улардан кўзланган асосий мақсад ўрганилган грамматик билимларни машқ шартига кўра амалда қўллаш ёки ажратишдир. Бундай терма гаплардан тузилган машқларни боғланишли матнлар билан алмаштириш фойдалироқ бўлади. Чунки наза-

рий жиҳатдан лисоний ҳодисалар матн таркибидагина яхлит бир организм сифатида мавжуд бўлади. Уларнинг ўзига хосликлари, имкониятлари матн таркибидагина яқол кўринади. Амалий томондан эса матн мавзуга оид, шу билан бирга, аввалги дарсларда эгалланган билим ва кўникмаларни ривожлантиришга оид грамматик топширикларни бажариш учун тажриба обьекти вазифасини бажаради. Тарбиявий жиҳатдан муайян фойя, фикр матн таркибидагина ўзининг мантиқий ечимини топади. Шу тариқа дарсда эришилиши талаб этиладиган мақсадларни яхлит механизм сифатида уйғулаштиришга муваффак бўлинади.

Энди, белгиланган тарбиявий мақсадга кўра, асосий эътиборни матнни тўғри танлай олишга қаратиш, танланган матнларнинг маърифий характерда бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу орқали ўқувчиликлар қўшимча маълумот олиш билан бирга ўз билимларини ҳам бойитади. Матн мазмунини муҳокама қилиш орқали эса мустақил мушоҳада салоҳиятини ўстиришади.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎРГАНИШ **Ниязметова Т., доц. (ТДПУ)**

Ўқитувчи фаолиятининг ҳар бир кунини олам-олам таассуротлар, мулоҳазалар якуни деса бўлади. Айниқса, бугунги кунда ўқувчи фаолияти янги-янги мазмун касб этмоқда.

Мустақил республикамиз миқёсида таълим тизимининг шакли ҳам, мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Бу борада адабиёт ўқитишининг самарали усулларининг бу фанни давр талаблари даражасида ривожланишига хизмат қилиши табиий.

Адабий таълим жараёнида ўқувчи ҳиссияти тарбияланади. Унинг гўзаллик ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари такомиллаштирилади.

Адабий таълимнинг сифати, самараси ва замон талабларига жавоб беради олиш даражаси кўп жиҳатдан адабий асарларни ўрганиш қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Академик лицейларнинг III босқич ўқувчилари учун "Адабиёт" дарслигига мустақиллик даври ҳикояларидан "Беозор қушнинг қарфиши", "Кўк эшик", "Хисомиддин ал-ёғий", "Олим ўғил" кабилар киритилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Беозор қушнинг қарфиши" ҳикоясини ўрганиш учун ўкув дастурида 2 соат берилган. Ажратилган вақтнинг биринчи соатида ҳикояни тўла ҳолда ўқиб, мазмунини ўзлаштиришга, ёзувчи ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга эришишни режалаштириш мумкин. Кейинги соатда эса Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Беозор қушнинг қарфиши" (1995) ҳикоясида ёзувчи воқеани тасвирилашнинг ўзига ҳос йўлини қўллаб, маълум бир ҳоди-

сани оила аъзоси бўлган (бир пайтлар) Қадрия томонидан, унинг тилидан баён этиш орқали таъсирчанлигига, марказий муаммонинг камбағаллик орқасидан эргашган жаҳилликнинг нафақат инсонларга, балки табиатга, ҳар бир тирик жонзотга етказган зуғуми, охир оқибатда инсонни ёмон ҳолатларга тушириб қўйиши мумкинлигини жонли ва хаётий тарзда тасвирлашга эришгани баён қилинади.

Дарҳақиқат, Хуршид Дўстмуҳаммад мустақиллик даври адабиётининг етук вакили сифатида кўплаб асарларида маънавий-ахлоқий ғояларни илгари сурган, илмсизлик жаҳолатни келтириб чиқаришини рўйи-рост тасвирлашга эришган.

Ҳикоя ҳам бош қаҳрамоннинг ваҳм ичида бошидан кечирган болалигининг маълум бир даврини ёритади, айни пайтда, мана шу оила бошидан кечирган ҳодисалар орқали жамиятдаги иллатни фош этишга хизмат қиласди.

Ҳар қандай адабий асар таҳлили ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади. Зеро, бадиий асарлар марказида бири иккинчисига ўҳшамаган ранг-баранг бадиий образлар ҳаракат қиласди. Улар ҳаётдагидай бетакрор инсон оламини руҳиятини қиёфаларини кўз ўнглимизда жонлантиради.

Образлар устида амалий иш олиб бориш жараёнида ўқувчининг ҳар бир образга нисбатан муносабати, унинг ҳатти-ҳаракатини баҳоловчи маънавий меъёрлари шахсий ҳукм-хулосаси юзага келади. У ўзининг мустақил қарашларини далиллар асосида баён этишга ўрганади. Мураккаб ҳаётий зиддиятларни енгиш, муаммоларни ҳал этиш малакасини ҳам эгаллаб боради.

Образлар устида олиб бориладиган амалий иш ўқувчиларнинг ҳодисаларни дикқат билан кузатиш, таҳлил этиш, ўз баҳосини бера олиш, холис муносабатининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бадиий асарларни ҳаққонийлик, ҳаётийлик ва бадиийлик талаблари асосида мустақил баҳолай оладиган ўқувчидан зарур ҳаётий ва амалий қўнімка ва малакалар ҳам шаклланган бўлади.

Таълим ҳар доим такомил ва янгиланишга муштоқdir. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимнинг янги усуллари устида ишлаш давр талаби.

Адабий таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйин методларидан бири бҳбҳбҳ. Бу методдан ҳикоя устида ишлашда ўқитувчидан педагогик маҳорат ва зийраклик, гуруҳларни оқилона шакллантира билиш талаб қилинади. Бу методда аудиториядаги ўқувчилар олтита-олтитадан гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга муайян номлар берилади. Ҳикоядаги асосий муаммо-мавзу эълон қилинади. Бу ўйин Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Беозор қушнинг қарғиши" ҳикояси юзасидан дарсни мустаҳкамлаш жараёнида кўллаш яхши самара беради.

1. Ҳикоя нега, айнан, "Беозор қушнинг қарғиши" деб номланди?
2. Ҳикоянинг асосий ғоясини нима ташкил этади?
3. Оила тақдирининг бундай якун топишига ким айбдор Нима учун?

4. Фозилбой образи ҳикояга нима учун киритилган?
каби саволларни муаммо-мавзу даражасига қўтариш мумкин.
Шунингдек,

"Оила бошлиги нима учун қалдирғоч инини бузишга мажбур бўлади? тарзида муаммо қўйилиб шу доирада баҳс-мунозара ҳам уюштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу метод орқали ўқувчилар мавзуни яна бир бор тақрорлаб оладилар, бир-бирларига саволлар бериб, шу асосда ҳикоянинг бош ғояси келиб чиқади, мавзу ҳам мустахкамланади.

СИСТЕМАЛИ ЁНДАШУВ ИМКОНЛАРИ **Каҳрамонов К. Ф.Ф.н., доц. (ТДПУ)**

Системали тащлил муайян ижодкорнинг асарига ёки унинг ижодий меросига бир яхлит бутунлик сифатида қарашни ва шу асосда ёндашувни талаб этади.

Истиқлол даври тақиҷидчилигига бу таҳлил методининг хши на-муналари яратилди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддиноа, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Каримов, Д.Куронов каби мунаққидларнинг А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ф.Гулом каби ижодкорлар ҳаёти ва ижодий меросини қамраб олувчи тадқиқотлари фикримизнинг ёрқин исботидир. М.Қўшжонов ва С.Мелиевнинг ҳамкорликда чоп этишган "Абдулла Орипов" номли рисоласи ҳам системали ёндашувнинг яхши намуналаридандир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бадиий асарга ёки ижодкор меросига системали ёндашганда тадқиқотчи битта метод билан чегараланиб қолмайди, балки бир неча методларнинг уйғуналигига иш юритади. Буни биз юқорида тилга олинган рисолада ҳам кузатамиз.

М.Қўшжонов ва С.Мели атоқли шоир ижоди таҳлилига киришишдан олдин унинг таваллуд топган, тарбияланган оиласи мухити ҳақида аниқ тасаввур берилган лавҳани келтиришади. Шундан сўнг А.Ориповнинг адабиёт оламига киришдаги дастлабки босқич-талабалик йилларидағи илк ижодий иэланишларига муносабат билдирилади. Кейинги-“Ўзимники эрур шу созим”, дея шоир сатри билан бошланган сарлавҳали бобда А.Ориповнинг ўзига хос услуби, мавзулар кўлами очиб берилади, “шоир шеърларида мавзу тақори, ҳаёт материалларига анъанавий ёндашиш нуқталари йўқ”лиги далилланади. Ҳаётга ижодкор муносабати, унинг шеъриятидаги ижтимоий-бадиий талқинлар, хусусан, “сатлий типлар”

тасвири кашф этилан ("Озор нидосининг изҳори"), тарихга, улуғ аждодларга эҳтиром изҳорларида ("Мехр билан азиздир инсон") бадиий маҳорати," образли фикр қилиш имкони" намоён этилади.

Адабиётнинг азалий мавзулар-вафо, муҳаббат ва ўлим А.Ориповнинг турли жанрлардаги асарларида қай тарзда ўзининг жозибали ва теран ифодасини топгани, хусусан, шоирнинг лирик ва фалсафий олами, улуғ ижодкорлар руҳидан илхом ва куч олиб яратган поэтик дунёси рисоланинг кейинги бобларида таҳлил ва талқин этилади.

"Тилла балиқча фожиаси" деб номланган бобда муаллифлар адабий жараёнда қизғин баҳслар туғдирган шоирнинг бир шеъри таҳлили ва унга билдирилган турлича муносабатлар ҳамда талқинларга эътибор қаратадики, ушбу таҳлилда биз бадиий асарга системали ёндашувга хос муҳим жиҳатлардан яна бирини -анализ ва синтезнинг яхлитлиқда амалга оширилган намунасини кўрамиз.

Рисолада, шунингдек, А.Ориповнинг таржимон сифатидаги улкан салоҳияти, маҳорати, унинг шеъриятида лирик фожелик талқинлари моҳияти, "Соҳибқирон" драмасининг мазмун-мундарижасига оид кузатувлар миаллифларнинг атоқли шоир ижодига: барча жанрлардаги асарларига, уларнинг мавзулари, бадиий жиҳатлари, маҳорати, санъаткорлиги масалаларига комплекс ёндашганликларини кўрсатади. Муаллифлар улкан ижодкорнинг ижоди таҳлилига "муаллиф-асар", "анъана-асар", "воқелик-асар" йўналишларида ёндашганларки, бу жиҳатдан ҳам " Абдулла Орипов" рисола системали ёндашувнинг яхши намунаси сифатида эътиборни тортади.

ОМОН МУХТОРНИНГ "ФФУ" РОМАНИДА МАҶНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ НОАНҶНАВИЙ ТАСВИРИ

Эшбоева Ф.Ф.н. (ТВПИ)

Адибнинг "Ффу" деб номланган романида биз ўзига хос янгича ноанҷнавий бадиий тасвирни кўрамиз. Асар қаҳрамони Тоштемир табиатан номукаммал шахс, аввалига ношуд ва саводсиз бўлган, кейинчалик эса отасининг сайи ҳаракати билан тадбиркор бўлсада, манманлиги боис ўз атрофидагиларга нисбатан жуда кўп ёвузликлар қиласди. Шунга қарамасдан, у асар сўнгига бағри бутун одам сифатида тасвирланади.

Бир пайтлар эзгулик нималигини билмаган Тоштемир энди камолот ҳақида ўйлай бошлайди. У энди меҳнатнинг қадр - қиммати, муҳаббатнинг бекиёс ҳаётий қудратини ҳис этади ва маънавий жиҳатдан комил инсон бўлиш орзуси билан яшай бошлайди. Шунинг натижасида у ўзлигини англайди, қалбига эзгулик нури тушганилиги боис, ўз гуноҳларидан фориғ бўлиб, руҳан покланиб, боради. Қаҳрамон ўкувчи кўз ўнгига секин-аста юксалиб, маънавий ўсиб

бораведи. Ана шундагина биз ёзувчининг ушбу асар замирига жо бўлган бадий нияти комил инсон образини яратишдан иборат бўлганлигини ҳис этамиз. Адиб асар замирига бир неча бадий чизгиларни сингдириб юбориш орқали бугунги кунда ғишбилармон ва тадбиркор номи билан машхур бўлган шахсларнинг турфа хил бадий образларини яратган.

Адибнинг "Ффу" ривоят-романининг қаҳрамони Тоштемир афсонавий мўъжиза сабабли турли саргузаштларга иштирокчи бўлади. Отаси ақл касод бўлган замонда омадсиз, баҳтсиз ва уқувсиз ўғлига ақл сотиб олиб беради. Шундан кейин унинг бошига бамисоли баҳт қуши қўниб, омад, шуҳрат ёғилиб келаверади, лекин ўғил булардан чалғиб, гангид қолади-да, қаллоблик ва бузуклик йўлига кириб, жиноятга қўл уради. Натижада, унинг ҳаёти хавф остида қолади. Ана шунда отасининг елиб-югуришлари туфайли у яна ўзининг аввалги камтарона яшаш тарзига қайтади. Ёзувчи шу тариқа, яъни ақлни сотиш ва қайтариб олиш услубини баён қилиш орқали янги бир ифода шаклини юзага келтиради. Натижада қадимий шарқона ҳикматлар билан анъанавий бадий тасаввур қўшилиб, эпик талқиннинг ўзига хос янги типи, яъни роман-ривоят шакли юзага келади. Энди ёзувчининг асосий бадий чизгилари нималарда кўрининши масаласига эътиборни қаратайлик:

Биринчидан, адиб талқинича, халқнинг тафаккур тарзида олончилик иллатлари мавжуд бўлиб, у кимгадир эргашиб, кимларнингдир йул-йўриқларига суюниб иш кўришга одатланган. Яъни ўз тақдирни ва ўз ҳаёти учун курашмайди, эртасини ўйламайди, беш кунлик кунининг ўтарини ўйлайди, холос. Ёзувчи бу бадий чизгилар орқали ўз қисматига ўзи танҳо томошабин бўлиб қолган олоннинг ижтимоий фожеасини бадий акс эттирган.

Иккинчидан, асарда инсон деб аталмиш мавжудот фоят мураккаб ҳилқат эканлиги ҳақида сўз юритилган. Уни кашф этиш нечоғлиқ мушкул эканлигини ёзувчи биргина Тоштемир образининг тасвири орқали бадий акс эттиришга ҳаракат қилган.

Учинчидан, адиб фақат инсон руҳиятигагина хос бўлган фоят мураккаб туйғулар ҳақида тўхталган. Мехр - муҳаббат, садоқат, ҳалоллик, ростгуйлик билан бирга нафрат, манманлик, виждан азоби, руҳий танглик уқубатлари, севги изтироблари, хоинлик ва хиёнатнинг уйғуналигини бетакор бадий деталларда далиллашга эришган.

Тўртинчидан, адиб жамиятда рўй берадиган воқеа - ҳодисаларнинг оддий бир шахс ҳаётига кўрсатадиган таъсирини ўкувчи кўз ўнгидаги ишонарли тарзда гавдалантириб бера олган.

Ёзувчи ўз бадий ниятини Уста Тошпулат образи тимсолидаги ҳикоячи - қаҳрамоннинг асардаги воқеалар замирига сингдирилган образи талқини орқали тасвиrlашга эришади. У ўзининг бо-



Йирик Навоийшунос олим Ё.Исҳоқов Навоийни англаш
хақида маъруза қилмоқда



Анжуман ишидан лавҳа



Устоз Ф.Бадриев ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқда



«Адабий таълим ва ёшлар тарбияси» анжуманидан лавҳа



М.Йўлдошевнинг маъruzаси иштирокчилар эътиборида



Анжуманда фаол иштирок этган талабалар



Профессор М.Мирқосимова таълим ва тарбия бирлиги
ҳақида сұзламоқда



Диққат эътибор маъruzага

шидан кечирган воқеаларни хаёл суриш, кечмишни хаёлан таҳлил қилиш усулининг бадиий ифодаси орқали китобхонга етказади, яъни сўзлаб беради. Асарни ўқиш жараёнида биз ақлни сотиб олиш фақат эртакларда учраши мумкинлиги, қолаверса, асарни китобхон эртак ўқигандек ўқишини кузатамиз. Ақлнинг сотилишини зукко кишининг маслаҳати ифодаси десак, қуш руҳий таъсириларниг рамзий тимсолидир. Воқеалар занжирининг ривожи давомида омади юришган кишининг тақдиридаги ўзгаришлар ва унинг манманлашиб кетишига сабаб бўлган омиллар асарда ишонарли тарзда маҳорат билан тасвирлаб берилган. Кейинги йилларда тадбиркор ва ишбилармонларнинг ғоят кўпайиши билан бирга бойлик ва обрў орттириш мақсадида ҳар қандай тубанликка қўл уришдан қайтмайдиган кимслар ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб қолаётганлиги адид қалбини ўртайди. Адигнинг ундейларга нисбатан нафрматини Тоштемир образига бўлган муносабатида, яъни бадиий тасвирдаги "шафқат-сизлигига" ҳам кўриш мумкин.

Адид асарнинг охирида Тоштемирнинг руҳан азобланиши ва айни пайтда покланишини тасвирлаш орқали мураккаб кечинмалар соҳиби бўлган инсон ҳаётининг серқирра моҳиятини ўзича таҳлил қилишга ҳаракат қиласи. Асар қаҳрамонининг жазоланиши, яъни оғир жисмоний меҳнатга маҳкум этилиши, узоқ қийинчиликлардан кейин покиза муҳаббатга эришиши қаҳрамоннинг покланишига ишора, шунингдек, эртак мотивлари ёзувчининг халқ оғзаки ижодидан таъсирангандигини кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, асарда бугунги кун кишисининг маънавий юксалиши рамзий ва миллий қадриятлар орқали янгича талқинлар билан ифодаланган.

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ МУАММОЛАРИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Исаева Ш., доц. (ТДПУ)

Бугунги шиддатли асримизда инсон маънавияти масалалари энг долзарб мавзуларидан биридир. Албатта, бугунги замондошларимизнинг маънавият масалаларини инсонийликнинг энг муҳим шарти деб қабул қилиш табиий ҳолдир, зеро "...маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улуғлашга чорладиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини ўйғотадиган бекиёс куч унинг барча қарашларининг мезонидир". (И.Каримов Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.Маънавият, 2008 йил 19-бет). Дарҳақиқат адабиёт - инсон руҳияти чашмаларидан бири сифатида биз унга ҳамиша мурожаат сезамиз. Бугунги кунда ижодкорларимиздан талаб этилаётган масала "инсон бағрида яширинган оламларни", унинг руҳиятида кечаётган ҳолатларни

ҳаққоний, кенг кўламда тасвирилашдан иборатдир. Ёзувчи инсон руҳиятининг турли товланишларини акс эттирмас экан, унинг асари ҳеч қачон савияли асарлар қоторидан жой ололмайди.

Сайд Аҳмаднинг ўзбек адабиёти XX асрода тутган ўрни ўзига ҳосдир. Ёзучининг асарлари адабиётшунос олимларимиз томнидан чукур ва теран таҳлил қилинган. Таъкидлаш жоизки, Сайд Аҳмад ҳикояларида инсон, унинг табиати - турли образларда намоён бўлади. Ҳар бир образ, персонаж аҳлоқнинг у ёки бу жиҳатларини очишга хизмат қилган. "Сароб", "Офтоб ойим", "Қоракўз мажнун", "От билан сухбат", "Азроил ўтган йўлларда" каби ҳикояларида асосан инсон аҳлоқи, маънавияти асосий марказда туради. Сайд Аҳмад ҳикояларидаги ҳар бир образ - бир олам. "Қоракўз мажнун" ҳикоясидағи Соадат ая ҳарактерининг ўзи инсон маънавияти ҳақида жуда кўп ҳўл фикр юритишига ундейди. Ҳикоянинг бошидан оҳиригача унинг фазилатлари, орзу умидлари, турмуш ташвишлари туфайли тортган изтироблари-ю, гам-ташвишлари тасвириланади. Албатта, ушбу ҳолатлар китобхонни узоқ ўйга толдиради. Ана шу фикрлар ва хуласаларнинг ўзи аҳлоқий, маънавий муаммоларнинг нечоғлик мухим эканлигини исботлайди. Сайд Аҳмад маънан етук инсон билан эътиқодсиз инсон образини яратар экан, бугунги кун учун ушбу мавзуу нақадар мухимлигини таъкидламоқчи, ўз хуласалари или бонг урмоқчи бўлади.

Оналар образида етук маънавий-аҳлоқий фазилатларни гавдалантириш адид ижодига хос хусусиятдир. Ёзувчи ушбу ҳикояси билан китобхонларни ўйлантирадиган яна бир мухим масалани ўртага ташлайди: диёнатли, имонли оиласларда қандай қилиб имонсиз фарзандлар дунёга келади? "Муҳабbat кўзини кўр қилган" ўғил учун ўз эътиқодидан кечиш оддий ҳол. Имони, иродаси мўрт, виждан деган тушунчаларга масъулият билан ёндашиш унинг учун бегона, муштипар онанинг меҳр-муҳаббати ҳам унинг "тош" қалбини юмшата олмади. Ҳикоя давомида Соадат аянинг ўғли Бўрихон табиатидаги маънавий инқирознинг туб сабаблари турли персонажлар, бадиий деталлар воситасида ёритилади. Эътиқодидан юз ўғирган маънавияти қашшоқ бўлган ўғилнинг дарди онаизони адойи тамом қиласди. Лекин муштипар она имони бут ҳолда бу дунёни тарк этади. Жамиятимиздаги маънавий муаммолар ёзувчининг ҳар бир асарида таъсирчан ифодасини топган.

"ЛОЛАЗОР" РОМАНИДА ЯНГИЧА ТАЛҚИН Дониярова Ш., ф.ф.н. (ТВПИ)

Кейинги давр насрода ижтимоий воқелик ва давр кишисининг ўтган умрини тафтиш қилиш мавзууда туркум романлар яратилди. Бу асарлар бадиий шаклга оид изланишларнинг турли кўринишлари тарзида юзага келганилиги ва тасвир услубларидаги янгиланишлари билангина эмас, балки ёзувчининг янгича тафаккур оламида шаклланган қаҳрамонларнинг ўзига хос характерлари очиб берилганлиги ҳамда инсон руҳий оламини реалистик услубда таҳлил қилиш тамойиллари билан ҳам диккатга сазовордир. Гап ижтимоий воқелик ва инсон руҳиятининг қандай услубда ифода этилиши тўғрисида борар экан, бугунги кунда ижодкор бадиий тафаккури нафақат модернистик, балки реалистик услубда ҳам жуда гўзал тарзда намоён этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Романчиликда миллий қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий қисмати 80-йилларнинг охирида Мурод Мұхаммад Дўстнинг "Лолазор" асари орқали янги услубий кўринишларда талқин этилиши билан, шўро давридаёқ маънавий муаммоларни бадиий асарда акс эттиришнинг янгича усулини бошлаб берган эди. Асарда қаҳрамоннинг тафаккур оламидаги янгиланишлар турфа рангларда тасвирланади.

Асар воқеалари мантикий жиҳатдан тугалланган ва фалсафий мушоҳадаларга бой. Унда, асосан, икки персонаж ҳикоячи-қаҳрамон, яъни Назар Яҳшибоев ва Сайдкул томонидан сўзлаб берилади. Бироқ, Назар Яҳшибоев образи талқинида икки хил "мен", яъни ботиний ва зоҳирий қатлам мавжуд. Й.Солижонов тўғри қайд этганидек, "агар бу икки қиёфали шахсларнинг бири ташки қиёфада реал воқеаларда иштирок этаётган дўстлари, шогирдлари, танишибилишлари билан сухбатлари жараёнида намоён бўлса, иккинчisi, яъни унинг ички қиёфаси билан онг оқими тўлқинида, ўз-ўзини таҳлил этиш, қалбини ошкора очиб кўрсатишга уринаётган, ҳақиқат олдида ўзининг ожизлигини англаб етаётган инсон тимсолида намоён бўлади" (Норматов У. Бугунги насримизнинг етакчи тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. -2001. З-сон. - Б. 3.).

Олим тўғри қайд этганидек, Назар Яҳшибоев типидаги "икки қиёфали" образнинг романга олиб кирилиши ҳам миллий қаҳрамон талқинининг янгиланиш маҳсулни ҳисобланади. Асарда кечаги кун мансабдорларининг ўй-хаёллари, орзу ва армонлари, юқори ташкилотлардаги турли-туман найранглар, амалдорнинг яқин кишиси бўлган таниқли ёзувчининг ўтган умр йўлларига назар ташлаши ва хаёлан ўз-ўзини тафтиш этиши қаламга олинади. Адид шўро даврига хизмат қилган "илфор" кишилардан бир нечасининг қалб изтиробларини ишонарли бадиий бўёқларда тасвирлаган. Профессор У.Норматов шу хусусда фикр юритар экан, шундай ёзади; "асар

бутун умри онгли равиша пуч фоялар асосида юртни лолазорга, бўстонга айлантириш орзусида ўтган одамнинг, адашган, алданган кишиларнинг аянчли қисматидан баҳс этади. Роман муаллифи ўз қаҳрамонлари - шўро одамлари, аниқроғи, масъул шахслар таянган ақидалар абсурд, маънисиз, ҳалокатга маҳқум эканини фавқулодда бир маҳорат билан очади; бутун бошли йирик роман саҳифаларида мавж уриб турган ажиб бир поэтик оҳанг киноя, истеҳзо, кесатик-лар орқали ўзининг бадиий ҳукмини ўқыйди" (Ўша ерда).

Дарҳақиқат, "Лолазор" мана шундай қаҳрамоннинг тафаккури-даги ўзини ўзи тафтиш қилишдек янги жиҳатларни ёритиши билан ўзбек романчилигидаги янги тамойилларни бошлаб берган асар ҳисобланади. Романда Назар Яхшибоев образи ҳам иштироки қаҳрамон, ҳам кузатувчи ва воқеаларни таҳлил этувчи адид, ҳам холис фикр билдирувчи китобхон вазифаларини ўз зиммасига олган-лиги билан бир неча қиёфаларда кўрина олди. Унинг синкетик та-биати ҳам шу билан белгиланади. Асарда қаҳрамон ўзининг хаёли, ўй-мушоҳадаси тарзида ўзи бевосита иштирок этган воқеликларни ҳикоя қиласи, ўтган ҳаётига баҳо беради. Шу билан бирга асарда Сайдкул образи ҳам борки, у Назар Яхшибоевнинг ҳаёти, яшаш тарзи, орзу-армонлари ҳақида ҳикоя қилиш орқали бу образнинг тўлақонлилигини таъминлайди. Шу боис, асарда икки ҳикоячи қаҳра-мон, яъни икки муаллиф бордек кўринади. "Мазмун эътибори би-лан бу услубда яратилган асарларнинг ҳам асл моҳияти реализмга бориб тақалади. Улар, асосан, шакл жиҳатдан жўн ва табиий тас-вирлаш услуги билан фарқ қиласи. Бошқача қилиб айтганда, бу услубда яратилган асарлар икки жиҳатдан фарқланиб турадилар. Улардан бири - шартлилик, иккинчиси хаёлот эркинлиги" - деб ёзади академик М.Қўшжонов (Қўшжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. - 2002, 20 сентябрь).

Бизга маълумки, ана шу икки жиҳатдан яратилган асарларда тасвириланган персонажлар бутун асар давомида ўз "мен"ини ахта-ради ва ўзининг ўтган умрига холис назар ташлай олади.

Шундай қилиб, кейинги даврда яратилган романларда ижодкор инсон характеристерининг ҳар хил давр ва ҳар хил шароитлардаги тобла-нишлари ва бу товланишлари ўша шароитга қандай акс таъсир кўрсатганлигини тийран кўз билан кузатишга ҳаракат қилганлиги кўзга ташланади. Қолаверса, бугунги кун насрода бу инсоннинг му-каммал қиёфасининг янги кўринишлари бўлиб эътиборга тушди.

БАДИЙ СЎЗ ТАРОВАТИ

Матёқубова Т., Ф.Ф.Н. (ТДПУ)

Адабиёт тарихида кўплаб етук ижодкорлар руҳий кечинма ва туй-ғуни таъсирчан ёритишда сўз санъати ва у билан боғлиқ бўлган

тушунчалардан бадиий образ сифатида фойдаланганини кўриш мумкин. Бунда шеър, қалам, қаламдон, сиёҳ, сиёҳдон, қофоз, давот ва бошқа образлар турли-туман бадиий мақсадларда кенг кўлланилган. Бундай образлар Fafur Fулом шеърларида ҳам кўп учрайди. Унинг "Янги ишқ" шеърида "шеър" ва "шоир" тушунчалари поэтик кашфиёт даражасига кўтарилади. Мазкур поэтик образлар воситасида шоир шеърдаги ҳар бир ҳижо шоирнинг юрак қони билан яратилиши, ташбех, қофиялар шеърнинг муҳим унсури эканлигини бадиий жилолантиради. Шеърнинг ўзига хос томони шундаки, шоир унда ўз кўз қорачиғи, ўтли ёшлиги бутун мазмуни билан шеърига кўчишини, ҳар бир шеър дард билан ёзилишини истайди. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Баъзан этак тутқизмас - шеър севимли ёр...

Хунаримга бўламан шунда кўнгилсиз.

Аразлашиб қоламан, бироқ бу қилиқ -

Ошиқнинг истиғноси каби мантиқсиз.

(F. Fулом. Муқаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. - Т.: "Фан", 1984. - Б.133.)

Биз мазкур сатрларда туйғу-кечинмалар ўзининг юксак чўққисига кўтарилганини кўрамиз. Зотан, унда лирик қаҳрамон ошиқ, шеър эса маъшуқа сифатида тасвир этилиб, бу шеърни гўё жонли бир инсон сингари гавдалантиришга ёрдам беради. Шоир оний лаҳзаларда шеър билан аразлашиб, ўз ҳунарига кўнгилсиз бўлиб қолади. Бироқ бу - вақтингчалик ҳолат. Шу боис ҳам ҳолатлар тезда ал-машиниб, бир зумда ўз қилиғи эриш туюла бошлайди. Чунки худди ошиқ-маъшуқлар бир-бирининг кўнгил мулкига йўл топишгани сингари, шоир ва шеър ўртасида ҳам ечимсиз зиддият бўлиши мумкин эмас.

"Менинг бир сатрим" шеърида шоир фарзандига бутун борлигини бағишлишга тайёр ота сифатида намоён бўлади. Шоир болалар шўхлигини капалакка қиёс қиласи, уларни "чаманим зийнати лолаларим" деб эркалайди. Шеър: "Ҳар болам уфурган нафасин атри Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри", - дея якунланади. Шеърдаги асосий маъно шеър ва сатр образига юклатилган бўлиб, мазкур образлар нафақат бадиияти, балки рамзий маъноси жиҳатидан ҳам эътиборлидир. "Нафас" тириклиқ, яшаш, ҳаёт рамзи, бола нафасининг атри яшаётган ҳаётнинг муатттар ва хушбўйлиги, бола - беғуборлик, покизалик рамзи бўлиб, уларга алоҳида ургу берилиши бежиз эмас. Унда лирик қаҳрамон ҳар бир боласининг нафаси атридан ҳис қилган беғуборлик, муатттарлик ва покизаликни сатрларга кўчиради.

Fafur Fулом "Сарҳисоб" (1940) шеърида "Миллиард сатрларга занжирбанд сўзлар, ўзингиз шоирга юпанч берингиз, Ва шоирлигига ишонч берингиз", - деб ёзади. Банддаги "занжирбанд

сўзлар" ҳамда "шоир" образлари лирик қаҳрамон қалб кечинмалари, изтироб ва дардларини чуқурроқ ифодалайди. Бу орқали Fafur Ғулом ўз кўнглида кечайтган андишаларга тайинли жавоб топиш билан бирга шоир ва шоирлик бурчи масаласига ҳам эстетик муносабат билдиради. Унингча, агар қалам ахли ўзига ва ижодига нисбатан талабчан бўлса, ёзганларини ички "мен" и олдида сарҳисоб қилиб турсагина, ҳақиқий ва том маънодаги бадиият намуналарини яратиши мумкин. Бунда шеър образининг поэтик дунёси фоятда чукур бўлиб, шоир эътироф этишича, ҳақиқий шеър тонглар жилосидай уфқа зийнат бериши, ундан жилғалар ранг олиши лозим.

Fafur Ғулом шеъриятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва бу масалани алоҳида тадқиқ этиш шоир ижодининг ўзига хос қирраларини аниқлашга ёрдам бериши шубҳасизdir.

Умуман, шоир бадиий ижоднинг абадиятга дахлдорлигини, сўзнинг улуғворлик қудратини теран англаган. Сўз санъати ва у билан боғлиқ поэтик образлар шоирга ижод жараёни, илҳом онлари билан боғлиқ туйғу-кечинмаларни нафис поэтик акс эттириш имконини берган. Айни пайтда бу Fafur Ғулом ижодий лабараториясига назар ташлашга, ҳаракатдаги ижодий лаҳзаларни кузатишга йўл очади.

БАРЧАДИН ШАРАФЛИСИ КОМИЛ ИНСОН **Ашурова Г., ф.ф.н. (ТДПУ)**

Ўзбек ҳалқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий ижодини ўқиб ўрганиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Ҳаётдаги муаммолар, қийинчиликлар, айниқса ёшлар онгидаги "маънавий бўшлиқ"ни тўлдириш учун Навоий ижоди ва у қолдирган адабий меърос бебаҳо хазинадир.

Навоий ижодига қизиқиш, унинг асарларини тадқиқ ва таҳлил қилиш мутафаккир шоир замонидан то ҳозирга қадар давом этиб келаяпти. Навоий ижоди улкан бир уммонки, ҳар бир авлод ундан ўзига тегишли дуру жавоҳирларни териб олаверади. Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек ҳалқи тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этишдир. Шу ўринда президентимиз Ислом Каримовнинг "Агар бу зотни авлиё десак, у- авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак- шоирларнинг сultonидир", - деган эътирофларини эслаш жоиздир. 2010 йил Ўзбекистонда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун ёш авлод таълим - тарбиясида факат Навоий асарларидан эмас, умуман, мумтоз адабиётимиз сарчашмаларидан бебаҳра қолаётганилиги жуда ташвишланарли ҳолдир. Навоийнинг ижод намуналарини ўрганишга қизиқиш ва ул зотнинг комил шахсиятини севиш ва идрок этишга

қаратилган ҳар бир сайын - ҳаракат баркамоллик иморати учун қўйилган пойдевор ҳисобланади.

Шарқ мумтоз шеърияти инсонни маънавий - руҳий балоғатга интилиб яшашга, ўз хулқи ва ахлоқий имкониятларидан қониқмасдан ҳамиша камолот сари интилишга рағбат берадиган шеъриятдир. У инсон тақдири, шахс ахлоқи ва Ватан қисматига бефарқ бўлмасликни ўргатади. Навоий бир шеърида:

Ноқис улдирким ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсин исбот айлагай...
Ким ўзин комил кўрар- ноқисдир ул,
Нуқс бермайдур камол сори йўл.

деб ёзган . Шоир комил ҳисоблаган инсонга "ноқис", нуқсонларини ўзи сезиб, исбот айлаганларни "комил ул" деб баҳолайди.

Одамлар билан яқин ва самимий муомала - муносабатда бўлиш яхши фазилат, аммо элига сингиша олмаган кимсалардан эл ҳам қочади. Бундайларни Навоий ёмонларнинг ёмони деб ҳисоблади:

Эл қочса бирордин эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они
Оlam элининг ямони ямони бил они.

"Оlam элининг ямон - ямон"лари нодон, ёвуз ва қалблари эзгуликдан маҳрум кимсалардир. Албатта, бундай кимсалардан эл ҳазар қилади, қочади. Аммо, ўзини англаған оқилларнинг барчаси нодондан қочаверса, уларга қарши ким курашиши мумкин? Бу - Адабиёт. Адабиёт сўз ва фикрни осмондан олмайди, у халқнинг илгор ижодкорлари ижодига таянади, улар илгари сурған foяларни ҳаёт ойнасида акс эттиради. Ҳар бир халқнинг адабиёти унинг миллий руҳи, тафаккур тарзи, устозлар тажрибаси, маънавий ва ахлоқий, диний-илоҳий тушунча ва қадриятларига таянади. Алишер Навоий шеърларида тавба, қаноат, тамаъ, саховат, ҳиммат, ҳасад, зулм, руҳ ва нафс каби эзгу ва ёвуз хислатлар ҳақида кенг мушоҳада юритилган. Шулардан бири нафсдир. Нафс - инсон ичидағи ғаним. Нафс жисмоний борлиқ ичиди, яъни вужудда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатувчи бир қувватдирки, у барча ёмон хулқлар ва чиркин ҳаракатларнинг манбаидир". (И. Ҳаққулов. Ифон ва идрок. Т:, 19998. 106 - бет.).

Ана шунинг учун мумтоз адабиётимизда айниқса, унинг Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Машраб, Сўфи Оллаёр сингари буюк вакиллари Руҳни улуғлаб Нафс бандасига айланишни ёмонлик ва тубанлик тимсоли сифатида талқин қилганлар.

Аҳмад Яссавий:
Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса - турса шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй баджирдикор,
дейди ва бир қанча ҳикматларида нафсга таслим бўлган киши-
нинг хор - зорликлари, гумроҳлик ва "шайтон била ҳамроҳ" ликда-
ги қилмишларини кўрсатиб беради. Атоқли шоиримиз Абдулла
Ориповнинг "Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорла" сатри
билан бошланадиган шеъри бор. Ундаги бир мисра қуидагича
ифодаланади:

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз бу кун,
Яссавий хок пойидан айлаб олинг тумморморлар.

Яссавий ва унинг ижоди қораланиб турган бир пайтда (собиқ
шўро тузуми назарда тутилмоқда. Г.А.) бу улуғ зотни шарафлаб,
нафсга тобе бўлиш ва дунёпастликка қарши туришини ибрат
қилиб кўрсатиш шоир шижаатидан далолатдир. Шоир "Нафс ила"
"дунёга дил" беришни фосиқлик деб баҳолар экан, нафс, айниқса,
нафси аммора ҳақида мазкур байт орқали нафсоний ҳаётга нисба-
тан ўз муносабатини аниқ акс эттирган.

Навоий бобомиз шеъриятида нафс ва нафсоний ҳислар ўзига
хос изчилликда танқид қилинади. Комиллик йўлидаги инсон шахс
сифатида ўз бутунлигини тан олиши қуидаги шеърида таъсирчан
мантиқда ифодаланган:

Нафс амрида ҳар нечаки талпингай сен,
Кўп гарчи бутунлик тиласонг сингайсен,
Ком истаю неча элга ёлингайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

"Нафсга хилоф" айламаклик, комиллик сари қўйилган қадамди-
р. Инсон ҳамма нарсани унутиши, аммо, бу дунёга нега келгани - ю,
нима қилолганига сарҳисоб бера олиши мухимдир. Алишер Наво-
ий инсонни коинотнинг гултожи - яни тўрт унсур, етти кўк ва олти
жихотдан ҳам улуғ деб баҳолайди:

Тўрт унсур, етти кўк, олти жихот-
Нодиру олий асоси коинот.
Барчасидин ашрафки ул инсон эрур,
Ким камолида хирад ҳайрон эрур.

Демак, "барчадин шарафлиси - бу инсон". Бироқ ҳар қандай
инсон эмас, Комил инсон! Фақатгина шундай инсон ўз қадрини сот-
майди, дунё "ишва"ларига учмайди. Шундай инсонгина инсонлик
шарафига лойиқдир.

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ

Ражабов Д., доц.,
Файбуллаева, магистрант (БухДУ)

Тимсол дастлабки босқичда бадиий образ замини вазифасини-

гина ўтайди, холос. Айрим ҳолларда бадий тимсоллигича қолиши ҳам мүмкін. Тұғри, бадий тимсол бадий деталга нисбатан кенгроқ маңында ташиса-да, у ҳамма вакт ҳам образ ҳолатини ягона умумий маҳражда жамлай олмайди.

Шундай бўлмаса агар,
Нега керак бу келбат, бу овоз!
Шунчаки дараҳтдай ўсмоқми,
Шунчаки дарёдай оқмоқми дарбадар! (Р.Парфи)

Рауф Парфининг "Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир" шеъридан келтирилган бу парчада "Дараҳт" ва "Дарё" факат поэтик тимсол вазифасида келиб, рамзий маңони ифодалаёт. Чунки ҳар иккала тимсолда ҳам кучли бадий маңында юкландын эмас. "Дараҳт" ва "Дарё" бадий образ ёхуд айтилаётган салмоқли фикр учун восита бўлиб келган, холос. Улар лирик қаҳрамон ижтимоий-сиёсий қарашларининг айрим бир қирраларини очиш учунгина хизмат қилган. "Поэтик образ, - деб ёзган эди профессор Б.Саримсоқов, - воқеликдаги нарса, ҳодиса, шахс кабиларнинг оддийгина нусхаси эмас. У нарса, ҳодиса, шахснинг ижодкор түйғуси, хаёли, гоявий нияти билан қайта идрок этилган, бойитилган нусхасидир. Мана шунинг учун ҳам бадий образ, одатда, кўп вазифали ва бадий асарнинг барча қирраларини ўзида мужассамлаш қурратига эга бўлади". Бунда бадий образ, бадий тимсол ва деталнинг табиий хусусиятига эътибор билан қараш сезилади. Бадий деталь ва тимсол ўсуҷчанлик хусусиятига эга бўлса, бадий образ кенг маңнодорликда яққол кўринади. Шу нуқтаи назардан бадий деталь, тимсол ва образ ҳодисаларининг муштарак ва фарқли хусусиятларини қуидагича тушуниш мүмкін. Ҳар қандай бадий тимсол, авало, ҳалқ эътиқодини акс эттирган ҳодиса сифатида хилма-хил маңно англашиб даражасида намоён бўлади.

Қайдадир мен сени кўргандим, дараҳт,
Исиб кетди кўзим, омонмисан, ҳей.
Суюб эркалади қўлларимни у.

Рауф Парфининг мазкур учлигидаги Дараҳт бадий тимсолликдан бадий образ даражасига ета олган. Чунки, биринчидан, чуқур фалсафий маңында ташиб келаёт; иккинчидан, унга худди жонли мавжудотга бўлгани каби мурожаат қилиняпти; учинчидан, ижтимоий воқеликда мавхумлик сезилмайди; тўртинчидан, воқеа-ҳодисага конкрет муносабат билдирилмоқда; бешинчидан, Дараҳт ўзида тўплаган маңында бадий деталь бўлса, биргина маңында билан чегараланиши ва лирик қаҳрамон ҳамда лирик кечинмалар шунчаки табиий эҳтиёж учун ишлатилиши мүмкін эди. Борди-ю тимсол бўлганида эса, факат рамзий қирраларининг қай бир ялт этган нуқтасини акс эттириш билан чекланиши ё бўлмаса, предметни акслантириши, суратлантириши, нақшлаши мүмкін эди. Ҳолбуки, шеърда

Дараҳт тұла-тұқис ҳам деталлик, ҳам тимсоллик даражаларини үзида мукаммал жамлай олған. Шу билан уни бадий образлилікка даявогар деган хulosага келиш, шу аснода Дараҳтни бадий образ дейиш мүмкін.

Тұғри, "Ўзбек тилининг изохли луғати "да "тимсол" арабча сүздан олинган бўлиб, тушунтириш учун асос, исбот, ибрат бўла оладиган кимса, нарса, ўрнак, белги, рамз ва кўз ўнгидан хаёлда, тасаввурда гавдаланган образ, сиймо, кўриниш, сурат каби маъноларни англатади" дейилса, "Фарҳанги забони тохик"да сурат нақш, расм" сингари маънолари борлиги қайд этилади. Аён бўлмоқдаки "тасаввурда гавдаланган образ" бўлишининг ўзигина ҳали бадий образ бўлиш учун етарли эмас. Юқоридаги изохлардан тұла-тұқис англшилаётирки, бадий тимсол ҳам ҳали бадий образ деган тушунчани аниқ ва равшан даражасига ўсиб чиқиши учун маълум босқичлар бўсиб ўтилмоғи шарт. "Поэтик тасвир таъсиридаги ўзига хослик ёки поэтик тасвирнинг, поэтик деталларнинг кечинмалар тадрижи билан уйғунлиги кўплаб нарсаларни, ҳолатларни, ҳодисаларни бир-бирига қиёслаш, улардан бир-бирига ҳамоҳанг қирраларни топиш, деталларни "бадий борлиққа айлантириш натижасида яратилади". А.Шароповнинг фикрича: "Символ сифатида олинаётган предметдаги ҳамма хусусиятларни изохлаш шарт эмас". Чунки маълум бир бадий тимсол ва образнинг асрлар оша жилоланиб, маъно даражалари ўзгариб келгандыгини аниклашнинг ўзи бадий деталликдан бадий образлиліккача бўлган умумий тадрижийликни ўрганишга, тушунишга хизмат этади. В.Жирмунскийнинг фикрича: "Мажозий образ ички бадий қонуният асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам рамзийликнинг ҳамма деталларини рационал-мantiкий шартлашшага уриниш ва жилга нимани англатади, символлик учлиқдаги қўнғироқлар нимани англатади, деб сўрайвериши ўринсизdir. Биз фақат яхлит шеърнинг асосий символлик моҳиятини мажоз сифатида очамиз, холос" (А.Шаропов). Бунинг бадий образга нима дахли бор, деган савол туғилиши табиий. Рост, бадий деталь-бадий тимсол - бадий образ деб келинаётган учлик бири иккинчисининг маъно кўламдорлигини оширади. Оддий бадий деталь маълум бир нарсани, жинс, предмет ҳақидаги маълумотни берса, бадий тимсол ўз-ўзидан рамзий ёки мажозий образ ҳолатига кўтарилишнинг навбатдаги босқичидир. "Традицион ёрдамчи воситалар (тимсоллар) билан традицион бадий образлар (умумлашмалар) якка мазмундаги бадий воситалар эмас". (Т.Расулов). Улар шу ўринда бадий тимсол ва бадий образ учун дастлабки назарий асос бўлгувчилардир. Чунки тимсол ва анъанавий образ дейилганда ҳали улар ташиб келаётган рамзий маънога ишора эмас, балки уларнинг асрлар оша билдириб келаётган маъно ва бадий ғоясига эътибор қаратилган. Поэтик образ ва символик (тимсолий,

рамзий) образ истилоҳлари ишлатилганда ҳар қандай бадиий образга хос кенг қўламдорлик, сербўёқлилик, кўп оҳанглилик сезилиши равshan тортади.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИ ФИКР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Бойсинов С., Хидиров О. (ЖДПИ)

Маълумки, умумтаълим мактабларида фанларнинг кўпчилиги бевосита боланинг тафаккурини ривожлантириш, унинг билимини ошириш мақсадига йўналтирилган. Маълум қисми эса болага касбхунар ўргатиш йўлида хизмат қиласди. Бу фанлар орасида фақат адабиётгина боланинг кўнгли, унинг руҳияти ва маънавиятини шакллантиришга қаратилган. Илфор фикрли одамларга хос сифатлар бевосита руҳият билан боғлиқ бўлгани учун ҳам маънавият тарбияси мамлакат миқёсида муаммога айланган. Соғлом маънавиятни тарбиялаш, кўпроқ, мактаб адабий таълими зиммасига тушади, чунки адабиётнинг асосий материали - инсон. Адабиёт дарсларида одам шахси, тўйғулари, кечинмалари, ҳаяжонлари, изтироблари, хусусиятлари ўрганилади ва таҳлил қилинади. Адабий таълимда ўқувчининг бутун эътибори инсонни ўрганишга қаратилади.

Адабий таълимнинг бугунги методикасида мактабда ўрганиладиган адабиёт фан эмас, санъат, ижод ҳисобланади. Адабиётни чинакам ўзлаштириш бадиий сўз гўзаллигини ҳис қилиш ва ундан завқланишсиз асло мумкин эмас. Санъатнинг ҳар қандай туридан завқ олиш учун бадиий билимдонлик зарур, албатта.

Адабий таълимнинг инсон шахси ва маънавий камолоти йўлидаги самарадорлигини таъминлаш учун ўқувчилар фаоллигини, уларнинг индивидуал ривожланиш даражаси ва ёш хусусиятларини ҳам инобатта олиш зарур. Дарсда ўқувчилар билан ишлашда уларнинг шахси, қобилияти, имконияти, қизиқишлари, ақлий ва руҳий фаоллик даражасини пухта билиш керак.

Мактабда адабиёт ўқитишининг вазифаларидан бири асар устида ишлаш мобайнида, уни ўзлаштириш ва ҳис этишда ўқувчида билим ҳамда эҳтирос бирлигини таъминлашдан иборат. Асар устида ишлаш жараёнида ўқувчи қаҳрамоннинг ички дунёси, шахси ва характеристики унинг хатти-ҳаракатлари, фикрлари, нутқи, юз-қўзида намоён бўлишини ўрганади. Шундай белгиларга қараб одамни баҳолашга одатланади. Энг муҳими, асар қаҳрамони ўқувчилар томонидан ҳамиша тирик инсон сифатида ҳис қилиниши керак. Бутун фожиа шундаки, ўқувчилар, баъзан ўқитувчилар ҳам асар устида ишлаш давомида адабий қаҳрамоннинг тирик одамлигини унтиб кўядилар. Асар қаҳрамонларини ижобий ёки салбий образлар шаклида ўрганадилар. Асар таҳлили ўқувчининг адабий қаҳрамонни кўп қиррали, жонли инсон

сифатида қабул қилишига күмаклашиши керак. Таникли методист олимимиз, адабиётшунос Б.Тұхлиев таъкидлаганларидек, "Бизнинг мактабларимизда бадий адабиёт яхши инсоний фазилатларни тарғиб қилишга, урушни, зўравонликни қоралаб, тинчликни, халқларнинг осойишта ҳәёти ва ўзаро дўстлигини улуғлайдиган, хунуқликдан нафрлатланиб, гўзалликни тарғиб этадиган, ўсиб келаётган авлодга юксак маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига имкон берадиган хислатлари билан эътиборлидир."

Адабиёт дарсларида болалар билан асар ҳақида сұхбатлашиши билиш, уларнинг жавобларидан саволлар топа олиш ва бу саволлар ёрдамида ўқувчини асар моҳиятига олиб кириш, ундаги ҳаёт ҳақиқати ҳақида онгли равишда, тўла ишонч билан маълум хulosаларга келишига күмаклашиш жуда муҳим. Ўқитувчи болаларда содир бўлаётган ақлий тараққиётни кузатиб бориши, баҳолаши ва рағбатлантириб туриши лозим бўлади. Ўқитувчи ўрганилаётган бадий асар юзасидан ўқувчиларнинг ўзларига хulosса чиқариш имконини берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кун мактабининг олдида ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги мустақил ва ижодий фаоллигини ошириш, уларни билимларни мустақил эгаллашга, ўз илмий дунёқарашини кенгайтиришга тайёрлаш масаласи турибди. Мактаб адабий таълими жараёнини ўқувчининг билимларни онгли равишда ўзлаштиришини, ўрганилаётган масала моҳиятига кириб боришини ташкил этиш лозим.

Маълумки, мактабда бир нарсани эшитиб, ҳаётда бошқа нарсани кўрган ўқувчида тарбиячига, мактабда сингдирилган ҳақиқатларга ишонч йўқолади. Тарбиядаги энг тўғри йўл ҳаётий ҳақиқатлар асосида, унга ҳамоҳанг тарзда тарбиялашдир. Адабиёт ҳаётий ҳақиқатларни борлигича акс эттириши ва унга ўқувчини ишонтириши билан тарбияда асосий воситалардан бўлиб қолаверади.

Ўқувчининг мустақил Фикрлашга ва билим олишга бўлган интилишини тормозлайдиган нарсалардан бири дарс жараёнидаги бир хиллиkdir. "Доим бир хил нарсага қарайвериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Таълим ҳар хил усуулларда уюштирилганда ўқувчи турли гуллар очилган боғда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай бошқаси бошланади ва бола: "ҳар бир янги нарсада лаззат бор" дейилганидек, уларга қизиқади, кўришни истайди," - деган экан Абу Райҳон Беруний. Бир хил ҳаракатлар, туйгулар, Фикрлар инсон онгининг фаолиятини бўм-бўш қилиб кўяди. Бу бўшлиқни тўлдириш учун ўқувчиларнинг тайёр ҳолда олинган билимларни эслаб қолишларига бўлган ўқитувчи эътиборини, унинг рухиятида қотиб қолган муносабатни ўзгартириш лозим. Ушбу ўринда олимнинг қўйидаги Фикрини келтириш жоиздир: "Ўқитувчининг, адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси ўқувчига ёзувчи кўзда тутган бадий олам эшикларини очиб кўрсатишдан иборат. Бадий олам дейилган қутлуғ

қасрнинг муборак ва муқаддас остонасига олиб келинган ўқувчи бу қасрнинг чексиз осмонидаги рангин юлдузларидан ҳайрат туйғуларини юқтириши, улардан олам ва одам сирларини ўрганишнинг сехрли калитларини топиши даркор" (Б.Тұхлиев).

МАТН ТУЗИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

Исанова М., катта ўқитувчи (НВПККТМОИ)

"Адабиётми, театрми - ўргатмаслиги керак, - деб ёзган эди режиссёр Эжен Ионеско, -тарбиялаш зарур, ҳаёт жумбоқлари юзасидан тайёр жавоблар эмас саволар бермоғи лозим. Яна ҳам түгрироғи, мустақил фаолият, мустақил фикрлаш учун ақлни чархлаш керак. Менда ҳеч қачон тайёр жавоблар бўлган эмас. Театр ёки асар фикр ўйғотиши, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбуралиши, безовта қилиши, у ёки бу вазият рецепт инъом қилишдан сакланиш зарур". Шу маънода И. Каримовнинг, "Юксак маънавият-енгилмас куч" асари шахсадаги юксак маънавият сифатларни шакллантиришда катта ўрин тутади. Ўқувчини мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатишда матннинг ўзи билан танишиши етарли эмас, -таҳлил ҳам зарур. Бизнингчи, адабий таҳлилни матн устида ишлашдан ажратиш мумкин эмас. Таҳлил матн асосида ўюштирилсагина кўзлаган натижага эришилади. 5-9 синф ўқувчилари билан адабиёт дарсида матн устида ишлашда И. Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асаридан олинган матнлар ўқувчиларни ижодий, мустақил фикрлашга ундейди. Биз улардан битта намуна келтирамиз:

Авесто

"Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, аҳлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода эта-диган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундай қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси худуди яратилган, "Авесто" деб аталган бебаҳо маънавият обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-канча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганинг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимда буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир карра амин бўламиз.

Мисол учун, "Авесто"нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" деган тамойилни оладиган

бўлсан, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор foяси сифатида талқин этишнинг бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нафақат узвий боғлиқ, нечоғлик мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир.

"Авесто"да борлиқни яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғуналиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади.

Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атрофмуҳит қадим замонлардан бўён қандай кучли таъсир ўтказилиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қиласди". (224 та сўз)

"Авесто" матни ўқиб ўрганилгач, ижодий баён ёзишга тайёрланнилади. Ўқувчилар кўшимча манба, маълумотларни топадилар, мустақил мутолаа қиласди. "Авесто" матнига режа тузадилар ва тайёрланган кўшимча манбалар асосида мустақил матни давом эттириб ижодийбаён ёзадилар.

Ўқувчи матндағи ҳаёт ҳақиқатини ўзи кашф қилиши, ўзлаштириши лозим бўлган билимларни меҳнати билан эгаллаши, ўқитувчи эса уларнинг бу ишларини, фаолиятини, жараёнини, катта ёшли ҳамкор сифатида бошқариш туриши керак.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА

АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

**Фойибназарова Н., катта ўқитувчи
(Наманган ВПКҚТМОИ)**

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай муҳим вазифани амалга ошириш учун Ватанига, халқига, миллий маънавиятига садоқатли, мустақил фикрлайдиган эркин, ижодкор шахсни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб турибди.

Ҳозирги даврдаги туб ислоҳотлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдида маъсулиятни ҳис этишни талаб қиласди. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш, маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни изчил олиб боришни тақозо этади

Маълумки, маънавият-ўзликни англашдан бошланади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавиятга энг муҳим масала сифатида катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлат раҳбаримизнинг аксарият асарларида мазкур масалага асосий эътибор қаратилиб, унинг асосини таш-

кил этадиган она тили ва адабиётимиз маънавиятимизни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этиши кўп бора таъкидланади.

Бундан кўринадики, тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим тажрибаларни тўплаш, сақлаш, шунингдек, кейинги авлодларга етказиш, миллий-рухий муносабатларни акс эттириш каби вазифаларни бажаради. Тил ва унинг муҳим аҳамияти ҳақида маълумотларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Мавзуумиздан келиб чиқсан ҳолда миллат ва маънавиятнинг кўзгуси бўлган адабиёт хусусида ҳам тўхталиб ўтсам:

Биз биламизки, "адабиёт" сўзининг ўзаги "адаб"дир. Бу деган сўз адабиёт қадим-қадимдан она юртимизда таълим-тарбиянинг энг асосий воситаси бўлиб келган. Маълумки, ҳар бир халқнинг савияси унинг санъати, тарихи, ўз она тили ва адабиётига қараб белгиланади. Зоро, адабиёт ўзида халқ тарихи, маданияти, тилини, келажагини мужассамлаштиради. Она тилини илмий жиҳатдан ўқитишдаги натижалар бадиий адабиёт мутолааси билан мустаҳкамланади. Шундай экан, адабиёт ўқитишдан бош мақсад ҳам ўкувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, хурфиклилик, меҳнат-севарлик руҳида тарбиялаш, уларда соғлом эътиқодни, миллий ва умуминсоний қадриятлар ва одоб-ахлоққа хос фазилатларни шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Президентимиз "Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласини Ёзувчилар уюшмаси ҳақидаги фикрлар билан бошлаб, адиларимизнинг масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз ўнгимиздан ўтишини эслатиб, "Биз шоир деганда, аввало, Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъодди, айни пайтда бутун ҳаётини бағишлигар буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз. Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуф бир даргоҳ деб билади..." дея таъкидлайди ("Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор", 6-7-бетлар).

Шу ўринда севимли адабимиз Абдулла Қодирий ҳақида Евгений Бертельснинг "Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди, энди олтинчиси, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди"; Мухтор Аvezov: "Қодирий романлари гўё текис саҳрова тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди", - деган гаплари фикримизнинг яққол далилидир(У.Норматов, "Ўткан кунлар ҳайрати", 50-бет).

Миллий маънавиятимиз, меросимиз ҳақидаги бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу эса фақатгина адиларимизга эмас, балки таълим-тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантириш учун биз нима иш қилишимиз керак, деган саволга жавоб топишимизни тақозо этади. Шу

ўринда яна миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган адабиётимизга мурожаат этмоқчиман.

Миллий қадриятларимиз, маънавий мерос деганда талай маъноларни англаш мумкин ва шулардан бири, энг муҳими, шубҳасиз, ўзбек адабиёти бўлиб чиқади. Зеро, ҳар бир ҳалқ адабиёти дастлаб ўз миллий тарихи, анъаналари, маданяти ва миллий маънавиятини ифодалаш билан қимматлидир. Ҳалқимизнинг буюк фарзандлари томонидан бизга қолдирилган мероснинг аҳамияти ҳануз биз томонимиздан етарли ўрганилганича йўқ. Академик Иzzат Султон Аҳмад Алиевнинг "Маънавият, қадрият ва бадиият" асарига ёзган сўзбосинсида "Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби буюк шахслар томонидан қолдирилган меросни тиббиёт илмида "кислород ёстиқчаси" деб аталмиш жуда муҳим шифобахш асбобга ўхшатиш мумкин. Маълумки, бу "ёстиқча" ҳар гал беморнинг ҳоли оғирлашиб қолганда қўлланилади ва беморни ҳаётга қайтаради. Шартли равишда айтиш мумкинки, ҳалқимизнинг маърифатли, истеъододли ва сергайрат фарзандлари томонидан бизга қолдирилган мерос - ҳалқимиз учун ана шундай "кислород ёстиқчасидир", у бизга маънавий мадад керак бўлиб қоладиган ҳар соатда асқотади" дея таърифлайди (А.Алиев, "Маънавият, қадрият ва бадиият, 3-бет).

Адабиёт - маънавият сарчашмаси. У ёш авлодни тарбиялашда, улар онгига миллий қадриятларимизни сингдиришда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда миллий маънавий маданий меросимиз бўлган ижобий ўзгаришлар, шунингдек, меросимиз намуналарининг дарсликлардан ўрин олгани кишини қувонтиради. Масалан, 5-синфда ҳалқ оғзаки ижодидан намуналар (мақоллар, топишмоқлар), "Тўмарис", "Широқ" афсоналари; "Уч оғанини ботирлар", "Сусамбил" эртаклари; 6-синфда ҳалқ қўшиклари; 7-синфда "Равшан"; 8-синфда "Кунтуғмиш"; 9-синфда "Алпомиш" достонларининг берилиши фикримизнинг далилидир.

Ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган хурматини оширишда, миллий ҳамда қардош ҳалқлар бадиий меросидан фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради, мустақил фикрлаш ва холоса чиқаришга ўргатади.

Маълумки, бугунги кунда мактабларда, оилаларда болаларни адабиётга ошно этиш анча суст ахволга тушиб қолган. Зиммамизда онгли кишиларни вояга етказиш, баркамол ёшларни тарбиялашдек улкан вазифа турган экан, биз бадиий адабиётга ҳамда унга меҳр-муҳаббат уйғотишга эътибор беришимиз керак.

Китобхонлик асосида ўсмирлар маънавиятини шакллантириш кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири деб қарасак, нафақат мактабда, балки оилаларда ҳам бадиий адабиётга бўлган эътиборни кучайтириш керак. Ўқувчининг уйдаги ёки мактабдаги ҳаёти қанчалик қизиқарли бўлса ҳам, агар у китоб ўқимаган бўлса, унда бади-

ий адабиётга меҳр уйғонмаган бўлса, унинг ана шу ёш даври кемтиқ бўлиб қолади. Унинг ўрнини ҳеч нарса тўлдира олмайди.

Бунинг икки асосий сабаби бор: биринчиси, ўсмирлик даври бола ҳаётида энг бекарор давр бўлиб, уни барқарорлаштириш учун китобхонликка ўргатиш мухим восита саналади. Иккинчиси, ўсмирлик даврида унинг ҳис-туйгулари шунчалик кучли бўладики, китобдан олган таассуротлари кейинчалик унинг ҳаёт тарзини белгилашга, шахс сифатида шаклланишига ёрдам бериши шубҳасиз. Президентимизнинг адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор дея таъкидланган фикрлари ва уни ўз атрофида бирлаштирган Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарасини ошириш масалаларидан келиб чиқиб, биз, она тили ва адабиёт фани ўқитувчilarи ўз олдимиизга қуйидаги:

"ўқувчиларни китобга ошно қилишнинг энг самарали йўлларини топиш;

"Китобхонлар коференциялари"ни талаб даражасида ташкил этиш;

"Ёш ижодкорлар", "Ёш қalamкашлар", "Ёш тилшунос" каби фан тўғараклари фаолиятини такомиллаштириш;

"истеъододли ёшларга эътиборни кучайтириш;

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;

"иншолар танлови;

"маърузалар тайёрлаш;

"матн устида ишлаш;

"ўқитишининг замонавий усусларини амалиётга татбиқ этиш орқали ўқувчиларни ижодий ва мустақил фикрлаш салоҳиятларини ўстириш каби вазифаларни амалга оширишимиз керак деб ҳисоблайман.

Бадий килиб айтадиган бўлсан, истеъододли ёшларни ниҳолга, устозларни боғбонга ўхшатиш мумкин, агар ниҳолни тўғри парвариш қилсак, у келажакда серҳосил дарахт бўлиб, ўз меваларидан атрофдагиларни баҳраманд этади.

Фикрларимни якунлар эканман, миллатларни, халқларни ким ёки нима бирлаштиради деган саволга аниқ жавоб шу деб топдим:

МАЪНАВИЯТ. Зоро, Президентимиз И.Каримов "Юксак маънавият - енгилмас куч"асарида таъкидлаганларидек: "Маънавиятни тушуниш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак".

**АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АНГЛАШ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**
Райимбердиева З., ўқитувчи (АДУ)

Маълумки, бугунги кунда таълим тизими олдига қўйилаётган ижтимоий талаб ҳар томонлама камол топган ўқувчи шахсини тарбиялаш бўлиб, ўқувчининг эгаллаган билимлари бу мақсадга эришишнинг бир воситаси сифатида эътироф этилмоқда. Бугунги мактаб битирувчиси барча фанлардан зарурый билимлар силсиласини ўзлаштирган ва мазкур билимлардан ҳаётий вазиятларда фойдалана олиш кўнишка ва малакаларига эга, шу билан бирга юксак маънавий салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган ШАҲС бўлмоғи даркор. Афсуски, амалда ўқувчининг етуклик даражасини белгилашда ҳамон бирёкламаликка йўл қўймоқдамиз: унинг эгаллаган билими сифатига, миқдорига эътибор қаратамиз. Барча олинадиган назорат ишларимиз, текширувляримиз шунга асосланган. Натижада фанимиз бўйича энг кўп маълумот ва билимларга эга бўлган ўқувчи "аълочи" сифатида тан олинади. Шу тариқа масаланинг асосий томони очиқ қолади. Яъни, фан бўйича ўқувчимиз эгаллаган билим эртага унга нима беради, ушбу билимдан фойдаланадими, билимга эга бўлиш жараёнида у қандай сифатларни кашф этди, умуман, мазкур ахборотлар ўқувчи ривожида қандай аҳамиятга эга бўлди? Таълимнинг бундай асосга курилиши ўқувчининг турли фанлар бўйича "ахборотлар сандиги" ҳолатига олиб келади. Эгалланган билимлардан мустақил, онгли ва мақсадли фойдалана олиш малакасининг йўқлиги уларнинг вақт ўтиши билан эсдан чиқишига олиб келади. Бу ҳол, хусусан, адабиёт дарслари учун фожеадир. Таъкидлаш жоизки, адабиёт - одоб демакдир. Шу сабабли бу фаннинг таълимий мақсади ҳам, тарбиявий мақсади ҳам, ривожлантирувчи мақсади ҳам комил шахс тарбиясига қаратилган. Комил шахс эса ҳар томонлама етук - билимли, ақлли, мустақил фикрига эга, маънан юксак, жамият олдидаги ўз ҳукуқлари ва бурчларини, шу билан бирга ўзлигини англаб етган ИНСОН. Назаримизда, ўзликни англаш жараёнини адабиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Чунки адабиёт инсонни ўрганувчи соҳа. Демак, адабиётни ўрганиш орқали ўқувчи ўзини ўзи ўрганади, англайди. "Англаш сўзи замирауда билишдан ташкари туйиш ҳолати ҳам мавжуд". (Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. Тошкент, "Янги аср авлоди", 151-бет.)

Шу сабаб ўқувчи нафақат билади, балки ҳис этади. Бугунги кундаги аксарият адабиёт дарсларининг асосий нокислиги ҳам шунда, дарснинг натижаси сифатида ўқувчи кўп нарсани ўрганади, билади, аммо туймайди, ҳис этмайди. Демак, том маънода англамайди. Ваҳоланки, бадиий асар, энг аввало, эстетик ҳодиса. Дарс давомида бадиий асарни ўрганиш, ўқиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчида куруқ билим эмас, эстетик завқ ва шахсий муносабат шаклланиши керак. Адабиёт, ай-

тиш мумкинки, тажриба мактаби. Чунки, китобхон бадий асар муто-лааси жараёнида ўз ҳаётида дуч келмаган жараёнларни бошидан ке-чиради, қалбида туймаган ҳисларга, нотаниш туйгуларга ошно бўла-ди. Муаллим бошчилигида тўғри йўлга кўйилган тажхил орқали унинг шахсий муносабати, нуқтаи назари, ранг-баранг туйгулар олами шак-лана бошлайди. Шу тариқа унда ҳаётий тажриба юзага келади. Эр-тага ҳаётда шундай вазиятларга тушганда қандай йўл тутиш керакли-ги ҳақида фикрлайди, хулоса чиқаради, ўзича англайди. Адабий қаҳра-монлар руҳиятини тафтиш қилиш орқали ўз руҳий оламини ҳам ўрга-на боради. Уларга нисбатан муайян Фикр - муносабат билдирар экан, қаҳрамонларга қиёсан "ўзим-чи?" деган савол пайдо бўлади ва энди ўкувчи ўз-ўзини тафтиш қила бошлайди, шу аснода ўзлигини ҳам ан-глай боради. Мана шундай ижодий жараённи юзага келтириш учун адабиёт ўқитувчиси дарснинг асл мақсадини яхши англаб етмоғи ва машгулотни билиш асосида эмас, англаш асосида ташкиллашти-моғи лозим.

ШЕЪРИЯТДА БАДИЙ КЎЧИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ Мансурова Н., ўқитувчи (НавДПИ)

Ҳар бир давр шеъриятининг ўзига бетакрор хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ана шу хусусиятлари билан ўзидан олдинги ва кейинги давр-лар шеъриятидан фарқланиб туради. XX асрнинг сўнги чораги ва XXI аср бошлари ўзбек шеърияти тасвирий - ифодавий воситаларга бой-лиги воқеликни эстетик идрок этишдаги рамзийликни кучайиши, бадий кўчимларга бойлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Маълум бўладики, бадий кўчим (метафора, метанимия, синекдо-ха) шеъриятнинг асосий ифода ва тасвир воситалари ҳисобланади. Уларсиз поэтик фикрнинг бадийлиги ҳақида ҳукм чиқариш қийин.

Ҳақиқий шеър ранг-баранг маъно товланишларини ўзида мужас-самлаштиради. Ана шу маънолар жилвасини тўғри англаш ва бадий кўчимлар воситасида амалга ошади. Ҳар қандай маъно шеърда тўғри-дан - тўғри ифодаланар экан, ундаги сирлилик йўқолади, шеърда од-дий сўзлар йигиндисига айланади. Шунинг учун бўлса керак, қадим-ги поэтикага оид манбаларда маънони яшириб ифодалаш тамойили ҳақида кўп сўзланади.

Мисол тариқасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг қуидаги тўртлигини олайлик:

Бирга бошга бир ўлим деган ҳикмат бор,

Банда буюнсунар қисмат хатига.

Ҳатта маҳов судхўр, шу хиёнаткор,

Вафо қилди тангри омонатига.

Биргина шу тўртликнинг ўзида икки ўринда метафорик образ қўлланилган. Иккинчи мисрадаги "қисмат хати", тўртинчи мисрадаги

"танды омонати" бирикмалари мұраккаб метафораларни ташкил этади. Агар "қысмат хати" ўрнига "үлім", "танды омонати" ўрнига "жон" ёки ҳаёт сүзләри құлланилса, шеърдаги яширин, сехрли маъно яланғоч фикрга айланади - қолади. Тұртликни яхлик шеър сифатида ушлаб турувчи бу икки метафорик образ шеърхонни фикрлашга, үлашга мажбур этади. Тұртликдаги поэтик жозибани таъминловчи құчимлар ҳам ана шу метафорик образлар хисобланади. Бундан ташқары тұртликнинг учинчи мисрасида құлланилған "судхұр", "хиёнаткор" сүзләри ҳам оддий бир компонентли метафоралардан ташкил топган. Тұрт мисрадан иборат бир шеърнинг ўзида тұртта метафорик образнинг иштироки ҳозирги шеъриятда бадий құчимларга зәтибор беришнинг юксалғанлыгыдан далолат беради.

Ҳозирғи ўзбек лирик шеъриятини бадий құчимлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ижодкорлар инсоннинг қалб оламини, руҳиятида юз бераётган ранг - бараг эврилишларни фақат бадий құчимлар воситасидаги тўла ва нозик акс эттиришлари мумкин.

Бу нарса шоирнинг қай даражада бадий құчимларни билиши билан эмас, балки қалбида рўй бераётган турли - туман ғулуни ифодалаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда юзага келган табиий эҳтиёждир. Шоира Жумагул Сувонова ўз шеърларыда нозик құчимлар орқали қалб туғёнларини ифодалашга интилади. Унинг "Охужон, сен мендек йиглама!" шеъридаги қуидаги банднинг ўзида бир неча мұраккаб метафоралар құлланилғанлыги бунинг ёрқин далилидир:

Йўлимда ғам тоги бор бугун,
Ўтолмам бағри муз, қор бугун.
Оҳимга бу жаҳон тор бугун,
Охужон, сен мендек йиглама!

Тұрт қатор шеърнинг ўзида олтита метафорик образ поэтик фикрни жонлантириб, қаддини растилаб турибди. Биринчи мисрадаги "йўлимда" умр йўлини англатса, "ғам тоги" лирик қаҳрамон ҳаётидаги оғир, ларзали дақиқаларни ифодалайди. Иккинчи мисрадаги "бағри муз", лирик қаҳрамон руҳиятини англатса, "қор" метафораси совуқлик ва баҳтисизликни билдиради. "Оҳимга" метафораси эса унинг қайғы - ҳасратини ифодаласа, тұрттың мисрадаги "охужон" құчими ғам - андухга мубтало бўлган ғамгин дилни англатади. Агар юқоридаги бадий құчимлар олиб ташланиб, уларни ифодаловчи тушунчалар оддий сўзлар билан айтиса, шеърдан асорат ҳам қолмайди. Тұрт мисранинг ўзида етакчи поэтик образлардан олтитасининг бадий құчимлар орқали ифодаланиши ҳозирғи шеъриятда бадий құчимларга бўлган эҳтиёжнинг нақадар ортганилигидан далолат беради.

Бадий құчим шоирнинг фикрлаш тарзи; у ўзгача фикрлай олмайди. Образли фикрлаш жараёнида ҳақиқий ижод, яратиш юз беради. Ҳар бир құчимни шоир табиий йўсинада кашф этади. Метафора ва бошқа бадий құчим турлари ижодкор тасаввурида, онгода табиий

туғилади. Ижодкор уни ўзининг поэтик фикри таркибида қайтадан жонлантиради. Шоира Нодира Афоқованинг кўидаги шеърида бу нарсани аниқ кузатиш мумкин. Шеърда умрнинг ўткинчилиги, лекин бу ўткинчиликни бухронли лаҳзаларда англаб етиш ва ҳаётнинг ўткинчилигига икрор бўлиш foяси тараннум этилган. Шеърдаги етакчи фалсафий foяни таъкидлашда поэтик кўчимлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шеърнинг дастлабки тўрт мисрасида умр образи "боғлар" метафораси орқали, умр кузи "тиллолар" метафораси воситасида ифодаланган. Ниҳоят, мана шу бадиий кўчим умрнинг учуб ўтган икки йилига (кушга) боғланмоқда:

Боғларни оҳиста оралайди куз,
Тиллолар чиқариб сочар қўйнидан.
Учириб юбордим наҳот шунча тез,
Ўттиз икки кушни умрим инидан?

Юқоридаги сатрларда умрни ям-яшил боғга муқояса қилиш, унинг ўтаётган ҳар бир йилини кузги япроқларга қиёслаш асосида лирик қаҳрамон умрининг ўттиз икки кушга менгзалиб ифодаланган. Айни мана шундай поэтик муқоясалар шеърга алоҳида шукуҳ бағишлади. Уни муайян дараҷада сирлилаштиради. Бу нарса ўкувчини ҳис орқали фикрлашга, фикр воситасида ҳис қилишга ундейди. Демак, поэтик кўчим поэзиянинг жони бўлиб, у воқеликни ақл воситасида ҳис қилишга даъват этади.

АДАБИЁТДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА АЁЛ РУХИЯТИНИ КАШФ ЭТИШ МАХОРАТИНИ ҮРГАНИШ

Эшматова Ю., аспирант (ТДПУ)

Маълумки, портрет француза сўз бўлиб, "тасвир" деган маънони билдиради. Жуда кўплаб назарий адабиётларда таърифланишича, портрет бадиий асарда қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, кийим-кечаги, юриш-туришини англатади. Бу портретнинг тор доирадаги назарий таърифи. Бундан ташқари, портрет тушунчаси нафақат қаҳрамоннинг ташқи кўринишини, кенг маънода қаҳрамоннинг индивидуал-психологик қиёфасини ҳам ўз ичига олади. Яъни, адиллар қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси орқали ички дунёсига чукур кириб боришади. Ташқи портрет унсурлари юз, кўз, тана-гавда, соч, қадам ташлаши, кийим-кечаги бўлса, қаҳрамон қалбида кечайтган изтироб, дард, кувонч, кўз ёш, кулги, ўй-фикрлар унинг ички портретини ташкил этади. Шу кунгача яратилган бадиий асарлардаги қаҳрамонлар портретига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ташки портрети билан ички руҳий дунёси нақадар бир-бирига мослиги кўзга ташланади. Жумладан, биз буни Абдукаюм Йўлдош қиссаларидағи қатор салбий, ижобий қаҳрамонлар портретини таҳлил этиш жараённада кузатишмиз мумкин.

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдош ўзининг "Алвидо, гўзаллик", "Бир тун ва бир умр", "Катта одамнинг" кичкина таниши", "Пул жодуси", "Тушов" каби ўнлаб ҳикоялари билан адабиёт майдонига кириб келди. Адибнинг маҳорат билан яратилган мазкур ҳикоялари адабиётшуносларимиз назарига тушди, бир қанча тадқиқотчиларга таҳлил манбаи бўлди. У баркамол ҳикоялар яратиш билан бирга китобхонни сирли оҳанграбодек ўзига эргаштира оладиган "Тимсоҳнинг кўз ёшлари", "Отчопар ёки ўн учинчи уй", "Сунбуланинг илк шанбаси", "Залолат" каби қиссалар ҳам яратди. Адиб қиссаларини ўқир эканмиз, уларда шу бугунги кунимиз қиёфаси ва биз билан ёнма-ён яшаётган замондошларимиз образи жонли тарзда акс этганини кузатамиз. Хусусан, аёллар обра-зига разм соладиган бўлсак, А. Йўлдош қаламига мансуб аёллар жуда улуғ мақсадларни кўзламаган, ўртамиёна, тириклик дардидга югуриб-елаётган журналист, савдогар ёки оддий уй бекаси. Аммо улар ўзларининг ҳаётий аъмоллари ва феъл-автори билан ҳаётнинг иккита бир-бирига қарама-қарши қутбини ташкил этади, яъни бу аёллар салбий ва ижобий фазилатга эга. Жуда катта фожия ва залолат ичидаги яшаб ҳам адиб яратган аёллар "бир тутам нур" каби қалбларимизга эзгулиқдан, гўзалиқдан сабоқ беради. Жумладан, "Отчопар ёки ўн учинчи уй" қиссани қаҳрамони Нозима ташқаридан қарагандга пул кетидан қувадиган, "бойвачча хотин" лақабини олган аёл, у бойлик ортириш илинжида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайдигандек кўринади. Аммо саҳифалар оша унинг нақадар ор-номусли, ўз ҳаётий эътиқодига ҳар қандай мушкул шароитда ҳам амал қилишига қойил қоламиз. Асаддаги Нозима, Флора, Фаня, Осиё опа, Санобархон, сирли уйда яшовчи кампир сингари аёллар ва Қоравой портретига назар таштайлик: Нозима портрети: "... Нозима бегам-бепарво тарзда, яланнеч олкаларию кўпчиб турган сийналарини кўз-кўзлайдиган, қуий қисми тумгалари солинмаган, этаги тиззасидан юқорироқда гуллик халатда ё бўлмаса шортик деб аталувчи калтагина, қўёш кўрмаган бўлиқ сонларини намойиш этиб турадиган жинси шимча, ёқаси ўйикроқ юпқа кофтада чиқиб келар..." (А. Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. - Б. 101).

Мазкур парчада Нозиманинг асосан, ташки портретига, яъни очиқ-сочиқ кийинувчи замонавий аёллигига ургу берилади.

Энди унинг ички руҳиятини очиб берувчи қуйидаги тасвирга эътибор қаратайлик: "Ранги синиққан, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, ба-айни вужудини тик тутиб турган асосдан айрилиб қолгандай қадди эгилган, негадир пардоз-андоз ҳам қилмай, одмигина кийинган Нозима эртаси куни оғир хаста мисоли бир қадам босиб ҳовлига чиқиб келганда...". Мазкур парчада эса адиб Нозиманинг юз, кўз ифодаси, эгик қадди-қомат, хаста мисол қадам ташлаш каби ташки портрет орқали қаҳрамоннинг оғир қайғу, изтироб ичидаги қолганлигини ифодалайди. Шу орқали А. Йўлдош аёлнинг ички руҳий портретини яратади.

ди. Бу Нозиманинг дугонаси Флора учеб кеттган самолёт ҳалокатга учради, деган хабардан сўнгги ҳолати. Айни пайтда уни чув тушириб кеттган Флора исмли бизнесмен, аферист аёлнинг ташқи портретига дикқатимиизни қаратамиз: "Бу нозик-ниҳол қизнинг исми Флора эди. Ўзиям жисмига қарасангиз Нозиманинг ярмича келарди, шу ҳолига яна ўзини янада озғин кўрсатадиган узун тор шим, торгина катак кўйлак кийиб юрарди. Соч-ку, армияда хизмат қилаётган йигитларникидан асло фарқ қилмасди... Йигирма саккизга кирган Флорага ўн саккиздан ошигини бериш мушкул эди... ... одамга тик қарамасдан бошини эгиброқ туришими тортишчоқ, ўзига унчалик ишонмайдиган ўспирин болани эслатадиган...". Нозик-ниҳол жисмнинг қилаётган ишлари ўта разил. Чунки, у ўзининг энг яқин дугонасига хиёнат қиласди, катта миқдордаги пулни олиб, ўзини "ўлди"га чиқарган товламачи аёл образидир. Бу гўзал қадди-қомат билан бир қаторда ёзувчи унинг одамга тик қарамасдан бошини эгиброқ туришини тасдиқларкан, бу эса аёлнинг қандайдир "айби", руҳиятидаги "нуқсони"дан бизни огоҳ этгандек таассурот уйғотади. Одатда, кўпинча ҳаётда ташқи ёки ички руҳиятида кемтиклик бўлган инсонгина қаршисидаги инсонга "ишончсизлик" кайфияти билан боқади, бировнинг юзига тик қарай олмайди. А. Йўлдош аёл руҳиятидаги худди шу нуқсонни жуда усталик билан, унинг ташқи қиёфасию, гўзаллигига раҳна солмаган ҳолда қистириб ўтади.

ЭССЕДА ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДА

Ахмедова Ш., аспирант (БухДУ)

Адабий танқиднинг импровизация асосида дунёга келадиган жанри эссе бўлиб, унда адабиёт ва ижод, ижод сирлари, санъаткорлар лабораторияси каби илмий-назарий масалалар билан чекланилмай, замон ва замондошлар ҳаёти, давр ва ижтимоий тараққиёт, инсон тақдирни ва истиқболи ҳақидаги қарашлар муҳим ўрин тутади. Бу эса эссе публицистик руҳ баҳш этади.

Эссе адабиёт тарихи ва ҳозирги адабиёт, адабий жараённинг муайян муаммолари тўғрисида мушоҳада ва муҳокамалар мажмуи саналади. Эссе фикрнинг эркин, табиий ифодаси бўлиб, у қалbdаги ҳисстуйгулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қофозга "соҷилади". Унда санъат ва адабиёт ҳақидаги фалсафий қарашлар акс этади. Мунаққиднинг адабий-танқидий ҳамда эстетик қарашлари турли хил шаклларда, жумладан, эссада ифодаланса-да, уларга илмий-эстетик бутунлик баҳш этувчи хусусият бу ижодкор "мен"и призмасидан ўtkazilgan ва эстетик баҳоланган воқелик, ҳаёт ҳодисалари, адабий жараён ҳамда адабий ҳодисаларнинг у ёки бу тарздаги моҳиятининг инъикоси бўлиб, у аввало, санъаткорнинг қатъий нуқтаи назари, эстетик баҳоси орқали англашилади. Ва ўқувчидаги эссе (ба-

дий асарлар, фалсафий шеърлар мисоли) турфа тасаввур уйғотмаса-да, бирок унга таъсир кўрсатиши, ўй-мушоҳадалар уйғотиши табийидир.

Шоир ва ёзувчиларнинг адабий-эстетик қарашларини ўзида му-жассамлаштирган эсселарида ҳаёт ва ижод тажрибасидан келиб чиқ-кан хулосалар, қарашлар, кузатишлар акс этади. Бу ҳол адабий танқиднинг янги камолот палласига кира бошлаганидан, адабий-танқидий ва эстетик тафаккурнинг янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради. Ушбу туркумдаги асарларда санъаткорларнинг ўз ижоди, шахсияти, табиати хусусидаги, шунингдек, бадиий адабиёт, адабий жараён, миллий маданиятимиз хазинасини ижодий бойитган асарларнинг туғилиши, ёзилиш жараёнига доир фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган.

Ўзбек танқидчилигига эссенинг адабий ўйлар деб аталган шакли ҳам учрайди. А.Мухторнинг "Ёш дўстларимга", П.Қодировнинг "Ўйлар", А.Ориповнинг "Эҳтиёж фарзанди", Э.Воҳидовнинг "Шоиру шеъру шур", Ў.Хошимовнинг "Нотаниш орол" тўпламларини асосан ана шундай эсселар ташкил қиласди.

Эссенависнинг адабий ўйлари, алсафий мушоҳадалари бадиийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларининг кўркам синтезини ташкил этади. Асқад Мухтор эсселарида фикрий теранликни таъминлаган асосий омил-адибнинг ҳаёт ва воказеликка, одамларнинг қалб тарихига фалсафий нуқтаи назардан ёндашганлигидир. Адид уларда муайян маънавий ахлоқий, илмий-назарий хулосаларга келади. Устозлар ижодидан кўнглига ёқсан тажрибаларни, ижод сабоқларини, ўзининг ижодий изланишлари жараёнида йигилган маънавий, ижодий жамғармани "Устозлар ҳақида" туркумидаги эсселарда замондошлари, шогирдлари билан бўлишади. Фақат А.Мухтор, П.Қодировгина эмас, балки бошқа йирик ижодкорлар ҳам ўзларининг ҳаёт, адабиёт ва бадиий ижод хусусидаги ўйларини, мулоҳазаларини эсселар воситасида ўқувчилар қалбига кўчирмоқдалар. Шу асосда уларни ҳаёт мазмуни, давр суръати, адабиёт ва бадиий ижоднинг мазмуни, моҳияти ҳақида фикрлашга даъват этмоқдалар. Бунинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, улар замондошларимизни ҳаётга, адабиётга янада фаол ёндашиш, аралashiшга, фалсафий мушоҳада юритишга ўргатиб, катта маънавий куч вазифасида хизмат қилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигига яратилган эсселар - масаланинг танланishi ва ёритилиши; - услубларнинг ранг-баранглиги; -маънавий ахлоқий, фалсафий-эстетик умумлашмаларнинг саломоги ва характеристи нуқтаи назаридан бир-бирларидан ажralиб турадилар. Уларнинг муштараклигини таъминлаб турувчи хусусиятлар эса: - ватан ва халқ олдидағи, адабиёт олдидағи бурч; - адабиёт, санъат, маданиятимизнинг ўзига хос бетакрор жиҳатларидаги ютукларни кўрсатиш; -муай-

ян илмий-назарий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий масала-лар нутқати назаридан уларни умумлаштириб ёритиш масъулиятидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эссе санъаткор ижодий лабораториясида йўл кўрсатиши, адабий жараён, ҳаёт, жамият ва адабиёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, умумлашма кузатишлари, улардан илмий-назарий хулосалар чиқариши жиҳатидан адабиётшунос-лик ривожида катта аҳамиятга эга. Бу фалсафий мушоҳадалар ёшлилар тарбиясида иззиз қолиб кетмаслиги аниқ.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎКИШ МАШГУЛОТИДА ЎРГАНИШ

Қамбарова С., тадқиқотчи (ТДПУ)

8-синф "Адабиёт" ўқув дастурида адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижодий фаолияти, "Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан" мақоласини ўрганишга 2 соат вақт ажратилган.

Ижодкор таржимаи ҳолини ўрганиш дарснинг биринчи соатида амалга оширилади. Ўқувчилар олим маънавиятига хос жиҳатларни теран англаб, тушуниб этишлари учун синф машгулотининг узвий давоми сифатида синфдан ташқари ўқиш машгулотини ташкил этиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Зоро, умумий ўрта таълимнинг "Адабиёт" ўқув дастурида таъкидланганидек "Бадиий адабиётга яқинлик синфдаги машгулотлар билангина тугамаслиги керак".

Бунинг учун ўқувчиларга Озод Шарафиддинов таржимаи ҳоли, ижодий фаолиятини ўқиб-ўрганиш, у ҳақда дарсликдан ташқари маълумотлар тўплаш вазифасини юклатиш мумкин. Машгулотга бир соат вақт режалаштирилади.

Машгулотнинг тарбиявий мақсади: Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижодини ўрганиш асосида унинг табиатидаги олижаноб фазилатлар орқали ўқувчиларда устозга ҳурмат, унинг шахсидан фахрланиш, миллий ғурур туйғусини камол топтириш, фаолияти мисолида Ватан, ҳалқ тақдиди учун вижданан меҳнат қилиш, маърифатга интилиш каби хислатларни қарор топтириш.

Машгулотнинг таълимий мақсади: олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, миллатимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси ҳақида билим бериш.

Машгулотнинг ривожлантирувчи мақсади: мавзуни ўтиш орқали дарслик, турли қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўнинка ва малақасини ҳосил қилиш, мустақил фикрлаш қобилияти, оғзаки нутқини ўстириш, олим маънавиятига хос тасаввурларини шакллантириш.

Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаб, умумлаштирувчи бу машгулотда репродуктив ва изланиш методларидан фойдаланилади.

Дарс жиҳозлари:

- 8-синф "Адабиёт" дарслиги;
- Озод Шарафиддинов сурати, устози Абдулла Қаҳҳор, ёзувчилар, олимлар, оила аъзолари билан тушган суратлари;
- "Маънавий камолот йўлларида", "Ижодни англаш бахти", "Домлалар" ва "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида" каби китоблар;
- Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби;
- ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Шумлик" китоби;
- олимнинг "Китобларимни асранинг, менинг энг катта бойлигим мана шу китоблар эди..." деб айтган сўзлари ёзилган кўргазмали восита;
- ҳаёти ва ижодига атаб тайёрланган слайдлар;
- техник воситалар: телевизор, диск, видеокассета, проектор;
- қофоз, фломастер.

Машгулот аввалида ўкувчилар ўзларига топширилган вазифани қайдаражада бажарганликлари саволлар асосида аниқланади.

1. Озод Шарафиддинов ҳақида қандай маълумотлар тўпладингиз?
2. Радио-телевидение орқали у ҳақда қандай кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланган?
3. Олим ҳақида ёзилган қандай асарлар, мақолалар билан танишдингиз?

Ўкувчилар Озод Шарафиддиновнинг ўзбек адабиётшунослиги, маданияти, таржима соҳаси, танқидчилиги ва таълим-тарбия тараққиётiga муносиб ҳисса қўшган серқирра ижод соҳиби эканлигини "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида" китобидан батағсил маълумот олганликларини баён қилишиб, ҳалқимиз ардоқлаган ижодкорларнинг устоз билан боғлиқ хотираларидан намуналар келтиришиди.

Олимнинг набираси Камола Шарафиддинованинг ушбу китобдаги "Мен бобомга сўз берганман" мақоласи ўкувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ундаги "... ҳали ўқигин, ёшсан, навнихолсан. Кўп ўқишинг, изланишинг зарур..." деган насиҳатлари унинг нафақат набирасига, балки барча Ўзбекистонлик ёшлар учун, ўзлари учун айтилган фикр-дек эканлигини таъкидлашди.

Ўқитувчи томонидан олим ижодий фаолияти билан боғлиқ олдиндан тайёрланган маълумотлар техник воситалар орқали мониторда акс эттириб борилади.

Ўзбекистон телевидениясида Озод Шарафиддиновга бағишли тайёрланган бир қанча кўрсатувлар мавжуд. Техник воситалар ёрдамида ёзиб олинган "Сўнмас юлдузлар" кўрсатувининг олим ҳаётига бағишли тайёрланган сонидан фойдаланиш ўкувчилар дунёқарашини бойитади, дарс самараадорлигининг ошишига ёрдам беради. Ёки ўқитувчи

бу кўрсатувда унинг турмуш ўртоғи Шарофат Кўшбоева, қизи филология фанлари номзоди Мухаббат Шарафиддинова, ўғли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Алишер Шарафиддинов, набираси Камола Шарафиддинова, ёзувчи Эркин Аъзам, филология фанлари докторлари Абдугафур Расулов, Умарали Норматов, шифокорлар Шабот Хўжав, Октябр Тешаевлар иштирок этиб, олим ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашганини айтиб ўтади. Шунингдек, қизи Мухаббат Шарафиддинова отасининг миллат маънавияти қайгуисида яшаганлиги, олим Абдугафур Расуловнинг эса Озод Шарафиддинов ҳаётга келиб яхшиликни тасдиқлаб ўтганлиги ҳақидаги илиқ фикрларини баён қилади.

Сўнгра Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида Озод Шарафиддинов ҳақида билдирилган фикрлар биргаликда ўқилади. Ўкувчилар Президентимиз фикрларидан унинг ватанимиз равнақи, миллатимиз маънавий-маърифий тараққиёти йўлида кўрсатган фидойилигини янада чукурроқ англаб етадилар. Ўрганилган мавзу синф ўкувчиларини гурухларга бўлиб ишлаш орқали мустахкамланади.

Масалан:

1-гурӯҳга: олим маънавиятига хос хусусиятларга кластер тузинг. Айрим хусусиятларни мисоллар орқали изоҳланг.

2-гурӯҳга: олимнинг мустақилликгача ва мустақилликдан сўнг яратган китоблари, йиллари жадвалини тузинг.

1-гурӯҳ вазифани қўйидагича бажариши мумкин:

Жавоблар қўйидагича изоҳланади. Биринчи ўкувчи:

Озод Шарафиддинов меҳрибон ва гамхўр, талабчан узтоз сифатида минглаб ёшларга таълим-тарбия берганлар. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан ҳисобланган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмонларга ижодий сабоқ, маънавий кўмак берган забардаст инсон.

Гурухдаги иккинчи ўкувчи эса ўз жавобида унинг руҳан тетик, матонатли ва иродали эканлигини икки ёёғи кесилганига қарамай, кўриш қобилияти пасайиб қанд касали зўрайганида ҳам "Жаҳон адабиёти" журнали материалларини ўрганиб, таҳрир қилиши мисолида кўрсатиб беради.

2-гурӯҳ ҳам ўзларига берилган топшириқни шу тақлидда бажаради.

Мустақиллик учун маърифат йўли билан курашган Усмон Носир, Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода сингари адиллар ҳақидаги ҳақиқатлар ёритилган асарлар яратган тарзидаги жавоблар 2-гурӯҳ топшириғини изоҳлашга мисол бўла олади.

Ўкувчилар фаоллиги, жавоблар мазмуни рағбат карточкалари билан баҳоланади.

Гурухлар ишни яқунлагач, вақтдан унумли фойдаланилган ҳолда "Дам олиш дақиқалари" ташкил этилади.

Дарснинг бу босқичида ўқувчилар ижодкор ҳаётига доир айрим қизиқарли воқеалар билан танишиш орқали маънавий завқ олишларига эришилади. Улар Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг "Шумлик" китобига кирган "Памилдори" операцияси, "Мехрибон" шогирд, "Қоровул" каби ҳангомалардан бирини ўқиш жараёнида олим табиатида хушчакчақлик, бегуборлик, соддалик ва оддийлик каби сифатлар мужассам эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлишади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Озод Шарафиддиновнинг умр зарвараклари бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабини ўташи, шубҳасиз.

ЖАДИДЛАР ВА МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЧИЛИК

Намозова К., ўқитувчи (ТДПУ)

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ижтимоий - маданий ҳаётида бир ҳаракат - жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракат Туркистон тарихида ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бир томондан давом этиб келаётган чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати ўлка бойликларини талон-тарож қилибгина қолмай, ўлка тараққиётини мумкин қадар орқада сақлаш, ҳалқ ўртасида руслаштириш ва саводсизликни кучайтириш орқали ерли аҳоли бўйнидаги мустамлакачилик занжирлари сиртмоғини янада қаттиқроқ тутмоқ истаса, иккинчи томондан, мамлакатда илдиз отган Ўрта асрларга хос жаҳолат ва хурофат мамлакат тараққиётига тўқсинглик қилаётган эди. Ана шу мураккаб тарихий шарт-шароитда вужудга келган жадидчилик ўз олдига Туркистонда маърифий-маданий ислоҳатларни амалга ошириш орқали ҳалқнинг маърифий-маданий онгини ўстириш, дунёдаги тараққий эттан мамлакатлардаги каби Туркистонда ҳам замонавий тараққиётга эришишдек буюк мақсадни кўйган эди.

Туркистонга турли яширин йўллар билан кириб келаётган чет эл матбуоти, саёҳатлар орқали айрим дунё мамлакатларида юз берадиган янгиликлардан хабардор бўлган, XIX аср иккинчи ярмида яшаб ўтган Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби маърифатпарварлар қарашларидан озиқ олган жадидлар мамлакат таназзули сабабларини аллақачон англаб етган ҳолда, ўлгадаги мавжуд ҳолатга қарши маърифатпарварлик фоялари билан чиқишиди.

Янги усул мактабларини ташкил этиш осон бўлмаган, бир томондан маҳаллий ва мустамлакачилар доим назорат ва таъқиб этиб турса, иккинчи томондан мактаб фаолиятига зарур маблагни топиш кепрак бўлган. Шунинг учун бу даврда мактабларнинг бири очилиб, иккинчиси ёпилиб туриши табиий ҳол бўлган. Жадид мактаблари асосан шахсий маблаг ҳисобига ташкил этилган, кам ҳоллардагина ха-

лқдан йигилган маблаглардан фойдаланилган. Масалан, адабиёт-шунос Р. Муқимовнинг берган маълумотига кўра, шундай мактабдорлардан бири Ҳожи Муин ўзи ташкил этган мактаби учун маблагни Деволи кўндаланг кишлоғидаги боғчасида етиштирган ширин-шакар меваларни бозорга чиқариб сотиш эвазига тўплаган.

Демак, бундан кўриниб турибдики, янги усул мактабларини ҳамма ҳам ташкил этавермаган, юрагида Ватан ишқи, халқ меҳри жўш урган, халқ учун хизмат қилиш учун ўз маблағини сарфлашни эзгу амал деб билган кишиларгина бундай жонбозлик кўрсата олган, яни ўз манфаатларидан кўра халқ ва Ватан манфаатини устун кўя олган, иймон -эътиқодли, меҳр - муруватли кишиларгина мактабдорлик билан шуғулланишган.

Жадидлар мактаб-мадраса ислоҳати орқали халқни маърифатли қилиш йўлидаги дастлабки қадамни қўйдилар. Туркистон жамиятида янги усулдаги мактабларнинг юзага келиши бу бир янгилик бўлди. Бу янгилик халқнинг энг пастки қатламларига қадар маориф ва маданиятни тарқатиш, жамият тараққиётини орқага тортувчи турғунлик ҳолатидан олиб чиқишига қаратилган маънавий-маърифий тадбир сифатида юзага келди. "Усули савтия" мактаблари кенг халқ оммаси тамонидан кўллаб-куватланди, чунки, жадидлар мактабидаги мавжуд шартшароит халқнинг барча қатламлари, айниқса, энг камбағал қисмининг ҳам таълим олиш имконини берган. Жадидлар халқнинг шу қатламига катта эътиборни қаратганлар, чунки саводсизлик ҳам айнан шу қатлам орасида кенг тарқалган ҳолат эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, жадидлар ўзларининг янги усул мактаблари билан бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган замонавий мактабларнинг ilk тамал тошларини қўйиб кетдилар. Бугун истиқлол сабаб, жадид аждодларимизнинг маориф тизимида бошлаган ислоҳатлари давом этмоқда. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти эса янги авлодлар тарбияланаётган мактабларимиз ва олийгоҳларимизда ўрганилмоқда. Шу ўринда юртбошимиз И. Каримовнинг ушбу сўзларини келтириб ўтамиш: "Бу ишлар халқимиз, униб ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатта ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятта эга экани билан айниқса эътиборлидир".

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ботирова Ш., аспирант (ЖДПИ)

Нутқ кўп қиррали инсон фаолиятида ташқи дунё билан ўзаро алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам нутқий маданият тарбияси қадим замонлардан бўён таълим-тарбия тизимида етак-

чи ўринлардан бири ҳисобланади. Шарқ Ўйғонинг даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробийнинг ахлоқли одам эгаллаши лозим деб билган туғма хислатлардан бирини нутқий маданият даражаси, шунингдек, таълимга бўлган муносабат билан белгилаши бежиз эмас. "Ахлоқли одам, - деб ёзади аллома, - сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин. Билиш ва ўқишига муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимларни чарчаши сезмасдан, осонлик билан ўзлаштира олсин".

Аслида нутқий тарбия инсоннинг ҳали тили чиқмаган гўдаклик давридаёқ она-бала мулоқоти шаклида, аллалар, эркалатмалар, эртаклар кейинчалик тез айтишлар, топишмоқлар, кўшиқлар воситаларидан амалга оширилади ва мактабда савод ўргатиш дарсларидан бошлаб бутун таълим жараёнида изчил давом эттирилади.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстириш барча ўқув предметларига даҳлдор бўлса-да, асосий мастьулият она тили ва адабиёт дарслари зиммасига тушади. Аммо адабиёт дарсларида нутқ ўстириш борасида ҳанузгача мақсадга мувофик назарий ва амалий методик ишларнинг яратилмаганлиги, ўқувчиларнинг пассив луғатдаги сўзларни фаол луғатига айлантиришга оид тавсияларнинг йўклиги, она тили дарсларида олиб бориладиган нутқ ўстириш билан боғлиқ ишларнинг адабиёт дарсларида нутқ ўстириш ишлари билан боғланмаслиги, умуман, бадиий асар тили ва луғати устида ишлаш масаласининг методик адабиётларда етарли тарзда ёритилмаганлиги ўқувчилар нутқини ўстиришгина эмас, балки уларнинг тегишли даражада билим олишларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Нутқ инсоннинг фикрлаш тарзи билан боғлиқ мураккаб жараён бўлгани боис йўл-йўлакай эмас, изчил ва мунтазам шуғулланишни тақозо этади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, илми савод-хонлигига эришиш, сўз бойлигини ошириш, нутқ маданиятини юксалтиришда ўрганилаётган асарнинг мазмуни, дарснинг мақсади, синф жамоасининг қизиқиши, билим даражасини ҳисобга олган ҳолда "бҳб", "Ақлий ҳужум", "Чорраҳа", "Тармоқлаш" каби методлар, информали ўқиш, қайта ҳикоялаш, қисқартириб ҳикоялаш, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш, матн устида ишлаш, шарҳли ўқиш ҳамда баён, иншо, тақриз, маъруза матни каби турли ёзма ижодий иш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Она тили ва адабиёт дарсларида нутқ ўстириш мазмунан бир-бирини тўлдиради. Лекин ҳар бир ўқув предметининг мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш ўзаро фарқланади. Нутқ ўстириш она тили дарсларида тилнинг грамматик қурилиши, сўз ясалиши, семантик ва услубий таҳлил воситасида амалга оширилса, адабиёт дарсларида бадиий сўз санъатининг ўзига хос хусусиятлари, асар матни ва адабий қаҳрамонлар

тахлили ёрдамида давом эттирилади.

Адабиёт дарсларида нутқ ўстириш ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш билан боғлиқ қуидаги тамойилларга амал қилиш:

1. Бадий асар таҳлилида ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибалари ва мавжуд нутқий малакаларига таяниш тамойили.

Юқори синфларда бадий асарлар устида сўз борар экан, ўқувчиларнинг асар яратилган давр билан боғлиқ омиллар, мақсад ва вазифалари, бу вазифаларни ҳал этишда мазкур асарларнинг аҳамияти ҳақидаги тушунча ва тасаввурларига таяниб иш кўриш лозим. Бусиз ўша асарлар юзасидан ўтказиладиган таҳлил тўлақонли бўлмагани каби, ўқувчиларнинг қизиқиши ҳам рағбат топмайди, таҳлил жараёнида нутқ ўстириш бўйича ўзлаштириш кўзда тутилган кўнукма-малакаларга ҳам эришиб бўлмайди.

2. Адабиёт дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга қаратилган омиллардан яна бири изчилик тамойилидир. Буни нутқ ўстиришда қатъий тизим (система) асосида иш кўриш деб ҳам аташ мумкин. Яъни бошлангич синфларда нутқ ўстиришга қўйилган талаблар ўрта ва юқори синфларда қатъий ҳисобга олиниши, давом эттирилиши, академик лицей ва касб-хунар колледжларида, янада юсак погонага кўтарилиши зарур. Мактабда айрим асарларни таҳлил қилишга ўрганган ўқувчилар ўрта маҳсус ўқув юртларида ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари, анъаналари ўзига хос миллый хусусиятлари юзасидан умумлашма холосалар чиқариши, мантиқий тафаккур малакаларини эгаллашлари назарда тутилади. Бинобарин, ўқувчи мактабда ҳалқ оғзаки адабиёт намуналари, илк ёзма адабий ёдгорликлар, ёзма адабиёт намуналари, жадид адабиёти вакиллари ижоди билан алоҳида-алоҳида танишади. Бу танишув ўрта маҳсус ўқув юртларида ўзбек адабиёти юзасидан умумлашма холосага келиши, теран фалсафий мушоҳадаларга асос бўлади. Бу жараёнлар, шубҳасиз, нутқ воситасида амалга оширилади.

3. Ижодийлик тамойили ҳам нуткни ўстиришда алоҳида ўрин тутади. Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш муайян тизим асосида олиб бориладиган, узоқ давом этадиган жараён бўлиши билан бирга, мантиқий тафаккурни талаб этадиган ижодий жараён ҳамдир. У ўқувчининг саволларига жавоб беришдан тортиб, адабий қаҳрамонларни тавсифлаш, асар мазмунини қайта ҳикоялаш, сюжет ва композициясини аниқлаш, асар воқеаларининг сабаб ва натижа боғланышларини изоҳлаш, турли мавзуларга оид иншо ва баён, маъруза матни ва такриз ёзиш, адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш каби масалаларни қамраб олади.

Ўқувчи шунчаки асар мазмунини қайта ҳикоялаш, ижодий қайта ҳикоялаш, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш, шархлаб ўқиш, ифодали ўқиш каби адабий таълимнинг оддий усулларидан фойдаланганда ҳам асар сюжетидан муҳим ўринларни номуҳимларидан ажратиш, режа

тузиш, қаҳрамонларнинг феъл-авторига хос етакчи хислатларни аниқлаш жараёнида ўз нутқидаги сўз ва иборалардан, тасвирий ифода воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Кўринадики, адабиёт дарсларида нутқ ўстириш таълимий мақсад билан бирга, маънавий-ахлоқий тарбияга қаратилишига кўра фан асосларини чукур эгаллаш, сўз бойлигини ошириш мухим. Адабиёт дарсларида нутқ ўстиришга эътибор қаратиш ўкувчиларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга яқиндан ёрдам беради.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИДА ТАРИХИЙ ШАҲСЛАР ОБРАЗИННИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ Тошева Д., магистрант (БухДУ)

"Кейинги йилларда, айниقا, мустақилликдан сўнг тарихга, қадими қадриятларга, жумладан тарихий шахслар ҳаётига қизиқиш бир қадар ортди". (Хасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. ДД. -Самарқанд, 2004, 100-б.) Ҳақиқатан, истиқлол йиллари ўзбек поэмачилигига бу ҳолат ёрқин кузатилади. А.Маҳкамнинг "Таважжух", Т.Низомнинг "Уч сўз", "Аввалу охир", Ш.Курбоннинг "Сўз йўли", Э.Шукурнинг "Нақшбанд", А.Эшоновнинг "Самарқандда бир ойдин кеча", К.Авазнинг "Оғаҳий" сингари достонларида Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳирiddин Мухаммад Бобур, Мухаммад Ризо Оғаҳий каби ўтмишимида муносиб ном қолдирган тарихий шахсларнинг лирик образлари яратилган.

А.Маҳкамнинг "Таважжух" достони Бобур ҳақида ёэилган эпик турдаги асарлардан анча фарқ қиласди. Чунки унда хронологик вақт ва замон мухим ўрин тутмайди, воқеабандликка асосланмаган. Асар лирик характерда бўлгани учун шоҳ ва шоир Бобурнинг руҳий дунёсига чизгилар берилади.

Ш.Курбоннинг "Сўз йўли" достони тасвир йўналиши жиҳатидан "Таважжух"га яқин. Унда Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини акс эттиришни бош мақсад эмас. Балки у халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётидаги анъанавийлашган қолиплаш усулидан фойдаланган ҳолда Навоий ҳақидағи халқ ривоятларини асар матнига олиб киради, улар асосида Навоийнинг ижод дунёсини тасвирлайди. Ривоятлар асарга эпик руҳ бағишилаган ва унинг маърифий-ахлоқий мазмунни кучайтиришга хизмат қиласди.

А.Эшоновнинг "Самарқандда бир ойдин кеча" достони лирик характерга эга. Унда шоир Гўри Амир мақбараси қошида Темур руҳи билан мулоқот қиласди. Мулоқот давомида асарнинг асл мазмуни очила боради. Шоир шу асосда Темур, Улуғбек, Алишер Навоий руҳини сўзлатади. Уларнинг монологлари асосида Темур характеристига хос мухим жиҳатлар ойдинлашади.

Т.Низомнинг "Уч сўз" достонида эса лиро-эпик тасвир етакчилик

қилади. Шоир Бобур ҳаётининг характерли даврларини тасвирилашга кўпроқ эътиборни қаратади.

Э.Шукурнинг "Накшбанд" достони ҳам воқеабандликка асосланган. Унда Баҳоуддин Накшбанднинг болалик йиллари, камолотга эришган даври чуқур лиризм билан уйғун ҳолда тасвир этилади. Асарнинг муҳим хусусияти, унда тасаввуфий руҳнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Т.Низомнинг "Аввалу охир" номли достонида ҳам Амир Темур сиймоси гавдалантирилган. Достоннинг "Аввал" қисмида Амир Темурнинг дунёга келишидан то улуф давлатчиликка асос солишигача бўлган воқеалар, "Охир" қисмида эса унинг дардга чалиниши, ички изтироблари лиро-эпик усуслда акс этирилади. Бунда шоир монологдан фойдаланади. Амир Темур ўз монологида ўтган умрига назар ташлайди: Мирзо Улугбек, Пирмуҳаммад, Жаҳонгир мирзо, Бибихоним каби яқинларига кўнгил дардларини айтади.

Комил Авазнинг "Оғаҳий" номли мусиқий достони улуф шоир таваллудининг 200 йиллигига бағишлиланган. Биографик характердаги бу достонда Оғаҳийнинг ҳаёт йўли ўзининг тилидан ҳикоя қилинади. Шу жараёнда шоирнинг ғазаллари куйланади. Яъни мусиқа оҳангига Оғаҳийнинг қалб изҳорлари, кечинмалари ифода этилади. Бу асар аслида достоннинг янги жанр кўриниши бўлиб, моҳиятан мусиқали драмаларни ёдга солади. Мусиқали драмалардан фарқи, у саҳна учун мўлжалланмаган. Хронологик вақт ва замон муҳим хусусият саналади. Шоир ўзи яратган куйлар оҳангига ҳаётини сўзлаб беради.

Умуман олганда, шоирларимиз тарихий шахс характеристига хос қайсиdir ибратли фазилатни, уларнинг инсоний дунёсини таъсирчан ифодалашда турли бадиий усуплардан: монолог, қолиплаш, лиро-эпик тасвир, руҳий мулоқот кабилардан самарали фойдаланганлар. Шу асосда истиқлол даври поэмачилигида тарихий шахслар образларнинг ўзига хос бадиий тизими вужудга келди.

"АВЛОДЛАРГА ВАСИЯТ" ТАРИХИЙ

ДРАМАСИДА ТЕМУР ОБРАЗИ

Ҳамроева Н., магистрант. (БухДУ)

О. Ёқубовнинг "Авлодларга васият" драмаси ҳам тарихий асар бўлиб, у жаҳон тарихида чуқур из қолдирган жаҳонгир Амир Темур сиймосига бағишлиланган. Ундаги воқеалар таҳминан 1399 - 1404 йилларда Самарқанд ва Ўтрорда бўлиб ўтади. Драмада Соҳибқирон умрининг сўнги кунлари тасвириланади. Асар муқаддима, икки парда ва тўрт кўринишдан иборат. Драматург қисқа ҳажмли ушбу асарда Соҳибқирон образи - Амир Темурнинг бу дунё билан видолашиши олдидан кўнглидан кечайётган ҳис - туйғулари ва унинг суюкли рафиқаси Сулувқўз бекманинг фожеали ўлимини бадиий гавдалантирган.

Драма Ўтрордаги қароргоҳ тасвири билан бошланади. Соҳибқирон түшак устида хаста ҳолда ётибди. Кўзларига ўз жонига қасд қилган рафиқаси

Сулувкўзойимнинг шарпаси кўринади. Шарпа Соҳибқирон билан бироз сухбат куриб, сўнг қоронгулика сингиб кетади. Шундан сўнг бу фожеанинг қандай содир бўлганлиги қаламга олинади. Соҳибқирон Ийлдирим Боязид билан бўлдиган ва ҳали куриб битирилмаган жомеъ масжидининг битирилишини шу рафиқаси зиммасига топширади. Фожеанинг тугани худди ана шу ердан бошланади. Бу қадар эътибор олтмиш ёшларда бўлган ҳарам бекаси, Соҳибқиронинг хотиниларидан бири Биби Сардорнинг рашкини келтиради. У ҳайратда: "Масжиди жомеънинг қурилишини она сути оғзидан кетмаган шул норасида гўдаккя юкладингиз? Қириқ йил садоқати зоҳир чўрингзис туриб... Қориган чоғда бу не ҳақорат?", дейди аlamдан қовирилиб. Шу ондан Сулувкўз ҳаётининг қора кунлари битила бошланади. Соҳибқирон жангга жўнагач, сарой фитначилари ва Биби Сардор бошлиқ ғийбатчилар жоме масжиди меъмори ва Сулувкўз орасида ишқ - муҳаббат борлиги тўгрисида тухмат гаплар тарқатадилар. Ҳамма Сулувкўзга нафрат билан қарай бошлайди. Сулувкўз ҳалқ ва Соҳибқирон олдида ўзини оқлашини бехуда деб билади, бу иш қўлидан келмайди деб ўйлади ва ўзини сарой деразасидан ташлайди. Соҳибқирон ўлимни олдидан шу воқеаларни эслайди, Сулувкўз "мен тамонга ҳали шошилманг, бу дунёда сизнинг қиласиган ишингиз ҳали кўп", деса ҳам, унинг дийдорига ошиқади. Жони танасини тарқ этадиган фурсатлар яқинлашётганини, эшик олдида турган набиралари ва мулозэмларини чақиради. Валиаҳд этиб набираси Пирмуҳаммадни тайнинлади ва шундай пурмично фикрларни изхор этади: "давлат ҳар қанча мустаҳкам бўлмасун, унинг томирига болта урадиган уч хатар бор: бирламчи - ўзаро ноаҳиллик, иккиламчи - жаҳолат, учламчи - тарафкашлик..." Жаҳонгир ана шу уч нарсадан эҳтиёт бўлишини сўрайди. Аслида булар Соҳибқироннинг авлодларга қиласа, хоҳ фарзандларим бўлсин, хоҳ саркардаларим - қарғишимга мубтало бўладур", - дея ҳитоб қиласи. Гарчанд унинг ёнида турган аёну саркардалар бул васиятингиз тоабат ёдимида туради", деб сўз берсалар-да, кейинчалик ўз сўзларида турмайдилар.

"Авлодларга васият" тарихий драмаси улуғ Соҳибқироннинг бутун умри давомида ўзи англаб етган ҳақиқатлар ҳақидаги буюк икрорнинг бадиий ифодасидир. Унда буюк бобокалонимизнинг улкан салоҳияти ва донолиги ўзига хос тарзда акс этган.

"ХАЙРАТУЛ-АБРОР" ҲАЙРАТЛАРИ

Атаниязова М., тадқиқотчи (ЎзМУ)

Олим Шарафиддиновнинг "Алишер Навоий" монографиясида "Хамса" достонлари таҳлил қилинган. Олим Шарафиддинов "Хайратул-аброр" достонини талқин қилар экан, дастлаб асарнинг насрый баёнига қисқача тұхталади. Достоннинг тузилиши, унда қalamга олинған мавзунинг мазмун-моҳиятини талқин қиласы. Сўз таърифи ва унинг маъно муносабати ҳақида гапирганды Навоийнинг сўзга бўлган муносабатида сўз санъатининг моҳияти, ўрни тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топғанлиги айтилади. (Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. Иккинчи нашри. - Т.: 1971. - Б. 104.)

Достонда Навоий ўз адабий-танқидий ва назарий қарашларини ифодалаганида шакл ва мазмун бирлиги ҳақида ҳам тұхталиб, шакл ва мазмун ўртасига девор урмайди, балки иккиси бир-бirisiz мавжуд бўла олмаслигини таъкидлаган.

Олим Шарафиддинов талқинида достондаги III мақолатдан XX мақолатгача мавзулари кўрсатилган. Айрим мақолатлар мазмуни уч-тўрт жумла билан чегараланади. Лекин V (120-б; 122-б.), VIII (112-113-б; 121-122-б.), XV (118-119-б; 123-б.) мақолатларига алоҳида эътибор берилган. Шоир илгари сурған ғоя ва фикрларни ўз мақолатларида образлар орқали бадиий тарзда асослашга эришган.

Талқил жараёнида достонда берилган ҳикояларнинг характер хусусиятларини бериш мақсадида V, VIII, XV мақолатлар қайта таҳлилланган.

V мақолат Карам васфига бағишлиған бўлиб, унда сахийлик ва баҳиллик, исрофнинг баҳиллик билан тенг эканлигини, машхурлик учун сахийлик қилишдан баҳилликнинг афзаллигини, ахий билан сахий ҳақидаги бир қанча фикрлар ўз ифодасини топган:

Накдни гулдек доғи совурмағил,

Фунча киби доғи гириҳ урмагил.

Накд арабча сўз бўлиб, сайланған, танланған, сараланған; холис, соғ; қимматбаҳо нарсалар; оқча, нақд пул; мавжудлик каби маъноларни беради. Гириҳ форсий сўз бўлиб, тугун, чигил; чигал, бурушиқ; машақат каби маъноларда ишлатилади.³ Бу ерда ўхшатиш санъатидан фойдаланилган, шоир қарашича мавжуд нарсангни фунча каби яшириш, қизганиш ёки фунчанинг гулга айланиб очилгани ва шамолда совурилгани каби бойликни бекорга совуриш яхши эмас. Олим Шарафиддинов мақолат охирида Ҳотам Той билан ўтинчи чол ҳикояси дикқатга сазоворлигини, бу ҳикоятда Навоий қари ўтинчининг ажойиб образини яратғанлигини таъкидлайди. VIII мақолатнинг вафо ва дўстлик ҳақида ёзилғанлиги ҳаммамизга маълум. Олим Шарафиддинов таҳлилида достонда асар характеристидан келиб чиқсан ҳолда шоир ўз фикрларини хилма-хил тасвир воситаларидан, мураккаб ўхшатиш-

лардан фойдаланганлигини, табиат ва турмушдаги воқеаларни тасвирлаш орқали тушунчанинг мазмунини бутун деталлари билан очиб берганлигини мисоллар билан таҳлил қиласи. Даилиллар сифатида ҳазрат Навоий мақол, афоризмлардан фойдаланган. Мисол тариқасида V мақолатдаги сахиийлик ва баҳиллик тӯғрисидаги парча келтирилади. Мақолатда риёкорлик, очкӯзлик, хушомадгўйлик каби ярамас иллатлар танқид қилинади:

Ёяр анга суфраки ул оч эмас,
Берур анга тұнки яланғоч эмас.

Шунингдек, Олим Шарафиддинов дикқатини тортган яна бир мақолат майхўрнинг ташқи ва психологик тасвири берилган XV мақолатdir. Навоий мастнинг образини усталик билан яратган, дастлаб унинг разил ахволини, унинг тубан кечинмаларини тасвирлайди. Кейин майнинг инсонни қандай қилиб бу ахволга солиши баён қилиниб, май худди, сел каби киши үйини, яни ақл ва виждонини ҳароб қиласи, дейди. Шоир бу тасвирларда тазод санъатидан ҳам фойдаланган, яни майни сувга ўхшатиб, уни олов (ақл чироғи) билан қарама-қарши қўяди:

Машъал ўтиға сув агар бир аёғ,
Кўйса ўчар, кўрки не бўлгай чарог.

Хулоса тариқасида, Олим Шарафиддинов бундай восита ва приёмларда шоирнинг тугаллик, тадрижийлик, мотивланганлик, классик аникликка интилиши очиқ ифодалангангини кўрсатиб ўтади. Ҳамда "Ҳайрату-л-абброр"нинг бадиий хусусиятларини кенг таҳлил қилиш нияти бўлмаганлиги сабабли айрим изоҳлар билан чегараланган.

Олим Шарафиддинов таҳлилга тортган мисоллар ҳозирги таълимтарбия жараёнида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Негаки, Навоий асарларини таҳлил қиласи эканмиз, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари мұҳокамаси жараёнида одам ва олам сирларидан воқиғ бўла борамиз. Қаҳрамонлар тимсолида ўзлигимизни англай оламиз, ўзлигимизни англаш орқали мустақил нуқтаи назарга эга бўламиз. Бунинг натижасида инсон кимгадир ёки нимагадир кўркуона эргашмайди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Биз бу бебаҳо меросдан (Навоий асарларидан - таъкид бизни) халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик кудратли маърифий куролга эга бўламиз".

BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA ADABIYOTNING O'RNI

Tursunqulova Sh., o'qituvchi,
(Namangan, 18- muktab)

Ma'lumki, bu yil "Barkamol avlod yili" deb nomlandi. Shunday ekan, barkamol avlodni komil inson qilib tarbiyalash biz pedagoglarni asosiy

vazifamizdir. Xo'sh, komil inson g'oyasini qanday tushunish mumkin? Komil inson-bu o'z ongi va qalbiga faqat ezgulikka undaydigan oljanob g'oyalarnigina singdirgan, millatimizning buyuk hamda o'lmas g'oyalarini o'zining e'tiqodiga aylantira olgan, eng yuksak ma'naviyatga, jismoniy mukammallikka erishgan insondir. Komilik - mehr-muruvvat, adolat, to'g'rilik, vijdon, or-nomus, iroda, tadbirkorlik, matonat kabi ko'plab asl insoniy xislat va fazilatlarning majmuidir deyish o'rni.

Qisqacha qilib aytganda, komil inson-bu qullik, mutelik, boqimandalikdan batamom xalos bo'lgan inson. Agar inson birovga ergashsa, demak ijtimoiy jihatdan u hech narsaga erishmagan bo'ladi. Komil inson albatta o'z maslagi, Vatani, xalqi manfaatlariga yot, zararli g'oyalarni tarqatayotgan kimsalar ortidan ko'r-ko'rona ergashib ketavermaydi, ogoh va faoldir. Demak, bu o'rinda ota-onva maktab, jamoatchilikning bola tarbiyasidagi o'zaro jiddiy hamkorligi vorislarmizni komil inson qilib tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu manashu vatanda yashayotgan har bir ongli insonning doimiy birlamchi vazifasi bo'lmog'i lozim.

Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, bolalar tarbiyasida "Adabiyot" fanining imkoniyatlari keng. Chunki, bugungi kunda noan'anaviy dars usuilaridan foydalanib DTS talablari asosida adabiyot o'qitishning bosh maqsadi o'tkir hissiyoti, axloqan barkamol, iymonli, aqlan yetuk, e'tiqodli, yuksak didli, ma'suliyatli komil shaxsning ma'naviy dunyosini shakillantirishdan iborat.

Bola chaqaloqligidayoq unga "Alla" aytamiz. Onalar bolaga alla aytayotganda o'z orzu - umidlarini, pokiza niyatlarini singdirib, farzandini kelajakda aqli, sog'lom, halol inson bo'lishlarini tangridan tilab alla aytadilar. Biz bola tarbiyasini alladan boshlaymiz. Bola bog'chaga borganda esa, tarbiyachilar tomonidan ertaklar aytib beriladi. Masalan: "Zumrad va Qimmat" ertagini eshitgan har bir bolada Zumradga achinish hissi bilan bir qatorda unga o'xshash xavasi ham uyg'onadi. Qimmat kabi dangasa, qo'pol, badjaxil bo'lishni xohlamaydilar.

Bizga ma'lumki, 5-sinf adabiyot darsligida mavzular quyidagi ruknlarga bo'lingan:

1. Hikmatlar durdonasi
2. Ertaklarning sehrli olami
3. Afsonalar sadosi
4. Mumtoz adabiyotga sayohat
5. Bolalikning beg'ubor olami
6. Vatanni sevmoq iymondandir

Hikmatlar durdonasi ruknida "Maqollar", "Ibratli hikoyatlar", "Imom al Buxoriy hadislari", "Konfutsiy hikmatlari" kabi mavzular o'rinni olgan. Bu mavzular orqali o'quvchilar qalbida ezgu fazilatlar uyg'otiladi. Maqollar, hadislari orqali halollikka, rostgo'ylikka, mehnatsevarlikka va vatanni sevishga, uni qadrlashga o'rgatamiz. Bu o'rinda "Maqollar sabog'i" musobaqasidan foydalanish mumkin.

O'tkir Hoshimovning "Dunyoning ishlari" asaridagi "Alla", "Iltijo", "Gilam

paypoq" hikoyalari o'quvchilar qalbida ota - onaga muhabbat tuyg'ularini uyg'otadi. Bu asarlar orqali onalarning muqaddas zot ekanligi , ularni farzandlari uchun har narsaga tayyor ekanligini , shuning uchun farzandlar onalar o'tkandan keyin emas, balki ular omon ekanligida asrash kerakligini o'rghanadilar.

"Iltijo" hikoyasida qabr tepasida aytilgan qalb so'zлari o'quychilarning murg'ak qalblarida mehr va qadr tuyg'ularini uyg'otadi.

Onalarning oyog' ostidadir

Ravzai jannatu junon bog'i

Ravza bog'i visolin istar esang

Bo'l onaning ayog'i tufrog'i

Mumtoz adabiyotga nazar tashlaydigan bo'lsak gunohsizlar maskani bo'lmish - Jannatni onalaming ayog'i ostida ko'rgan Navoiy jannat bog'ini qo'msash hojatsiz ekanligini , chunki " Onaning ayog'i tufrog'i " bo'lgan odam - o'sha bog'ning visoliga yetishadi deydi va "Hayratul abror " da esa

Boshni fido ayla , ato qoshig'a

Jismni qil sadqa ano boshig'a , -

deya bu ikki zotning rizosiga yetishmoqni nasihat etadi. Buni bolaga o'rgatishda bizga FSMU texnologiyasi yordam beradi .

Bobur ruboiyalarini o'rganish borasida esa ular Vatandan judolik azobi, unga etisholmaslik iktiroblarini tushunadilar . Kobulni Hindistonni bosib olgan Bobur garchi shoh bo'lsada hech bir yurtni "o'z yer " iga o'xshatolmaydi.

Bu ruboiyalar o'quvchilar qalbida Vatanga muhabbat uyg'otadi.

8-sinf adabiyot darsligida Muhammad Yusuf ijodi mazmunli berilgan. Muhammad Yusuf so'zi bilan aytganda olmosdan ham keskir shamshirlarini qo'liga olib , tuproqni to'shak bilib , ot egarini boshlariga bolish qilib Jaloliddin kabi jahongashta bo'lib, umrlarining yarmini tog'u toshda o'tkazgan , ko'kraklarini qo'rg'oshinga qalqon qilib , shu yurt uchun shu zamin uchun jonlarini fido etgan bobolarimiz haqqi - hurmati Vatanimizni jon qadar asramog'imiz lozimligini organadilar. Diyormizni ko'm - ko'k dalalari - yu, beozor kapalaklari, o'pay desa peshonasi yo'q qizg'ldoqlari - yu, ko'zi to'la yosh jayronlari, ariq bo'yidagi yalpizlari bilan sevishni o'rganadilar. Bu o'rinda o'qituvchi "Tarmoqlar" (klaster) metodini qo'llasa maqsadga osonroq erishadi.

Ko'ringanni duolar

Qilar bizda momolar.

G'animga ham omonlik ,

Tilar bizda momolar.

Momolar har joyda bor ,

Bizda bori qayda bor?..

Bu she'rlari orqali o'quvchilar qalbida milliy g'urur uyg'onadi.

УСМОН АЗИМ ИЖОДИДА ТАСВИР ОБЪЕКТИ

Холиков О., талаба (ТДПУ)

Инсон тирик мавжудотлар ичидә энг мураккаб ҳисобланади. Инсон дүнёга келар экан, табиатнинг хилма-хил, тақорланмайдиган ҳамда, аксинча, бир-бирига муштарак бўлган санъат дурдоналарининг ўшаш ва айро жиҳатларини англаш боради. Улар орқали фикр доираси, онги, шуури такомиллашиб, сайқалланиб бир қолипда шаклланади.

Инсон, бу гаройиб гўзаликларнинг шаклу -шамойилини кўнгил атальмиш нозик гулшаннинг бир нуқтасида жамлаб, янги foя, янги тасвир обьектини яратади. Модомики шундай экан, инсон-санъат ва адабиётнинг бош премети, яъни тасвир обьекти саналади (Т.Бобоев).

Адабий асарларда инсон билан бирга тасвирланадиган энг муҳим обьектлардан бири бу табиатdir. Биз қайси ижодкорнинг ижодини кузатмайлик, барчасида табиат, замон ва макон ундаги турли воқеалар тасвирланган бўлади. Бу эса яратилган асар композициясида аниқ гоявий мақсадни ифодалаб, қаҳрамоннинг ҳарактери, хулқ атвори, ҳаракат қилаётган табиий муҳит ва воқеа ҳодисаларнинг реалигини тамиллайди.

Шеърлари ўндан зиёд тилларга таржима қилинган, Ўзбекистон халқ шоири, драматург ва носир Усмон Азимнинг ижодида табиат билан боғлиқ бўлган бир қанча тасвир йўналишини кузатишимиш мумкин. Жумладан: "Кишиги боғ", "Ёзги боғ", "Баҳорги боғ", "Куэзи боғ"(1.2.3) каби шеърлари фикримизни яқол исботлайди.

Кўкда осмондан ҳам катта foз

Кўкдан улкан куч foзни отди.

Оқ патлари тўзғиди нохос -

Дунё оппоқ патларга ботди.

Шоир юқоридаги "Кишиги боғ" Шеъридан туширилган мисрасида шундай тасвирни яратган: Кишни улкан foзга қиёслайди. Осмонни тўлдириб ёғаётган қор эса улкан foзнинг оппоқ патларига ўхшатида. Бу шеърни ўқиган ўқувчининг кўз ўнгидаги қишининг беғубор табиати шаклланади.

Қизғалдоклар гулханига

Иsingани кетдим мен.

Гулханнинг энг улканига

Ўлмай туриб етдим мен.

Бу оловда эриб оқди

Ёниб оқди муз жиссим.

Фамларимни баҳор ёқди

Юрагим тилсим-тилсим!

Эътибор беринг: шоир, бу "Баҳорги боғ" шеъридан келтирилган мисолда, баҳор фаслига аниқ ва ёрқин бўлган тасвир обьектини қўллай билган. Қизғалдокнинг қизиллигини гулханга, гулхан бўлганда ҳам ўлкан гулханга ўхшатади. Қишининг совуқ, қаҳрли кунларидан эсон-омон чи-

қиб етиб келганилигини...Музлаган жисмим бу оловда эриди. Унга қүшилиб ғамларим ҳам ёнди. Натижада, ғам-андух, гиналардан заррача қолмаган юрагим, сирли яьни тилсимили бўлиб қолди,-дейди.

Ариқ бўлдим сой боғларида

Тонгда ювдим қиёкларини.

Ёз ўлтирди қирғоқларимга-

Осильтириб оёқларини.

"Ёзги боф" шеърида, ёзниңг инсонга хузур бағишлайдиган, ҳавосини унинг табиатида, қучогида шарқироқ сой бўлдим. Менинг қирғоқларимга оёқларини осильтириб, ёз ўлтирди. Бу билан шоир тасвир объектини маромига етказиб куйлаган. Яьни: ариқларнинг қирғоғида чаман-чаман очилган гулларда ёзниңг ифорини, сувниңг остида чайқалиб турган ўсимлик илдизларини эса ёзниңг оёғига нисбат берган.

Бир барг ҳаётдан жимгина битди

Мангут кетди бир мажоз наво.

Оллоҳ, мени бунча титратди

Барг учганда уйғонган ҳаво.

Шоир, "Кузги боф" шерий тўпламига киритилган шеърларида кузнинг ўзига гос зийнатлари ҳакида, тўлқинланиб ёзган. Юқоридаги куз шеърида тасвир объектини шу қадар теран тасвирилаганки, шеърни ўқиган ўқувчининг эти жимирилаб кетади. Бу шеърда биргина қаҳрамон барг. Унинг узилиши, ҳаётни тарк этиши, шоирнинг қалбида аллақандай титрок, ҳаяжон ўйғотади. Аслида шоирларнинг ёзган шеърларининг ҳар бир қаҳрамони ортида инсон, яьни инсоннинг қисмати, матонати, сабр-иродаси ётади.

Инсон катта йўлга чиқсан йўловчи. Вақт келиб, хоҳлаймизми йўқми, умр йўлимиз тугайди. Ўшанда...Келинг, бу борада ҳам, шоирнинг тасвир объекти қай даражада қўллаганлигини кузатамиз.

Мен шундай яралдим:

Сумбатим эгри

Гулим қалбларга солмас ҳаяжон.

Мевамга ҳеч кимнинг тушмаган меҳри,

Баргим- чумолига бўлмас соёбон.

Алвидо! Мен энди мақсаддага етдим,
Боғдошлар, сўнг мени кузатинг, қани...

Мен ўтин бўлгани ўзлаттга кетдим

Мен кетдим, дўстларим, олов бўлгани!

Шундай экан, ҳар бир инсон ҳаёти давомида умрнинг ғаниматлигини, ўткинчилигини билиб, қўлидан келганча эзгу амалларни бажариб, фақаттинга ортидан яхши ном қолдирсагина унинг бу ҳаётдаги ўрни самарали ўтганига амин бўламиз. Инсоннинг ҳаётдаги тасвир объекти ҳам ана шунда.

**XALQ OG`ZAKI IJODI NAMUNALARINI O`QITISH ORQALI
O`QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISH YO`LLARI**
Suyunova H., o`qituvchi (NavDPI)

Zamon taraqqiyashib borayotgan bir paytda, ta`lim sohasida ham ancha rivojlanishlar ilgari surilmoqda. O`qituvchi o`z vazifasini samarali bajarishda o`tiladigan darslarga alohida e'tibor qaratishni talab qiladi. Buning uchun avalo, darslarda o`quvchilar faolligiga erishish lozim. Ingliz tili darslarida o`quvchilarning bilish faoliyatini faollshtirish avvalo fanni chuqur o`rganishga bo`lgan ehtiyojini tarbiyalash, ularda tilga nisbatan kuchli qiziqishni vujudga keltirish, darsda har ikkala sub`ekt- o`qituvchi va o`quvchilarning maqsadga muvofiq keladigan faoliyatini tashkil etish, o`quvchilarda til materiallarni chuqur o`rganish uchun zarur bo`lgan o`quv malakalarini shakllantirish kabi qator dalillar bilan chambarchas bog`langan.

O`qituvchidan ta`lim sohasi juda izlanuvchanlikni talab etadi. O`quvchilarning o`quv-biluv faoliyatini faollshtirishda o`qituvchining darsni qanday tashkil qilish uslubiga ko`proq borib taqaladi.

Jumladan, ta`lim jarayonida qollaniladigan xalq og`zaki ijodi namumalaridan ertaklar, maqollar, masallar, she'r va topishmoqlar o`quvchilarni dars jarayonida zeriktirishdan saqlaydi, ularning mustaqil aqliy faoliyat ko`rsatishlarini ta'minlaydi. Masalan: 5-6 sinflar uchun mo`ljallangan maqollar ustida toxtaladigan bo`lsak, bu maqollarni o`qib bolalarning ijodiy fikrlash qobiliyatları rivojlanadi, darsga bo`lgan qiziqishlari yanada ortadi. O`quvchilarni fikrlashga, izlanishga undaydi. U o`quvchidan ta`sir etishni va darsda faol faoliyat ko`rsatishni talab etadi. Ana shu nuqtai nazardan ham darslarda xalq og`zaki ijodidan foydalanish ham ta`lim mazmunining muayyan bir bo`lagini tashkil etadi. Beriladigan o`zbek va qardosh mamlakatlarning ertaklari, maqollari o`quvchilarning nutqini o`stirish, tushuncha va tasavvurlarini boyitishga xizmat qiladigan materiallar hisoblanadi. Bolalar ertak va maqollarni o`qib o`rganar ekanlar, ulardagи ijobiy qahramonlarning ajoyib fazilatlariga taqlid qiladilar. Ular so`zlarining sodda va ravonligi mazmunining bolalar ongi va tushunchasiga mosligi o`quvchilarni chiroyli so`zlashga o`rgatishda, xotirasini rivojlantirishda xizmat qiladi. Darslarda xalq og`zaki ijodini o`rganishni tashkil qilish orqali ko`zlangan maqsadga erishish o`qituvchidan diqqat bilan ishlashni, darslarni qiziqarli va samarali yo'sinda tashkil qilib vaqtadan unumli foydalanishni talab qiladi. Yuqorida aytilgan fikrlardan kelib chiqqan holda quyida bir nechta maqollardan namuna keltiramiz:

- Promise little, but do much.(kam va'da ber ko`p ish qil)
- It is never too late to learn.(O`qib o`rganishning hech qachon kechi bo`lmaydi)
- Actions speak louder than words.(So`ziga emas, ishiga boq)
- What is done cannot be undone.(O`tgan ishga salavot)
- First think than speak.(Avval o`yla keyin so`yla)

Yuqorida berilgan maqollar orqali o`qituvchi o`quvchilarga ularni fikrashga undaydigan bir qancha topshirqlar beradi. Masalan: 1Find the new words. Make up more sentences with these proverbs. 3Give your own opinions. O`quvchilar ushbu savollarga javob topish uchun izlanadilar va shu orqali ularning fikrash qobiliyatlari ortadi. Quyidagi topishmoqlar orqali ham o`uvchilar faolligini oshirish mumkin. Bunda o`quvchilar guruhlarga bo`linib bir-birlariga topishmoq aytadilar, javob topa olmagan guruh mag`lub sanaladi:

- It's white and cold and sweet.
- All the children like it (Ice-cream)
- Five sons with one name. (fingers)
- What month has 28 days? (February)

Two brothers but they don't see each other(Eyes)

Shunday qilib, ingliz tili darslarini xalq og`zaki namunalari asosida tashkil qilish, o`quvchilarning til materialiga bo`lgan qiziqishini kuchaytiradi; tilning murakkab hodisalarini tushunishni ancha yengillashtiradi; o`quvchilarning birlashtirish jamoa bo`lib faoliyat ko`rsatishlarini ta'minlaydi; ularda bilimdonlik, topqorlik va tezkorlikni ta'minlashga yordam beradi. Bu esa ingliz tili darslarida o`quvchilarning o`quv-biluv faoliyatini faollashtirish vositasi bo`lib xizmat qiladi.

АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

УЗВИЙЛИК МАСАЛАСИ

Сатторова М., ўқитувчи (НавДПИ)

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида амалга оширилаб ётган ислоҳотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаб етиштиришга йўналтирилгандир. Бу жараёнда таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, бу борада самарадорликка эришиш, шунингдек, юксак малака, педагогик маҳорат ҳамда чукур мутахассислик билимларига эга бўлган педагог кадрлар билан таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор берилмоқда.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида адабий узвийликни амалга ошириш долзарб муаммо бўлиб турибди. Буни амалга ошириш учун таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, уни адабий жараёнда қўллай олиш қобилиятини юксалтириш лозим деб хисоблаймиз. Бугунги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотларда, педагогик адабиётларда "узвийлик"нинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида турлича фикрлар билдирилади. Биз-нинг фикримизча узвийлик - бу таълим турлари, фанлараро ва мавзулараро ўзаро боғлиқлик ва муносабатларнинг тўғри ўрнатилишини таъминлашдан иборатdir.

Биз 5-7-синф адабиёт дарсликларида адабий асарлардан олингандар парчалар, шоир ва ёзувчилар ҳаёти, уларнинг асарларини ўрганиш зарурлиги, таълим мазмунни учун танланган адабий материаллар тавсифи ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки мактаблардаги адабиёт дарслари учун мўлжалланаидиган адабий асарлар ва улардан олинадиган парчаларга нисбатан бир қатор талаблар қўйилди. Хусусан бадиий асар ёки шеърларни танлаш қўйидагича амалга оширилади:

1. Танланадиган асарларнинг мазмун хусусиятлари.
2. Ўқув йили бўйича режалаштирилган асарлар миқдори.
3. Ажратилган парчалар бетакрорлиги ва ҳажми.

Танланадиган асарлар мазмун жиҳатдан ўқувчиларнинг ўзбек халқи ҳаёти ва тафаккур тарзини яқиндан билиб олишларига, орзу - ўйлари қалбан ҳис қилишларига ёрдам бериш ва айни пайтда ҳаётний тажрибаларини ҳам орттириши лозим. Маълумки ўзбекларнинг ҳаёт тарзида бошқа миллат вакилларининг ҳаёт тарзида фарқ қиласиган жиҳатлари мавжуд. Шунга кўра ўқитувчи ўқувчига бадиий асарлар асосида ўзбек халқининг ҳаёти, урфодат ва удумлари ва удумлар ҳақида маълумот бериши зарур.

Мактаб дарсликлари учун танланадиган асарлар синфлараро такрорланмаган ҳолда узвийликка эга бўлиши лозим.

2007-йилда нашр қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган 5-синф "Адабиёт" дарслигига ўзбек диёрини матҳ этувчи ахлоқий-маърифий мазмундаги бир қатор адабий материаллар жой олган бўлиб, жумладан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг "Хайрат ул-аброр" достонидан парчалар, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг ҳаёти, айрим шеърларидан парчалар, Миртемир ижодидан намуналар, Усмон Носир ижоди, Ҳ.Олимжон, А.Қодирий каби улуғ шоир ва ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижодлари ёриитб берилган.

Таълим тизимининг кейинги босқичларида ҳам шоир, ёзувчиларимиз ҳақидаги материаллар такомиллашиб, узвийликни амалга оширишга хизмат қиласиди дейиш мумкин.

Чунончи, 2005-йилда нашр этилган 7-синф учун "Адабиёт" дарслигига ҳам юқоридаги келтирилган шоир ва ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижоди киритилган.

Масалан, 5-синф дарслигидан ўқувчи А.Қодирийнинг ҳаётний фаолияти ва "Улоқда" ҳикояси билан танишса, 7-синф "Адабиёт" дарслигидан ўқувчи шу ёзувчи ҳақида яна батафсилроқ танишиб, унинг "Мехробдан чаён" романиидан олингандар парчани ўқишга мусассар бўлади. Агар 6-синф адабиёт дарслигига ҳам А.Қодирий ижодидан намуна келтирилса, синфлараро узвийлик амалга ошиб боради деб ҳисоблаш мумкин.

БЕГУБОР ҚАЛБ АРДОГИ

Абдуллаева Н., ўқитувчи (Намду)

Бошлангич синф ўқувчилари ёшига мос ҳаракатчан, ўйинқароқ, дикқати тарқоқ, кузатувчан ва ўйлаган фикрларини тезда баён қилишга мойил бўладилар. Уларнинг сабрсизлиги дарс жараёнида билимларини ўзлаштиришдаги "тезкорлиги"га баъзан ижобий таъсир кўрсатади. Айни ҳолат ўқувчилар ёш хусусиятларини таълим-тарбия самародорлигини таъминлашга йўналтириш лозим, деган гояни келтириб чиқаради. Бошлангич синфларда ўқувчилар дикқатини тарбиялаш, уларга хос ҳаракатчанлик, топқирлик, сабрсизлик каби хусусиятлардан мустақил ўқиши ташкил этишда фойдаланишга жазм этдик. Кудрат Хикмат, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Кавсар Турдиева каби қатор болалар адабиёти намоёндалари ижоди намуналарини ўқишига тавсия қилдик. Бу шоирлар болаларнинг беғубор қалбини ардоқлаш, Ватан туйғусини англатиш, юртга муҳаббат ҳисларини уйғотишга хизмат қилувчи ашъорлари билан биз кўзлаган мақсад йўлини тайин этдилар.

Беғубор, содда қалб эгалари учун шоир Т.Адашбоевнинг "Софиниш" шеъри foят мароқли:

Куни билан,
Туни билан
Ёмғир эзиб ёғади.
Булутларни табиат
Эринмасдан соғади.

Кўча-кўйлар ялтирас,
Тухумдайин арчилиб.
Кўкнинг туви тешилганми,
Томчи тушар янчилиб.

Шеърда ёмғир ёғиши манзараси бола тасаввурicha, болага хос фикрлаш тарзига монанд образлиликни пайдо қилган. "Кўкнинг туви тешилганми" мисраси бола тасаввурларидан туғилган "кашфиёт". Баҳор ёмғирининг ерини ийдириши, "яшил чакмон кийдириши" бола кўз ўнгидаги олам манзаралари ранг-баранг, доимий ҳаракатда эканини кузатиб, ҳис қилиши натижаси сифатида қабул қилинади.

"Шоир Ватан баҳори, ёзи, кузи, қиши тасвирига қалб-қўрини бағишлиайди, - деб ёзади адабиётшунос Б.Ашурров, - чунки шоирга ватаннинг жазира мақсади мисраси бола тасаввурларидан туғилган "кашфиёт". Баҳор ёмғирининг ерини ийдириши, "яшил чакмон кийдириши" бола кўз ўнгидаги олам манзаралари ранг-баранг, доимий ҳаракатда эканини кузатиб, ҳис қилиши натижаси сифатида қабул қилинади... Шоир уларнинг ҳар биридан беҳисоб гўзаллик топади... Ёш китобхон қалбига ўша гўзалликни жойлаштиради; китобхонларда гўзалликни ҳис қилиш, қадрлаш ва гўзалликка муносиб гўзларни кузатиб, ҳис қилиши натижаси сифатида қабул қилинади".

Дарҳақиқат, Т.Адашбоевнинг "Баҳор келгач", "Бойчечак", "Дур сочилди тоғларга", "Мушак", "Булултар йиғлар", "Дўл" каби талай шеърлари ёш китобхонларни гўзаликка ошно қилади, гўзаллик рамзлари қатига яширинган маъноларни уқишга йўллади.

Бошлангич синфларда таълим олувчи ўкувчилар ўз ҳаёлпарамастлиги билан ажралиб турдилар. Савол беришдан тұхтамайдилар. "Менинг саволим" шеъри марказидаги лирик қаҳрамон ҳам ана шундай болакай.

Ўйлаб қолдим кўрпадан,

Туриб-турмай уйғониб.

Тун не учун қоронғу?

Кундуз нега ёп-ёруғ?

- дея ўз ҳаёлларида жонланган, жумбокли туолган ҳолатлар ҳақида ўйлади, савол беради. Шоир шеърлари марказини ташкил қилувчи муайян ҳодиса бола дунёсига кўчиб, ранг-баранг ҳолатларни, ўй-мушоҳадани кўзгайди, кўндаланг бўлган муаммо ҳақида ўйлатади. Шу боис "Уч бўталоқ ва сирли қовоқ", "Олтин ёlli тулпор қиссанаси"ни ўқиганда болалар нигоҳидан ёниклик ҳис қилинади, порлаб турган кўзлари тизгинсиз ҳаёллари, тасаввурлар олами ҳаракатга келганини англатади.

"Бизнинг эртакларда лоф жуда кенг қўлланади, - деб ёзади Т.Адашбоев, - бола фантазияни, ҳаёл сурини яхши кўради. Масалан, чумолилар йиғилиб, мажлис қуришди, бир, икки, уч деб тегирмон тошини кўтаришди, дейилади бир шеърда. Бола буни бемалол тасаввур қилади, аслида чумолиларнинг тегирмон тошини кўтаришлари - лоф. Лекин бола учун жуда қизиқ. Мухими, бирлашганда чумолилар ҳам жуда катта кучга айланиши лоф орқали унинг онгига сингаяпти. Бу ерда бола воқеага чумолининг кўзи билан қарайапти. Ёки мана бир шеърдан: "Пойга завқин сургани, тақалатдим бургани..." Аслида "бургани тақалатиб" бўладими? Шеърдаги муболага дарҳақиқат болани ўйлашга, фантазия қилишга, буларнинг баридан муайян хulosса чиқаришга ўргатади. Демак, синфдан ташқари ўқиш дарсларида болалар адабиёти намуналари воситасида беғубор қалбларни ардоқлашга эришиш мумкин.

Болалар адабиёти намуналари ичida сюжетли шеърлар анчагина. Ёш китобхонлар хилма-хил воқеалар тафсилотига ниҳоятда ўч бўлишади. Эртаклар, сюжетли воқеалар уларнинг жону дили. Ўкувчиларнинг айни хусусиятлари сюжетли шеърларни мароқ билан ўқишлиарида янада яққол кўзга ташланади. "Шанбалик", "Арқитда" шеърларида нафакат гўзал табиат манзаралари, балки, катталарга ёрдам беришга шайланган болалар руҳияти таъсиран тасвирланган. Бу каби шеърлар ўкувчиларда катталарга ҳавас, яратувчанликка интилиш, она юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

ИФОДАЛИ ЎКИШ ВА МАЬНАВИЙ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ

Лутфиддинова Р., ўқитувчи (НамДУ)

Бошлангич синфлардаги ўқиш дарсларининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатишdir.

Ифодали ўқиш мактаб шароитида бадий ўқиш санъати ибтидоси ҳисобланиб, унинг методикаси ўқиш назариясига асосланади. Ўқувчилар ўз имкониятларига яраша ўқиш санъатини эгаллаб боришлири кўзда тутилади.

Бадий ўқиш санъатининг мохияти адабий асарни оғзаки бадий ифодалаш, асар муаллифининг мақсади, асар фояси ва ундаги образлар билан яхши танишган ҳолда воқейлик ва ҳолатини тингловчига жонли қилиб етказа олишидан иборатdir.

Асар тингловчисига етказиш учун ўқиётган кишининг ўзи уни тўлақонли ҳис эта билиши, ўзи таъсирланиб, ҳаяжон билан ўқиши, тингловчига ҳам ўз эҳтиросларини "уқтира" олиши даркор.

Ифодали ўқиш - дона-дона ва таъсирчан ўқишидир. Асадан илк таъсирланиш бадий асарнинг хусусияти, унда илгари сурилган фоя ва образлар ҳақида фикрлатиш омили ҳисобланади. Ёзувчи тафаккурини, бадий оламини тушунишда ифодали ўқиш катта аҳамиятга эга. Бу усул воситасида асар руҳи ҳис қилинади, таъсир қуввати фикр ва туйгуларни ҳаракатга келтиради.

Матн мазмунини ҳақиқий ҳолатда тингловчига етказа олиш ифодали ўқиш методикасининг асосидир. Ўқувчилар матнни ўқиб, муаллифтасвирлаган ҳаётий воқеаларни сўз билан тасвирлашга интилсалар, тингловчилар ҳам асардаги воқеа-ҳодисалар мазмунини англаб ҳаётий хуносалар чиқарадилар, образларга нисбатан ҳамдардга айланадилар, инсонни тушунишга ўрганадилар. Асадаги инсон тасвирини, ҳаёт ҳақиқатини англаш ўқувчини мустақил ҳаётга, қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Асарни ифодали ўқиш учун унинг фоясини чукур англаш ва таъсирли етказишни билиш зарур. Ҳақиқий ўқиш орқали ўқувчилар асар мазмунига тушунибгина қолмай, ундаги воқеа ҳодисаларни ўз бошларидан кечираётгандай тасаввур ҳосил қиласидилар, ундаги ижобий ҳолатлар билан қувониб, салбий ҳолатлардан изтироб чекаш лаззатини тудидилар.

Асарни аниқ тушуниб етган ўқувчи ундаги воқеа ҳодисалар гувоҳига айланади. Натижада тингловчиларга худди ўзи кўргандай, ўзи бошидан кечиргандай воқеалар руҳи ва мохиятини етказишга ҳаракат қиласиди. Демак, ифодали ўқиш тушуниб, ҳис қилиб ўқиш, деган маънони англатади.

Маълумки, бадий асарда ҳаёт бадий образлар орқали тасвирланади. Бадий асар ўқувчи кўз олдида янги манзаралар, воқеа ва ҳодисаларни намоён қиласиди. Ана шу ҳаётнинг бир парчасини тўғри тасаввур этиш, образларни ҳис этиш асар фоясини тушунгандик белгисидир.

Адабий асарни ифодали ўқиши, бадий образларни сўз билан гавдалантириш ва асарнинг ғоявий йўналишини тўғри белгилаш асоси хисобланади.

Бадий образни ҳаққоний гавдалантириш учун ўқувчи унга ҳам муаллиф кўзи билан, ҳам ўз назари билан қарашни ўрганиши керак. Муаллиф муносабати ва унинг нуқтаи назари асардаги тасвирга, воқеалар, қаҳрамонлар образларига сингишган бўлади.

Фикрни тўғри ифодалаш ва тингловчига етказиш учун тўхтамлар (пауза)га эътибор бериш лозим. Ургу ва тўхтам матн мазмунини аниқ ва тўғри тушунишга ёрдам беради. Ўқувчининг тўғри тўхтам қилиши учун тиниш белгиларининг аҳамиятини англаши, уларга риоя қилиши лозим. Лекин айрим ҳолларда тиниш белгиси бўлмаган ўринларда тўхтам қилишга тўғри келади. Болалар узун гапларни ўқиганда, қўпинча тиниш белгиси бўлмаган ўринларда ҳам тўхтаб нафас оладилар. Натижада асар оҳангি, маъноси бузилади. Тўхтамни тўғри белгилаш учун гапдаги сўзларни маъно ифодалайдиган сўзлар гуруҳига бўлиш керак. Бинобарин, нафас олишни ҳар бир гуруҳдаги сўзлар тугашига мослаштириш зарур. Матнни нутқ бўлакларига ажратища тиниш белгилари ёрдам беради. Тиниш белгилари ҳамиша гапнинг охирига кўйилади ва тўхташ, пауза қилишни тақазо этади.

Фикрни тўғри ифодалаш учун фақат тиниш белгиларида пауза эмас, паузанинг узун-қисқалиги аҳамиятлидир. Нутқ бўлаклари бири-бири билан яқин боғлиқ бўлса, пауза қисқа бўлади ва акс ҳолатда пауза узунроқ бўлади. Паузанинг ўринсиз узун ёки қисқалиги, фикрни бузади, оҳангга зиён етказади.

Ифодали ўқища фикрни тўғри ифодалаш учун мантиқий тўхтамдан ташқари, рухий тўхтам ҳам мухим ўрин тутади. Бу тўхтам қўпинча ўқувчининг ҳис-ҳаяжони орқали ифодаланиб, гапнинг турли ўринларида бўлиши мумкин. Шунингдек, фикр ифодалашда мантиқий ургу ҳам катта аҳамиятга эга. Мантиқий ургуни нотўғри қўллаш мазмунни бузади. Бундан ташқари асар матnidаги фикрлар бир-бири билан боғлиқ бўлгани учун гапни ўқища олдинги ва кейинги гаплар мазмунини ҳам ҳисобга олиш мухим аҳамиятга эга.

Гапда бир нечта мантиқий ургу бўлиши мумкин. Чунки гапдаги, ҳар бир нутқ бўлагидаги сўзлардан бири асосий фикр ифодаловчи хисобланади. Лекин бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам бир хил тўхтам олмайди. Гапнинг қайси қисмидаги сўзлар фикр ифидаловчи асосий сўз бўлса, ўша қисмда мантиқий ургу кучли бўлади. Гапдаги хоҳланган сўз, хоҳланган бўлак ургу олиши мумкин. Мантиқий ургу қўйиш учун матнни мулоҳаза билан таҳлил қилиш керак. Акс холда фикр мазмунни бузилади. Мантиқий ургу кўйидаги қоидалар асосида қўйилади:

1. Агар гапда илгари учрамаган бирор шахс, нарса, воқеа ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилаётган бўлса, ўша шахс ёки нарсага ургу берилади.
2. Гапдаги таққосланаётган нарса ёки воқеа ургу олади.

3. Қарама қарши қўйилаётган тушунчалардан бири ургу олади.
4. Гапдаги уюшиқ бўлаклардан бири ургу олса, бу ургу бошқа бўлакларга тарқалади.

Бу қоидалар ўқувчиларга амалий ёрдам беради. Ўқувчилар муаллиф фикрни таҳлил қилиш орқали асар гоясини чукур англашларида ургуга эътибор беришлари керак.

Ифодали ўқиш машғулотларида ҳар бир гапдаги ургу ва тўхтамларни белгилаб бориш шарт эмас. Хусусан, 1-2 синфларда тузилиши оддий гаплар ўқилиши сабабли ургу ва тўхтамлар устида ишлаш талаб этилмайди.

3-4 синфларда тузилиши мураккаб матнлар ўқилганда, тўхтам ва ургулар ўрнини кўрсатиш зарурияти пайдо бўлади.

Фикр ифодалашда тиниш белгиларининг аҳамияти каттадир. Ҳар бир тиниш белгисига қараб фикрнинг шартли чегарасини ифодалаш учун овоз ўзгаради. Фикр тугаса овоз пасаяди, фикр давом этиб ривожланса, овоз кўтарилади.

Ўқишида тиниш белгиларидан тўғри фойдаланиш учун матнга дикъат билан қараш жалб этилади. Айниқса, бу масалага 1-синфдан бошлаб эътибор берилса, кўзланган мақсадга эришилади.

Фикрни аниқ ва тўғри ифодалашифодали ўқишининг мухим шартидир. Лекин бу билангина бадиий асар мазмуни етарлича очилмайди.

Ургу ва тўхтамни тўғри кўллаш матндаги сўзлар маъносини аниқ етказишига ёрдам беради. Аммо ҳолат ва ҳодисалар ҳақида маълумот бериш муаллиф фикрини тўла ифодалайди. Бунга эришиш учун ўқувчи муаллиф илгари сурган фикрни, гояни тушуниб этиши ва ҳудди муаллиф сингари асар қаҳрамонларини хис қилиши керак. Ифодали ўқишида ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга муаллиф ифодалаган гояни, фикрни аниқлашга ёрдам беришдир. Бу ишнинг самарасини ошириш учун ўқишидан кўзланган мақсадни аниқ белгилаш, яъни асар қаҳрамонларини, ундаги воқеа ҳодисаларни равshan тасаввур этишга ундаш зарур. Адабий асарни ифодали ўқиш устида ишлаш икки босиқични ўз ичига олади.

1. Ўқувчиларни матн билан танишганларидан кейинги дастлабки таҳлилни бошқариш.

2. Асарни ифодали ўқишини ташкил қилиш.

Дастлабки таҳлилнинг мақсади - асарни чукурроқ тушуниш, унга қизиқиши ортириш, ўқиш натижасида нималарни билиб олиш кераклигини таъкидлаш ва шулар натижасида ифодали ўқишини ташкил этишдир. Бошқача айтганда дастлабки таҳлилнинг асосини ўқувчиларнинг онгли, тушуниб ўқишилари асосини ташкил этади.

Дастлабки таҳлилда матндаги энг мухим ва йирик ҳодисалар ажратилиб, ўқувчиларни асарни изчилиқда ўзлаштиришларини кўзловчи режа тузиш усулидан фойдаланиш мумкин.

ИККИНЧИ ТИЛНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

АСАР ТАНЛАШ ВА МИЛЛИЙ МАЬНАВИЯТ ТАРБИЯСИ Ниёзметова Р, п.ф.д., доц. (ТДПУ)

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун бадий асарлар танлашда амал қилиш лозим бўлган принциплардан бири миллий маънавият тарбиясини назарда тутиш принципидир.

"Ўзбек тили" дарсликларида миллий маънавият тарбиясини амалга ошириш мумкин бўлган адабий матнларнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. А. Расуловнинг таъкидлашича, "Мехр-оқибат, меҳр-мурувват, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф сингари эзгу фазилатлардан юксак маънавият пайдо бўлади".

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Профессор Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек, "Юртимиз мустақилликка эришгач, таълим-тарбия тизимида асл миллий қадриятларга таяниш тобора қарор топиб бормоқда ва кўнгил тарбиясига, яъни инсон маънавиятини шакллантиришга бирламчи юмуш сифатида ёндашиш устувор бўлиб бормоқда". Миллий ғоя Ўзбекистонда яшаётган тили, дини, миллатидан қатъи назар барча фуқароларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини амалга ошириш билан боғлиқ олижаноб ниятларини, ҳаётий мақсадларини ифода этади. Ҳар ким ўзи учунгина эмас, балки Ватанни ўйлаб яшши лозим.

Адабиёт - инсон қалбига йўл топишнинг қурдатли воситаси. Миллий маънавият, миллий ғоя тарбияси нуқтаи назаридан қараганда, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун яратилган "Ўзбек тили" дарсликларидағи бадий матнлар кўп ҳам талабларга жавоб беравермайди.

3-синфда Обид Расулнинг "Кузатиш" шеъри катталарга хурмат, Йўлдош Суюновнинг "Бувижоним" шеърида меҳрибонлик акс этган.

4-синфда Оллоберган Пўлатовнинг "Ёрдамчи" шеърида катталарга ёрдам ғояси акс этган, Мекембой Омаровнинг "Она" шеъри, Неъмат Тошпўлатнинг она ҳақидаги шеърига онага чексиз ҳурмат хисси сингдирилган;

Барот Исройл "Тинчликни куйлаймиз", Йўлдош Сулаймоннинг "Тилагим" шеъри тинчликнинг аҳамиятини тараннум этади.

5-синфда М. Муродовнинг "Икки хил ёрдам" ҳикоясида катта-

ларга ёрдам бериш, шу ёрдами билан мақтансаслик ҳақида сўз боради.

7-синфда Фарҳод Мусажоновнинг "Яхшилик" шеърида ҳам катталарга ёрдам қилиб, мақтансаслик гояси илгари сурилади.

9-синфда Абдулла Ориповнинг 8 мисра шеъри Ватанинг тинчлиги, унга жон фидолик туйғуси би лан йўғрилган.

Дарслкларда ҳалоллик, поклик фазилатлари акс этган бадиий матнлар деярли учрамайди. Адолат, инсоғ сингари эзгу фазилатлар тарбиясига бағишланиши мумкин бўлган адабий матнлар ҳам йўқ даражада.

4-синфда Ҳамза Имомбердиевнинг "Томоша" шеъри телекўрсатув талашиш воқеаси акс этиб, кимнингдир ён босиши кераклиги гояси англашилади.

9-синфда П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар"асаридан берилган парчада истеъдод йўлини тўсувчи баҳиллик муаммоси кўтарилган.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун бадиий асарлардан қайсиларини танлаш зарур деган масалага қўйидагилар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда жавоб топиш мумкин:

- асар ёки асардан танланган парча ўқувчи учун ҳаёт сабоқларини бериши;
- уни миллий маънавият билан таништириши;
- миллий қадриятлардан воқиф этиши;
- ўзбек халқига хос урф-одатларни акс эттириши;
- ўзбек халқи удумлари билан таништириши;
- ўзбек халқининг орзу-ўйларига ошно этиши;
- ўзбек халқининг руҳиятига олиб кириши;
- ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилиши.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун миллий маънавият тарбияси назарда тутилган адабий матнлар танлаш ишини қайта амалга ошириш даркор.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА РАВИШДОШЛАРНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ УСУЛИГА ДОИР

Исмоилов X., доц. (ЎзДСИ)

Ҳ.Жамолхоновнинг "Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикиаси" китобида қиёслаш усулининг афзаллиги анча кенг ёритиб берилган. Мазкур ишда ана шу манбага таянган ҳолда ҳар иккала тилдаги равишдош сўз шаклини нофилологик гуруҳларда қиёсий ўрганиш ҳақида тўхтalamиз.

Рус тилида равишдошлар мажхул нисбат шаклига эга эмас, шу сабабли мажхул нисбатдаги равишдош рус тилида сифатдошнинг мажхул нисбат шакли билан ёки феълнинг ўзлик шакли билан, баъ-

зан ноаниқ шакли ва бошқа грамматик воситалар орқали берилади: Бошлиқ иш ҳажмини белгилаб, гурухга топшириди. - Начальник определив объем работ, дал задание группе.

Ўзбек тилида равишдош кўшма феъл ёки феълнинг аналитик шаклини ясашда фаол иштирок этади, бунда равишдош шакли ўзгармайди, ёрдамчи феъл сифатида эса ўтири, тур, қўй, қўр, бошла каби сўзлар қатнашади. Кўмакчи қисм, одатда, шахс-сон ва замонни ифодалайди. Рус тилида бу хилда кўшма феъл ясаш имконияти бўлмагани учун уларнинг маъноси, асосан, феълнинг тугалланган тури билан берилади: ўйлаб кўрамиз - подумаем, айтиб берди -он) рассказал, ёза бошладим - (я) начал писать, эшик очилиб кетди - дверь открылась каби.

Рус тилида баъзи феълларнинг (бить, пить, ждать, лить, петь, печь каби) тугалланмаган туридан равишдош ясалмайди. Бу феъллар олд кўмакчилар (приставкалар) билан кўлланганда, улардан равишдош ясалиши мумкин: разбив, выпив, подождав, написав каби.

Ҳар икки тилда равишдош кўшимча ҳаракатни билдириши билан бирга гапда ҳолат, пайт, сабаб, мақсад маъноларини ифодалаб келади. Ҳолат маъноси: Талаба столда ўтириб, ёзар эди. - Студент сидя за столом, писал.

Пайт маъноси: Уйга келгач, овқатландим. - Приходив домой, покушал. Сабаб маъноси: Талаба эрта туриб ҳамма топширикларни бажаришга улгурди. - Студент, встав рано, успел выполнить все поручения. Мақсад маъноси: Ҳаммамиз бу ерга ўқигани келганимиз. - Все мы приехали сюда, чтобы учиться.

Рус тилида равишдошнинг тугалланган тури ноаниқ шакл ёки ўтган замон негизига -в ёки -вш (ундошдан кейин -ши) суффиксларини кўшиш билан ясалади: проработав (проработавши) - ишлаб; взяв (взявшись) - олиб ва б.

Тугалланмаган равишдошлар эса -а ёки -я суффикслари билан ясалади: работа-я, гуля-я, нес-я, крич-а, - слыш-а каби.

Рус тилида ўзлик феълларидан (возвратные глаголы) равишдош ясашда, -ся (сь) суффикси сақланади: раздевшись, умывшись, занимаясь ва б.

Баъзи тугалланган феъллардан -а (-я) суффикси билан равишдош ясаш мумкин (суффикс содда келаси замон негизига улана-ди): прочт+я, уйд+я, закрича, услыша каби.

Ўзбек тилида равишдошлардан турли аффикслар орқали замон шаклларини, хатто сифатдош шаклларини ясаш мумкин, -а ёки -й аффикси билан ясалган равишдошлардан қуйидаги замон шакллари ясалади:

1. Ҳозирги-келаси замон: бор-а-ман (пойду), ёз-а-сиз (напиши-те).
2. Ҳозирги замон: бора-ётири (идет), келаётуб-ди (идет), ёз-а-ётирсиз (вы пиши-те).

3. Сифатдош: ёз-а-диган (пишущий), ишла-йдиган (работающий).
4. -иб (-б) аффикси билан ясалган равишдошлардан ўтган замон ҳикоя феъли ясалади: ёз-иб-миз (якобы мы писали), кел-иб-сиз (якобы вы пришли).

Икки тилда равишдошнинг синтактик вазифасида ҳам тафовутлар мавжуд. Ўзбек тилида равишдош қўшма гапда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: Институтда ўқиш тугагач, у дам олгани қишлоққа кетди.

Рус тилида эса равишдошлар гапда қўшимча ҳаракатни информалайди: Зрители стоя аплодировали артистам. Гости, побывав в историческом музее, ознакомились с историей нашего народа.

Ўзбек тилидаги баъзи равишдошлар рус тилида маълум келишикдаги от билан берилиши мумкин: Баҳор келгач, дала ишлари жонланди. - С приходом весны, оживились полевые работы.

Ўзбек тилида равишдош ясовчи куйидаги аффикслар ҳам бор: а) -гач, -кач, -қач: келгач, ёзгач, эккач, чиққач; б) -гани, -кани, -қани: ўқигани, эккани, чиққани; в) -гунча, -кунча, -қунча: келгунча, эккунча, чиққунча каби.

Ўзбек тилидаги бундай равишдошларнинг маъноси рус тилида, одатда, феълнинг ўтган ёки келаси замон шакллари ҳамда бошқа грамматик воситалар орқали берилади: Ишларни битиргач, дам оламиз. - Как только закончим работу, будем отдыхать. Кўнғироқ чалингач, студентлар аудиторияга кириши шарт. - После того как прозвенит звонок, студенты должны войти в аудиторию.

Ўзбек тилида равишдошнинг бўлишсиз шакли -ма, -май, -масдан аффикслари билан ясалади: ёзиб - ёзмай (ёзмасдан), ўқиб - ўқимай (ўқимасдан), келгач - келмагач ва ш.к. Рус тилида равишдошларнинг бўлишсиз шакли, одатда, не юкламасини қўшиш билан ясалади: Икром топшириқни бажармай (бажармасдан) уйга жўнаб кетди. - Икрам не выполнив задания, уехал домой.

Кўринадики, мазкур сўз шаклини қиёсий ўрганишда унинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таъкидланса, тил ўрганувчи талабанинг кўз олдида аниқ бир тушунча шаклланади. Бундай қиёслашдан ўзбек тилини ўрганувчи рус гурухларида ҳам, рус тилини ўрганувчи ўзбек гурухларида ҳам баробар фойдаланиш мумкин.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯСИННИНГ КЕНГАЙИШИ

Курбониёзов Г., Ф.Ф.н., доц. (НДПИ)

Қорақалпогистон худудида собиқ иттифоқ даврида ижтимоий функциялари чекланиб қолган қорақалпок тилининг тўла амал қилиши учун шароит яратиб бериш, қадимги миллий қадриятларни тиклаш, қорақалпок тили хукуқий ваколатларини химоя қилиш мақсадида унга 1989

йилнинг 1 декабрида давлат тили мақоми берилди. Натижада унинг эркин амал қилиши учун тўсиқ бўлувчи жараёнлар барҳам топди. Қорақалпоқ тилининг Республикада тўла амал қилиши, ҳаётнинг барча соҳаларида эркин кўлланиши учун маълум ҳукукий асос юратилди ва у ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида кенг кўлдан бошлади.

Мустакилликнинг кўлга киритилиши қорақалпоқ тили ҳаётида янги саҳифа очди. Қорақалпоқ халқининг олий қадрияти ва миллий ўзлигининг асосий белгиси ҳисобланган қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги мақомини қарор топтириш бўйича анча ишлар амалга оширилди. 1990 йили баҳоридан бошлаб "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан дастур ишлаб чиқилди. 2-3 йил ичida қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатида амал қилиши учун муҳим чоралар кўрилди - съездлар, қурултойлар, сессия ва конференциялар, мажлислар қорақалпоқ тилида олиб бориладиган бўлди. Иш юритишда қорақалпоқ тилининг мавқеи кўтарилиди. Оммавий ахборот воситалари: матбуот, радио, телевидениеда қорақалпоқ тилининг ҳиссаси оширилди. Олий ўкув юртларида факультетлараро кафедралар тузилди, бошқа миллатлар вакилларини қорақалпоқ тилига ўқитиши йўлга қўйилди.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонунни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича янги ташкилотлар, тузилмалар майдонга келди. Улар Республика тил ҳаётини такомиллаштирувчи муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилмалар бўлиб, булар Республика таълим маркази ва Вазирлар Кенгаши қошидаги Атамашунослик кўмитаси кабилар эди.

Республика таълим маркази ўз диққатини ўрта мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўкув юртлари учун дарсликлар, ўкув кўлланмалари юратишига қаратди. Умумтаълим мактаблари учун ўкув дастурлари ишлаб чиқилди. Унга кўра ўрта мактабларда қорақалпоқ тили ва адабиётiga ажратилган соатлар ҳафтасига икки соатга кўпайтирилди, Қорақалпоғистондаги барча мактабларга қорақалпоқ тили фан сифатида киритилди.

Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари дастурларидан Қорақалпоғистон шароити ва бу ҳудудда яшаётган халқлар тарихи, тили, миллый хусусиятларини ўргатувчи янги фанлар ўрин олди. Булар сирасига кирувчи "Қорақалпоғистон тарихи", "Одобнома", "Миллний истиқболғояси", "Маънавият асослари" каби курсларни кўрсатиш мумкин.

1990 йил 1 марта бошлаб Атамашунослик кўмитаси ишлади. У қорақалпоқ тили терминлари, республикадаги маданий-лисоний вазият ва қорақалпоқ адабий тили меъёрларини тартибга солиш билан шуғулланди. Кўмитанинг бевосита раҳбарлигига илмий-амалий конференциялар уюштирилди, мавжуд муаммолар маҳаллий матбуот, телевидение ва радиода муҳокама қилинди, шу асосда маълум тўхтамларга келинди. Шундай ишлардан бири, терминология соҳасида араб тили элементларидан фойдаланиш керакми ёки рус тили терминлари-

дан, деган масала атрофида бўлди. Охир оқибат арабча, форсча-тожикча ва русча байналмилал терминларни истеъмолга киритишда суннитеъмолга йўл қўймаслик, ўртача меъёрни саклашга қарор қилинди.

Қорақалпоқ тилининг давлат тили деб қабул қилиниши асосида ташкил қилинган ташкилотлардан бири "Билим" нашриётидир. Бу нашриёт қорақалпоқ тилида мактаблар, колледжлар, лицейлар, олий ўкув юртлари учун дарслеклар, ўкув-услубий қўлланмалар чоп этишга ихтинослашган.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда ижтимоий-сиёсий мунисабатлар, сўзлашув ва ҳар хил даражадаги мулоқотлар қорақалпоқ тилида олиб борилмоқда. Зарурят туғилган пайтларда ҳалқаро тиллардан ҳам фойдаланилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари, асосан, қорақалпоқ тилида олиб борилади, зарурати бўлганда ўзбек ва рус тилларида параллель юритилади. Кўргазмали аҳборотлар - афишалар, эълон ва рекламалар, магистрал йўллар бўйлаб қўйилган белги ва аҳборотлар, шиорлар, идоралар пештоқларидаги ёзувлар, корхона ва вазирликлар, бирлашмалар номларини кўрсатувчи ёзувлар барчаси қорақалпоқ тилида, бъазан ўзбек тилида такрорланган ҳолда ёзилади.

Қорақалпоқ тили учун янги ижтимоий хизмат турларидан бири кино санъатидир. Ҳозирги даврда "Қорақалпоқфильм" студияси ўз имкониятига қараб қорақалпоқ тилида кинофильмлар суратга олмоқда ва режалаштирилган фильмларни дубляж қилиш билан шуғулланмоқда. "Қорақалпоқфильм"да ишлаб чиқарилаётган кинофильмларнинг ҳаммаси давр руҳига монанд миллий қадриятларни улуғлашга, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишга undайди.

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тили ижтимоий функцияларини кенгайтириш борасида республикада олиб борилган саъй-харакатларнинг самараси ўлароқ, у кўпчилик соҳаларда ўз ижтимоий хизмат ва вазифаларини тиклади, қолган соҳаларда ҳам фаол қўлланилишини таъминлаш давр талабидир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИККИТИЛЛИЛИК МАСАЛАСИ

Курбониёзов Г., Ф. Ф. Н., доц. (НДПИ)

Билингвизм ҳодисаси ривожланиш учун қулай ижтимоий асос юзага келгандагина юзага чиқиши ва тарақкий қилиши мумкин. Бундай ижтимоий база мавжуд бўлмаган вазиятда унинг муваффақият қозонишига умид қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам тилларнинг ўзаро таъсири, уларнинг инсонлар турмушида биргалиқда, ёнма-ён фаолият кўрсатиши учун шу тилларда алоқа қилувчи тил эгаларининг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда ва кундаклик ҳаётда мулоқотга киришувлари зарур ҳисобланади.

Психологлар, тилшунослар ва услубшуносларнинг қайд қилишича, билингвизм ҳодисасининг икки хили мавжуд: 1) ўзаро бирга-

ликда уйғунлашган билингвизм; 2) ўзаро муносабатлашган билингвизм [Бондалетов В.: 78].

Биргаликда уйғунлашган билингвизм табиий йўл билан ҳосил бўладиган иккитиллилик бўлиб, у ўқитиш йўли билан эмас, балки табиий равишда турли тилда гапиравчи аҳоли тилларининг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида юзага келади. Бунда шахс тафаккурида, онгида икки тил алоҳида тизим сифатида ривожланади ва бу тизимларга мос келувчи алоҳида тил воситалари инсон идрокида тайёр ҳолида мавжуд бўлади. Бу Л.В.Шчерба таъбири билан айтганда соф билингвизмдир [Бондалетов В.: 78]. Бундай иккитиллилик малакаси кичик ёшда, болаликда икки тил тенг фаолият кўрсатаётган жамиятда ҳосил бўлади.

Ўзаро муносабатлашган билингвизм эса ўқиш, ўрганиш натижасида юзага келади ва шахс тафаккурида бир-бирига муносабатда бўлган икки тил тизими фаолият кўрсатади. Бундай икки тил тизими бир семантик қатор билан фикран боғланган бўлади, яъни иккинчи тилни ўрганаётган шахс доим ўз она тили асосида фикрлайди ва шу асосда бошқа тил воситаси тасаввур этилади, унинг муқобили топилади. Бундай ўзаро муносабатлашган билингвизмда доим бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш анъянаси устун бўлади.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги тилларни социолингвистик жиҳатдан таҳлил қилишда коммуникатив мұхит ва социолингвистик зона тушунчалари ниҳоятда аҳамиятлади. Чунки бу ҳудудда яшаётган халқлар ва улар тилларининг тарқалиш ҳудудлари табиий, иқтисодий, маданий, психологияк алоҳидаликка әгади, бу уларни ўзига хос социолингвистик ареал сифатида тасаввур қилишга имкон беради. Шунга асосланиб, Қорақалпоғистон ҳудудидаги тилларни иккита катта социолингвистик зонага ажратиш мумкин: 1) жанубий - ўзбек тилли зона, 2) шимолий - қорақалпоқ тилли зона.

Бу икки социолингвистик зона ўз характеристи, халқининг таркиби, лисоний-психологик жиҳатлари, урф-одатлари, тиллар муносабати, миллий хусусиятлари, иқтисодий тараққиёти, маданий қадриятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланиб туради. Бу зоналарда тилларнинг тарқалиши ҳам ўзига хос. Уларда билингвизм, полилингвизм, диглоссия (бир тилнинг ҳар хил кўринишлари) ҳодисаларининг тарқалиш даражаси, таркиби, характеристи турлича. Қорақалпоғистон тиллар вазиятининг мураккаблиги шундаки, бу ҳудудда истиқомат қилаётган халқларнинг барчаси она тилларига әга. Баъзи тилларнинг қўлланиш доираси, ижтимоий хизмат ва вазифалари ниҳоят даражада тор бўлса ҳам, улар ҳали ўз ижтимоий функцияларига әгадир.

Кузатишларимиз шимолий зонада қорақалпоқ адабий тилига яқин умумхалқ қорақалпоқ оғзаки сўзлашув тили ҳукмрон эканлигини кўрсатади. Мазкур ҳудуд бўйлаб яшаётган барча миллат ва элатлар ва-

киллари бу тилни тұла ўзлаштирган. Айниңса, ўрта мактабда ўқиёт-ган болалар, ижтимоий мекнат билан шуғулланувчи катта ёшдаги-лар бу тилни бекаму күст билади ва ўзларининг ижтимоий фаолият-ларида ундан фойдалана олади. Бундай ижтимоий вазият мазкур худудда она тили - қорақалпоқ тили иккитиллилигининг кенг ёйили-шига имкон яратған. Демак, бу худудда қозоқ-қорақалпоқ, ўзбек-қора-қалпоқ, туркман-қорақалпоқ иккитиллиликлари кенг тарқалған. Худуд-да қадимдан қозоқ ва қорақалпоқ халқлари ижтимоий, сиёсий, иқти-садий, маданий, диний, майшың ҳаёт жабхаларида ҳамкорликда күн кечириб келмокқа. Қозоқ ва қорақалпоқ халқининг нафакат тиллари, балқи түрмуш тарзи, урф-одати, миллій харakterи, маданияти ҳам бир-бирига жуда яқын. Бу яқынлық улар тилларининг бир-бирига таъсири, ўзаро бир-бирини бойитишини таъминловчи омилдир.

Мустакиллик йилларида маҳаллий тилларга бўлған эътиборнинг кучайиши боис билингвизм полилингвизмга айлана бошлади. Қайд этиш жоизки, Қорақалпоғистон худудида фаолият кўрсатаётган зи-ёлиларнинг кўплари Ўзбекистон олий ўқув юртларини тутатған. Улар қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилигини эгаллаган.

Худудда бундан ташқари туркман-қорақалпоқ иккитиллилиги ҳам мавжуд. Туркмандарнинг кўччилиги Туркменистан ҳудуди билан че-гарадош худудларида яшайди. Улар Кўнгирот, Шуманой, Хўжайли туманларининг ғарбий худудларида ўтроқлашган. Туркмандарнинг деярли барчаси иккитилли хусусиятга эга.

Худудда, айниңса, шаҳарларда, туман марказларида корейс миллатига мансуб аҳоли тарқоқ ҳолда яшайди. Улар корейс-қора-қалпоқ иккитиллилиги соҳиблари дирлар.

Худуд аҳолиси таркибини кузатиш, уларнинг лисоний хусусият-ларини таҳлил қилиш бу худудда яшаётган қозоқ, ўзбек, туркман, корейс миллатига мансуб кишиларнинг оммавий иккитиллилигини кўрсатади. Жумладан, қорақалпоқлар ҳам қозоқ тилини тұла эгал-лагани боис оммавий иккитилли аҳоли жумласига киради.

Рус тилли аҳолининг аксар қисми қорақалпоқ тилини яхши билади. Булар сирасига Қорақалпоғистонда туғилиб, шу ерда ўсган рус-ларни киритиш мумкин. Айни чоғда рус халқи вакиллари кекса ав-лодининг баъзилари қорақалпоқ тилини етарли билмайди. Улар қисман иккитилли аҳолидир. Худудда яшаётган қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек, туркман аҳолиси бир неча тилли аҳоли, шу сабабли ҳам улар-ни аралаш иккитилли аҳоли дейишишга ҳақлимиз.

Қисқаси, қорақалпоқ тилли шимолий социолингвистик зона худуд-дий иккитиллилиги билан ажralиб туради ва унда қорақалпоқ-қозоқ иккитиллилиги фаол кўлланади.

Ўзбек тилли жанубий зона Қорақалпоғистон тиллар вазиятида энг катта социолингвистик зона ҳисобланади. Зонада она тили-ўзбек тили иккитиллилиги кенг тарқалған. Булар туркман-ўзбек, қозоқ-ўзбек, қора-

қалпок-ўзбек, рус-ўзбек, корейс-ўзбек типидаги иккитиллилиқдир.

Туркман-ўзбек иккитиллилигига эга бўлган аҳоли сон жиҳатдан ўзбеклардан кейин иккинчи ўринда туради. Уларнинг кўп қисми Амударёning ўнг томони, яъни Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида, озгина қисми Амударёning чап томонидаги Амударё туманида ҳаёт кечиради.

Жанубий социолингвистик зонада кенг тарқалган икки тилликнинг яна бир кўриниши қозоқ-ўзбек иккитиллилигидир. Қозоқ миллатига мансуб кишилар Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё туманларида яшайдилар. Уларнинг энг кўп жойлашган худуди Беруний туманидир. Ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётган катта ёшдаги аҳоли қатламлари ўзбек тилини билади. Қозоқ тилида сўзлашувчи диасфорага уни қуршаб турган ўзбек тилли мухитнинг таъсири ниҳоятда кучли.

Худудда қорақалпоқ-ўзбек иккитиллилиги ҳам мавжуд. Худуддаги қорақалпоқ-ўзбек тилли аҳоли ҳам тарқоқ ҳолда яшайди. Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилгач, бу зонада ҳам қорақалпоқ мактаблари, баъзи жойларда қорақалпоқ синфлари ташкил қилинди. Рус ва корейс миллатига мансуб кишиларнинг иккитиллилиги индидувал характерга эга бўлиб, уларнинг бу социолингвистик зонадаги ўрни ва мавқеи таъсир кучига эга эмас.

Хуллас, шимолий ва жанубий зона тилларидағи ички жараёнлари ўзига хос тарзда намоён бўлади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР ТИЗИМИ ҲАҚИДА

Исломова Д., п.Ф.н. (Тошкент, 228-мактаб)

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф(гурух)ларнинг ўзбек тили дарсларида насрый асарлардан олинган парчалар устида олиб бориладиган ишлар икки хил таълимий мақсад учун хизмат қиласди: 1) ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини изчиллик билан ошириш ва ривожлантириш; 2) нутқини ўстиришга маълум даражада ҳисса қўшиш. Биринчисига эришиш учун ўқувчиларда ўзбек тилидаги матнларни ўқиб мазмунини тушуниш кўнникмаси, яъни нутқий фаолиятнинг ўқиш тури билан боғлиқ кўнникмалар ҳосил бўла бориши даркор. Зоро, ўзбекча нутқий фаолиятнинг тўртала тури (ўқиш, тинглаш, сўзлаш, ёзув) етарли даражада эгалланмас экан, адабий матннинг гоявий-бадиий жиҳатларини англаш ҳам оқсайверади, асарнинг тарбиявий таъсири ҳам кутилганидек бўлмайди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларнинг ўзбек тили дарсларида насрый асарлардан олинган парчалар, яхлит ҳикоялар устида олиб бориладиган ишлар "асар таҳлили" деб эмас, балки умумий қилиб матнга доир берилган "савол ва топшириқлар устида ишлаш" деб юритилади. Демак, савол ва топшириқлар устидаги

ишилар маълум даражада асар таҳлили вазифасини бажаради. Одатда, бундай дарслар структураси икки босқичли бўлади: 1) асарни ифодали ўқиши; 2) савол ва топшириқлар устида ишлаш. Лекин бундай ажратилиш шартли, чунки савол ва топшириқлардан ифодали ўқиши босқичида ҳам фойдаланилмаса, ифодали ўқиши юқори савияга кўтарилилмайди. Бунинг боиси шундаки, ўқитувчининг ифодали ўқишидан кейин ҳам ўқувчилар ифодали ўқиши топшириғини кутилганидек бажара олмайдилар. Шарҳли ўқиш, асар таҳлилигина ўқувчиларни асарни тўлиқ ва чукур идрок этишга тайёрлаши баробарида ифодали ўқишига доир кўрсатма бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Маълум бўладики, адабиёт ўқитиш методикасида қўллаш одат тусига кирган "асар таҳлили" тушунчаси "савол ва топшириқлар устида ишлаш" тушунчаси орқали ўзбек тили дарсларида кенг оммалашган. Шунга кўра ҳам биз методик мулоҳазалар юритган ўринларда "асар таҳлили" терминидан ҳам фойдаланишни маъқул деб топдик. Савол ва топшириқлар устида олиб бориладиган ишилар аниқ; ўқувчилар саволларга жавоб топадилар, топшириқларни ёзма ёки оғзаки бажарадилар. Бу ерда ўқитувчи олдида ўқувчиларнинг мустақиллик, ижодийлик даражаси қандай бўлиши керак деган муаммо тугилиши мумкин, холос. Лекин русийзабон ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган асар таҳлили қандай ўтказилиши зарурлиги аниқ эмас.

Албатта, асар асосида бажариладиган ишилар савол ва топшириқларсиз амалга ошмайди. Методика фани учун айни савол ва топшириқларнинг қандай тузилиши кераклигини асослаш мухимdir. Чунки айни шу материаллар таҳлил структурасини белгилаб бера олади. Насрий асар таҳлилини тўғри ташкил этиш учун ҳар бир матн юзасидан бериладиган савол ва топшириқларнинг бир тизимга бирлашган тавсифда бўлиши шарт эканлигини ҳаммага аён ҳақиқат. М.Б.Ганженко мактаб адабиёт дарсларида келтириладиган савол ва топшириқлар ҳақида гапириб, улар ўқув материалини ўзлаштиришни ташкил этувчи асосий методик омил эканлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, "...савол ва топшириқлар адабий асарни ўрганишга доир барча ишиларнинг йўналишини белгилаб беради, бадий матнни ўрганишнинг энг тўғри ва рационал йўлини танлаш учун имконият яратади, таълим олдида турган вазифаларни мажмуавий ҳал этишга кўмаклашади"(Ганженко М.Б.) Бунинг акси бўлса, яъни савол ва топшириқлар асосан асар мазмунини ўзлаштиришга қаратилса, таълим олдида турган вазифалар мажмуавий ҳал этилмайди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларнинг ўзбек тили дарсларида насрий асарлар юзасидан бериладиган савол ва топшириқларнинг вазифалари ва аҳамияти русийзабон ўқувчиларнинг имкониятларига кўра ўзига хослик касб этади. Ушбу

савол ва топшириқлар бадиий матн юзасидан ташкил этиладиган ишлар мундарижасини ифода этади: матн мазмунини түлиқ ва чуқур тушуниш ва идрок этиш тадбирларини белгилаб беради; матнни адабий-тасвирий воситалари жиҳатидан таҳлил қилиш тартиби ва изчилигини кўрсатади; ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш мазмунига ишора қиласди, насрый асар таҳлилини тарбиявий ишлар билан органик қўшиб олиб бориш ишини уюштиради; ўқувчиларнинг матнни ўқиб-ўрганишларидаги мустақиллик ва фаоллик, мустақил фикрлаш даражасини тайин этади.

O'ZBEK TILI DARSLARIDA SHE'RIY ASAR TILINI O'RGANISH

Eshchanova G.N, p.f.n. (TVPI)

Ma'lumki, she'riy til nasriy tilga nisbatan murakkab va ohangdor bo'lib, maxsus badiiy vositalar - qofiya, vazn, ritm, poetik intonatsiya, poetik sintaksis kabi misollarni bilishni taqozo qiladi.

O'qitivchi she'riy asar tilini tahlil qilishda dastlab ularni nasriy asar tilidan farqli ravishda o'z o'lichovlariga egaligi haqida ham ma'lumot beradi.

5-sinf "O'zbek tili" darsligida berilgan Po'lat Mo'minning "Bargchalar" she'ri ifodali o'qilar ekan, o'quvchilarga shoirning barglarni qanday tasvirlashi, "Qanot qoqib ucharlar", "Barglarni silarmi mayin shamol g'ir - g'iri", "Shamol bilan o'ynashib" "Tepada chapak chalar", "Sakrab-sakrab ucharlar", "Kiz raqsiga tushrlar" tasviriy vositalarning ma'nosini iziohlab, sh'eriylar nutqning o'ziga xos xususiyati bo'lgan vazn, turoq, qofiya, misra, band haqida ham tushuncha beriladi.

43

Kuz kelganda // bargchalar = 7a

Qanot qoqib // ucharlar = 7a

Yo shohlarda // zerikib = 7b

Yerlargami // tusharlar = 7a

Bu parcha 4+3 turoq tarkibida yartilgan, qofiyalanishi a-a-b-a tarzida tugal bir fikrni ifodalovchi she'riy bo'lakdir. Bunday she'riy bo'lak band deyiladi. Bu she'riyatning o'ziga xos xususiyatlaridir.

Shu tarzda o'quvchilar vazn, qofiya va band haqida dastlabki ma'lumotga ega bo'ladilar.

O'quvchilarning bu xususiyatlar haqida ma'lumotlarga ega bo'lishlari she'riy asarda badiiylikni ta'minlab bergen birliliklarni anglashi ushbu birliliklar orasidagi yangi aloqalarni tushunib etishiga, til birliliklarining ap'shimcha ma'nolari bilan tanishish imkonini yuzaga keltiradi. Natijada oquvchilar she'riy asarning ichki aloqalarini anglash bilsin birga fikr va g'oyani ham to'liqroq tushunish ivkoniyatuga erihsadilar.

Bu esa shubhasiz o'quvchilarda she'riy asarlarga muhabbat uyg'otibgina qolmay, voqelikni estetik his qilish va undan zavqlanish, lazzatlanish tuyg'ularini yuzaga keltiradi.

She'rni ifodali o'qish va matn ustida ishlash jaraynida she'rning mazmunini o'quvchilar puhta va chuqur anglashi, obrazlarni ularning ko'z oldida yaqqolroq gavdalantirish uchun obrazli ifodalar - jlonlantirish, o'xshatish, istioralarning ahamiyati va ayrim misralarninfg ma'nosи, haqida suhbat o'tkaziladi.

O'qituvchi: Shoir barglarni qanday tasvirlaydi?

O'quvch: Shoir kuzda barglarning daraxtdan uchib tushishini, qushlar qanot qoqib uchishiga o'xshatadi.

O'qituvchi: Barglar gapishtini biladimi? Nima uchun shoir eshitilar ----ba'zida barglar shivir-shiviri", deydi.

O'quvchi: Barglar jonsiz, ular gapishtini bilmaydi, ammo shamoldagi shitirlashlarini shoir barglarning shivirlashishi deb tasvirlaydi.

O'qituvchi: Shoir bargchalarni yana qanday holatlarda tasvirlaydi?

1. O'quvchi: Shamolda uchishini yellar bilan o'ynashib, o'yin qurishadi deydi. Daraxt shohida qolib shamolda bir-biriga urilib turishlarini "Tepada chapak chalar" deb tasvirlaydi.

2. O'quvchi: Yana barglarni o'yinqaroq bolalarga ham o'xshatadi, ularni shamolda uchib yurishlarini "Ular sevinib kuz raqsiga tusharlar" deb tasvirlaydi.

Shundan so'ng o'qituvchi o'quvchilarga shu she'rda qo'llangan badiiy vositalarni izohlaydi.

Xususan, she'rda jlonlantirish san'atidan shoir nihoyatda mohirona foydalanib bargchalarning ajoyib obrazini yaratganligini aytadi. Jlonlantirish badiiy vositalardan biridir. Bunda ijodkor insonga xos qobiliyat va xususiyatlarni: so'zlash, his qilish, fikrlash, harakat qilish va hokazolarni jonsiz narsalar va tabiat hodisalariga taqaydi.

O'qituvchi jlonlantirish haqida o'quvchilarga tushuntirgach, o'quvchilarga she'rni ifodali o'qitadi va unda qo'llanilgan jlonlantirishlarni toptiradi. Mashg'ulotni shu tarzda olib borish natijasida boshqa tilda ta'lif olayotgan o'quvchilar she'rnig g'oyaviy mazmunini to'liq o'zlashtirish bilan birga she'rni idrok etishlari, undagi obrazlar tizimini anglash va qabul qilishlariga imkon yaratadi.

Natijada o'quvchilar she'rda voqelik haqida mushohada yuritib, o'z o'y fikrlarini obrazli so'zlar orqali bog'lanishi nutq shaklida ifodalashga harakat qiladilar. Shubhasiz lug'at ishi o'quvchilarga qo'l keladi. Lug'at ishi orqali she'riy asar tilini o'rganishi natijasida o'quvchda aql-zakovat, tuyg'u ya tasavvur yuzaga kelib, so'z yordamida badiiy tasvir vositalari orqali o'zbek tilining boy imkoniyatlarga egaligini anglab yetadilar.

Yuqoridagilardan ayon bo'ladiki, ie'riy asar tilini o'rganish she'rni o'rganishdan ko'zkangan maqsadlarga erishishda myhim ahamiyat kasb etadi va uning emotsional ta'sirini kuchaytiradi

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ ЎРНИ. Сидиқова М., катта ўқитувчи (ТДПУ)

Русийзабон талабаларининг ўзбек тили бўйича билиш фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг давлат тилини амалий ўрганишга бўлган қизиқишининг кучайтириш учун машғулотларда ўқитишнинг анъанавий усуллари, янги педагогик технологияларни қўллаш билан бир қаторда мустақил ишларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳозирги кунда талабаларнинг билимини ва фанга нисбатан дарсни чуқур ўзлаштириш мақсадида олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида талабалар мустақил ишини бажариш бўйича самарали усуллар жорий этилмоқда. Талабалар мустақил ишлари топшириклари фанга ва фан ўқитувчисининг маҳоратига оид ҳар хил шаклда ва усулда тузилиши мумкин.

Талабаларни тилни ўрганиш жараёнида бажарадиган мустақил ишларга асосан қўйидагилар киради:

- ёзма ва оғзаки шаклда машқларни, уй вазифаларини бажариш;
- мустақил мавзулар бўйича матнлар тузиш, ўқиб ва сўзлаб бериш, таҳлил қилиш;
- номаълум матнларни таржима қилиш, сўзлаб бериш;
- дарс вақтида қисқа матнни оғзаки ва ёзма таржима қилиш;
- лингафон тизими, видео ва компьютер технологиялари ёрдамида мутоала қилиш;
- амалий дарсларда билим савиясига қараб ўзаро диалоглар, сұхбатларни ўюштириш, жуфтлик тарзида қисқа репетиторлик жараёнларини амалга ошириш;
- ёзма ишлар, назорат саволлар ва тестларнинг жавобларини тайёрлаш;

Талабаларнинг тил ўрганиш жараёнида мустақил ишларини асосан икки турга бўлса бўлади: ёзма ва оғзаки. Ёзма турдаги мустақил ишларни ташкил этиш асосан ёзув қонун - қоидалари, гап бўлаклари, тузилиш ва таҳлилини ўзлаштиришга ёрдам беради. Оғзаки мустақил ишларнинг амалий ҳаётдаги ўрни бекиёсdir. Аслида ёзма турдаги мутолаларнинг барчаси оғзаки нутқни ўстириш, мустақил сўзлашга олиб келиши учун биринчи босқич, пойдевор бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун тилни ўрганишда энг аввало ёзма тарздаги мустақил ишларга, ёзувни, сўз ва гапларни тузиш қонун - қоидаларига эътибор бериш даркор.

Тилни ўрганиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, ҳар бир талабаларнинг бошланғич тайёргарлиги, характеристи, психологик ҳолати, қобилияти, иқтидори, интизоми ва мақсадлари, иштиёқи ва тиришқоқ-

лигига қараб алоҳида-алоҳида ўқитиш услубларини танлаш лозим.

Айниқса, уларнинг ҳар бирига алоҳида тарзда юқоридаги хусусиятларни эътиборга олган ҳолда мустақил ишларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин. Қолаверса талабалар мустақил ишларини текширишда уларни рағбатлантириш, тегишли мотивацияни, қизиқишни ўйғотиш самарали ҳисобланади.

Талабалар мустақил ишининг энг асосий ижодий томонлари қўйидагилардан иборат:

- талабанинг ўзида изланиш қобилияти ўйғонади;
- фанга ва мутахасислигига нисбатан қизиқувчанлиги ортади;
- ҳар бир мавзунинг мазмунини чукур тушуниб долзарблигини англаб етади;
- талабалар ўртасида ўзаро илмий ва ижодий боғланиш кучайди, ўзаро баҳслашади;
- топшириқларни ўз вақтида ва эркин қийналмасдан бажариш хусусияти пайдо бўлади;
- ўзбек тилини чукур ўрганишга имкон туғилади ва бундан маънавий озуқа олади;
- савияси паст талабаларда иқтидорли талабаларга нисбатан ҳавас, интилиш қизиқувчанлик ҳисси ортади, уларга эргашадилар;
- талабалар томонидан ўзбек тилидаги китоб ва газеталарни кўпроқ ўқиш талаби кучайди, кунлик эҳтиёжга айланади;

Ўқитувчи талабалар мустақил ишларининг мавзусини тузишда юқорида айтилган хусусиятларга қўшимча ҳолда мавзунинг миқдорини кўпайтириш ва сифатини ошириш, айниқса, талабаларнинг қизиқиши индивидуал ҳолда эътиборга олиниши лозим. Сабаби талабалар мустақил равишда топшириқларни бажариш учун ўzlари қизиқсан мавзуларни танлаб олса, дарс янада қизиқарли ва талаб даражасида ўтиши мумкин. Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири талабани мустақил билим олишига ўргатишдан иборатdir. Шундагина талаба билими мустаҳкам бўлади, чукурлашади, ижодий мулоҳазалари кўпаяди.

РУСИЙЗАБОН ТАЛАБАЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА МАТНЛАРНИНГ ЎРНИ

Тухтаева Б. ўқитувчи, (НавДПИ)

Номиллий гурӯҳ талабаларига ўзбек тилини ўргатиш уларнинг нутқ маданиятини шакллантириш, уларнинг билимини бойитиш, нутқ кўнникмаларини ҳосил қилиш, ижодий қобилиятини тараққий эттириш каби муҳим масалаларни ўз ичига олади.

“Миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қила-диган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик,

динлараро бағрикенглик каби тамойиллар "нинг маъно моҳиятини бугунги кунда мамлакатимиизда олиб борилаётган маънавий - маърифий, таълим - тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқарааш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат. (И.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент. "Маънавият" 2008 йил, 75-бет.)

Русийзабон гурухларда дарс жараёнида кўпроқ оғзаки нутқ ва талаффузга эътибор берилади. Талабаларнинг рус тилидаги ва ўзбек тилидаги қиёсий грамматикасига эътибор қаратилади, шунинг учун русийзабон гуруҳ талабалари ўзбек тилини дастур ҳажмида амалий эгаллашлари учун кўпроқ турли хил дарс усувларини қўллаш талаб этилади.

Грамматикани яхши ўзлаштирган талаба нутқида камчиликлар кўп бўлади. Ўзбек тилининг лугат бойлигини ўзлаштириш оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини оширади. Масалан, I босқич номиллий гуруҳ талабаларига мўлжалланган дастурда талабалар оғзаки нутқини ўстириш учун матнлар берилган. Шуларнинг бири "Бурч" матнидир. Аввало бурчнинг нима эканлигига изоҳ берилади. (Что такое - обязательство?)

- бурч деганда нимани тушунасиз?
- конституцион бурч деганда-чи?
- яна қандай бурчларингиз бор? (оила олдидаги бурч, ота-она олдидаги бурч, ватан олдидаги бурч, касбий бурч)
- сизнингча, сиз бурчнингизга садоқатлимисиз?

Лугат устида ишлаш

Бурч - обязательство

Оила - семья

Ота - она - родители

Ватан олдидаги бурч - обязательство перед отчизной

Конституциявий бурч - конституционная обязательство

Садоқат - преданность

Лугатда берилган сўзларни талаффуз қилдириш ва шу сўзлар иштирокида гаплар туздириш мақсадга мувофиқ.

Шундан сўнг "Кластер" усулидан фойдаланиш мумкин:

2. Талабалар гурухларга ажратилиб, "Талабанинг бурчи нимадан иборат" мавзусида тақдимот методидан фойдаланиш мумкин.

Хозирги кунда таълим ўз ижроциларига ташаббускорлик, билимдонликни талаб этади. Дадил ҳаракат изланишлар ва шижоат туфайлидир. Шижоатни эса инсонга ўзбек миллий педагогикасининг йирик намоёндаси Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, мактаб, устоз, илм-маърифат баҳш эта олади.

МАЛАКА ОШИРИШ ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР МИНБАРИ

ТАРБИЯЧИННИГ БАХО БЕРИШ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ Миржалолова Л., п. ф. н., доц. (Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ)

Янги педагогик технология талабига кўра мактабгача таълим муассасасида болаларга билим бериш билан бир вақтда ушбу билимлар даражасини ташхислаш, баҳолаб бориш, таълим ва тарбия натижаларини назорат қилиш, мониторингини юритиш ҳам талаб этилади. Биринчидан, бола ўзини-ўзи назорат қилишга ўрганиши, иккинчидан, тарбиячи ҳам меҳнат натижаларини (ютуқ ва камчиликларини) кўра олиши, бунинг учун болаларнинг ривожланиш савиясини назорат қила ва баҳолай билиши даркор. Лекин айни шу масалада ёш тарбиячилар катта қийинчиликларга дуч келадилар.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари аниқ бир ёшдаги боланинг ривожланиш стандартларини, боланинг ютуқлари ва ривожланиш даражасини баҳолаш имкониятини берувчи индикаторларни белгилайди. Маълумки, бунда бола шахси ривожланишининг тўртта йўналиши асос қилиб олинган. Булар: жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; ижтимоий-хиссий ривожланиш; нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик; билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англашдир. Бу тўрт йўналиш биргалиқда бола ривожланишининг баркамоллиги ва яхлитлигини таъминлайди. Давлат талаблари жамият аъзоларининг мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши ҳақидаги билимларини яхшилашга, ота-оналарнинг тарбия соҳасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари учун тайёрланган таълим дастурлари ва методикаларини баҳолаш укувларини шакллантириш мақсадини ҳам кўзда тутади.

Масалан, Давлат талаблари асосида 24-36 ойлик болаларни ривожлантириш кўрсаткичларини "Нутқ, ўқиш ва саводга ўргатиш" йўналишига кирувчи "Нутқ" бўлими бўйича ўрганганда, бола "предметлар ва уларнинг бўлакларини, ҳаракатларини ва сифатларини айтиб беради (машина, унда руль, ғилдираклар бор, у юради, у катта); катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришади, илтинос орқали мурожаат қиласди, ўз ҳаракатларига эътиборни тортади; "ким?" "німа?" деган саволлар беради; катталарнинг кўрсатмаларини бажаради; ундош ва унли товушларни айтади; 3-5 сўз орқали гапиришга ҳаракат қиласди; қисқа шеърларни қайтаради" деган индикаторлардан келиб чиқиласди. Улар тарбиячининг меҳ-

нат натижаларини назорат қилиш учун асос вазифасини бажаради.

Малака ошириш курсларида тарбиячиларни болалар ривожла- нишига баҳо бериш фаолиятига ўргатишни ҳам мақсад қилиб қўйиш керак. Бунда уларнинг касбий, методик билим, амалий педагогик малакаларидағи бўшлиқларни тўлдириш, болаларнинг билимларини назорат қилиш ва қай даражада эканлигини ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш мезонларга доир маълумотларини ошириш, шу йўл билан мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўзда тутиш лозим. Маъруза матнида тарбиячиларнинг иш тажрибасидаги қий- инчиликлар (ҳисобга олиб бориш шаклини юритишдаги ноаниқлик- лар, болаларнинг ривожланишидаги ютуқ ва камчиликларни қайд этиб бормаслик, ҳамма болалар билан бирдай ишламаслик) муно- сабати билан уларнинг болалар ривожланиш даражасига баҳо бе- риш малакасини оширишга қаратилган тавсиялар берилиши за- рур. Бундан тарбиячиларнинг назарий тайёргарлигини такомил- лаштириш (педагогика, психология, хусусий методикалар бўйича йўл-йўриқлар бериш, Давлат талабларининг ўзлаштирилишини таъминлаш), "Педагогик диагностика", "Болаларнинг ривожлани- шидаги муваффақиятларни ҳисобга олиб бориш" мавзулари бўйи- ча тушунчалар ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилади.

Курсларда ўқиладиган маърузалардан ташқари, муаммоли се- минарлар; мавзувий маслаҳатлар ташкил этиш; тингловчиларга курс ишлари бериш мумкин.

"Педагогик диагностика" мавзуси бўйича ўқиладиган маъруза орқали тарбиячининг касбий лаёқатини ошириш, ўз ишига, таъ- лим мазмуни ва методларига фарқли ёндашувни жорий этиш, болаларнинг эришаётган муваффақиятларига баҳо бериш борасида изланишга ундаш кўзда тутилади.

Амалий машгулотларда курс қатнашчилари бўлмиш тарбиячи- лар тренинг масалаларини ечадилар, шу билан педагогик диагно- стика ҳақида олган билимларини амалда кўллаш амалиётини ўтай- дилар.

Давлат талаблари асосида болаларнинг ривожланишидаги муваффақиятлар сифат ва миқдорий кўрсаткичларни қайдлаб бориш учун ҳар бир чоракда уларни баҳолаб турish мезонларидан келиб чиқиш керак. Бунинг учун эса технологик карта ёки, Е.В.Ивашченко бошланғич мактаб учун тавсия этганидек, йилма-йил тўлдириб бориладиган дафтар (журнал) тутилиши, уларда диагностика маълумотлари тўплаб борилиши ва таҳлил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Болаларга ҳар чоракда қўйиладиган баҳо уларнинг ривожлани- шидаги ютуқ ва камчиликларни умумий тарзда кузатиб бориш им- конини беради. Масалан, болаларда сўз бойлигининг шаклланиши "3" ёки "4" баҳо билан белгиланса, ушбу баҳолар орқасида турган сўзлар миқдори (500, 700, 1000 ва ҳоказо) ноаниқ бўлиб қолади.

Шунинг учун тарбиячи болаларнинг сўз бойлигини бир йилда бир ёки икки марта таҳминан аниқлаш ва шахсий дафтарида қайдлаш имконини берувчи назорат ишларини ўтказиши керак. Шундагина у таҳлиллар асосида ҳар бир боланинг ривожланишидаги ютуқларни аниқ билиб боради ва шунга қараб ахволга баҳо беради. Бунинг натижасида ўз машғулотларни режалаштиришга муносабати ҳам ўзгаради. Чунки у бола нимада қийинчилик сезаётгани ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлади.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, тарбиячиларга болаларнинг ривожланишидаги муваффақиятларни назорат қилиш ва баҳолаш борасида назарий ва амалий ёрдам кўrsatiш учун малака ошириш курсларида шунга доир илмий, методик, ташкилий, технологик тайёргарликлар амалга оширилиши ва дарс мазмунидаги замонавий талаблар ўз ифодасини топиши лозим.

КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ТАЛАБЛАР Муратходжаева З., ўқитувчи (ТДПУ)

Хозирги кунда давлатимиз зиёлилари олдида турган долзарб вазифалардан бири "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш масаласидир. Чунки республикамиизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг келгусидаги тақдирни, жамият истиқболи бугунги кунда тайёрланаётган ёш мутахассисларга, уларнинг илмий салоҳиятига бевосита боғлиқ. Президентимизнинг "Замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини ўйлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор", - деб таъкидлашлари бежиз эмас. (Каримов И. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Баркамол авлод. Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. -Т.:Шарқ, 1997. - 64 бет.)

Сўнгги йиллардаги кескин ўзгаришар натижасида таълим тизими, унинг мақсади, турлари, мазмуни орасидаги узилиш кўзга ташланиб, педагог кадрлар тайёрлаш жараённада ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий муаммолар кўндаланг бўлиб қодди. Булар:

- педагогик фаолиятга бўлган талабларнинг ўсиши;
- педагогик таълимнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи;
- мутахассисларнинг талабга мос келмаслиги, жамият талабларининг ўзгариши сабабли таълимнинг ўзгарувчанлиги ва меҳнат шароитларига мослашуви;
- шахснинг ҳар томонлама ривожланган ва шахсий мустақил фаолиятининг кўринмаслиги, қатъий касбий маҳоратнинг этишмаслиги;
- педагогик фаолиятнинг унумсизлиги каби муаммолардир.

Ана шу муаммолар қаторида ёшларни педагогик фаолиятта тұғри тайёрлаш мухим үринде туради.

Педагогик фаолият ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ҳәётта, меңнатта тайёрлаш, халқ өз давлат олдида ўз масъулиятини ҳис қыла оладиган кишиларни тарбиялаш учун маҳсус тайёрланған кишиларнинг меңнат маҳсулидир.

Педагогик фаолиятда маҳорат жуда мухим үрин тутади. Үқитувчининг шахсий фазилатлари, унинг билимлари, амалий қўникма-малакалари ўзаро бирлашиб педагогик маҳоратни вужудга келтиради. Шу сабабдан педагогик маҳорат педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези сифатида талқин этилади.

Хозирги шароитда педагогик таълим олдида турган асосий вазифа илмий-маданий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий етук мутахассисларни тайёрлашдан иборат экан, талабаларнинг касбий фаолият билан шуғулланиш жараёнида унинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи муайян педагогик-технологик билимларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради.

Аммо амалдаги бир даражали таълим меңнат бозори талабарини ишлаб чиқаришдаги тузилиши ўзгаришларини тўла ҳисобга олмаганлиги, кўпгина үқитувчи, педагог ва тарбиячиларнинг бўш тайёргарликлари, уларнинг паст билим ва мутахассислик даражалари жиддий муаммо бўлиб қолди. Хозирги вақтга келиб илмий ва илмий-педагогик кадрлар ёшининг кексайиб бориши кузатилмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасаларида 40 ёшгача бўлган фан докторлари сони уларнинг умумий сонининг фақат 0,9 фоизигина ташкил этади, 50 ёшдагилар ва ундан юқорилари эса 79 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"га биноан олий таълимнинг мақсади ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлай оладиган, юксак маънавий ҳамда ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали, рақобатбардош, педагог кадрларни тайёрлашдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач республика ҳукумати томонидан мутахассислар тайёрлаш, хусусан педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омиллар, воситаларни тадқиқ этиш масалаларига дикқат-эътиборнинг қаратилаётганлиги бу соҳада кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга нисбатан назарий йўлланма бўлди.

Мана шу муаммолар юзасидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари натижаларига кўра шахснинг педагогик касбга йўналганлиги:

- 1) унинг педагогик касбга қизиқиши ва фаолиятнинг ушбу тури билан шуғуланишга бўлган иштиёқи;
- 2) болаларга бўлган муносабат, педагогик меҳнатга иштиёқ, педагогик кузатувчанлик қобилиягининг мавжудлиги билан аниқланади.

Бу ҳақда ўз даврининг етук педагог олимлари Н.В.Кузьминина ҳамда В.А.Сластенинлар ҳам қимматли фикрларини билдирган эди.

Ана шу мақсадларга асосланган ҳолда, фикримизча, педагогик фаолиятга тайёрлаш - мавжуд касб моҳиятини англаш, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрнини тўғри баҳолаш, шахснинг лаёқат ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда касбга нисбатан бурч, маъсулиятлиликни шакллантиришга йўналтирилган фаолият шакли сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Педагог олим А.В.Бойметов педагогик фаолиятга интилиш сабабларини ўрганиб, уларни 3 гурухга ажратган:

1. Мажбурийлик натижасида.
2. Фанларни ўқитишга бўлган қизиқиши ва манфаатдорлик натижасида.
3. Болалар билан мулоқотга киришиш (болаларни севиш) натижасида юзага келувчи интилиш.

Кузатишлар шуни кўрсатади, педагогика олийгоҳларида таҳсил олаётган ва ўқитувчилик касбини танлаган барча ёшларда ҳам педагогик фаолиятга нисбатан қизиқиши бир хилда эмас. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра педагогика олийгоҳига хужжат топширган 30%дан 43%гача бўлган талабалар ўқитувчилик касбига нисбатан ижобий муносабатларини билдиришган! Тахминан 32% талабалар олийгоҳга бирор-бир фанга бўлган қизиқишилари, ота-оналарининг тавсиясига биноан ўқишга киргандарини таъкидлашган. 23%дан 30%гача бўлган талабаларда касб танлашда ўқитувчилик фаолияти ёки касбга йўллаш фанларига асосланганлик эмас, балки олийгоҳга кириш истаги, олий маълумотнинг нуфузга эга эканлиги (қизлар учун) яққол сабаб сифатида кўрсатилган. Ammo, ёшларни бошқа турдаги таълим муассасаларига, техника, медицина йўналишларига кириш сабаблари билан таққослаганда, у ердаги талабаларнинг 65% ўз касбий қизиқишилари асосида ўқув юртини танлашлари маълум бўлди.

Натижаларни таҳлил қиласар эканмиз, педагогик фаолият самародорлиги шахснинг касб танлаш мотивацияси, шахсий ва касбий зарурый сифатларнинг ривожланиши билан белгиланади.

Педагог касбини ўзлаштириш даражасининг кўтарилиши касбий билимларга нисбатан эҳтиёжни талаб қиласади. Бу эса олий мактабдаги таълим жараёнининг мазмуни билан белгиланади.

Олий таълим жараёни ўзининг мазмуни билан бўлаjak мутахassisic шахсини шакллантиришга қаратилган вазифани амалга оширади. Унга илмий ёндашувлар эса таълим мазмуни, билимлар, ма-

лака ва кўникмалар, қарашлар ҳамда эътиқодлар, шунингдек, билиш назарияси кучи, амалий тайёргарликлар ривожланишининг муайян даражаси тизими йифиндиси сифатида изохланади.

Таълим мазмунининг моҳияти унга бўлган турли ёндашувлар билан белгиланади.

Ҳозирги давр таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмунининг моҳиятини шахсга йўналтирилган ёндашувини майдонга олиб чиқди. Бу ёндашув марказида шахс туради. Бундай ёндашув таълим мазмунини эркин танлаш имкониятини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш жараёнида шахснинг таълимий, маънавий, маданий ва ҳаётий талаблари қондирилади. Энг муҳими, шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабати намоён бўлади, маданий-таълимий шароитда ўқиш индивидуаллиги ва мустақил ҳаракат қила олиш имконияти шаклланади. Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, назарий билим ва ишлаб чиқариш тараққиёти даражасига мос равиша ўзгариб туради.

Бугунги кунда олий таълим тизими олдида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Мутахассислар тайёрлашнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш давр талаби саналмокда.

Дарҳақиқат, таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Бунинг учун эса, жаҳон педагогикасининг, айниқса, ривожланган давлатларда таълимнинг ўзига хос жиҳатларини миллий таълим-тарбия моделимизга тадбиқ этиш муҳимдир.

Ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Япония, Франция, Германия таълим тизимидағи ўзига хос ёндашувларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улардаги таълим мазмуни инсон омили учун хизмат қиласиди. Унинг эҳтиёжлари, қизиқиш ва имкониятлари, қобилияти, таълим мазмунини белгилашда муҳим асос бўлиб саналади. ТТТу боис ривожланган мамлакатларда таълимни интеграциялаш, махсус курслар ва мактаблар ташкил этиш, таълимни табақалаштириб олиб бориш муаммоларига алоҳида зътибор беришади.

Шундай экан, таълим-тарбия соҳасида самарали ислоҳотларни амалга оширишда ёш авлодда билишга нисбатан онгли ёндашувни қарор топтириш, илмий-техника тараққиёти, янги технологик шароитда муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-хунарга йўналтиришда ўрта таълимнинг кўп вариантли босқичини жорий этиш, таълим мазмунини яхшилашда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг муҳим тизимларини яратиш каби чет эл тажрибалари ни ўрганиш айни муддаодир.

МАЛАКА ОШИРИШ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ Шодмонова М., аспирант (ЎзПФТИ)

Бугунги кунда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш, жумладан, жамият маънавиятининг таянч кучи бўлган адабиёт дарсларини тўғри ташкил этиш учун адабиёт ўқитувчиларида касбий фаолиятни методик жиҳатдан тўғри йўлга қўйишга янгича ёндашувни қарор топтириш малака ошириш тизими олдидаги долзарб муаммольардан саналади.

Касбий тайёргарликни ривожлантириб бориш мутахассиснинг муайян даражадаги умумий ва маҳсус тайёргарликка эришиши, ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини замонавий даражада ривожлантириб боришини талаб этади. Бу эса янгича ёндашув асосида ишлашга қизиқадиган, уни амалга оширишга интигувчан, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларга зарур тавсиялар беришни тақозо этади. Бунда ўз касбини севиш ва касбий ривожланишга нисбатан мотив (ички ва ташқи)лар мавжуд бўлгандагина ўзига хос ёндашув асосида ишлайдиган "шаклланган" педагогнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш мумкин. Агар аксинча бўлса, яъни "Зарур илмий савияга, етарлича профессионал ҳозирликка эга бўлмаган, касбий тайёргарлиги паст бўлган кучсиз ўқитувчilar учун методиканинг аҳамияти йўқ. Бундай ўқитувчи "умуман" ўқитаверади (Қ.Йўлдошев).

Тадқиқотни амалга ошириш' ва таҳлил натижалари мактаб адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш курсларининг вазифалари қўйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди:

- мактаб адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришга эришиш;
- мактаб адабиёт ўқитувчиларида ўз фаолиятларини танқидий таҳлил қилиш, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш;
- педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ташкил этишга кўмаклашиш;
- мактаб адабиёт ўқитувчиларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан таништириш асосида уларни янги педагогик технологиялар яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларда қатнашишга тайёрлаш.

Мактаб адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида қўйидаги тамойиллар асосий ўрин эгаллайди:

- ўрганилаётган мавзу тингловчидағи мавжуд билимларни тақрорлаш, такомиллашлаштириш әмас, балки методик, дидактикалықтар асосида "нимани" ва "қандай" бериш зарурлигини ривожлантиришга қаратилиши;

- таълим жараёнининг оддийдан мураккабга, умумийликдан хусусийлик томон бориши;

- шахсий тажрибани таҳлил қилиш ва унинг асосида ўртага ташланган муаммони ҳал этиш мақсадида реал далилларни келтириш;

- шахснинг устувор хусусиятларидан бошқаларни камситиш учун әмас, балки жараён мазмунини бойитишида фойдаланиш;

- жамоа билан ишлашда "Мен" концепциясидан қочиш ва ундан намуна, этalon, сифат күрсаткичи сифатида фойдаланишни бошқалардан талаб қиласлик.

Мазкур тамойиллар негизида мактаб адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида қуйидаги ахлоқий талабларга риоя қилиш тақозо этилади:

- Фикр туғилганды рухсат сўраб (кўл кўтариш орқали) сўзлаш;

- интизомга қатъий риоя қилиш (машғулотларга кеч қолмаслик, жамоада ўзини тутиш меъёрларига амал қилиш; ўзгаларни тинглай олиш; муаммо доирасидагина сўзлаш (фикрнинг аниқлигига аҳамият бериш); машғулотларда фаол иштирок этиш; ўзгаларга ёрдам бериш; таълимга нисбатан жиддий ва ижодий ёндашиш).

Мавжуд манбаларни ўрганиш асосида мактаб адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида машғулотларни ташкил этишини қуйидаги босқичлар асосида амалга ошириш тавсия этилди:

1. Мавзу моҳиятини тўғри англаш.

2. Мавзу доирасида ҳал этилувчи муаммоларни аниқ кўра олиш, уларнинг ечимларини олдиндан тахминий башоратлаш имкониятига эга бўлиш.

3. Машғулот мавзусига таянган ҳолда етакчи ва хусусий мақсадларни аниқ белгилай олиш.

4. Тингловчиларни танланган стратегия бўйича тўғри йўналтириш.

5. Улар учун керакли воситалар ҳамда маълумотлар базасини тавсия қилиш.

6. Ўрганилган муаммо ечимининг амалий аҳамиятини ташхислаш ва баҳолаш.

Тавсия қилинган босқичлар асосида иш кўриш адабиёт ўқитувчиларини ўз фаолиятларини ташкиллаштиришда янги мавзуларга мурожаат қилишга ундейди. Белгиланган мақсад тўлалигича амалга ошишига имкон яратилади. Ўкув мақсади аниқ бўлган дарснинг йўналиши ҳам аниқ бўлади. Психологларнинг фикрича, мақсади аниқ бўймаган инсоннинг фаолияти ҳам аниқ бўймайди.

Адабиёт ўқитувчиларида малака оширишга эҳтиёж, интилиш пайдо этиш учун уларда ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини ривож-

лантириш мухим. Зеро, бадий адабиётни севмаган, хис қилмаган ўқитувчи дарс бермасин, чунки адабиёт ўқитувчиси ҳам билим бериади, ҳам тарбиялайди (С.Долимов).

ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ТАВСИФ БИЛДИРУВЧИ СҮЗЛАР БИЛАН БОЙИТИШ

Ниёзметова Р., пед.ф.д., доц. (ТДПУ)
Болтаева А., (Ангрен, 4-мактаб ўқитувчи)

Жамиятимиз равнақи, ҳаётимиз истиқболи, авваламбор, атрофидаги одамлар билан чиқиша оладиган, уларни тушуна била-диган, оқни қорадан ажратишга қурби етадиган баркамол авлод-га боғлиқ. Маънавий бой ёшларни камол топтириш талабини амалга оширишда адабиёт дарслари мухим ўрин тутади: айни шу дарсларда ўқувчи ўз сұхбатдошини түгри англаш учун имкон берувчи турфа ахлоқий фазилатлар билан танишади, шу тушунчалар бойлигини эгаллаш асносида атрофидаги одамларга түгри баҳо берадиган даражага етади.

Бошланғич синф ўқувчилари дастлаб асар қаҳрамонларига яхши, ёмон, меҳнатсевар, ишёқмас деб баҳо берадилар, кейинроқ бундай сүзлар бойлиги аста ортиб боради. Юқори синфларда ўқувчилар нутқи янгидан янги фазилатлар ифодаси бүлмиш тавсиф билдирувчи сүзлар билан жадал бойийди. Садоқат, меҳрибонлик, поклик, одиллик, саховат ва бошқа шу каби сүзлар билан танишиш, улардан асар қаҳрамонларига тавсиф беришда фойдаланиш ўз навбатида ўқувчи қалбига ва шуурига таъсир этади.

Кузатишлиар шуни күрсатадики, ўқувчилар ахлоқий фазилатларга доир тор доирадаги тушунчаларни биладилар. Адабиёт дарсларида бундай тушунчалар асар таҳлили муносабати билан тилга олинади. Ваҳоланки, уларни маълум қилиш асносида нутққа олиб киришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундай сүзларга изоҳ бериш ҳам талаб этилади. Асар қаҳрамонига тавсиф беришда ўқитувчи ёки дарслик муаллифи ахлоқий фазилатларни ифода этувчи у ёки бу тушунча қаердан олинганлигини тушунтирмайди. Аслида ёзувчи ўз баёнида асар қаҳрамонига тавсиф бериб боради. Демак, биринчи навбатда, ўқувчиларни асардан ахлоқий фазилатларни англатувчи сүзларни ажратиб боришга, асар таҳлилида улардан мустақил фойдаланишга одатлантириш лозим.

Ўқувчиларни 5-9-синфлардаги таълим мобайнинда муайян изчилликда ахлоқий фазилатларга доир күплаб тушунчалар билан изчил танишири бориш, ушбу сүзларни улар нутқига сингдириш учун шундай сүзларнинг мактаб адабиёт курси доирасида ишлатиладиган қисми рўйхати тарзида ўқитувчининг қўлида

бўлмоғи даркор. Бундай рўйхатни тузиш, ўқувчи тушуна олмайдиган тушунчаларга изоҳлар тайёрлаш, рўйхат асосида асарлар таҳлилида ўқувчиларни уларни асардан топишга, маъносини англашга, асар қаҳрамонига бериладиган тавсифлардан фойдаланишга ўргатиш адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Адабиёт дарсларида асар қаҳрамонларига тавсиф (характеристика) бериш жараёнини ташкил этиш хусусида фикр юритмаган методист олим бўлмаса керак. Истиқлол йилларида К. Йўлдошев, Т. Бобоев, С. Матжонов, М. Мирқосимова, К. Хусанбоева, С. Яминова сингари қатор олимларнинг тадқиқотлари бунга ёрқин мисол. Айниқса, К. Йўлдошев, К. Хусанбоева-ларнинг тадқиқот ишлари ва монографиялари, методик қўлланмаларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириш муносабати билан уларни асар қаҳрамонлари ҳақида ўзининг холис фикрини айтишга ўргатиш масалалари ёритилган.

О.Мусурмонова ўзбек мактабларининг адабиёт дарсларидағи камчиликлар ҳақида гапириб, шундай дейди: "... ўқувчиларга дарс бериш жараёнида турли тушунчалар ҳақида билим берилади-ю, лекин бурч, номус, муҳаббат, дўстлик, яхшилик, қабоҳат,adolat, шахсиятпарастлик, фахр, уят, фаразгўйлик, инсонпарварлик, эрк, озодлик, баҳт ва баҳтсизлик, уларнинг моҳияти ҳақида жуда кам суҳбатлашилади".

П.Равшанов, Н.Мирқурбоновлар баркамол авлодни шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган қўйидаги ахлоқий тушунчаларга эътибор қаратадилар: "Адолат, элпарварлик, ватан, илм-фан, меҳнат, ҳунар, ота-она, аёлларга муносабат, устозу шогирд, камтарлик, тенг кўриш, саховат, тўғри сўзлик, ростгўйлик, ишқ, вафо, ҳиммат, самара, дўстлик, кайфият, такаллум, меҳмоннавозлик, ҳаёб, одоб, поклик, хотирлаш, бадбинлик, золимлик, манманлик, шуҳрат, ичиш, мастилик, қариллик, ҳолни билиш, мансаб, нафс, баҳиллик, таъма, худбинлик". Юқоридагилардан ташқари, дўстга садоқат, дўст-душманнинг кимлигини фарқлаш, фаросатлилик, эзгулик ва ёвузлик, улар ўртасидаги кураш, гўзаллик, олижаноб, суҳбатдаги табиийлик ва самимийлик, меҳр-муруvvатлилик, бағрикенглик ва бошқа кўпгина ахлоқий тушунчалар мавжуд.

Тавсиф билдирувчи сўзлар билан ўқувчиларни танишитириш, асардан бундай сўзларни топиш, улардан таҳлил жараёнида фойдаланиш савол ва топшириқларда акс эттириш, ўқувчилар нутқида фаоллаштириш, бу хусусда методик йўл-йўриқлар бериш лозим. Бундай иш турлари ўқувчилар нутқини оширишда, ёшларни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

МАКТАБДА ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Аҳмадалиева Г., тадқиқотчи
(М.Улуғбек тумани 54-мактаб)**

Мактабда география ишлари қанчалик муваффақиятли ҳал этилса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга шунчалик кўпижобий таъсир этади. Ватанпарварлик ҳислари буйруқ ёки қарор билан эмас, балки маҳаллий материаллар асосида ўз оиласини, дўстларини, яшаб турган жойини, меҳнаткаш халқни, қишлоқни, шаҳарни севишга атрофдаги табиатда ва хўжаликда бўлаётган ўзгаришларни онгли равишда тушунишга ўргатади.

География дарсларини маҳаллий материаллар билан боғлашда ўқувчилар билан ўтказиладиган экскурсиялар, кузатиш асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўқув дастурида кўрсатилган экскурсияларни ўтказиш ҳар бир география ўқитувчининг диққат эътиборида бўлиши керак. Ўқувчилар ўзлари яшаб турган жойини чукурроқ ўрганиш билан унинг ҳам хўжаликдаги аҳамиятини ва ўз вилояти, шаҳри, туман экономикасидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлайдилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган жой тупроғи, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ва худуднинг экология жиҳатдан қандайлигини ўрганадилар ва ҳаказо.

Маҳаллий материалларни география дарсларига боғлаб олиб бориш, шунингдек, унга асосланиш назарий билимни амалий фаолият билан мустаҳкамлаб бориш мактабда таълим - тарбия ишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Кўйида янги дастур асосида V синфда "Табиий география бошланғич курси" да айрим мавзуларни ўрганишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш йўллари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Мавзу: Жой плани ва географик ҳариталар.

Ўқитувчи томонидан ўзи яшаб турган жойнинг расмда ва жой планида тасвиirlаниши ўқувчиларга ўргатилади. Жой плани унинг масштаби, шартли белгилари, йўналишларини аниқлаш амалий жиҳатдан кўрсатилади. Шунингдек, компас ёрдамида мактаб жойлашган жой бўйича кўриш ўқувчиларга тавсия этилади. Компас ёрдамида ўқувчиларнинг қандай ҳаракатланиши ўқитувчи томонидан тушиуниллади. Ўз жойининг нисбий ва абсолют (мутлоқ) баландликлари ўрганилади. Жойдаги паст- баландликлар, горизонталлар билан тушиуниллади. Асосийси, инсонларнинг амалий фаолиятида планлардан фойдаланиш кераклиги уқтириллади.

Маҳаллий материаллар асосида жой планини тузиш ишларига ўқитувчи маъсулдир. Масалан, ўқувчилар билан ўтказиладиган экскурсия давомида улар жойда турли географик обьектларга дучкелиши ишлари ва бу обьектларни планга туширишлари даркор. Ўқув-

чилар экскурсияга чиқишдан аввал экскурсияга бориладиган обьеттинг плани тузиб чиқилади. Ўқувчилар тузган пландан куйидаги саволлар тузиш мумкин. Сиз экскурсия давомида қанча масофани босиб ўтдингиз? Қандай шартли топографик белгилардан фойдаландингиз? Шартли белгиларни ўқувчилар дафтарларига ёзадилар. Жой планини тузиш асосида ўқувчиларга топографик ҳикоя ёзишни ҳам ўргатиш керак. Масалан, Рустам деган ўқувчи Самарқанд вилоятида яшайди. Давр тақозаси билан бир куни Бухоро вилоятида яшовчи Ботир деган ўқувчи билан дўстлашиб қолади. Рустам дўсти Ботирга топографик белгилар асосида хат ёzáди. Шу йўсинда вилоятимиздаги ҳар бир мактаб ўқувчисини жой планини мустақил ўрганишга ўргатишимиз зарур. Чунки, улар келажакда ҳарбий учувчи, муҳандис, агроном, қурувчи ва бошқа касб эгалари бўлишилари мумкин.

Янги таянч дастур асосида умумий таълим мактабларининг V синфида ўтиладиган "Табиий география бошланғич курси" да "Ўзимиз яшайдиган жой" деган мавзуда ўз жойидаги маҳаллий материаллар ҳақида кўпроқ билим бериш лозим.

Билимларни умумлаштиришда ўқувчилар дарслиқдаги топшлириклар бўйича ишлайди-лар. Масалан, ҳаритадан Арабистон яс-ситоғ эканини исботланг: ўша яссигоғликнинг қайси кўринишлари сиз яшайдиган жойда учрайди ёки ўртача баландликдаги тоғни кўрсатинг. Ўз жойи табиатини ўрганишнинг бошқа усуулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, синфдаги ўқувчилар 4 тадан гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурух битта қобиқ бўйича ўз фикрларини айтади. Бир гурух ҳикоя қилаётган қобиқнинг қайси томонлари ўзлари яшаб турган жой табиатида такрорланишини айтиши ва гурухларнинг саволларига жавоб бериши керак. Ўқувчилар ўз жойининг табиатини ўрганиш билан бирга аҳолисини ҳам ўрганишади.

Мавзу: "Ўз жойининг аҳолиси"

Таълимий мақсад: Ўқувчилар онгидаги ўзи яшаб турган жойидаги аҳолига ва қишлоқ аҳолисига оид тушунчаларни ривожлантириш. Жойидаги аҳолининг хўжалик фаолиятидаги асосий хусусиятлар ва уларнинг табиатга таъсири ҳақида ташвишларни кенгайтириш ва шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Республика маданият ва илм соҳасида тенг хуқуқлилиги, мустақил республикамида олиб борилаётган ишларнинг афзаликлари ҳақида фикрларни кенгайтириш. Уларда тенг хуқуқ, ўзаро хурмат, ватан-парварлик, меҳнатсеварлик ҳисларини уйғотиш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда ўқитувчи томонидан тушунтирилган маълум-отлар замерида уларни аҳоли ҳақида таҳлил фикрларини ривожлантириш, содда жадваллар тузишга ўргатиш.

Дарсга оид қўлланмалар: Жаҳон ва Ўзбекистон аҳолиси ҳақида

маълумотлар. Ўз вилояти аҳолисининг миллий таркиби ва уни тасвирловчи диаграммалар. Дарслик ва ўкув атласи.

Методи: Янги мавзуни баён, сұхбат, мунозара, ўқувчиларни мустақил ишлатиш ва таққослаш методларида ушбу ўрганилади.

Аҳоли сонини эсга олиш мақсадида ўқувчилар билан қўйидаги саволлар асосида сұхбат ўтказилади:

1. Ер шарида қанча аҳоли бор?
 2. Аҳолининг ўртача зичлиги қандай аниқланади?
 3. Ўзбекистон аҳолиси қанча ва бу ерда қандай миллатлар яшайди?
 4. Сиз яшаётган аҳоли пункти Республика пойтахтидан қанча масофа узоқда жойлашган?
 5. Сиз яшаб турган жойда қанча аҳоли яшайди?
 6. Аҳоли сони қандай аниқланади?
- Ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси картасида ва вилоят карталарида машқ қилиш йўлларини ўргатади. (Ҳар бир ўқувчидаги атласнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир).
- География дарсларида маҳаллий материаллардан ўринли ва самарали фойдаланиб, мазмунли ва қизиқарли дарс ўтсак, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонунни талабларига ҳам жавоб берган бўлар эдик.

ФОРС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Пўлатова М., катта ўқитувчи (Навди)

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" ги Қонун ва "Кадралар тайёрлаш миллий дастур" и жорий этаётган таълим - тирбия тизимининг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу хужжатлар барча фанлар қатори чет тили - форс тилини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига ўқитишнинг илгор усуllibарини жорий этишини ҳам тақозо қилмоқда. Чунки бизнинг пировард мақсадимиз ҳам чет тилларни ўз она тили қаторида яхши биладиган, мустақил фикрловчи баркамол авлодни тарбиялашдир.

Форс тили фани олийгоҳда 2-3-семестр давомида ўрганилади. Режадаги 96 соат дарснинг ҳар бирини янги бир усул билан ўтишга ҳаракат қиласиз. Жумладан, интерфаол дарс усуllibари ҳисобланмиш "Музёrap", "Ахборот узатиш", "Ақлий хужум", "Таянч сигналлар", "Кичик гурухларда ишлаш", "Қўлланмалар билан ишлаш", "Кубик", "Зигзаг", "Давра сұхбати", "Блок" дарс усуllibари ва бошқалар.

Бундай интерфаол усуllibарни таълим тизимида қўллаш жараёнига асосан қўйидаги талаблар қўйилади:

- таълимга эслаб қолиш эмас, балки ақлий фаолиятни ривожлантирувчи жараён сифатида баҳо бериш;

- билимларни статистик моделдан ақлий фаолиятни динамик курилганлиги;

- тизимиға ўтказиш;

- биргина қобилятили, фаол талабага асосланган таълим эмас, балки кенг қамровли аудиторияга мослаштирилган қоидаларга асосланган таълимни ташкил этиш;

- ҳар бир талабанинг шахсий, иродавий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Юқоридаги интерфаол усулларда ташкил этилган дарслар асан түрт босқичдан иборат бўлади: Даъват, Англаш Фикрлаш, Инсерт.

Даъват - талабаларга топшириқ берилади, дарсдан кутилаётган натижа эълон қилинади. (Ақлий хужум, якка, гуруҳ бўлиб ишлаш).

Англаш - янги ахборотни, фикр, билимни таҳлил (танқидий, қиёсий), синтез қилиш, мақсадли англаш.

Фикрлаш - нутқ, мотив, ўзаро мулоқот, тафаккур.

Инсерт - онг назорати, муҳокама, тушуниш, таянч сигналлар, тафаккур.

Биз форс тили дарсида янги матн устида ишлашда "зигзаг" усулларидан фойдаланамиз. Талабалар матнни ўқиб бўлгач, китоблар ёпиб кўйилади. Биринчи гурухдан бир талаба биринчи гапни бошласа (форс тилида) иккинчи гуруҳ давом эттиради ва ҳоказо. Охирида хулосаланиб баҳоланади. Талабалар дарс давомида асан, мустақил ишлайдилар.

Хулосада шуни таъкидлаш лозимки, дарс интерфаол усулларда ташкил этилганда ўқитувчи механик ахборот етказувчи бўлиб қолмай талаба билан илм ўрганувчи шерикка айланади. Шунда талаба ўзини эркин ҳис этиб, мустақил фикрларини тўлиқ баён этиш имкониятига эга бўлади.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тошпулатов С. (Наманган ш. 18-мактаб)

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери барча соҳада бўлгани каби ҳалқ таълимида бир қанча тилга олса арзигулик ишлар амалга оширилди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги қонунларда жамият тараққиётида мухим ўрин эгалловчи баркамол авлод таълим- тарбиясига доимо алоҳида аҳамият бериб келинган.

Таълим -тарбиянинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланган тил ва адабиёт таълимини ҳам тубдан ислоҳ қилишни давр талаб этмоқда. Жумладан: ҳар бир ўкув машғулотларини бир-бирига ўшамаган педагогик технология машғулотлари асосида амалга оширила бошланди.

Юқоридаги концепцияни амалга оширишда мамлакатимизда фАО-лият күрсатаёттандын тил ва адабиёт фидоийларининг қарашлари, фикрларига суюниб иш олиб борилмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш концепциясининг зарурияти

Ўрта умумтаълим мактабларида, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида олиб бориладиган она тили ва адабиёт таълимини янги шаклларда ривожлантириб бориш ёш авлод тарбиясида истиқбол руҳини сингдирилишига қаратилмоғи лозим.

Хозирги пайтда фан, техника ва маънавий мұхиттіннг эңг сұнғи ютуқлари асосида келажагимиз булган ёш авлод таълим-тарбиясини олиб борищда ўқытувчи, мураббийлардан ўқытишнинг янги шакл ва услубларини яратиш, излаш зарурияти майдонга келмоқда.

Тил ва адабиёт таълимида миллий руҳни сингдирилишини инобатта олиб ҳар бир машғулотни ўқувчилар ёши, руҳий (психологик) холатлардан келиб чиққан холда амалга ошириш лозим.

Тил фаниннинг бўлимлари, уларни ўзлаштиришда илмий тушунчалар берилади. Албатта, бу каби мавзулар ўқувчилар ақлий салоҳияти асосида намоён бўлмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб илмий - бадиий тушунчаларни ўқувчи онгига сингдиришда янги педагогик технология асосида машғулот олиб бориш яхши, кутилган самаралар беради.

Тил ва адабиёт таълими жараёнида янги педагогик технологиялар ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.

Она тили ва адабиёт ўкув машғулотларини ташкил этишда бутун мавзуни ўқувчи онгига сингдиришга қаратилмоғи лозим. Синфдаги барча ўқувчилар ҳам мавзуни тўла ўзлаштиравермайди, ёки қизиқиши яхши эмас. Худди шу жараён ўқытувчидан юксак маҳорат ва ижодкорликни талаб этади.

Бугунги технология ўкувчига қай тарзда, қай усуlda билимлар берилса шунга яраша ўкувчи билимга эга бўлади.

Она тилидан ДТС да грамматик қоидаларни билим, ўкувчини фикрини англаш, ифодалаёттандын фикрини англаш, уз фикри саводли, мантиқий изчилликка риоя этиш орқали амалга оширилади.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун мен ўз олдимга куйидаги мақсадларни қўйдим :

Биринчидан: Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиясини бош мақсади - ДТС талаблари асосида ўкув-тарбия жараёнига ижодий, ташкилий, педагогик шакл ва воситалар асосида амалга ошираман.

Дарсдан ташқари машғулотларда ўкувчиларнинг билим савияларини аниклаб, ўкувчилар билан маҳсус ўкув режа бўйича ишлаб қўйилган талабларга етказаман. Масалан: 2009-2010 ўкув йилида 5 "Г" синфига янги ўкувчилар қабул қилинди. Ўкувчиларнинг она тили ва адабиёт фанидан билим савияларини аниклаб, ўкувчиларни 3 гурӯхга бўлдим ва ҳар бир гурӯх би-

лан алоҳида қўшимча машғулотлар ўтказдим.

- Энг паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ёзувлари чиройли ва тўғри бўлиши учун хусниҳат машғулотлари, фонетика, орфоэпия ва орфография қоидаларини улар онгига сингдириб бораман.

Машғулотлар мобайнида, маълум бир олиб боргандан сўнг ўқувчилар ўртасида "Энг чиройли хусниҳат", "Ифодали ўқиш", ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини кучайтириш ва уларнинг оғзаки, ёзма нутқини ўстириш мақсадида кичик иншолар, ижодий матнлар ва шеърлар танловини ўтказаман ва ўқувчиларни рағбатлантириб бораман;

- Иккинчи гурухга иқтидорли ва ижодкор ўқувчиларни танладим. Бу ўқувчиларга шеър ёзиш, ижодий ҳикоя тузиш, замонавий эртак тўқиши ўйл-йўриклиарини ўргатиб бораман ва бу ўқувчилар билан ҳам юқоридагидек танловлар ўтказаман, энг яхши ижод қилган ўқувчиларнинг ишларини газета ва журналларга эълон қилиш учун тайёрлайгман;

- Учинчи гурухга энг билимдон ўқувчиларни танладим. Бу ўқувчилар билан тест топшириклари, мавзуйи ва эркин мавзуда иншолар, ўқувчиларнинг адабиёт фанидан ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ижодий таҳдил қилишни, мустақил фикрлашни ўргатиб бораман ва "Олимпия заҳиралари" мактабига тайёрлайман.

Иккинчидан : ўқувчиларни янги ва ўтилган мавзуни ўзлаштиришга қаратилган ижодкорлиги.

Янги мавзу ва ўтилган мавзуни ўзлаштиришда анъанавий, ноанъанавий янги педагогикалар усулида ўтишга ҳаракат қиласман.

Дарс мобайнида ўқувчилар онгига миллий қадриятларимизни, миллий анъаналаримизни, миллий истиқбол фоясини ва юртбошимизнинг "Юксак маънаваият-енгилмас куч" асарини сингдиришга ҳаракат қиласман.

- Тил ва адабиёт терминлари, мавзу юзасидан фикрлар жамланмасини чуқур ўзлаштириш.

Тил ва адабиёт таълими жараёнида ўқувчи иштирокининг муҳимлиги.

Янги педагогик усувларда олиб бориладиган машғулотларда асосий шахс бу ўқитувчи ва ўқувчи узвийлигидир. Шунга асосланиб уқитишини янги инновацион усувлари кўлланилади.

Шу жihatдан олиб қаралганда ҳар бир ўқув машғулотлари ўқитувчинг илмий, фалсафий қарашлари асосида ўқувчиларнинг қизиқишлиари ва фанни чуқур ўзлаштиришларига қаратилади.

Ўқитувчи ва ўқувчи маълум бир белгиланган муносабатларда бўлсагина ўқиш, ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш каби вазифалар изчил амалга ошади. Дарс машғулотларида барча ўқувчини бир хил ўзлаштиради деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчидан дарс жараёнида (она тили ва адабиёт таълимида) ўқувчининг бефарқ ва эътиборсизликдан четлатувчи ўйинлар, баҳс, тренинг, сухбат каби дарс турларидан фойдаланиш талаб этилади.

Мундарижа

ФОЛЬКЛОР ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўраева Д. "Авазхон" достонининг лексик қатламини ўрганиш

Раҳмонова М. Халқ афсоналарида улкан одамлар тимсоли

Абдувалитов Е. Қардош халқлар фольклорини қиёсий ўрганиш масаласига доир

Суюнов Х. "Алпомиш" достонини ўрганишда компьютер технологиясидан фойдаланиш

Кувватова Д. Мақолнинг поэма бадииятини белгилашдаги мав-кеи

Ражабов Д. Ўрмак кўшиклиарида мотив уйғуналиги

Жуманазарова Г. Паремаларнинг лингвопоэтик таҳлили

Абдуқодирова М. Маънавият дарсларида мақоллардан фойда-ланиш

Бектаев А. Топишмоқларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни

Адизова Н. Қизиқмачоқлар - ёш авлод тафаккурини бойитувчи бадиҳалар

Тўраева Л. Дехқон олқишиларида эзгу ниятнинг бадиий ифодаси

Ахмедов В. "Сумалак" ҳақидаги халқ қўшифининг инглизча тар-жимаси ҳақида

Omonov J. Adabiy ertaklarni o'qitish muammolari

Эшмуродов А. "Холдорхон" достонида ўхшатиш

Бекназарова Х., Раҳмонов А. Халқ оғзаки ижодининг ўқувчилар нутқини ўстиришдаги ўрни

ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Тўхлиев Б., Юсупова Ш., Райимбердиева З. Академик лицей-ларда юксак маънавиятли шахс тарбияси

Қуронов Д. Адабий таълим ҳақида айрим мулоҳазалар

Ниязметова Т. Мустақиллик даври адабиётини академик лицей-ларда ўрганиш

Қаҳрамонов Қ. Системали ёндашув имконлари

Эшбоева Ф. Омон Мухторнинг "ФФУ" романида маънавий юкса-лишнинг ноањанавий тасвири

Исаева Ш. Инсон маънавияти муаммоларининг бадиий талқини

Дониярова Ш. "Лолазор" романида янгича талқин

Матёқубова Т. Бадиий сўз таровати

Ашуррова Г. Барчадин шарафлиси комил инсон

Ражабов Д., Файбуллаева, Рауф Парфи шеъриятида дараҳт об-рази

Бойсинов С., Хидиров О. Адабий таълимда ўқувчи фикр муста-қиллигини таъминлаш муаммолари

Исанова М. Матн тузиш орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш

Фойибназарова Н. Баркамол авлодни вояга етказишида адабиётнинг ўрни

Райимбердиева З. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг англаш фаолиятини ташкиллаштириш

Мансурова Н. Шеъриятда бадиий кўчимларнинг тутган ўрни

Эшматова Ю. Адабиётдан амалий машғулотларда ҳозирги ўзбек қиссаларида аёл руҳиятини кашф этиш маҳоратини ўрганиш

Ахмедова Ш. Эссада фалсафий мушоҳада

Қамбарова С. Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини синфдан ташқари ўқиш машғулотида ўрганиш

Намозова К. Жадидлар ва маърифий ислоҳатчилик

Ботирова Ш. Адабиёт дарсларида нутқ ўстиришнинг асосий таомиллари

Тошева Д. Мустақиллик даври ўзбек поэмачилигига тарихий шахслар образининг бадиий талқини

Ҳамроева Н. "Авлодларга васият" тарихий драмасида Темур образи

Атаниязова М. "Ҳайратул-аброр" ҳайратлари

Tursunqulova Sh. Barkamol avlodni tarbiyalashda adabiyotning o'rni

Холиқов О. Усмон Азим ижодида тасвир объекти

Suyunova N. Xalq og`zaki ijodi namunalarini o`qitishorqali o`quvchilar faolligini oshirish yo'llari

Сатторова М. Адабий таълимни ривожлантиришда узвийлик масаласи

Абдуллаева Н. Беғубор қалб ардоғи

Лутфидинова Р. Ифодали ўқиш ва маънавий тарбия усувлари

ИККИНЧИ ТИЛНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Ниёзметова Р. Асар танлаш ва миллий маънавият тарбияси

Исмоилов Х. Ўзбек ва рус тилларида равишдошларни қиёсий ўрганиш усулига доир

Курбониёзов Г. Мустақиллик даврида қорақалпоқ тили ижтимоий функциясининг кенгайиши

Курбониёзов Г. Қорақалпоғистонда иккитиллилик масаласи

Исломова Д. Савол ва топшириқлар тизими ҳакида

Eshchanova G. O`zbek tili darslarida she`riy asar tilini o`rganish

Сидикова М. Ўзбек тилини ўқитишида мустақил ишларнинг ўрни Тухтаева Б. Русийзабон талабаларнинг оғзаки нутқини ўстиришда матнларнинг ўрни.

МАЛАКА ОШИРИШ ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР МИНБАРИ

Миржалолова Л. Тарбиячининг баҳо бериш малакасини ошириш

Муратходжаева З. Касбий фаолиятини ташкил этишга оид талаблар

- Шодмонова М. Малака ошириш - самараадорлик омили
Ниёзметова Р., Болтаева А. Ўқувчилар нутқини тавсиф билди-
рувчи сўзлар билан бойитиш
Аҳмадалиева Г. Мактабда география дарсларида маҳаллий ма-
териалларидан фойдаланиш ишини амалга ошириш
Форс тилини ўргатишда интерфаол усууллардан фойдаланиш.
Пўлатова М., катта ўқитувчи (НавДИ)
Тошпулатов С. Тил ва адабиёт таълимидаги янги педагогик техно-
логиялардан фойдаланиш.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

- Мирқосимова М. Ўқувчи қалбига йўл топиш омиллари
Каримова Д. Алишер Навоий ижодидан ноанъанавий дарс
Abdiyev M., Rahmonov S. Adabiy ta`lim va yoshlarni kasbga yo`naltirish
Абдураҳмонова Б., Абдуллаев Ҳ. Тарбиявий ишлар ва уларнинг
самараадорлиги ҳақида
Усмонова К. Илғор педагогик технологиялар - самараадорлик
омили
Жалолова Л. Тил таълимидаги янги педагогик технологияларнинг ўрни
Сатторова Ҳ., Аннаева Л. Замонавий дарс жараёнида янги педа-
гогик технологияларнинг ўрни
Дўстмуродова О., Юнусов А. Адабий таълимда илғор педагогик
технологияларни кўллаш
Бекназарова Ҳ., Раҳмонов А. Халқ оғзаки ижодининг ўқувчилар
нутқини ўстиришдаги ўрни
Жиловов Ж., Абдиев Ж. Ўқитувчи нутқи адабий таълим самара-
дорлиги омили сифатида
Йўлдошев Б. Бадиий ижод ва таълим-тарбия масъулияти (Аск-
ад Мухтор асарлари мисолида)
Qurbanova X. Ona tili darslarida ilg`or pedagogik texnologiya asosida
ekologik tarbiya berish tajribasidan
Баратова Н. Она тили дарсларини мунозара тарзида ташкил этиш
усуллари
Пўлатова М. Форс тилини ўргатишда интерфаол усууллардан фой-
даланиш
Атамуродова Р. Адабий таълимга илмий методик ҳамда техно-
логик ёндашув тамойиллари
Дўйсабаева Д. Комил инсон шаклланишида луғат билан ишлаш-
нинг самараадорлиги
Ибрагимова Р. Ўзбек тили ўқитишда кластерларга бўлиш услу-
бидан фойдаланиш
Мавлонова И. Феъл нисбатларини ўқитишда замонавий усуулдан
фойдаланиш

Адабий таълим ва ёшлар тарбияси

(Республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий
анжуман материаллари асосидаги мақолалар
түплами)
3-китоб

Муҳаррир:
Бадиий муҳаррир:
Техник муҳаррир:

К.Досанов
Б.Ботиров
Ш.Рахимова

Низомий номидаги ТДПУ
Босишига рухсат этилди: 28.01.2010.
Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$ Ҳажми 11 б.т. Адади 100 нусха

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

Қайдлар учун